

САФО ОЧИЛ

МУСТАҚИЛЛИК МАЪНАВИЯТИ ВА ТАРБИЯ АСОСЛАРИ

(Ўзбекистон Республикаси Прези-
денти, академик И. А. КАРИМОВ
асарлари мисолида)

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
нашрга тавсия этган

Профессор КОМИЛЖОН ҲОШИМОВнинг умумий
таҳрири остида

ТОШКЕНТ «УҚИТУВЧИ» 1995

Сафо Очил — серқирра ижодкор. Истеъдодли шоир сифатида унинг шеърий ва қўшиқлар китоблари ўқувчиларга тақдим этилди. Ўз салоҳиятини наср жанрида ҳам синааб кўриб, публицистик мақолалари ва эсселарини нашр қилди.

Адабиётшунос ва танқидчи олим С. Очил ўнлаб адабий-танқидий, илмий-назарий мақолалари ва адабий ўйларини бир илмий-педагогик тўпламга жамлаб чоп қилдирдик, у адабиётшунослик фани равнақига муносаб ҳисса бўлиб қўшилди.

Сафо Очилнинг қўлингиздаги «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари» монографияси Ўзбекистон мустақиллиги даврида амалга оширилаётган ислоҳотлар, рўй берәётган тарбиявий жараёнлар ва тарбияшунослик истиқболидан сабоқ беради.

O 4306010000—70 Axб. хат.—95
353(04)—95

© «Ўқитувчи» нашриёти,
1995

ISBN 5-645-02564-4

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 4 йиллигига бағишилайман.

Муаллиф

КИРИШ

Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб, одамлар у ёки бу шакл ва мазмунда фарзандлари тарбияси билан шуғулланганлар. Ибтидоий жамоа даврида бу жараён баъзан онгли, гоҳида эса онгсиз равишда кечган бўлиши мумкин. Қандай бўлишидан қатъи назар, тарбия усуллари муттасил давом этаверган. Улар даврлар ўтиши, ҳаёт ва турмушнинг мураккаблашиши натижасида тобора чуқурроқ ва кенг маъно касб эта борган.

Тарбия бериш деганда, кимнидир маҳсус бир хонага ўтказиб, фақат панд-насиҳат беришни эмас, балки ўйин давомида, уй юмушлари жараёнида, таълим ва илм ўргатиш вақтида ҳаёт ва турмуш сабоқларини қиёсий йўсинда тушунтиришни; қолаверса, шахсий ўрнак кўрсатиш одатини тушунмоқ ва билмоқ лозим. Шу омиллар бир-бири билан қўшиб олиб борилиши керак.

Инсон асосан, икки йўл билан тарбияланиши мумкин: бирорвларнинг бевосита таъсири, яъни ўргатиши, шукинглек, донолар фикрлари, ўйтлари ва асарларини ўқиш орқали; инсон ўзининг фикрлаши, одамлар хатти-ҳаракатидан, қилган ва қилаётган ишларидан тегишли хуносалар чиқариб олиши; энг қудратлиси — тафаккури воситасида тарбияланиши мумкин.

Алломаларимиз «Агар кишига ҳаётнинг ўзи беролмаса таълим, унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим» дея насиҳат қиласидилар, бу инсон ўз тафаккури ёрдамида таълим-тарбия олиши, одоб-ахлоқ нормаларини эгаллаши, ўзи яшаётган жамият, инсонгарчилик хулқ-авторига хос маънавий-ахлоқий кўникма ва малакаларни ўзида мужассамлаштириши лозимлигини тақозо этади.

Кўпчилик олиму фузалолар тарбия деганда фақат болага тарбия беришни тушунадилар. Бизнингча, бу анча тор тушунчадир. Чунки тарбияга фақат болалар эмас, балки катталар ҳам муҳтождирлар. Ҳозирги кунда эса айрим йигит-қизлар, шунингдек ёши улардан ҳам улуг-

лар одоб-ахлоқ ақидаларига зид иш тутадилар. Бунга далиллар кўп топилади.

Демак, тарбияшунослик инсонни гўдаклигидан бошлиб то умрининг охиригача ҳаёт ва турмуш одобига ўргатувчи ва шу нарсаларни таҳлил ҳамда тадқиқ этувчи фандир. Тарбия ва тарбияшунослик ҳақидаги бу таъриф маъно ва мазмунига одамларнинг бутун умри давомидаги хулқ-атвори, одоб-ахлоқи, бу борадаги миллий анъаналарга садоқат ва шуларга тарбиячи ҳамда тарбияланувчининг тўла амал қилиши, миллий қадрият, маънавият ва маърифатга ҳурмат, иймон ва виждан сингари гўзал фазилатлар сингган.

Ун иккинчи ҳақириқ Узбекистон Республикаси Олий кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Узбекистон Республикасининг Конституциясини¹ чуқур таҳлил қилиб кўрилса, унда юқорида зикр қилинган тарбия ва тарбияшунослик ҳақидаги фикрлар ўз ифодасини топганини кузатиш мумкин. Бошқача айтганда, бизнинг Конституциямиз — миллий тарбия ва тарбияшунослик Қомусидир. Унинг деярли ҳар бир моддасида тарбия маънолари силсиласи мавж уриб турибди.

Унда тарбиячи ва тарбияланувчи сўzlари айнан ишлатилмаса-да, уларнинг бурч ва вазифалари акс этган. Бу ҳақда Президентимиз Й. А. Каримов шундай ёзади: «Тарбиячи — устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак»². Бу ерда тарбиячининг ўзи ҳамиша ўrnак бўлиши зарур деган фикр илгари суриляптики, шу ақида тарбиянинг асосий принципидир.

Уч йилдан ошдики, Узбекистон мамлакати парламент йўли билан мустақилликка эришди. Мустақиллик мағкураси ва ғояси яратилмоқда. Бу мағкура ва ғоянинг, аввалимбор, ислом дини ақидалари, қолаверса, аждодларимизнинг узоқ давр мобайнида тарбия соҳасида ортирган тажрибалари асосидаги таълимотлар негизига

¹ Узбекистон Республикасининг Конституцияси, Тошкент, «Узбекистон», 1992.

² Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг ҳақиқий кафолати. Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1993, 27—28- бетлар.

қурилаётгани халқнинг чексиз ҳурматига сазовор бўлиб турибди. Бу масалага янада ойдинлик киритиб, И. А. Каримов дейди: «Ота-боболаримиз дини бўлмиш Ислом динимизни қадрлаш, унинг таълимоти ва таъсири ҳаёти-мизни, маънавиятимизни янги маъно билан тўлдиришга хизмат қилмоқда. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди»¹.

Энди яқин тарихдаги аччиқ сабоқлар ҳақида қисқа-ча тўхталаийлик. Зеро, бу халқ кўзини очишга, тафаккур оламини бойитишга, миллий қадриятларимиз қадрига етишга тарбиявий таъсир қилишга ёрдам берсин. Ўтган кейинги етмиш йилдан кўпроқ вақт ичиди Ислом дини, мусулмончилик ақидалари, миллий қадрият ва анъана-лар бир чеккага суриб ташланди. Улар ҳақида гапириш у ёқда турсин, ўйлаш ва фикрлаш ҳам мумкин эмас эди. Иймон-эътиқодимизга оид асарлар, миллий тарбия асо-сими ташкил қилувчи Қуръони карим, Муҳаммад алай-ҳиссалом Ҳадислари, тасаввуф ва миллий маърифий-ахлоқий илмлар акс этган китоблар, рисолалар териб олинди, ёқиб ташланди. Бу миллий тарбия ва тарбия-шунослик соҳасидаги энг катта йўқотиш эди.

Мустақиллик шарофати ва Президентимиз И. А. Ка-римовнинг бевосита ғамхўрлиги туфайли тарбияшунос-лик фанининг миллийлиги ҳар соҳада устивор бўлмоқ-да. Шу ақидаларни ўзида мужассамлаштирган муста-қиллик мафкураси ва ғояси халқнинг иймон-эътиқодига айланяпти. Бу муборак ва муштарак ҳодисадир.

Президентимиз, буюк иқтисодчи олим, академик И. А. Каримовнинг ўзи умр бўйи исми жисмига, тутган йўлига, иймон-эътиқодига монанд эканини ало-ҳида таъкидлаш лозим. Эътиқодсиз қалбдан чиққан сўзлар бирорни ишонтира олмайди. И. А. Каримов-нинг ҳар бир сўзи, фикр ва мулоҳазалари халқимиз-га кўтаринки руҳ бағишлийди. У доимо миллий қад-риятларни, аждодларимизга бўлган эътиқодини асраб-авайлаб юрди. Унинг қўйидаги оташин қалб сўзларига диққат қилинг: «Тўғри, замона зайли билан европача таълим олганман, лекин ўзимни танибманки, Худога ишонаман. Ўша пайтлариям одамларни жанозага қат-нашганлари учун жазолаганим йўқ, аксинча, уларга доимо таъкидлардим: «Тўйга бормасларингиз мумкин-у, жанозадан қолманглар». Аммо очиғи, кўпчилик бормас-ди — улар мансабларини йўқотишдан қўрқишиарди.

¹ Каримов И. А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 9-бет.

Гарчанд динга бўлган муносабат ҳар кимнинг ўз шахсий иши эса-да, баъзи нарсаларни айтмоқчиман. Бизни етмиш тўрт йил мобайнида «бирлаштириб» турган Москва юракларимиздан Худони суғуриб ташлаб, ҳаммамизни компартияга сифинтиришга уринди. Жуда кўпчилигимиз ана шу ғоянинг қулларига айландик. Компартия, яъни ўша сунъий худо қулагач, анчамиз эътиқодсиз бўлиб қолдик...

Эътиқод йўқолган жойда доимо чиркин ишлар рўй беради, меҳр-оқибат, бирлик, биродарлик дарз кетади, ишу турмушда барака бўлмайди. Эътиқодсиз тўла мустақилликка эришиш ҳам амри маҳол. Иймону эътиқодни эса дин шакллантиради¹. Комфирқа ҳукмронлик қилган сўнгги даврларда бизнинг Ўзбекистонда ислом динига, Худога, иймон ва эътиқодга қаттиқ ҳужум бўлган эди. И. А. Каримов «ўша пайтлариям» иборасини ўша даврга нисбатан ўқинч билан ишлатяпти. Ўша ҳужум ташаббускорлари ва раҳнамолари аянчли аҳволга тушганлари барчага маълум.

Айниқса, раҳбар халқни ўзига эргаштиришни хоҳласа, унинг иззат-нафсига тегмаслиги, дин-диёнатини ҳақорат қилмаслиги, миллий қадриятларини оёқ ости этмаслиги зарур. У фақат яхшиликни раво кўриши лозим. Шу маънода Президентимиз И. А. Каримовнинг қуйидаги фикри ибратлидир. «Муборак ҳадислардан бирида Аллоҳ таоло қайси бандасига яхшиликни раво кўрса, ўшанга бирор мусибатни юборгайдир» деган. Фаровон турмушга мashaққат чекмасдан, синовлардан ўтмасдан, ўз-ўзидан эришиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин танланган йўлимизнинг натижасига қачон, қандай қилиб эришамиз, деган саволга жавоб топиш зарур. Бусиз биз олиб бораётган сиёсатимизга одамларнинг ишончини жалб қилолмаймиз, ўз муддаомизга етолмаймиз².

Шу ўринда алоҳида таъкидлаймизки, ўз динига, миллий қадриятларига, иймон-эътиқодига садоқатсиз одамнинг ишлари ривож топмайди, обрў-эътибордан, халқ назаридан қолади. Худди шу нарсани Президентимиз яхши билади. Шу боисдан у мустақилликни, унинг мафкура ва ғоясини миллий қадриятлар, аждодлар эъти-

¹ Каримов И. А. Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида (Мақолалар, сұхбатлар тўплами). Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 29-бет.

² Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 281-бет.

қодлари ва тажрибалари асосида шакллантиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Президентимиз қаерда бўлмасин, қаерга сафар қилмасин, у ҳамма ерда ҳам доим ўз эътиқодига содиқ қоляпти. У 1992 йил 15 декабрь куни Миср Араб Республикасига сафар қилган эди. И. А. Қаримов «Ислом динини муҳофаза қилиш ва мусулмон олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун» Ал-Азҳар дорилғунуни илмий кенгашининг қарорига мувофиқ «Ал-Азҳар университетининг фахрий доктори» деган илмий унвонга сазовор бўлди. Унинг иймон-эътиқодига, дину диёнатга садоқатига, ислом динига кенг йўл очиб бериб, уни муҳофаза қилишдаги фидойи-лигига, ҳалқпарварлиги ва инсонпарварлигига, давлатни бошқаришдаги ақл-заковатига, дипломатия бўйича иқтидор ва истеъододига, виждонининг поклигига бутун дунё ҳалқлари, хусусан мусулмонлар дунёси тан бермоқда. Хуллас, унинг ҳалқаро миқёсдаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқдаки, бу ўзбек ҳалқининг фахр-ифтихоридир.

Демак, Президентимиз ҳаёти ва илмий-ижодий, раҳбарлик фаолияти ва дунёқарашидаги ўзига хос милийлик, шахси ва шахсий ўрнаклиги, ҳаёт ва турмуш тажрибалари силсиласи, зукколиги ва камтарлиги, ҳар соҳада тадбиркорлиги ва ташаббускорлиги, ҳурфикрлилиги, мардлиги ва ундаги жасорат намуналарини педагогик нуқтаи назардан ўрганиш зарур. Ўрганилган шу намуналар мажмуасини ёш авлодга тарбиявий йўлланма ва қўлланма сифатида тавсия этиш мақсадида мувофиқдир.

Биз мазкур ишимизда унинг илмий-ижодий фаолиятини, раҳбарлик салоҳиятини, илмий тадқиқотларининг назарий ва амалий аҳамиятини, илмий ишларини умумтаълим мактабларида, махсус ўрта ва олий ўқув юртларида ўргатишга оид методик жараёнларни ва уларнинг тарбиявий ролини баҳоли қудрат ўрганишни мақсад қилиб қўйдик. Зоро, бу саъӣ-ҳаракатимиз Ўзбекистон аҳолиси ва ёш авлодни мустақиллик руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, деган умиддамиз.

Маълумки, мустақил Ўзбекистонга собиқ СССРдан иқтисодий жиҳатдан деярли ҳеч нарса қолмади. Ўзбек ҳалқи 70 йилдан ортиқ давр ичида эртани эрта, кундузни кундуз демай меҳнат қилиб, Марказдаги умумий хазинани тўлдиришга жуда катта ҳисса қўшиб, ўзи қу-

руқ қолаверди. Қазиб олинган ер ости бойликлари — олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо заҳиралари, рангли металлари изсиз кетди.

Мустақил Ўзбекистонга сабиқ СССРдан анча қолоқ, издан чиққан ишлаб чиқариш муносабатлари ва халқ хўжалиги, маърифий-ахлоқий жиҳатдан ўпирилиш, маънавий-маърифий қолоқлик, ўз миллий қадриятларидан маҳрум бўлган жамият мерос бўлиб қолди. Хуллас, мамлакат ҳар жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган эди.

Бу ҳолат ва вазият янги ташкил топган Ўзбекистон давлатида туб ислоҳотлар ўтказишни тақозо этарди. Қандай қилиб бўлса-да, давлат олдида, энг аввало, жуда кўп қийинчиликлар эвазига қўлга кирган шу мустақилликни сақлаб қолиш вазифаси биринчи даражали вазифа сифатида туради. Бу ҳақда И. А. Каримов жуда тушунарли қилиб изоҳ берган эди: «...мустақилликни мен жуда содда тушунаман. Унинг маъноси жуда оддий. Мустақиллик дегани шуки, бизлар, асрлар оша бирорларнинг оғзига қараб яшаган халқ, ниҳоят, ўз тақдиримизни, ҳаётимизни, келажагимизни ўз қўлимизга олдик. Энг муқаддас вазифа — шу буюк неъматни қўлдан бермаслик!»¹.

Мустақил давлатни қўлда сақлаб қолиш учун унинг иқтисодий қудратини ошириш, халқнинг турмуш тарзиини ва фаровонлигини яхшилаш, энг асосийси, халқни давлат ўзига қаратиб олиши ва изидан эргаштириши зарур эди. Тўғрисини айтиш керак, давлат халқ қорнини тўйдирмаса, этнини оутун қилмаса, ота-оналари, фарзандларига қарамаса, унга эргашмайди. Демак, халқни тўйдириш учун аввало иқтисодиётни яхшилаш зарур.

Шу мақсадда Ўзбекистон давлати ва ҳукумати конституцион асосга қурилган, давлат ва халқ манфаатларига, шунингдек жумҳурят шарт-шароитига, миллий анъаналарига мос келадиган ва ижтимоий муносабатларни шакллантиришга қодир бозор иқтисодиётини вужудга келтириш ва уни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйди. Тезлик билан иқтисодий ислоҳотларнинг қуйидаги беш тамойилини ишлаб чиқди:

1. Иқтисодиётни мафкура ақидаларидан холи қилиш;
2. Бош ислоҳотчи — давлат;

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 269- бет.

3. Ҳаётнинг барча жабҳаларида қонуннинг устиворлиги;

4. Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш;

5. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш.

Шу бешта тамойилни ишлаб чиқишида ва уларни ҳаётга татбиқ этишда Президентимизнинг шахсан ўзи раҳнамолик қилиб келди ва бу муборак ишни сабит қадамлик билан давом эттироқда.

Ишда шу бешта тамойилнинг моҳияти, уларни амалга оширишда учрайдиган айрим қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш имкониятлари, қолаверса, ислоҳотларимиз беш тамойилининг тарбиявий аҳамиятини ўрганиш вазифаси қўйилди. Бунда, албатта, И. А. Кағимов асарлари етакчи ўринни эгаллади. У доимо ҳалққа нон керак, тинчлик ва осойишталик зарур, деб таълим бериб келмоқда. Чунки тинчлик, осойишталик бўлмаган жойда, ризқ-рўз, барака бўлмайди. Шу маънода Президентимизнинг қуидаги чақириғи ибратлидир: «— Вақти келади,— давом этади у гўё бирор билан баҳслашаётгандай қизишиб,— митингларга ҳам рухсат берилади, бошқасига ҳам. Аммо ҳозир. қўшни республикаларда бўлаётган митинглар ҳалққа нима берди? Фақат қон тўкилди... Мен ана шундай қон тўкилншиндан чўчийман. Ким нима деса десин, мен бир нарсага аминман: ҳозир ҳалққа митинг эмас, ҳатто демократия ҳақидаги шиорлар ҳам эмас, нон керак, осойишталик керак. Ишқилиб, худо қирғин баротлардан асрасин, қирғин бўлса, аввало ёшлар кетади. Оталар кўз ёшини кўрмайлик, оналар фарёдини эшитмайлик»¹. Зотан, бу улуғвор иш, яъни мамлакатда тинчликни таъминлаш иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бош ва энг муҳим шартларидан биридир.

Шунингдек, Президентимиз ҳамда ҳукуматимизнинг тинчлик сиёсати — истиқлол мағкурасининг таянч нуқтаси ҳисобланади. Ва айни чоқда бу ватанпарварлик туйғуларини янгича йўналишда ривожлантиришининг амалий намунасиdir. Ҳар бир инсон мустақиллик ва унинг мағкурасини ҳимоя қилиш йўлида фидойи бўлмоғи лозим. Ҳалоллик ва фидойилик давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асосий ва муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Ватанпарвар киши-

¹ Қаранг: Ҷ. Ҳаво йўлларида муроқот. «Ҳаёт ва иқтисод» ойномаси, 1992 йил, 11-сон.

янинг ички ҳис-туйғулари тўғрисида таниқли жамоат арбоби, жумҳурият фахрийлар ташкилотлари ўюнмаси кенгашининг раиси Бектош Раҳимов жуда топиб айтган: «Миллий истиқлол мафкурасини яратиш тўғрисида гап очган эканмиз, мен, аввало, яқин ўтмишимиздаги ҳамма нарсадан ҳам воз кечавериш тўғри бўлмасди, деб айтмоқчиман. Юртимизда 40-йилларнинг бошлари-даги воқеаларнинг шахсан шоҳиди бўлганман. Ўшанда ўспирин ёшларимизда ватанпарварлик туйғуси шу қадар кучли эдик, улар ҳатто ёшларини катта кўрсатиб, фронтга боришга интилардилар»¹.

Бектош Раҳимов шу сўзларининг туб маъноси ва моҳияти ёш авлодни фидойи ватанпарвар қилиб тарбиялаш масаласи билан бевосита боғлиқдир. Бинобарин, мафкуравий-ахлоқий жиҳатдан мукаммал инсонлар, содиқ ватанпарварлар, эътиқод-иймони бутун кишилар янги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшишга қодирдирлар. **Мустақиллик — ислоҳот — таълим-тарбия**, булар бир-бирлари билан эгизаклирлар. Уларни ажратиб, кўзланган буюк мақсадга эриниш қийин.

«Янги мустақил давлатнинг тараққиёт йўли ва тарбия асослари» мавзуидаги мазкур асаримизда иқтисодий ислоҳотларимиз принциплари ва моҳиятини И. А. Каҳимовнинг деярли барча тадқиқотлари, нутқлари ва муҳбирлар билан савол-жавобларини салоҳиятимиз имкони доирасида илмий шарҳлаш услубида таҳлил этио, мустақиллик тарбияси асосларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Чунки мустақиллик тарбияси масалалари, қолаверса, ислоҳотларимизнинг бешта таомойили янгича таълим-тарбия асоси экани ҳозиргacha педагогика фани нуқтаи назаридан етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Кези келганда, бир нарсага изоҳ бериб ўтишни лозим топдик. «Янги мустақил давлатнинг тараққиёт йўли» жумласидаги «янги» сўзи бежиз қўлланилмади. Маълумки, темурийлар салтанатининг инқирозидан кейин марказлашган қудратли Туркистон давлати парчаланиб кетди. Бу унинг ҳар томонлами кучсизланишига олиб келди. Шу боисдан ташқи ҳужумлар авжига чиқди. Охир-оқибат бутун Марказий Осиё қудратли давлатлар-

¹ Раҳимов Бектош. Узбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси (Мақоллар тўплами), Тошкент, «Узбекистон», 1993, 52-бет.

га қул бўлди, мутеъ бўлиб қолди. Натижада, мустақиллик орзу-армонга айланди. Бу — масаланинг биринчи томони.

Иккинчи томондан, ҳозир бутун жаҳон техника асрида фаолият кўрсатмоқда. Тузумлар янгича, дунёқарашлар янгича, давлат бошқаруви янгича, халқнинг турмуш тарзи янгича, маданий-маърифий ўзгаришлар янгича, хуллас деярли ҳамма нарса янгича тус олди, барча соҳада янгича маъно ва мазмун ҳукмрондир.

Учинчи томондан, бугунги кунда халқ мустақиллик нинг ўзи қандай бўлиши кераклиги, унинг туб ғоҳияти нимада экани, қолаверса, бу тарихий босқичда давлат бошқаруви кўникма ва малакалари ҳақида кенг тасаввурга эга эмас. Шу каби ва бошқа асосларга биноан «янги» деган сўзни ишлатишни лозим топдик.

Умуман олганда, дунё миқёсидаги буюк жамоат арбоби, истеъодди иқтисодчи олим, Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И. А. Каримовнинг барча асарлари нафақат фаннинг иқтисодий, сиёсий соҳаларига, балки ҳозирги замон педагогикаси фани тараққиёти ва равнақига самарали ҳисса бўлиб қўшилди. Улар инсониятнинг янгича тафаккур оламини тадқиқ этишга ва кашф этишга йўл очиб берди, бир неча ўн йилликлар давомида устивор бўлиб келган маърифий-ахлоқий принципларни ислоҳ қилиш борасида илмий-назарий ва амалий қўлланма ҳамда йўлланма вазифасини ўтамоқда.

УЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛИ ТАРАҚҚИЕТИНИНГ
БЕШ ТАМОЙИЛИ ВА МУСТАҚИЛЛİK ТАРБИЯСИ
МАСАЛАЛАРИ

«Биз аниқ вазиятга, ўзбек халқининг руҳияти, турмуш тарзи ва анъаналарига асосланиб, ўз ислоҳотларимизнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқдик.

Биринчидан, биз иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлигини, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларнинг мағкурадан холи бўлишини эълон қилдик.

Иккинчидан, биз ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи ва республикада амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг изчил ташаббускори бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, бу — қонунчиликни, ҳуқуқнинг устиворлигини таъминлашдир.

Тўртингидан, фуқароларнинг, айниқса, кам даромадли фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг мададига муҳтож бўлган барча кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қиласидан кучли ижтимоий сиёсат биз учун ниҳоятда мухим.

Ва, ниҳоят, бешинчидан, бизнинг шароитимизда бозор муносабатларига ўтиш босқичма-босқич, эволюцион йўл билан амалга оширилиши керак. Доно халқимиз айтганидек: «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг».

И. А. Каримов,

Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов кўрсатиб берган шу бешта тамойил Ўзбекистоннинг буюк келажагини белгилаб беради. Шу долзарб ва жуда муҳим муаммою вазифалар амалга оширилса, халқ фаровонлиги ўсади, ватан куч-қудрати ортади, давлат мустақиллиги мустаҳкамланади.

Шу бешта тамойилни халқ онгига сингдириш зарур. Ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини, уларни амалга ошириш жараёнида туғиладиган масала ва муаммоларни, вазифа ва ишларни айрим-айрим тадқиқ этиб, тарғибот ва ташвиқот олиб бориш керак. Учраши муқар-

пар ва мумкин бўлган қийинчиликларни, уларни бартараф этиш йўл ва усулларини кўрсатиб бериш лозим.

Энг асосийси, мустақиллик ва истиқоллининг ўзи нима? Унинг тарихий илдизлари қандай?— деган саволга жавоб бериш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мустақиллик тарбияси, мағкураси, маънавияти сингари педагогик-руҳий жараёнларни тадқиқ этиш шу куннинг муҳим масаласидир.

1- §. Мустақилликнинг моҳияти ва тарбия сабоғининг йўналиши

Мустақиллик — иймон, эътиқод эркинлиги.

Мустақиллик — миллий қадрият, маънавият ва маданият, маърифат ва дин-диёнат озодлиги.

Мустақиллик — давлатнинг миллий чегараси, иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан даҳлсизлиги.

Мустақиллик — муайян давлатнинг давлат бошқарувига, унинг ички ишларига ҳеч кимнинг аралашмаслиги.

Мустақиллик — миллий тилнинг давлат мавқеинга эга бўлиши.

Мустақиллик — миллий армиянинг барқарорлиги, ягоналиги ва унинг бошқаларга бўйсунмаслиги.

Мустақиллик — давлат ҳудудидаги барча — ер ости ва ер усти бойликлари, шунингдек унга тегишли чегара осмонининг даҳлсизлиги.

Мустақиллик — ташқи мамлакатлар билан ҳар қандай алоқа ва муносабатлар эркинлиги.

Мустақиллик — ўз пулига эга бўлиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча нарсалар ва шу каби муайян халқ ва давлат манфаати учун хизмат қиливчи бошқа омил ва воситаларга ҳеч ким, ҳеч қандай давлат аралашмаслиги керак. Халқ ва давлат мустақиллигининг туб моҳияти, маъноси, мазмуни ва фалсафий мантиқи шуни тақозо этади. Бошқача бўлиши асло мумкин эмас.

Эътиқод — бирор нарсага ҳаддан зиёда ишониш. Инсонда вужудга келган, унинг жон-жонига сингиб кетган бу ишончни сўндириш ва йўқотиш амри маҳол. Қишидаги бу ишонч ўша нарсани атрофлича ўрганиш натижасида тобора кучайиб бориши мумкин. Умуман, одам ишончсиз яшай олмайди. У нимагадир ишоцади, бошқача айтганда, эътиқод қўяди.

Кишини зўрлаб ёки мажбуrlаб бирор нарсага эъти-

қод қўйдириб бўлмайди. У зўрлик ва зулм натижасида ўша нарсага ишондим ёхуд эътиқод қўйдим, дейиши мумкин. Лекин у юзаки, дилда эмас, тilda бўлади. Шунинг учун эътиқод эркинлигини ҳимоя қилиш инсон-парварлик ва ҳуррият вазифасидир. Ватанига, миллатига, халқига эътиқод қўйиш ҳар бир ақли расо инсонга берилган ҳусни неъматдир.

Муҳаммад Закариё ўзининг «Фазоилул аъмол» деган рисоласида шундай дейди:

«Қувғин даврида мусулмонлар тортган ғам, кулфатларни тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо саҳобалар ўз эътиқодида событгина бўлиб қолмай, балки ўз ўртоқлари орасида Ислом нурини таратиш билан банд бўладилар»¹. Бу ерда фикр Ислом динига эътиқод тўғрисида боряпти. Кўриниб турибдики, эътиқодни ҳеч қандай ғам-кулфат, азоб-уқубат йўқ қилолмайди. Билъакс, уни мустаҳкамлаши мумкин, холос. Агар эътиқод чин ва мустаҳкам бўлса! Биз Ватан ва халқ мустақиллигига эътиқодни мустаҳкамлаш ва унинг эркинлиги ҳусусида фикр юритяпмиз. Бинобарин, Мустақиллик ғояси марказида инсон эътиқодини улуғлаш, эркинлигини ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқ буюк вазифа туради.

Иймон ҳам ишониш демакдир. Лекин у турли маъно, мазмун касб этади. Диний маъноси Аллоҳ таолога ва унинг буйруқларига тил ва кўнгил билан ишонишдан иборатдир.

Бироқ иймоннинг тўлароқ маъноси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳадисларида кенгроқ ва батафсилроқ очилади. Чунончи, у ёзади: «Иймоннинг мукаммал бўлмоғининг уч шарти:

— тўғри эътиқодли бўлмоқ;

— кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;

— киши ўз устида ишламоғи ва ўзини ибодат ва итоатга чиниқтиromoғи. Кимки буларни тўла ўзлаштиурса, иймони мукаммал бўлғайдир»². Демак, иймон тушунчалиси эътиқод билан бир қаторда инсон ахлоқ-одоби, илм олиши, маданият ва маърифатли бўлиши, қадриятларга садоқати сингари одоб жараёнлари ва омиллари-ю, яхши хислат ва фазилатларни ўз ичига қамраб олади.

Демак, иймони мукаммал кишини ҳеч қачон ҳеч қан-

¹ Закариё Муҳаммад. Фазоилул аъмол. Тошкент, Чўлпон нашриёти, 1993, 24-бет.

² Ал-Бухорий. Ҳадис, 1-китон. Қомуслар Бош таҳририяти. Т. 1991. 14-бет.

дай йўл ва усул билан оздириш мумкин эмас. Умуман олганда, мустақиллик эркин эътиқод ва иймон фарзанди бўлмоғи лозим. Бошқача айтганда, ўзбек халқининг эътиқод ва иймонини ҳимоя қилмоқ мустақил давлатнинг асосий вазифаларидан бирига айланиши керак.

Миллий қадриятлар ота-боболардан бизгача етиб келган удумлар — Рўза ҳайит, Қурбон ҳайит, Наврўз тантаналари, уруғ-дон экиш ва ҳосил байрамлари, бешик тўйи, суннат тўйи, ўғил уйлантириш ва қиз чиқариш билан боғлиқ тўйлар, жой тўйи, қазо билан боғлиқ турли маърака-маросимлар, шунингдек халқнинг ҳар хил анъаналари — ҳашар, ота-оналарга ҳурмат, ёшларга шафқат, қарияларга мурувват, миллий одоб-ахлоқ меъёrlарига итоат қилиш, илм олиш, оила мустаҳкамлигига эришиш, устозлар қадрига етиш, вафот этганлар қабрини зиёрат этиш, халққа муҳаббат, Ватанни севиш ва ардоқлаш, аскарлик бурчини шараф билан бажариш, байнамилалчи бўлиш, мулойим ва ширинсуҳанлик ва шу кабиларни ўз ичига қамраб олади.

Маънавият ва маданият деганда, инсон хулқ-авторининг гўзаллиги, саҳоват ва ҳимматлилиги, олижаноблиги, ваъдасига вафдорлиги, ҳаёлилиги, билим олиши, донолиги, бағри кенглиги, одоблилиги, озода ва покизалиги, қалбининг беғуборлиги, хушмуомалалиги ва шу сингари ёқимли урф-одатлар тушунилади.

Маърифатнинг асосий белгисини рус олими Н. Г. Чернишевский жуда яхши кўрсатган. Чунончи, у дейди: «...Маърифатнинг инсонга кўрсатадиган таъсиirlаридан бири шуки, у одам дунёқарашини кенгайтиради, унга нотаниш, унинг ҳаётига бегона ҳодисаларнинг асл маъноларини тушунишга ёрдам беради»¹. Демак, маърифатли киши бировларни илм зиёсидан баҳраманд қилишни ўзига мурод қиласи. Маърифат — илм ва маданият нуридир.

Ҳар бир мустақил давлат ўзининг миллий чегарасига эга бўлмоғи лозим. Шу чегара чизигидан мамлакат ичкарисига ўша давлат ҳокимияти ёки ваколатли кишилар рухсатисиз, мақсадидан қатъи назар, ҳеч ким кира олмайди ва кириши ҳам мумкин эмас. Давлат чегарасини миллий армия ва миллий хавфсизлик бошқармаси ҳимоя қиласи.

¹ Чернишевский Н. Г. Танланган педагогик асарлар. Тошкент, «Ўқитувчи», 1989, 46- бет.

Қиссадан ҳисса шуки, давлатнинг миллий чегарасини кўз қорачиғидек ҳимоя қилиш ва унинг даҳлсизлигини таъминлаш лозим.

Мамлакатдаги иқтисодий ўзгаришлар, бу соҳада кўриладиган тадбир-чоралар, ишлаб чиқариш кучлари ва воситалари, ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотлар, шунингдек миллий пул ва валюта билан боғлиқ ишлар бутунлай даҳлсиз бўлмоғи зарур. Давлатнинг **сиёсий масалалар** бўйича барча ишларига ҳеч ким аралашиши мумкин эмас. Ташқаридан давлат ичкарисига ҳалқ **маънавиятига** таъсир этиш мақсадида ҳеч қандай таъсир воситалари ўтказилмаслиги керак. Бу — мустақилликнинг навбатдаги шартларидан биридир.

Давлат бошқаруви деганда ҳар бир давлатга конституциявий йўл билан раҳбарлик қилишни англаш керак. Йлгари, яъни собиқ СССР даврида миллий республикалар раҳбарлари марказнинг рухсатисиз ҳеч қандай иш қилолмасдилар, қарор ва фармонлар чиқара олмасдилар. Ҳатто кичик бир қурилиш иншооти учун ҳам рухсат олиш шарт эди. Ҳеч бир «обрўли», «кatta мавқели» давлат ҳам ички ишларнинг биронтасига ҳам аралашмаслиги, бу — мустақилликнинг асосий хусусияти ва белгисидир. Бу хусусда ишнинг кейинги бобларида ба-тафсил гапирилади.

Ўз миллий она тилига эга бўлмаган ҳалқ бўлмайди. Миллатни миллат сифатида характерловчи нарсалардан бири миллий тил ҳисобланади. Ўша миллий ҳалқдан ташкил топган давлатнинг ўз тили бўлмоғи лозим. Ўзбекистонда давлат тили — ўзбек тилидир.

Демак, бизнинг мустақил давлатимиэда ўзбек тили давлат тили мавқеига эгадир. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4- моддасида «Ўзбекистон Республикасининг тили ўзбек тилидир»¹ деб алоҳида кўрсатилган ва қонун билан кафолатланган.

Миллий армиясига эга бўлмаган давлатни мустаҳкам деб бўлмайди. Зотан, бу хусусда Амир Темур қўйидаги-ча сабоқ беради: «Давлату салтанат уч нарса билан: . лашкар билан тикдир»². У бошқа бир тузугида ўша фикрини ривожлантириб, дейди: «Давлат — лашкарла-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 9-бет.

² Амир Темур ўғитлари. Тошкент, «Наврўз», 1992, 29-бет.

ру фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги-ла қудратлидир»¹. Шу фикрлардан аён бўлиб турибдики, армиясиз давлатни тасаввур қилиш қийин.

Армиянинг куч-қудрати, соғломлиги, енгилмаслиги аскарларнинг эътиқоди, жисмоний саломатлиги билан боғлиқдир. Амир Темур армия тузишда масаланинг бу томонига эътибор берган: «Черик (қўшин, ҳарбий тузилма) тузиб, навкар олмоқда уч қоидага амал қилдим: биринчидан — йигитнинг куч-қувватига, иккинчидан — қилични ўйната олишига, учинчидан — ақл-заковатию камолотига эътибор қилдим. Шу уч фазилат жамулжам бўлса, навкарлик хизматига олдим. Негаким, куч-қудратли йигит ҳар қандай қийинчиликларга, азобу уқубатларга чидамли бўлади, қилич ўйната оладиган киши рақибини мағлуб эта олади, оқил навкар ҳар жойда ақлидроқини ишга солиб, мушкулотни бартараф этмоғи мумкин»².

Демак, миллий армия мустаҳкам бўлиши баробарида фақат ўз ҳукумати ва юртбошисига бўйсунмоғи зарур.

Ўзбекистоннинг ер ости ва ер усти бойликлари етарли даражада кўп. Унинг табиий ва жўкрофий имкониятлари кенг. Замини зарга баробар. Бу заминдан йилига икки марта ва ҳатто уч марта ҳосил олиш мумкин. Ўзбекистон, айниқса, пахтаси билан оламга машҳур.

Қазилма бойликларга келсак, бизнинг заминда Менделеев жадвалидаги деярли кўпчилик элемент бойликлар мавжуд. Демак, Ўзбекистон ҳар томонлама бой, қудратли мамлакатdir. Илгари 70 йилдан ортиқ давр давомида ўша барча бойликлар бошқалар томонидан қазиб олиниб, ташиб кетиларди. У қаерга борди, нимага сарф бўлди, бу ҳақда ўзбек халқи, ҳатто Ўзбекистон раҳбарлари ҳам билмасди. Бу сир тутиларди.

Ватан мустақилликка эришгандан сўнг ўша бойликларга Ўзбекистон давлати ва халқи эгалик қилмоқда. Ўша бойликларни нима қилса, нимага ишлатса, ўзбекларнинг ўзи билади.

Қолаверса, Ўзбекистон ҳудуди осмонига мазкур мамлакатнинг мутасадди раҳбарларининг рухсатисиз ҳеч нарса кирмаслиги ва ундан учibu ўтмаслиги лозим. Бу масала, биринчи навбатда, ҳарбий муаммо, иккинчидан,

¹ Ўша асар, 44- бет.

² Ўша асар, 57- бет.

об-ҳаво ва экологияга оид масалалар ва бошқа нарсалар билан бевосита боғлиқдир.

Демак, Ўзбекистоннинг ер ости ва ер усти бойликлари, шунингдек унинг осмони. тамоман даҳлсиз бўлмоғи лозим.

Маълумки, ҳар бир давлат ўзининг маданиятини ривожлантириш, иқтисодиётини яхшилаш учун ташқи мамлакатлар билан алоқа ва муносабатлар ўрнатиши керак. Шундагина давлат тараққий этади, ривожланган мамлакатлар даврасидан муносиб ўрин олади, халқнинг моддий фаровонлиги ўсади. Шундай алоқа ва муносабатларни ўрнатиш ҳар бир давлатнинг ўз эрк-ихтиёрида бўлмоғи керак. Бильакс, давлат мустақиллиги мукаммал ҳисобланмайди.

Кўрсатиб ўтилган ўша принциплар ўзбек халқи ва Ўзбекистон (илгари бошқа номлар билан аталган: Турон, Хоразм империяси, Туркистон) давлати тарихида жуда кўп даврлар мавжуд бўлган. Айниқса, хоразмшоҳлар даврида мамлакат турли томонлама ривож топган, маданий ва иқтисодий жиҳатдан ҳатто бошқа ривожланган давлатлардан ўзиб кетгани маълум.

Шунингдек, темурийлар салтанати пайтида бизнинг ота-Ватанимиз ҳар жиҳатдан оламга машҳур бўлган. Унинг ишларига ҳеч ким ва ҳеч қайси давлат аралаша олган эмас. Бундай далилларни тарихдан жуда кўп келтириш мумкин.

Ўзбек халқи бугунги мустақилликни қўлга киритган бир даврда ота-боболар, аждодлар шавкатидан фахрланган ҳолда уларнинг бой тажрибаларини чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш, пухта ўрганиш зарур. Бу ёшларда боболар ишларидан, насл-насабидан фахрланиш туйгуларини вужудга келтиради ва улар ўтмиш анъаналарига содиқ бўлишга ҳаракат қиласидилар.

Умуман олганда, мустақиллик ғояси ва туйғуси миллиятнинг эътиқод ва иймонига айланмоғи зарур. Қолаверса, ҳар бир ўзбек мустақиллик моҳиятини — юқорида санаб ўтилган ва шу каби принцип ва вазифаларни чуқур англамоғи керак. Шунингдек, шу вазифаларни амалга ошириш ишига ҳар бир киши ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши талаб қилинади.

Бу мўътабар ва шарафли вазифаларни адо этишда, албаттa, таълим-тарбиянинг аҳамияти ва ўрни бениҳоя каттадир. Тарбия турли восита ва омиллар орқали амалга оширилиши мумкин. Чунончи: халқ таълими ти-

зими, оммавий ахборот воситалари орқали радио ва ойнаи жаҳон кўрсатувлари воситасида, тарғибот ва ташвиқот гурухлари тузиш ва уларнинг мақсадга йўналтирилган фаолиятини ривожлантириш, ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотда мустақилликка бағишлиланган ҳафталиқ ўқув курслари ташкил қилиш ва шу кабилар орқали амалга оширилиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик, унинг ғояси ва моҳияти ҳар дақиқада одамлар қулоғи остида жаранглаб туриши мақсадга мувофиқдир.

Шу ишни мукаммал амалга ошириш учун бошқа мамлакатлар, дин арбоблари тажрибаларидан унумли ва таңқидий фойдаланиш мумкин, деб ўйлаймиз. Масалан, Ислом динининг тарғибот ва ташвиқ қилиниш тарихини олиб кўрайлик. Унинг пайдо бўлиши жаноб Расул акрам саллогоҳу алайҳи васаллам, яъни Муҳаммад пайғамбаримиз билан bogлиқ. Демак, Ислом дини VII аср бошларида вужудга келган, ўша даврдан бошлаб то ҳозиргача тинмай, бир дақиқа ҳам сукут сақланмай узвий равишда Ислом дини тарғиб ва ташвиқ қилинмоқда. Бу фаолият инсон туғилганидан то умрининг охирги сониясигача, ҳар қадамда, ўётса ҳам, турса ҳам давом этади. Мана, 13—14 асрлик тарихий давр ўтдики, бу иш фаоллашса фаоллашди-ю, сустлашмади.

Демак, мустақиллик ғояси, моҳияти ва мағкурасини тарғиб қилишда ва одамларни шу руҳда тарбиялашда Ислом дини арбоблари тажрибаларидан фойдаланиш мумкин, деган фикрга борамиз.

Тарбия — доимий ва изчил такрорлаш, ишонтириш мевасидир. Бошқача айтганда, доимий ва изчил такрорлаш, далиллар асосида тушунтириш натижасида ишонч түйғулари ҳосил қилинади. Бу — тарбия вазифаси ва мақсади амалга ошди деганидир.

Шу ўринда фикримизнинг нақадар тўғрилигига қаноат ҳосил қилиш учун бир далилни келтирайлик. Ислом дини, Қуръони карим ва Муҳаммад пайғамбаримиз ҳадислари устида жуда кўп тадқиқот ишлари олиб борилган, уларга шарҳлар битилган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий шундай тасаввуф илми билимдони, тадқиқотчиларидан биридир. У ёзади: «Ибн Умар айтганлар: «Банда кўнглига келган бир гуноҳ хавфи бор нарсани тарк этмагунча тақво ҳақиқатига ета олмайдир. Расулуллоҳ саллогоҳу алайҳи васаллам: «Ислом 5 далилдан иборат», — деганлар:

1) калимаи шаҳодат (айтмоқ); 2) нағоз ўқимоқ; 3) закот бермоқ; 4) ҳаж қилмоқ (имкони бўлса); 5) Рамазон рӯзасини тутмоқ»¹.

Шу б та далил маъракаю маросимларда ҳам, тўй-ҳашамларда ҳам, кичик-кичик зиёфатларда ҳам такрорланарди, эсга олинарди. Кимки уни ёдидан чиқарган бўлса, изза қилинарди, уялтириларди ва ҳатто «сен мусулмон эмассан, кофирсан» дея танбех бериларди. Бу воқеа ёш болалар ўртасида ҳам бўларди.

Эндиликда Ўзбекистон истиқоли тараққиётининг 5 та тамойилини ҳар бир кишига ёдлатиш, унинг маънозмазмунини унинг онгига сингдириш керак.

Умуман олганда, мустақиллик тараққиётининг шу 5 та тамойили алоҳида-алоҳида соҳалар бўйича тадқиқотлар мавзулари бўлиши мумкин. Бешта тамойил — бешта муаммодир. Уларнинг ҳеч бирини иқтисод фани ҳам, тарих фани ҳам, педагогика фани ҳам ҳали ўрганмаган.

Тарбия жараёнида тарбиячи ўрнак бўлгулик воқеа ва ҳодисаларни сўзлаб беради, ҳикоя қилади, тарбия берилаётган соҳа бўйича ўгитлар, насиҳатлар қилади ёхуд рамзий, тимсолий тил билан гапиради. Тарбиячи аксарият ҳолларда халқ оғзаки ижоди ва бадиий ижод намуналаридан фойдаланади. Ҳаёт ва турмуш тажрибаларини қиёслаб сабоқ беради. Хуллас, тарбиячи имконияти, билими, иқтидори, истеъоди, малакалари доирасида тарбиялайди. Лекин булар тарбиячи учун етарли эмас. Тарбиячи тарбия беришдан олдин, ўзи тарбияланган, ахлоқ-одобли, хуш хулқ-атворли, умуман олганда, ўзи ўрнак бўладиган даражада бўлмоғи лозим. Унинг берган сабоқлари билан қилган ишлари мос келиши зарур. Шундагина тарбиячи тарбияланувчига таъсир қила олади, ишлари унумли ва самарали бўлади. Бильакс, унинг берган тарбияси қумга сув қўйган каби, безиз ўйқолиб кетади.

Юқорида мустақиллик тарбияси ҳақида сўз очгандик. Тарбиянинг бу янги соҳасини амалга оширишда ҳам тарбиячининг ўрнак ва намуна бўлиши мақсадга мувофиқдир. «Мустақиллик моҳиятини ва унинг бешта тамойилини билиб олинглар» дейишдан олдин, тарбиячининг ўзи шу нарсаларни пухта билиши лозим.

¹ Ал-Бухорий: Ҳадис, 1-китоб, Қомуслар Бош таҳририяти, Тошкент, 1991, 13-бет.

Мустақиллик тарбияси асосини шу жараёнда олиб бориладиган ишларни одамлар онгига сингдириш усул ва методлари ташкил қиласы, шахсий ўрнак ҳам шулар жумласига киради. Демак, тарбия истиқол тараққиётининг бешта тамойили маъноси, мазмуни ва моҳиятини турли восита ва омиллар орқали тушунтиришдан иборатdir. Тарбия бешта тамойил сабоқлари билан уйғунлашиб кетади.

2- §. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва тарбияшуносликдаги бурилиш

Тарихий анъана ва тажрибалардан маълумки, таълим-тарбия доимо муайян жамият ва тузум юритган сиёсат, ўз олдига қўйган вазифа ва мақсадлар асосига қурилган. Узоққа бориб ўтирмайлик. Қуни кечадан ўзимиз бошимиздан кечирган воқеа ва ҳодисалар шу фикримизнинг ёрқин далилидир. Илгари мустақилликка ўрганган ҳалқ қайтадан мутеъ, эгасининг сўзини такрорлайдиган тўтиқуш, фикрсиз, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилолмайдиган қўрқоқ бўлиб қолди.

Мана, Президентимиз И. А. Каримовнинг сўроқ гаплар мажмуаси ичига сингдирилган маъно-мазмунлар силсиласига диққат қилинг:

«Баъзи бир ғоят қийин, лекин табиий саволларга жавоб берайлик:

— Ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, ўшанда (*СССР даврида демоқчи — С. О.*) бизлар ким эдик?

— Уша йиллар умуман қандай давр эди?

— Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

— Каъба деб қаерга сифинар эдик? Ҳар тонг «Ассалом!» деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?

— Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас ҳокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларга қоришиб ётган эди?

— Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди? (*таз-кид биэнники — С. О.*)

— Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улуғ аждодларимизнинг

ўлмас мерослари билан озиқланган ер ўғлонлари эканимизни англармидик?

— Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда бирор билармиди? Бирор бизлар билан ҳисоблашармиди? Жаҳон миқёсида бирор киши бизни назарига илармиди?

— Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

— Гўё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғуур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-матоматдан бошқа нима келтиради?

— Яна бир бор эслаб кўринглар, азиз юртдошларим, куни кеча эмасмиди, бошимизни кўтармасдан яшаганимиз? Кремлнинг ҳар бир имосига маҳтал бўлиб, яrim қуллик ҳолатида кун кечирганимиз?..

У кунларни унудишига бизнинг асло ҳақимиз йўқ. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур»¹.

И. А. Каримовнинг шакл жиҳатидан бу сўроқ гапларига ўзбек халқи яқин 70 йил давомида бошидан ўтказган аччиқ тақдир ва қисматлар тарихи сингдирилган. Бу ҳолатда тарих фани ўрганиши лозим бўлган масалалар моҳияти нуқтаи назаридан фикр билдиридик.

Қолаверса, шу сўроқ гаплар асосида 70 йил давомида халқ руҳияти, ахлоқ-одоби, юриш-туриши, муомала-муносабат, маънавий дунёси, тобелиги ва шу каби маънавий-психологик-педагогик жараёнлар турибди.

«Миллий ғууримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?» сўроқ гапининг маъно-мазмунига алоҳида эътибор бериш керак. Муаллиф миллий урф-одатларимиз ўрнига оврўпача урф-одатлар сингдирилганига, таълим-тарбия миллийликдан чекинганига урғу беряпти.

Демак, муайян жамият ва тузум, унинг юритадиган сиёсати тарбияга кескин таъсир қиласи. Бугун Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганини фахр-ифтихор юзасидан такрорлайверамиз. Бу дегани, янгича мустақиллик йўли, ўзимизнинг йўлимиз таълим-тарбияда буюк бурилишларни тақозо этиши тайин.

Иқтисодиёт сиёсатдан ташқарида бўлади, бу табиий ҳол ва шундай бўлиши зарур. Бироқ иқтисодиёт ва таъ-

¹ Каримов И. А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 6—7- бетлар.

лим-тарбия бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳаракат қилиши, ривожланиши лозим. Шу нуқтаи на-зардан, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини, шунингдек унинг ҳар қандай мафкурадан холи бўлиши масалаларини ўрганиш жараённида, шу жараённинг тарбияшуносликка таъсири ва бу соҳадаги бурилишларни тадқиқ этиш бугунги ва келгуси авлод учун муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Иқтисоднинг ўзи нима? Иқтисод тўғрисида шоир, олим, йирик жамоат арбоби Абдулла Авлоний шундай дейди: «Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтилур...

...Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлари илиа ўлчанур»¹.

Кичик бир оила иқтисоди ва давлат иқтисоди тушунчалари мавжуд. Пул, мол, оила эҳтиёжлари учун зарур бўлган нарсалар, бу — оила иқтисоди. Оила иқтисоди меҳнат билан топилган ҳалол мол-мулк ҳамда тежамкорлик йўли билан йиғилган нарсалардан иборатдир. Худди шу омиллардан келиб чиқиб, фалончи оиласининг иқтисоди яхши, ёхуд ўртacha, ёхуд яхши эмас, дейишади.

Халқ онгига сингиб кетган «Иқтисод билан ишлаган кишилар фақир бўлмаслар» деган ҳадис бор, унга қуйидагича изоҳ берилади: «Киримига қараб чиқимини тута билмаган киши бор давлатини битириб, охири хўрликка тушгани ҳолда, киримга қараб чиқимини тута билган киши бой бўлмаса-да, ўзини фақирликдан сақлай олади»². Демак, иқтисоднинг яхши ёки ёмонлиги тежамкорлик билан бевосита боғлиқдир. Бас, шундай экан, болага оиласида иқтисод, кирим-чиқим моҳияти ҳақида тарбия бериш лозим. Қейинчалик у оиласи юргизиш, унинг иқтисоди ҳақида қайфуриш сир-асрорини билади.

Давлат иқтисоди жуда катта ишларни, муаммоларни ўз ичига қамраб олади. Чунки бу бутун бошли бир халқ, мамлакат тақдирни билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Амир Темур иқтисод тўғрисида қуйидагича сабоқ беради: «Қайси вазир софлик, тўғрилик билан вазирлик ишига киришиб, давлатнинг молия-мулкия ишларини диёнат, савоб билан, нафси бузуқлик қилмай, омонатга

¹ Авлоний Абдулла. Тошкент тонги. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1979, 267- бет.

² Юз бир ҳадис. «Меҳнат», 1991, 38- бет.

хиёнат этмай бажарар экан, унда́й вазирни энг олий мартабаларга етказинилар. Қайси вазир бузуқлик қи-либ, ёмонлик йўли билан мамлакат ишларини юргизар экан, кўп ўтмай салтанатдан хайру баракат кўтарила-ди¹. Жаҳонгир Амир Темурнинг бу сўзлари давлат ва халқ тақдиди ҳақида қайғуришнинг худди ўзидир. Иқти-содиёти бақувват мамлакат обрў-эътибори ҳамма жой-да юксак бўлади.

Кўриб ўтилган ватан фидойилари, боболаримиз ўгит ва ҳадисларидан маълум бўлдики, иқтисодиёт ҳеч қачон сиёsatга даҳлдор бўлган эмас. У ҳамиша сиёsatдан устунлик қилган. Ислом арбоблари, алломалар, буюк бо-боларимиз таълимотини чуқур ўрганганд ҳолда Прези-дентимиз иқтисодиётнинг сиёsatдан устиворлиги, қола-верса, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатлар-нинг мафкурадан холи бўлиши ғоясини илгари суради. Шунингдек, у СССР даврида ҳукм сурган ва амалга оширилган иқтисодий масалаларни чуқур таҳлил қил-ган. Чунончи, у ёзади: «Ислоҳотлар бошлангунга қадар вужудга келган иқтисодий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилмай, чуқур иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий инқизозга олиб келган сабабларни, хўжалик тизимида-ги қатъян воз кечиш лозим бўлган иллатларни аниқ-ламай туриб, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳола-тига ўтиб бўлмайди»². Чиндан ҳам марказда ишлаб чиқилган иқтисодиёт билан боғлиқ режалар, дастурлар миллий республикалар манфаатларига мутлақо тўғри келмасди. Шунинг учун миллий республикалар иқтисо-диёти бутунлай барбод бўлди.

Тайёрга айёрлик, боқимандалик кайфиятларининг келиб чиқиши ўша сиёсий мафкуранинг раҳнамолиги билан боғлиқдир, иқтисодиётнинг кимларгадир қарам-лиги натижасидир. Нотўғри қарорлар чиқарилиши, яроқсиз дастурлар туфайли давлатнинг маблағлари па-роканда бўлиб кетди, оқибатда молия ва таълимот ти-зими издан чиқди.

Бунинг номини, сиёсий тил билан айтганда, иқти-содиёт устидан сиёсий ҳукмронлик дейилади. Демак, қатор ўн йилликлар мобайнида доимий ва узвий равиши-да ўша сиёсий буйруқбозлик ҳукмронлиги оқибатида мустақил Ўзбекистонга собиқ СССР давридан барбод

¹ Амир Темур ўгитлари. Тошкент, «Наврӯз» 1992, 28-бет.

² Қаримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тош-кент, «Ўзбекистон» 1994, 8-бет.

бўлган халқ хўжалиги, технология ва иқтисодиёт мерос бўлиб қолди. Уни тиклаш, ривожлантириш вазифаси мустақил Ўзбекистон давлати олдидা кўндаланг турибди.

Бу муҳим муаммони ҳал этиш учун мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш лозим эди. Бунда кейинги ўн йилликлар давомида собиқ СССРдаги иқтисодиётни, унинг тизимини, моҳиятини ўзгартириш, тузатиш, соғломлаштириш ва сўнгра тубдан янгилаш назарда тутилади. Шунингдек, бу хусусда юртбошимиз қўйидагича таълим беради: «Биз иқтисодни ҳар хил сиёсий мафкурадан устун қўйиб, шу соҳада бўлган муаммоларни ҳал қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаяпмиз. Бутун жамиятимизни янгилаш асосини ва инсон учун муносиб шарт-шароитлар яратаяпмиз»¹.

Бу вазифанинг туб моҳияти бозор муносабатларига ўтиш, инсон ижодий ва меҳнат салоҳиятини кўрсатишга имкон яратиш, боқимандалик ва бу ҳақдаги қарашларни бутунлай йўқотиш, республика бойликларидан ўринли ва самарали фойдаланишдан иборатdir. Нарх-наволарни аста-секин эркинлаштириш, давлат корхоналарини тижоратчилик йўлига киритиш, қолаверса, ишлаб чиқариш корхоналарини давлат тасаруфидан чиқарив, хусусийлаштириш ва шу йўл билан бозорда моллар рақобатини ошириш иқтисодиётни ислоҳ қилиш шартларидан биридир.

Демак, «Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимиизда, иқтисодиётимиизда барқарорликка эришиш билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш — иқтисодий ислоҳотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир»².

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш, яъни соғломлаштириш иши республикамизнинг ер ости ва ер усти бойликларидан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги фаолиятини янгилаш ички ва ташқи бозор учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва шу маҳсулотларга ташқи сиёsatнинг даҳлсизлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқдир.

Иқтисодиётни ислоҳ этиш босқичида Ўзбекистон ташқи бозорда тўла ва эркин қатнашиш имкониятларига эга бўлиши зарур. Бу халқ фаровонлиги ва давлат бой-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий сиёsatнинг устувор йўналишлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 5- бет.

² Уша асар, 7- бет.

лигини ошириш, умум иқтисодни яхшилаш ишининг асосини ташкил этади.

Хўш, шу чора-тадбирларни амалга оширишнинг асосий омили нима билан боғлиқ? деган савол туғилади. Биз ҳеч қандай иккиланмай таълим-тарбия деб, жавоб берамиз. Чунки давлат юритиш ишларида ҳам, халқ хўжалигида ҳам ҳеч бир соҳа йўқки, улар таълим-тарбия билан алоқадор бўлмасин. Масалан, иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўл-йўриқларини ходимларга ўргатиш, иқтисодиётни сиёсатга тобе қилишга чек қўйиш методларини тушунтириш, бу борадаги эски усуслардан холи бўлиш кўникмаларини вужудга келтириш ва шу кабиллар таълим-тарбиянинг у ёки бу шаклларидан фойдаланишни тақозо этади.

Уша метод ва усуслар иқтисодий ислоҳот мақсадига йўналтирилган турли семинарлар, малака ошириш курслари, ранг-баранг машғулот ва кенгашлар, тажриба алмашиш ва шу сингари чора-тадбирларни уюштириш билан бевосита боғлиқдир. Зикр қилинган амалий ишлар педагогиканинг ажралмас қисмидир. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, иқтисодиётни сиёсатдан ва ҳар хил мафкурадан устиворлиги каби тамойил фақатгина бугунги ва яқин йиллардаги эмас, балки келгусида ҳам амал қилинадиган асосий принциплар. Шунинг учун ёш авлодни шу руҳда тарбиялаш ва таълим бериш каби мухим вазифа турибди.

Тарихдан маълумки, болаларга ахлоқ-одоб илмини бериш билан бирга иқтисодий масалаларнинг оддий шаклларидан, шунингдек давлат юритиш сирларидан ҳам сабоқ берилган. Аждодларимизнинг шу анъаналярини, тажрибаларини ҳозирги кунда қўллаш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлаймиз.

Бу иш қўғирчоқни тоза сақлаш ва синдириласлик, қолаверса, уни кичик укаларига ҳам қолдиришни ўргатишдан бошланади. Мактабда эса китобларни озода тутиш ва уларни йиртмай ўзидан сўнг келаётган ўқувчи укаларига яхши ҳолида етказиш малакаларини тарбиялаш зарур. Қийим-кечакларни йиртмай, озода сақлаш ўргатилади ва ўша қийимларни токи укалари кия билсинлар. Бу йўллар орқали иқтисод қилишнинг дастлабки кўникмали ҳосил қилинади.

Кейинчалик мураккаброқ таълим-тарбия жараёнларига ўтилади. «Одобрнома», иқтисод билан боғлиқ фанлар

дарсларида оила бюджетини — жамғармасини тежамкорлик билан ишлатиш сирлари, кирим ва чиқим фарқига етиб, мол-мұлкни күпроқ иқтисод қилиш ва шу усуллар билан оиланы қашшоқ ахволга тушириб қўймаслик илмидан сабоқ берилади. Бу усул ёш авлодни иқтисодиёт масалаларини чуқурроқ ва осон ўргатишга имкон яратади.

Олий ўқув юртларида зикр қилинган иқтисодиётнинг оила, мактаб, маҳалла билан боғлиқ муаммолари ҳақидаги тушунчалар янада ривожлантирилиб, чуқурлаштирилиб, давлат миқёсидаги билимлар даражасига кўтарилади. Шу аснода иқтисодиётнинг сиёsatга, турли мағкураларга мутеъ, тобе бўлиши халқ хўжалигини ривожлантириш кушандаси эканидан назарий билимлар берилади. Махсус ихтисослашган иқтисодиёт куллиётларида, олий ўқув юртларида эса қўйилган мақсадли илмнинг кенгроқ ва янада чуқурроқ ўзлаштирилишига, давлат ишларини бошқаришга лаёқатли ходимлар тайёрлашга аҳамият берилади.

Учинчидан, юқорида қўйилган масала ва муаммоларни ҳал этиш учун бизда мослаштирилган дарслик, ўқув қўлланмалари, иқтисод одоби бўйича китоблар етарли эмас. Олимлар, тарбияшунос мутахассислар, нашриётлар олдида рўзгор иқтисодини, жамоа хўжаликлиарию корхона, муассаса ва ташкилотлар иқтисодини ва қолаверса, давлат иқтисодиётини юритиш, бошқариш бўйича тадқиқот ишлари билан шуғулланиш вазифалари туради. Нашриётлар эса бундай китобларни чоп этиб, кенг халқ оммасига тақдим этишлари зарур. Ана шундагина иқтисодиётнинг сиёsatдан ва турли мағкуралардан устиворлиги ҳақидаги тушунчаларни кенгайтириш ишига амалий ҳисса қўшилади.

Хулоса қилиб айтганда, тарбияшунослик фани иқтисодиётнинг сиёsat ва ҳар хил мағкуралардан устун туринини педагогик жиҳатдан ўрганиши, таҳлил қилиши ва бу соҳадаги буюк бурилишларни ёшлар онгиға сингдиришга ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир.

3- §. Давлатнинг бош ислоҳотчилик роли ва бу жараёнда тарбиянинг ўрни

Иқтисодий ва бошқа масалаларни ислоҳ қилишни ким амалга ошириши керак, деган муаммо ҳар бир мустақил бўлиб чиққан ва истиқлолга эришган давлат олдида турган. Айрим бир гуруҳ олимларми, айрим фирмә

ташкилотларими ёки халқ ҳаракати уюшмаларими — қўйиб берилса, ҳар ким ўзича ўз мақсади ва манфаати учун турлича томонга тортаверади.

Илгари сурилаётган ғоянинг тушунарли бўлиши ва бу борада тарбиянинг тутган ўрнини белгилаб олиш учун оддийроқ масалаларни — ҳаёт ва турмуш тажрибаларини таҳлил қилиб кўрайлик. Зотан, оддийдан мураккабга ўтиш педагогика фанининг асосий принципларидан биридир.

Ўзбек оиласарининг ҳар бирида камида 3—4 нафар фарзанд бўлади. Бундан келиб чиқадики, ўзбек оиласари катта, уни иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, маданий-маший шароитини яхшилаш, бу борада муайян хуло-саларга келиш, уларни бажариш оила раҳбарининг зиммасига тушади. Оила раҳбари — ота ва онадир. Уйрўзғор моддий жиҳатдан ота-она тадбиркорлиги туфайли таъминланади. Тўғри, каттароқ фарзандлар ва келинлар ҳам топиб-тутиши мумкин.

Бироқ оиласада моддий таъминот, сарф-харажат ва шу каби нарсаларни ҳар ким ўзича ҳар томонга торта берса, бу рўзғорнинг бири икки бўлмайди ва у қашшоқликка юз тутади. Демак, фарзандлар ва бошқа оила аъзоларининг фикр ва мулоҳазалари, маслаҳатлари ўрганилган ҳолда оила бошқарилади.

Таъкидланган шу ишлар болаларнинг кўз ўнгидаги ҳар куни намоён бўлади. Болалар оиласининг барча ишларида ота-она хатти-ҳаракатини, тадбирларини, уларнинг бирор қарорга келишларини ва ўша нарсаларни амалга оширишларини кузатиб борадилар. Баъзан уйрўзғор тебратишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни ҳам, асосан ота-оналар тўғрилайдилар, ислоҳ қила дилар. Шунингдек, оиласада бош ислоҳотчи ота-она экани болалар онгига сингиб боради.

Буюк ва катта оила — давлат бошқаруви ҳам бироз кичик оила бошқарувига ўхшаб кетади. Лекин масалалар, муаммолар кўлами беқиёс кенг ва мураккабдир. Уни иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, халқнинг фаронлигини тобора ошира бориш жуда оғир. Шунинг учун давлат бошқарувнинг деярли барча соҳаларини қўлга олиши ва уларни маҳкам ушлаб, тобора мустаҳкамлаб, такомиллаштириб бориши зарур.

Бу тўғрида Президентимиз И. А. Каримов жуда яхши таълимот беради: «Ўтиш даврида давлат жиловни қўлдан бермаслиги керак. Шундагина у давлат бўла

олади. Жилов қўлдан кетган жойларда аҳвол қандай аянчли эканини ҳаммамиз кўриб турибмиз»¹. Бир уй-оиланинг эгаси бўлгани каби мамлакатнинг ҳам эгаси бўлиши лозим. Узбекистоннинг эгаси — Узбекистон давлати. Уй-оилани унинг эгаси — ота-она бошқарди, мамлакатни эса — давлат бошлиғи.

Маълумки, СССР тарқалиб кетгандан кейин Русия ҳам айрим давлат бўлди. У ерда дастлабки йилларда иқтисодиёт бўйича парокандалик ҳодисалари рўй берди. Бир гурӯҳ олимлар «500» кун деган иқтисодиёт дастурини ишлаб чиқишиди. Бироқ Русияда қанча-қанча бойликлар мерос қолганига, технологиянинг нақадар юксаклигига ва бошқа имкониятларнинг устуворлигига қарамай, унинг иқтисодий жиҳатдан қандай бир аҳволга тушиб қолгани барчага аён. Ўша пайтда бошқарув жилови давлат қўлидан кетганини барча билади. Давлат ва ҳокимият ички мафкуравий курашлар, мансаб ва амал учун олишувлар ва бошқа турли сиёсий жанглар билан банд бўлиб қолди. Бу, шубҳасиз, давлат иқтисодиётига жуда катта салбий таъсир кўрсатди.

Бизнинг Узбекистонда ҳам дастлаб шунга ўхшаш айрим воқеалар рўй берганини тан олишимиз керак. Бироқ давлат тўғри ва оқилона йўлдан бориб, унга ўз вақтида барҳам берди. Бутун жиловни ўз қўлига олди. Шундай бўлиши зарур эди. Бу давр, шарт-шароит тақозоси бўлиб, унинг илдизи узоқ-узоқ тарихий даврларга бориб тақалади.

Тарихга назар ташлаб, давлат бошқариш одобини, салтанатни ушлаб туриш йўл-йўриқларини таҳлил қилиб кўрсан, хоразмшоҳлар, фазнавийлар, шайбонийлар, темурийларнинг бу борадаги тузуклари ибратлидир. Умуман олганда, ўзбек халқи давлат идора қилиш усулларини жуда яхши билган ва бошқа мамлакатларга ўрнак бўлган. Демак, бу борада, яъни давлат ва салтанатни идора қилишда ўзбек халқи етарли даражада тажриба ва малакаларга эгадир.

Янги мустақилликка эришган давлатимиз ўша отабоболаримиздан мерос бўлиб қолган тажрибаларга, аждодларимиз анъаналарига, урф-одатларимизга, маданий-маърифий ёдгорликларга суюнган ҳолда иш олиб

Қаримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент «Ўзбекистон», 1994, 271-бет.

боряпти. Иқтисодиётни соғломлаштириш — ислоҳотлар соҳасида ҳам шу анъаналарга суюнгани аён.

Аждодларимиз биринчи навбатда халқ фаровонлиги, мамлакат ободлиги ва озодлиги, салтанат равнақига асосий эътиборни қаратганлар. Президентимиз И. А. Каримов олиб бораётган сиёсат ҳам шу анъаналарга мос келади. Чунончи, у ёзади: «Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтишда халқнинг туб манфаатларини кўзлаб, энг устувор ва энг муҳим йўналишларни давлатнинг ўзи танлаб олиб, уларни амалга оширишда унинг ўзи етакчилик қиласди»¹.

Албатта, шу ўринда халқнинг ҳалол меҳнати, ишбильармонлар, тадбиркорлар, ижодкор ходимлар, халқпарвар, миллатпарвар ва ватанпарварларнинг фидойилиги, жонкуярлиги муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, тили бир, дили бир қўшни давлатларнинг ҳамжиҳатлиги, қўлни-қўлга бериб, фақат олға интилишлари иқтисодий ислоҳот жараёнини фаоллаштиради, яхши натижаларни қўлга киритишда асосий ролни ўйнайди.

Бу борада И. А. Каримовнинг қуйидаги ўгитлари салмоқлидир. «Шахсан мен ўзим қилган ишларимизни Турон заминида, Туркистон заминида яшаётган халқларнинг азалий интилишларига ва талабларига жавоб берадиган ажойиб илк қадамлар деб биламан.

Кимки ўзини шу муқаддас заминнинг асл фарзанди деб билса, шу ерда яшаётган, оғир синов дамларида бир-бирига елкадош, ҳамдард, бўлиб келган, томири ва тақдирли муштарак халқларимизни ўзаро бирлаштиришда бор куч-қувватини аямаслиги керак, деб ўйлайман»². Президентимиз шу сўзларида Туркистон, яъни Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тоҷикистон ҳудудида яшаётган халқлар ўзаро бирлашиш учун қадам қўйишларига урғу беряпти. Бирликда ҳикмат кўп.

Бу ўринда юртбошимиз қайта-қайта такрорлаб алоҳида таъкидлаётган қадриятларимиз, бошқарув анъаналарини тиклаш тӯғрисидаги фикрларини эслаш керак. Зоро, шунда иқтисодиёт ислоҳотида ва бошқа айрим масалаларда давлатнинг ислоҳотчилик роли ва

¹ Уша асар, 271-бет.

² Каримов И. А. Йўлимиз — мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 31-бет.

унинг келажакдаги самараси аён бўлади. Шунингдек, қадимий Туркистон заминида истиқомат қилаётган халқларнинг бир-бирига яқинлашуви, бирлашиши, ҳамкорлиги натижасида давлатларимиз иқтисодининг нақадар катта куч-қудрат касб этишига ишонч ҳосил қиласиз.

Давлат қандай ёки қайси сиёсатни илгари суришидан қатъи назар, у халқ қорнини тўйғазишни биринчи ўринга қўйиши зарур. Чунки қорни оч кишига ниманидир қайси маъно ва мазмунда, қай бир шаклда айтишингиздан қатъи назар, уни эшитгиси ҳам, билгиси ҳам келмайди. Шу маънода И. А. Каримов топиб айтган: «Биринчи тамойилимизда аввал — иқтисод, кейин — сиёсат деган шиорни олға сурдик. Хўш, нега шу принципни танладик? Нега шу тамойил бошқа шиорлардан, бошқа тамойиллардан нисбатан устунроқ деб тан олинди?

Бунинг маъноси жуда теран, азиз дўстлар.

Халқимизда «аввал — таом, кейин — калом» деган ҳикмат бор. Яъники, аввал одамларнинг қорнини тўйдир, бола-чақасининг ҳаётини таъмин этиб бер, ана ундан кейин сиёсатингни гапир!... Ҳавоий гап билан одамларни алдаб бўлмайди. Халққа изчил ва аниқ иқтисодий дастур керак¹. Шундай изчил ва аниқ дастур давлат томонидан яратилиши мумкин. Чунки у бир бутун халқни ўйлайди, у ҳақда қайғуради. Алла-қандай гуруҳлар ёхуд фирмә ташкилотлари ва шу кабиларга ўхшаб, фақат ўз тарафдорларининг ғамини емайди. Бошқача айтганда, давлат ўзи бошқараётган мамлакат ва унда истиқомат қилаётган халқнинг фаровонлиги учун курашади, у ҳақда ғамхўрлик қиласи.

Давлат иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш жараёнида қишлоқларда хўжалик юритиш, қишлоқ хўжалигида банд бўлган деҳқонларнинг бой-бадавлат турмуш кечириши, мамлакатда озиқ-овқат муаммосини бутунлай узил-кесил ҳал қилиш, табиий бойликларни тўла ишга солиш, мамлакатни нефть ва бошқа энергетика ресурслари билан таъминлаш, бутун соҳада хорижий сармояларни жалб этиш, оғир ва енгил саноатни қайта қуриш ва тиклаш, чет элларга тайёр маҳсулотлар чиқариш, чет эл технологиясини мамлакатга олиб келиш, тайёр

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсанн. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 270- бет.

маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар барпо этиш, мутахассис ходимлар тайёрлаш мақсадида хорижий мамлакатларга талабалар ва аспирантларни ўқиш ва малака оширишга йўллаш, барча соҳаларда давлатлараро, корхоналараро, илмий муассасалараро тажрибалар алмашиш ишларини тўғри йўлга қўйиш ва шу каби масалаларни ҳал қилишда бош-қош бўлмоқда. Бу давлат иқтисодиётининг ривожланишига самарали таъсир кўрсатаётгани сезила бошлади.

Давлат соф фойда олиш йўлларини излаб топиш имкониятига кўпроқ эга. Шу сабабдан ҳам «Бош ислоҳотчи — давлат» бўлгани тараққиёт учун самаралироқ муваффақиятлар бошлаб келади. «Хазинада олтинни бекор сақлаб туриш мутлақо нотўғри сиёсат экан. Бу олтин ҳам ишлаб туриши керак. Хазинамиз катта, деб гердайиб ўтириш мутлақо нотўғри. Ҳозирги замонда бу номақбул иш. Ҳар қандай пул эртага ўзига қўшимча пул олиб келиши керак. Биз шу сиёсатни секин-аста ўзлаштириб оляпмиз. Катта-катта банкларда олтинимизни валютага алмаштириб, қўшимча маблағ топаяпмиз. Мен яна такрор айтаманки, биз ҳеч кимдан қарздор эмасмиз. Биронта муддати ўтказиб юборилган ёки қайтарилмаган қарзимиз йўқ. Шунинг учун биз бошимизни bemalol, адл кўтариб қарашимиз мумкин. Мустақил сиёсат олиб боришимиз мумкин. Ҳеч кимнинг олдида Худо бизларни муҳтож қилмасин»¹.

Катта пулнинг ёки олтиннинг сандиқда ётганидан не фойда! У нон бўлмасаки, еб қорин тўйғазилса! У кийим бўлмасаки, кийиб юрилса! Бундай ҳолатда унинг оддий тош ёхуд металлдан фарқи йўқ. Агар у ҳалқ хўжалиги учун хизмат қилсагина, унинг қиммати билинади. И. А. Қаримов сўзларининг пурҳикматлиги ва донолиги ҳам ана шунда.

Қолаверса, ақлли киши бирордан қарз олмайди. Худди шунингдек, давлат ҳам имкони борича бошқа давлатдан пул қарз олмаслиги керак. Олишнинг бериши бор, дейди доно ҳалқимиз. Қарз кўпинча устама пул бериш ҳисобига олинади. Бу, бизнингча, фойдадан кўра зиён келтириши мумкин. Биз бу ерда иқтисодий ва маънавий зиён тўғрисида гапиряпмиз.

Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки ой-

¹ Қаримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 48—49- бетлар.

ларда сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан турли савиядаги муҳокамалар бўлиб турарди. Баъзи сафсатабозларнинг, шуҳратпаст ва амалпастларнинг минбардан туриб, «халқ иқтисодини зудлик билан яхшилаш керак, бунинг учун дўст давлатлардан қарз олиб туриш лозим» деган илмий ва амалий жиҳатдан яроқсиз фикрларини кўп эшигтанмиз. Бугун ўша гапларнинг халққа яхши кўриниш ва текин шон-шуҳрат учун айтилганини яққол билиб турибмиз. Агар улар яна бир хато ёки камчилликни сезиб қолсалар, минбарга чиқишга тайёр эканларини биламиз. Бу хусусда Президентимиз И. А. Қаримов топиб айтган: «Ўзини янги сиёsat тарафдори деб кўрсатиб, истиқлол ва мустақиллик ҳақида олижаноб гапларни сайраб юрган соҳта ватанпарварлар ҳам орамизда оз эмас. Улар ҳозир пайт пойлаб турибди, агар вазият сал ўзгарса, қийинчиликлар сал ошиб кетса, бир думалаб янги тузум рақибларига айланиб қолишлилари ҳеч гап эмас. «Мен айтган эдим, огоҳлантириб қўйган эдим, менинг гапим рост чиқди»,— деб минбарларга сапчиб чиқишга тайёргарлик кўраётганлар ҳам бор. Бунақангидеккиси юзламачилардан жуда эҳтиёт бўлишимиз керак»¹

Тасаввуб ақидаси ва тили билан айтганда, бундай иккиси юзламачи, ичи қора ва юзи қаролардан Худо асрасин. «Бош ислоҳотчи—давлат» деганда, демак, ҳикмат кўп экан. Мағкуруни, маданий-маърифий қарашларни ислоҳ қилишда ҳам давлатнинг ўзи ислоҳотчи бўлгани афзал экан.

Юқорида давлатнинг бош ислоҳотчилик роли ҳақида фикр юритиш давомида унинг тарбиявий томонларига ҳам урғу берган эдик. Зотан, аждодларимизнинг давлатчилик ва иқтисодиёт, давлат ва салтанатнинг етакчилик роли ҳақида қолдирган китоблари, рисолалари, асарлари ва доно фикрлари нафақат тарихий далил сифатида, балки ҳозирги янги иқтисодиёт тизимиға ўтиш даврида педагогик жиҳатдан ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Чунки, улар бугунги кунда сабоқ бериш, насиҳат қилиш, таълим-тарбия манбайи ролини ўтаяпти.

Биз тарих сабоқлари, тарих тажрибалари деган ибораларни кўп ишлатамиз. Шунинг ўзи, авваламбое тарих илми, қолаверса, педагогик илмдир, тарбиявий ибратдир, таълимий намунадир. Бироқ ўша сабоқлар, тарихий-пе-

Ўша асар, 40- бет.

дагогик илмлар, тарбиявий ибрат ва намуналар тарбияшунослик нуқтаси назаридан чуқур тадқиқ этилмаган. Демак, уларни педагогик жиҳатдан махсус тадқиқ этишни ва ўша тадқиқотларни нашр этишни давр талаб қилимоқда.

Шунингдек, Президентимиз И. А. Каримовнинг иқтисодиёт ҳақидаги, давлатнинг бош ислоҳотчилик роли тўғрисидаги доно фикр ва мулоҳазаларини педагогик жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ этиш ҳозирги кун ва келажак учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки яратилажак шу педагогик руҳдаги тадқиқотлар ёшлиарни янги мустақиллик иқтисодиёти талаблари асосида тарбиялашда қўлланма ва ўйлланма вазифасини ўташи мумкин.

Яна бир нарса. Мустақиллик тарафдориман деб, эскиликни, мутеълик, боқимандалик даврини қўмсаётганлар, икки юзламачи ичи қоралар тўғрисида фикр юритдик. Уларнинг «назария»си билан ҳозирги давлат олиб бораётган сиёсатни тарбиявий ва иқтисодий жиҳатдан қиёсий ўрганиб, ҳосил бўлган фикрлар мажмуаси халқ оммасига ва ёшлиарга етказилса, унинг тарбиявий аҳамияти салмоқли бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини ва унинг республикада амалга оширилаётган халқчил демократик ўзгаришлар, ислоҳотларнинг доимий ва изчил ташаббускори эканини тушунтиришда таълим-тарбиянинг белгили ўрни ва роли бор, албатта.

4- §. Қонун устуворлиги — фуқаролар онгидаги эски тушунчаларни бартараф этишнинг педагогик негизи

«18- модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эттиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар»

(«Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси»дан).

Маълумки, ўтмишда фиқҳ илми устувор бўлиб келган. Ислом дини барқарор мамлакатларда ҳозир ҳам шу анъана давом этиб келмоқда. Фиқҳ илми асосан

Құръони карим ва Мұхаммад алайхиссалом ҳадислари-га асосланади. Шу муқаддас китобларда бандалар ҳақ-хуқуқи ваadolатта асosий эътибор қилинади,adolat шу муқаддас китоблардаги қонун-оятлар билан ҳимоя қилинади ва уларга тұла амал қилинган.

Чунончи, Құръони каримнинг Нисо сурасидаги 58-оятида «одамлар орасида...adolat билан ҳукм қи-лишга буюр» исса, шу суранинг 135-оятида шундай де-йилади: «135. Эй мўминлар,adolat билан тургувчи ҳам-да ўзларининг ёки ота-она ва қариндош-уруғларининг заарига бўлса-да, Оллоҳ учун тўғри гувоҳлик берувчи бўлинглар! У (яъни гувоҳлик берувчи) бой бўладими, камбағал бўладими, ҳар иккисига ҳам Оллоҳнинг Ҳзи (сизлардан кўра) яқинроқдир. Бас,adolat қилмасдан нафси ҳавога эргашиб кетманглар. Агар тилларингни буриб (нотўғри гувоҳлик берсанглар) ёки (гувоҳлик беришдан) бош тортсанглар, албатта Оллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардор бўлган зотдир»¹.

«...Ўзларининг ёки ота-она ва қариндош-уруғлари-нинг заарига бўлса-да, тўғри гувоҳлик бергувчи бў-линглар» ибораси қонун олдида барча тенгдир, деган маънени англаради. Зотан, «Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди»². Қа-ерда қонун-қоидалар бузилса,adolatсизликка юз тутилса, ўша жойда тартиб-интизом бўлмайди. Бу тўғрида қомусий аллома Аз-Замахшарий шундай сабоқ беради: «Бирор мамлакат (ҳокимият) ишларининг орқага кетишига сабаб — вабо кўп бўлиб, тузукларни тартиботла-рининг сусайишидандир»³.

Юқорида келтирилган далиллар, фикр ва мулоҳаза-лар билан яқингача ҳукм суриси келган «қизил империя» нинг қонунчилик сиёсатини солиштириб кўрайлик. Зе-ро, бу ҳозир мустақил давлатимиз томонидан олиб бо-рилаётган сиёсатни ҳалқ онгига ва ёшлар руҳига синг-диришда катта тарбиявий аҳамият касб этади, деган умиддамиз. Шўро тузуми даврида қанча-қанча киши-ларинг адолатсиз равишда пешаналарига «ҳалқ душ-

¹ Құръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. «Чўлпон», Тошкент, 68- бет.

² Абу Райхон Беруний. Тарвиҳалар («Жавоҳирот ки-тоби»дан), Тошкент, «Мерос», 1991, 38- бет.

³ М а ҳ м у д а -З а м а х ш а р и й . Нозик нборалар. (Шарҳ-лар муаллифи ва таржимон Убайдулла Уватов), Тошкент, «Кама-лак», 1992, 51- бет.

мани», «пантуркист», «миллатчи» каби тамғалар босилиб, уларнинг қамалиб ва отилиб кетганини яхши биламиз. Бу фикримиз 37- ва 50- йилларнинг даҳшатли ва ваҳимали воқеаларига ишорадир.

Бундай разилликлар ҳар дақиқа ва ҳар қадамда учраб турди. Тўғри сўз, адолатли, ҳақиқатчи ходимларга иғвою туҳмат ва фитналар уюштирилиб, улар ёки халқ ўртасида обрўси поймол қилиниб, бадном қилинди ёки ҳеч қандай ҳужжатга қайд қилинмасдан вақтинча (қўрқитиб қўйиш мақсадида) ҳибсга олиш ёки сохта ҳужжатлар ва гувоҳлар йиғиб, қамаб юбориш ҳолатлари узлуксиз давом этганига ўзимиз гувоҳмиз.

Мансаб ва амал курсиларига фақат комфирқа аъзолари ўтқазиларди. Уларнинг тадбиркорлиги, ташаббускорлиги, ишбилармонлиги, адолатпарварлиги аксарият ҳолларда эътиборга олинмасди. Айниқса, «оға»ларининг гапларини икки қилмаса, доимо лаббай деб турсалар бас эди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, истеъоддли ва иқтидорли ходимлар жанжалкаш ва иғвогарга (адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қилиб ёзган хат ҳамда таклифлари, мажлисларда айтган фикрларини бузуб кўрсатиб), хотинбозга, ароқхўрга ва шу кабиларга чиқарилди. Хуллас, улар бутунлай обрўсизлантирилиб, юқорига кўтарилиларни даражасига олиб бориб қўйилди, қувғин қилинди.

Шўро тузумининг бу иш услуби халқда мавжуд қонунларга ишонмаслик, улардан нафратланиш кайфиятларини вужудга келтирди. Бу ўша тузумнинг, мавжуд давлатнинг инқирозға юз тутишидан, емирила боришидан нишона эди. Натижада мамлакатда қонунни менси-майдиган бузғунчилар, ўғри-каллакесарлар, порахўрлар, товламачилар, лаганбардорлар, ахлоқ-одобсизлар, манқуртлар, қўрқоқлар, қотиллар ва шу каби жиноятчилар шу даражада кўпайиб кетдики, уларни бошқариш, тартибга солиш имкони бўлмай қолди. Чунки уларнинг илдизлари марказга бориб тақаларди. Шу боисдан ўша жиноятчиларга, қонунбузарларга жазо чораларини қўллаш мумкин эмас эди. Умуман олганда, қонун ҳамма учун баб-баравар қўлланмасди. Ҳимояси, тиргаги бор одамлар, қандай жиноят таркибини содир қилишларидан қатъи назар, жазолардан осонгина қутулиб қолишарди.

Шунингдек, миллий республикаларда миллий тарбия анъаналари издан чиқди, меҳр-оқибат, диёнат деярли йўқолди, миллий қадриятлар илдизлари чириб кетди. Тарбиядаги бу каби иллат асоратларини йўқотиш қийин бўляпти. Чунки бу иллатларга одамлар кўниги қолишиган, қонларига сингиб кетган. Шунинг учун мустақил давлатимиз одамларни янги ислоҳот қонунлари руҳида тарбиялашда жуда катта қийинчиликларга дуч келиб турибди.

Бу хусусда буюк аллома Носируддин Бурхонуддин Рабғўзий шундай дейди: «Айтмишлар: «Ақл қилғон коғир бирла мулк боқий қолур, зулм қилғон мўъмин бирла мулк боқий қолмас. Қамо қила: «Ал-мулку йабқо би ал-адли маъа ал-куфри ва ло йабқо биалжури маъа ал-имани». Яъни, ҳамчуноники, дебдурлар: «Давлат адолат билан қоим бўлади агарчи дорул куфр бўлса ҳам ва давлат жабру зулм билан ҳеч қачон боқий қолмайди агарчи имонлик одам қўлида бўлса ҳам»¹.

Чиндан ҳам бизнинг аждодларимиз давлат юритишида қонунчиликка қатъий амал қилганлар. Бошқача айтганда, қонун олдида бой ҳам, камбағал ҳам, амалдор ҳам, оддий фуқаро ҳам тенг бўлган. Фикримизнинг далили сифатида Амир Темурнинг иккита тузугига эътибор беринг: «Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний заарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим», «Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсан, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим»².

«. Уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим» жумласида ҳозирги очиқ суд қилиш маъносин мавжуд. Амир Темур «. бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим» дер экан, адолатли ҳукмга, шунингдек, бирор жиноятчининг жиноий хатти-ҳаракатини бошқа бегуноҳга тўнкамаслик ва юкламасликка ишора қиласпти. У шу тузукларни ёзиб қолдирад экан, келажакда давлат ва салтанатни бошқарув-

¹ Носируддин Бурхонуддин Рабғўзий. Қиссан Рабғўзий. 1-китоб, Тошкент, «Езувчи», 1990, 62- бет.

² Темур тузуклари. (Професор Б. Аҳмедов таҳрири остида.) Тошкент, Faфур Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 54-56- бетлар.

чи фарзандларига, авлодларига доимо қонун асосида иш тутишларини насиҳат қиляпти ва шундай адолатли бўлишга ундаяпти.

Умуман олганда, қонун ҳамма учун тенглиги билан обрўлидир ва шундагина унинг тарбиявий аҳамияти катта бўлади. Шундагина унга барча итоат этади. Бильякс, шўро тузуми давридагидек иллатлар давом этаверади.

Баъзан шундай воқеа ва ҳодисалар ҳозирги мустақиллик даврида ҳам учраб туради. Битта мисолга мурожаат этайлик. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги мактаблардан бирида шўро тузуми давридаги бўйруқбозлик, фуқароларни ва мавжуд қонунларни менсимаслик, қолаверса, гуруҳбозлик каби эски сарқитлар асосида иш тутишган.

Ташаббускор, ўз ўқитувчилик касбининг моҳираси ва лекин «бетга чопар» муаллима мактаб директорига ёқмай қолган. Директор илгари фақат қишлоқ хўжалиги, қишлоқ кенгаши идораларида ишлаб келган. У «бетга чопар»ларни, тўғри сўзларни, ташаббускорларни ёқтирасди, бироқ бир гапини икки қилмайдиганларни хуш кўради. Директор ҳалиги «бетга чопар» муаллимадан қутулиш йўлларини излаган, атрофига ўз лаганбардорларини йиғиб, унинг устидан турли жойларга шикоят ёздирган. У ҳатто ўқувчиларни ҳам ўша муаллима устидан шикоят аризаси ёзишга ундаган ва мақсадига эришган. Хуллас, директор шу каби қинғир йўллар орқали ўша муаллимани ишдан четлаштирган. Текширишда аниқланишича, ҳалиги ташаббускор муаллима ишдан ғайри қонуний равишда бўшатилган.

Бир нарса ажабланарлики, директор муаллимани ишдан бўшатиш тўғрисидаги ҳалиги бўйруғини бўйруқлар дафтарига ҳам қайд этмаган. Қолаверса, у муаллимага қўйган айбларини исботлай олмаган ва қонун бўйича касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олмаган. Директордан «Нега бу муаллимани ишдан четлаштирдингиз» деб сўралса, у «ишдан бўшатган эмасман» деб жавоб қилди.

«Ундаи бўлса, унинг қўлида сизнинг имзонингиз қўйилган бўйруқ қаердан пайдо бўлиб қолди» деб суриштирилганда, директор «қўрқитиб қўйиш учун ёзиб бергандим» дейди.

«Ёлғон бўйруқдан сўнг. .» сарлавҳали танқидий мақола рўзномада эълон қилингандан кейингина ҳалиги

муаллима ишига қайта тикланди, мажбурий прогуллар учун пул-маблағлари ундириб берилди.

Бу воқеа 1993 йилда содир бўлган эди.

Аввалига ўша муаллима аёл давлат қонунчилигидан бутунлай хафа бўлиб юрди. Адолат қарор топганидан кейин эса, у қонунниң устувор эканига ишонди.

Худди шу воқеани билгандай Президентимиз И. А. Қаримов ёзади: «Яна такрорлаб айтаман: давлат давлатлигини қилмоқчи бўлса, фуқарони ўз паноҳига олиши зарур.

.Хотиржам одамгина унумли меҳнат қила билади. Бошқача айтганда, давлат ҳар бир фуқаросини ҳимоя этиши, унга ҳуқуқий ёрдам бериши керак.

Учинчи тамойилнинг, яъники, қонун устуворлигининг мағзи ва маъноси ҳам ана шунда. Қонун олдида барча баробар. Мамлакат қонунларига жами фуқаро — ёшидан, мансабидан, миллати, ирқи ва динидан қатъи назар — барча баробар бўйсунмоғи фарз»¹. Яна И. А. Қаримов сўзлари билан айтганда, қонун қофозда қолиб кетса, жамият асло равнақ топмайди, қонун амалда бўлиши лозим.

Биз юқорида фуқаролик ишлари бўйича қонунбузарлик хусусида фикр ва мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашдик. Маълумки, халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича бажарилиши шарт бўлган амалдаги қонунлар мавжуд. Уларнинг бирортаси бузилса: биринчидан, давлат ўтказаётган ислоҳотларга зиён етади, иккинчидан, ишлаб чиқариш равнақига салбий таъсир этади, учинчидан, фуқаролар, корхоналар, ташкилот ёхуд муассасалар, ташаббускорлар ёхуд тадбиркорлар, ишбилармонлар катта талафот кўрадилар, тўртичидан, мустақиллик тарбиясига путур етади ва шу кабилар.

Шунинг учун Президентимиз янги Конституция ҳақида фикр юритиб, дейди: «Янги Конституциямизниң энг муҳим моҳияти шуидан иборатки, унда «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар» дейилган, яъни, фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган»¹.

Фуқаролар манфаати ва ҳуқуқи устун равишда ка-

¹ Қаримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 271—272- бетлар.

Фолатланса ва бунга амалда аҳамият берилиб, унинг ижроси таъминланса, бу халқ оммасининг жўшқин меҳнатини, мустақилликни мустаҳкамлаш ишларидаги фаоллигини тўла таъминлади. Биз қураётган ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий вазифаси ҳам ана шудир. Зотан, «Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, ўзининг маънавий қадриятларини ва ақлий салоҳиятини тиклаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар, ижтимоий ҳимояни кўзда тутган ҳуқуқий демократик давлат пойдеворини қуриш даврига қадам қўйди»².

Шу ўринда бир нарсани алоҳида уқтириш керакки, ҳозирги кунгача қабул қилинган ва қабул қилинадиган қарор ва қонунлар миллий давлатчиликни вужудга келтириш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш ва бу борадаги ислоҳотларни тезлаштириш учун астойдил хизмат қилишлари зарур. Билъакс, улар мутлақо яроқсиздирлар.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий қомусий қонунлар мажмуаси — Конституция билан яқиндан танишсак ва уни чуқур таҳлил қилиб кўрсак, унда ўтмишда—боболаримиз яшаган даврларда шаклланган шарқона миллий тафаккур, муқаддас исломона қадриятлар, насллардан наслларга мерос бўлиб келган адолат, ҳақиқат, иймон, эътиқод, виждон, меҳр-оқибат, ўзбекона орномус ва шу каби миллий ахлоқий анъаналарнинг ўз ифодасини топганига гувоҳ бўламиз. Қолаверса, жаҳонда энг тараққий этган Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Франция, Италия сингари давлатларнинг тажрибаларидан ижодий фойдаланилгани шундоқ сезилиб турибди. Зотан, бу нарса жуда муҳим эди.

Табиийки, халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича чиқарилган ва чиқариладиган қонунлар буюк Қомусимиз асосига қурилган ва қурилади. Демак, бошқа қонунларда ҳам ўзбек халқининг миллий ўзига хослиги акс этиши турган гап.

Конституция ва бошқа қонунларда нима кафолатланган бўлса, улар халқни, шунингдек, ёш авлодни шу руҳда тарбиялашга қодирдир. Конституциянинг маъно ва мазмuni тарбиянинг қўйидаги ва шу каби йўналиш-

¹ Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1993, 8- бет.

² Уша асар, 15- бет.

ларида құлланма сифатида хизмат қилиши шубҳасыз:

- ұхыр фикрлилик;
- миллий ифтихор;
- миллий қадриятларга ҳурмат;
- әркинлик ва озодлик;
- инсонпарварлык;
- ватанпарварлык;
- биродарлык ва ҳамкорлык;
- илмга меҳр-муҳаббат;
- иймон ва әзтиқод;
- ҳалоллык;
- ахлоқий поклик;
- маданий меросга ҳурмат;
- адолатпарварлык ва одиллик;
- меҳнатсеварлык;
- байналмилаллык;
- ижодкорлык ва ташаббускорлык;
- тадбиркорлык ва ишбилармөнлик;
- қонунға нисбатан итоаткорлык;
- мустақиллікни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ғояларига садоқат;
- мусулман динига ҳурмат;
- Президент ва давлатни қадрлаш.

Мустақиллік тарбиясینинг шу йұналиш ва соҳалаты — миллий ахлоқ-одобнинг таркибий қисмидір. Шүнніңдек, улар мустақиллік тарбиясінинг асосини ташкил қылади. Зикр қилинған педагогик асослар халқ хұжалигінинг барча соҳаларини ривожлантиришда, халқни тарбиялашда мұхим роль ўйнаши табиий ҳолдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мүмкінки, мустақил мамлакатимизда қонунлар устуворлиги бизнинг таълим-тарбия ишларимизга ижобий ва самарали таъсир этади. Бу — бириңчидан. Иккінчидан, яқын етмиш йил ичіда, яъни мустамлакачилик даврида халқ вужудини құршаб олган номиллий ва ноинсоний түшүнчаларни сиқиб чиқаришга ёрдам беради. Учинчидан, авлодларимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги миллий анъаналарини халқ онгода қайта тиклаш ҳамда уларни авайлаб-асраб, келгуси авлодда етказиш омили ва кафолати бўлиб хизмат қиласи.

5- §. Кучли ижтимоий сиёсат — маънавий баркамоллик манбай

Давлатни бошқаришда жуда муҳим бир масала борки, у ҳал қилинса ва унга муттасил амал этилса, давлатнинг обрўсига обрў қўшилади, шуҳрати тобора орта боради. Агар шу зарурий масала ҳал қилиниб, янада равнақ топса, давлат ички сиёсатининг барча соҳаларида юксалиш бўлаверади, ҳалқ ўз давлатини, унинг ҳокимиётини ҳимоя қиласди, барча топшириқларини, қонун ва фармонларини оғишмай амалга оширади. Шу заминда ахлоқий-маънавий юксалишлар салмоғи орта беради. Бу кучли ижтимоий спёсатдир.

Шу ўринда Муҳаммад алайҳиссаломнинг икки-уч ҳадисларини келтириш зарур. Чунончи: «Мен етимнинг кафиллигини олган одам билан жаннатда бирга бўлурман»; «Бева хотинларга ва мискин-бечораларга ёрдам берувчи киши гўё Тангри йўлида жиҳод қилувчи ёки кечалари ибодат қилувчи, кундузлари рўза тутивчилар билан баробардир».

«Қаровсиз қолган мўминлар оилаларига кечаю-кундуз моддий ёрдам кўрсатиб юрувчи одамнинг гуноҳларини Тангри кечириб юборади»¹.

Шу учта ҳадис мамлакатдаги ижтимоий сиёсат бўйича деярли барча нарсаларни ўз ичига қамраб олган. Биринчи ҳадисда етим-есирларга моддий, маънавий ва маърифий ёрдам кўрсатиш, уларни катта қилиш, оёққа қўйиш ва, ниҳоят, жамиятнинг муносаби кишилари қилиб тарбиялаш вазифалари қўйилади. Бу инсонпарварликнинг жуда яхши намунасидир. Иккинчи ҳадисда бева қолган аёллар, бизнинг ҳозирги тилимиз билан айтганди, ёлғиз оналар, уларнинг фарзандларига ёрдам кўрсатиш ғояси илгари сурилади. Бизнингча, ҳадис фақат покиза ва ҳалол ёлғиз оналарни назарда тутяпти. Суюқ оёқ аёлларни эмас, албатта. Шунингдек, бу ҳадис мискин-бечораларга кўмаклашишга чақиради. Шундай одамлар бўладики, қандайдир оғатга учраб, ёки оғир касаллик туфайли, ёки майиб-мажруҳ бўлиб, хуллас, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолиши сабабидан ҳар томонлама ночор аҳволга тушиб қоладилар. Бу табиий ҳолдир. Шундай одамлар ғоят мискин — бечоралик азобибни тортадилар. Улар ҳам инсонлару давлат эътибор-

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент, «Фан», 1990, 56, 98, 152- бетлар.

назаридан қочмасликлари лозим. Учинчи ҳадис қаровсиз қолган оиласларга ғамхұрлық қилиш каби мұътабар ва инсонпарварлық вазифасини қўяди. Шу ҳадислар маъно-мазмунида қарияларга, талабаларга ёрдам бериш масалалари ҳам турибди.

Абу Мусо ат-Термизий ҳадисларидан бирида шундай дейилади: «Оиша (розияллоҳу анҳо) шундай ривоят қиладилар: «Бир аёл икки қизчасини етаклаб уйимизга кириб келди ва емак тилади. Уйда бир дона хурмодан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Уни бердим. Аёл уни олиб, иккига бўлиб, иккита қизчасига берди. Узи емади. Кеинин ўриндан туриб чиқиб кетди.

Бу ҳақда Расулуллоҳ (Саллоллоҳу алайҳи вассаллам) га гапирдим. Расулуллоҳ: «Кимгаки Оллоҳ таоло қиз фарзандлар ато этган бўлса, улар унга дўзахдан паноҳ — парда бўлади», дедилар»¹.

Энди унинг бошқа ҳадисига эътибор беринг: «Саҳл ибн Саъд ривоят қилишича, Ҳазрат Расулуллоҳ (Саллоллоҳу алайҳи вассаллам) шундай дедилар: «Етимни тарбия қилган киши жаннатда мен билан бирга, ёнма-ён шундай бўламиз», деб икки кўрсаткич ва ўрга бармоқларини жуфтлаб кўрсатдилар»².

Ат-Термизий биринчи ҳадисда қиз болалар тарбиясининг оғирлиги ва уларга янада кучлироқ эътибор бериш зарурлигига ишора қиляпти. Бизнинг бу борадаги миллий тарбия анъаналаримиз асосий ўринлардан бирини эгаллаган. Чунки қизлар кўнгли ярим деб қаралган. Зотан қизларнинг кўнгли нозик бўлади. Бошқа ҳадисида Ат-Термизий етимлар тарбиясига диққат-эътиборни қаратади. Ахир, бола ўзининг хоҳиши-иродаси билан эмас, аччиқ тақдир ва қисмат натижасида етим бўлиб қолган. Зотан, етим-есирларга кўмаклашиш иймондандир.

Ат-Термизий бошқа бир ҳадисида «ҳақиқий садақа факир-бечораларга қилинган садақадир»³ деб таълим беради. Шу ўринда ислом дини ва тасаввуф илмининг халқ ўртасидаги обрў-эътибори ниҳоятда устун бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунинг сабаби уларда

¹ Абу Мусо Термизий: Саҳиҳи Термизий. Таңланган ҳадислар. Тошкент, F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993, 44- бет.

² Уша асар, 45- бет.

³ Уватов Убайдулла. Донолардан сабоқлар. Тошкент, А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994, 27- бет.

ижтимоий масалаларга катта аҳамият берилгани ва амалдаги ижроси назорат қилингандылады.

Шу нарсага, яъни ижтимоий муҳофазалаш қонда-қонунларига аждодларимиз доимий амал қилиб келгандар. Шу фикримизга улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоининг қўйидаги ўғитлари далиллар: «Қариялар муҳтоҗликка тушиб қолса, касб-ҳунар қила олмаса ва тилашга тили бормаса, уларга раҳм-шафқат қилишга шошил ва қўлингдан келганча эҳсон қил. Лекин камбағал йигит кетмон чопа олса, ўтиң ташимоқни уддаласа, унга эҳсон қилмоқ — исроф қилмоқдир»¹.

Алишер Навоий икки масалани қўяди. Қарияларга хайр-эҳсон қилиш, яъни уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга раҳм-шафқат қилиш, бу инсонпарварлик ақидасидир. Бу ота-боболардан мерос бўлиб қолган муқаддас анъанадир. Бироқ, меҳнатга лаёқатли йигитлар, ёшлар ўзлари меҳнат қилиб, ўзларини ва оиласарини боқишлари қарз ҳам фарзdir. Бу уларнинг оталик ёки оналик бурчларидир.

Демак, кучли ижтимоий сиёsat ўзбек халқининг миллӣ анъанасидир. Унга подшоҳлар, хонлар, ҳокимлар, бой-бадавлат инсонлар ҳамиша аҳамият бериб, амал қилиб келгандар. Шу йўлдан борган давлат салтанатининг умри узоқ бўлган. Бу тарихда синалган ҳақиқатларидир.

Ўзбекистон истиқололга эришгандан кейин Президентимиз зинр қилинган ислом динининг, дин арбобларининг, тасаввуф илми яловбардорларининг таълимотларини пухта ўргангандиги, атрофлича тадқиқ этганлиги 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси маъно-мазмунидан яққол сезилиб турибди.

И. А. Каримовнинг ўзи ҳам кўпчилик масалаларда ислом дини ғояларини эътироф этадики, бу унинг ўз динига меҳр-муҳаббатининг оқибатидир. Бу муборак ва кароматли инсонларнинг мўътабар фазилатидир.

У ёзади: «Шу билан бирга бу Конституция, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллӣ тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўхна

Алишер Навоий. Маҳбубул-қулуб, Тошкент, F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёti, 1983, 86-бет.

замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағри кенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган»¹.

Тўғрисини айтганда, ўтган ўн йилликлар даврида халқни комфирқага эътиқод қўйишга мажбур қилишганди. Қейин у ҳам йўқотилди. Демак, эътиқод қиласидиган нарса қолмади. Инсон эса эътиқодсиз, иймонсиз яшashi мумкин эмас. Президентимиз эса ўзбекларни ўзининг динига ва давлатининг истиқлолига эътиқод қўйишга даъват этди ва у шу ғоясига содиқ қоляпти. И. А. Каримов «Ватанин севмоқ иймондандир» деган эътиқод рамзи акс этган миллий анъанавий шиорни янада юксакроқ кўтарди. Бу шиор асосида Ватанинг дини ҳам, миллий қадриятлари ҳам, хуллас бутун тарихи яхлит ҳолда мужассамдир.

Шундай қилиб, ижтимоий масалалар бўйича юқорида қайд этилган миллий қадриятлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини тўла топган. Чунончи: «39- модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас»². Бу моддага юқорида тилга олинган миллий, тарихий ақида ва анъаналар ёнига яна боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларга ёрдам бериш ҳам қонун сифатида қўшилган. Бу ерда оила бошлиқларидан ота ёки она вафот этса, унинг болаларига қонунда кўрсатилган ёшгача нафақа бериб туриш назарда тутилган. Худди шу боисдан ҳам, яъни ўзининг инсонпарварлик кафолати устуворлиги туфайли бизнинг Конституциямиз халқ олдида катта обрў-эътиборга эга. Қолаверса, унинг тарбиявий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан қадр-қиммати ниҳоятда юксакдир.

Шунинг учун бутун ўзбек халқининг истиқлолга,

¹ Каримов И. А. Буюқ келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Баш таҳририяти, 1993, 7- бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 16—17- бетлар.

мустақил Ўзбекистон давлати ва унинг Президентига ишончи, чексиз ҳурмати кундан-кунга ортиб бормоқда. Давлатнинг, ҳокимиятнинг ва Президентнинг инсонпарварлиги худди шу фазилат билан белгиланади.

Ислоҳотчиликнинг муҳим тамойили сифатида диққат-эътиборнинг ижтимоий сиёсатга қаратилгани бежиз эмас. Бу тӯғрида И. А. Каримов шундай ёзади:

«Ислоҳотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири— аҳолининг кам таъминланган табақаси, яъни қариялар, ногиронлар, болаларни муҳофаза остига олиш, уларни пухта ҳимоялашдир. Ёшлиарнинг билим олиши, касб-хунар әгаллаши, иш билан таъминланишида ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир»¹.

Кўриб турганимиздек, ҳалқни ижтимоий муҳофаза этиш кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Қариялар, ногиронлар, уруш қатнашчилари, болалар, ёшлиарнинг билим олишига, бирор касб-хунарли бўлишларига кўмаклашиш каби вазифалар қўшилди. Улар эса айни чоқда тўла-тўқис амалга оширилмоқда. Бу чора-тадбирларни амалга ошириш давлатга жуда қимматга тушади. Унинг беқиёс оғир масала экани барчага аён. Қанча қийинчилик бўлишидан қатъи назар, давлат бошланган ишни ва айтилган сўзни охиригача олиб боришни мақсад қилиб қўйган. Бу оқилона тадбир туфайли ҳалқ сўз билан ишнинг бирлигига ишонч ҳосил қилмоқда.

Зотан, сўз билан иш уйғунлиги маънавий-ахлоқий тарбиянинг самарали бўлиши учун асосий омилдир. Мустақил Ўзбекистон давлати худди шу йўлдан бормоқда. Давлатнинг инсонпарварлиги ҳам шунда. Давлат инсонпарвар бўлмас экан, унинг фақат пичарида эмас, балки ташкарида ҳам нуфузи бўлмайди.

И. А. Каримов ўзининг президентлик фаолияти давомида худди шу оламшумул масалаларни ҳал қилиш бўйича иш олиб бораётгани бутун дунёга маълум. У ёзади: «Аҳолини, айниқса унинг ижтимоий иҷор қисмини, ногиронлар, болалар ва серфарзанд оиласларни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат юргизиш.

Давлат ўз аҳолисини, айниқса мashaққатли ўтиш даврида муҳофаза қила олсагина, у инсонпарвар давлат

¹ Каримов И. А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик, Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 24- бет.

ҳисобланади»¹. Бу ўринда энди серфарзанд онлаларга ёрдам бериш кафолати келиб қўшилди. Президентимиз ўзбек оилаларининг фарзандни, болани севишини ва серфарзанд бўлишга мойиллигини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам у диққатни шу нарсага қаратмоқдаки, бу хайрли ишлари унинг шуҳратига шуҳрат қўшмоқда.

Ҳали сал юқорироқда ижтимоий сиёsatни амалга оширишнинг жуда қимматга тушаётгани хусусида сўз очгандик. Бу ерда биз масаланинг иқтисодий томонини кўзда тутяпмиз. Бериш учун топиш керак. Бу диалектик — фалсафий қонун. Ахир, йўқ нарсанни қаердан олиб берилади?! Бу, албатта, иқтисодий ислоҳот ва унинг сиёsat ҳамда ҳар қандай мафкурадан устуворлиги билан бевосита боғлиқдир.

Мана шу ҳақда И. А. Қаримов бундай дейди: «Давлатнинг фаол ислоҳотчилик мавқеида бутун диққат-эътиборни иқтисодиётни соғломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилишга, эски иқтисодий муносабатларни бозор муносабатларига айлантиришга қаратиш ижтимоий барқарорлик учун мустаҳкам негизни вужудга келтиради»². Демак, соғлом иқтисодиёт йўқ экан, ҳуқуқ-тартибот устувор бўлмаса, иқтисодиётда бозор муносабатлари яхшиланмас ва тартибга солинмас экан, ижтимоий сиёsatни амалга ошириш учун имконият туғилмайди. Бошқача айтганда, маблағ топилмайди. Ижтимоий сиёsat, кўпинча пул-маблағ билан боғлиқдир.

Демак, «Бош вазифа — ижтимоий адолат жамиятини қадам-бақадам барпо этишдан иборат. Бозор муносабатлари бу жамиятнинг негизи бўлади» дейди И. А. Қаримов Мисрдаги «Ал Аҳмад» мухбири саволларига жавобида. Такрор-такрор айтамизки, бозор иқтисодигина барча соҳада ислоҳотчиликни амалга оширишга ёрдам беради. Ана шундагина маблағ пайдо бўлади.

Давлатимиз сиёsatининг яна бир буюклиги шундаки, у Ўзбекистон аҳолисининг демографик таркибини алоҳида ҳисобга олиб иш тутаяпти. Чунки бизнинг мамлакатимизда қариялар, ногиронлар, етим-есирлардан таш-

¹ Уша асар, 48—49- бетлар.

² Қаримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 238- бет.

қари миллионлаб вояга етмаган норасида болалар бор. Тўғрисини айтиш керак, мамлакатимизда ишловчи кам, еб-ичувчи, кийувчи кўп. Қолаверса, маблағ топиш ҳам осон эмас. Бундан келиб чиқадики, ижтимоий сиёсатни юргизиш ва бошқаришда анча-мунча камчилликлар бўлиши табиий ҳолдир. Бундан эса айрим кишилар фойдаланишга ва бизнинг мустақиллигимизга ва давлат сиёсатига раҳна солмоқчи бўладилар. Президентимиз масаланинг бу томонини ҳам назардан қочирмайди ва ёзди: «Ғанимлар нималар деб сафсата сотмасин, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг тутган йўли қатъий ва мустаҳкам: биз доимо меҳр-мурувват, меҳр-оқибат, юртимизда тинч-тотувлик, хотиржамликни сақлашга содиқ бўлиб қолаверамиз. Ватандошларимиз бир-бирларига елкадош, аҳил-иноқ бўлиб яшашида, етим-есирлар, ногиронлар, қариялар ва болалар, қаровсиз ва муҳтоҷ кишиларимиз ҳимоясини ташкил қилишда ўзимизнинг кучимизни ва меҳнатимизни ҳеч қачон аямаймиз»¹.

Демак, аҳилликда, ҳамкорликда, бирликда, ҳамжihatликда, ўзаро маслаҳат одобида ҳикмат кўп. Шу мўътабар омилларга амал қилган ҳар бир киши ва ҳатто давлатнинг ишлари олға юришаверади. Шундай экан, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги бирдамлик, ҳамдамлик, иноқлик кучли ижтимоий сиёсатни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўмуман олганда, И. А. Каримов сўзлари билан айтганда, «Аҳолининг муҳтоҷ табақаларини ижтимоий ҳимоялаш сира кечиктириб бўлмайдиган, энг устувор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қоидаси бўлиб келди ва шундай, бўлиб қолади»².

Ижтимоий сиёсатнинг устуворлиги қуйидаги маънавий, тарбиявий баркамоллик хусусиятларини таъминлаш билан бевосита боғлиқdir:

- давлат ва ўз халқига ишонч;
- мустақиллик келажагига ва унинг устувор ишларига ҳамкор ва ҳамдам бўлиш;
- мустақиллик ва унинг мафкурасига эътиқод;
- мустақиллик равнақи йўлида холис хизмат қилиш;

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 41-бет.

² Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 49-бет.

— ютуқ ва камчилликларга бефарқ бўлмаслик, лоқайдлик касалидан қутулиш;

— халқнинг маънавий-ахлоқий анъаналарини пухта ўрганиш ва уларга нисбатан садоқат;

— Президент ва ҳокимият органлари чиқарган қарор ва қонунлар ҳамда фармонларга педагогик жиҳатдан ёндошиб, аҳоли ўртасида тарғиб этиш;

— миллий қадриятлар ва анъаналарни авайлаб-арашга рағбат ва шу кабилар.

Хулоса қилиб айтганда, олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат иқтисодий ислоҳотлар устуворлиги учун тинмай меҳнат қилиш, шу ишга муносаб ҳисса қўшишни талаб қиласди. Аҳолини ва ёшларни шу руҳда тарбиялаш шу куннинг асосий вазифасидир.

6-§. Бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш сиёсати ва аҳолини фаровон ҳаётга ўргатиш принципи

Халқимиизда «Аввал иқтисод — кейин сиёсат» деган нақл борки, жуда кўп йиллар мобайнида у инкор қилиб келинди. Ҳолбуки, иқтисодиёт барқарор бўлмаган жойда ҳеч нарса ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Бу асрлар давомида ҳал бўлган ва исбот қилинган ҳақиқатдир.

Энди иқтисод равнақи ва тараққиёти нима билан боғлиқ, у қайси омиллар ва усууллар билан ривож топади? деган саволлар туғилади. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бешинчи тамойили ўша савол ва масалаларни ечишга имкон беради: **бозор муносабатларига ўтиш босқичма-босқич, эволюцион йўл билан амалга оширилиши керак.**

Иқтисод равнақи ва тараққиёти, *биринчидан*, шу соҳада ислоҳот ўтказиш ва унинг сиёсатдан ва мафкурадан устуворлигини тўла таъминлаш, *иккинчидан*, турли ишлаб чиқариш соҳаларида қонун ва ҳуқуқлар устуворлиги ва мустаҳкам интизом, *учинчидан*, ер ости ва ер усти бойликларини тўғри ишлатиш, *тўртинчидан*, бозор иқтисодиёти муносабатларини (ички ва ташқи) тубдан янгилаш ва соғломлаштириш, *бешинчидан*, кишиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан қайта тарбиялаш, *олтинчидан*, ислоҳотларимизнинг бешта тамойилини жадал суръатларда амалга ошириш ва шу кабиларга боғлиқдир. Шу зикр қилинган принципларнинг ўзини бир-бирдан ажратниш қийин. Улар диалектик бирлиқда ту-

шунилиши керак. Бошқача айтганда, улар бир-бирига бөгелнган занжир ҳалқаларидир.

Бунга И. А. Каримов қўйидагича баҳо беради: «Бешинчи тамойил олдинги тўрт тамойилнинг мантиқий ва узвий давоми бўлиб, унда ислоҳотларнинг изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилиши кўзда тутилган»¹.

Худди шунингдек, бозор муносабатлари тўғри йўлга кўйилса, ривожлантирилса, бозор иқтисодиётининг яқин ўн йилликларда рўй берган мутеълик услубларидан воз кечиб, тубдан ислоҳ қилинса, аждодларимизнинг бозор муносабатлари бўйича эришган мумтоз тажрибаларидан замонавий қонун-қоидалар асосида унумли фойдаланилса, давлат хазинаси боййди, ҳалқ фаровонлиги тобора яхшилана боради. Ҳалқ фаровонлиги — маданий-маърифий ривожланиш манбаидир.

Бозор муносабатларини ривожлантириш турли-туман йўллар орқали амалга оширилади ва унинг негизини ҳар хил мулкчилик шакллари ташкил қиласди. Шу мулк шаклларининг барчаси тенг ҳуқуқли бўлмоғи лозим. Бу ўз навбатида қонун билан кафолатланган. Аниқроғи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида шундай дейилади: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин»². Ҳалол ва тўғри, бошқача айтганда, қонуний йўл билан топилгаи мулк шахсий фаровонликни оширишга қодирдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, уни ҳеч қандай зиён кўрмасдан амалга ошириш мумкинлиги ҳақида олим А. Саидов шундай дейди: «Бозор иқтисодиётига ўтиш—қуруқ мақсад эмас, балки биринчи навбатда ҳалқ учун

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 273- бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 18—19- бетлар.

муносиб ва фароғон ҳаётни таъминлаш воситасидир. Бу ерда Шарқ турмуш тарзини, психологиясини, фалсафасини, буюк ислом фанини ҳисобга олмоқ керак. Бозор — бу психологиядир. Буни ҳисобга олмасдан бўлмайди. Шунинг учун бизнинг асосий вазифамиз ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, очлик-қашшоқлик кўрмасдан, кишиларга зиён-заҳмат етказмасдан ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига етиб келишидир. Шу маънода Ўзбекистон ўз йўлини танлаб олган ва шу йўлдан бормоқда¹.

Шу ўринда бир нарсани яна алоҳида таъкидлані лозимки, бозор иқтисодиётига шундоқ, ҳеч бойлик манбаига эга бўлмай ўтиш қийин, албатта. Бойлик ва табиий ресурслар, қолаверса, қадимий аждодларимиз тажрибаларга бойлиги жиҳатдан бизнинг Ўзбекистонимизда бутунлай бошқача манзарани кўриш мумкин. Биз аниқланган минерал ресурслар заҳиралари қийматини мутахассислар жуда юқори баҳолашганини эшигганмиз. Шунингдек, кумуш, олтин, мис, вольфрам, табиий газ ва шу каби жуда кўп фойдали қазилма бойликлари мавжудлигини биламиз. Шунингдек, бизнинг мамлакатимиз заминида анчагина ноёб металлар ҳамда стратегик материаллар ҳам бор.

Жумҳуриятимизда нефть, кўмир ва газ сингари ёнилғи-энергетика, сув ресурслари етарли. Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича ҳам жуда катта имкониятлар бор. Мамлакатимиз пахта конидир. Энг асосийси, Ўзбекистоннинг ҳалол, мард, меҳнаткаш, фидойи, эътиқоди юксак, иймони бутун ҳалқи бор. У ҳар томонлама чиниқан, сабр-тоқатли, қаноатли ҳалқ. Бу ҳалқ билан ҳар қандай мушкул ишларни ҳам ҳал қилиш мумкин.

Демак, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишга тўла тайёр эди ва унинг муайян босқичидан ўтилди. Ҳалқ эса бунга бора-бора ўрганиб боряпти.

Бозор эркинликни сுяди, хоналарда тузилган режаларни ёқтирумайди. Шунинг учун ҳалқимиз «Уйдаги гап бозорга тўғри келмайди» деб бежиз айтмаган. Илгари, яъни СССР даврида «уйдаги гап» — турли даражадаги хоналарда тузилган режалар асосида иш юритиларди. Бу хусусда И. А. Каримов шундай рейди: «Марказлаштирилган тартибда режалаштириш ва бошқарувнинг

¹ Сайдов Ақмал. Мустақиллик қомуси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 22-бет.

маъмурий-буйруқбозлик услубидан бозор иқтисодиётига ўтиш — бу мавжуд хўжалик юритиш усулини янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки тамоман янгича хўжалик юритиш тизимини жорий этишдир. Бу бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтишдир. Бу одамлар учун мутлақо янги ҳаёт фалсафасидир. Шунга кўра у бир вақтнинг ўзида бўладиган тадбир сифатида амалга оширилиши мумкин эмас, балки бир қанча босқичларни ўз ичига олувчи узоқ даврни талаб қиласди»¹.

Жаҳондаги жуда кўп мамлакатлар бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларини амалда синаб кўрдилар. Кўпчилик Шарқий Европа давлатлари «шок терапия»си («Фалаж қилиб даволаш») усулидан фойдаланиб кўришди. Бу усул Югославия, Чехословакия, Руминия, Болгария ва Польша давлатларида қўллаб кўрилди. Натижада, биррида иқтисодий кўрсаткичлар пасайиб кетса, бошқасида ишлаб чиқариш таназзулга юз тутди, яна бирида пул қадрсизланиши рўй бериб, ички ва ташқи қарзлар кўпайиб кетди, бир хилларида эса саноат барбод бўлишга бориб етди. Энг ёмони, уларнинг деярли барчасида мамлакат парчаланди, бўлиниб кетди.

Демак, бозор иқтисодиёти ҳар қандай фармон ва фармойишлар билан амалга ошмайди. Буни узоқ вақт давом этадиган тарихий жараён дейиш мумкин. Бу ҳақда И. А. Қаримов шундай таълим беради: «Бозор иқтисодиётига ўтиш учун қонунларни қабул қилиш, мулкчилик барча шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини эълон қилишининг ўзи етарли эмас. Бу қонунларни рўёбга чиқаришни таъминлайдиган чинакам воситалар зарур. Бу воситалар бирданига амал қилиб кетмайди, улар аста-секин такомиллашиб боради ва изга тушади. Бир ижтимоий-иктисодий тузумдан иккинчисига ўтиш сохта инқилобий сакрашлар билан юз бериши мумкин эмас. Ҳар қандай инқилобий қарорлар жуда катта ижтимоий ларзадарни келтириб чиқаради»².

Ҳар жойнинг ўз қўшиғи, ўз ўлани бўлгани сингари Узбекистоннинг ҳам барча соҳалар учун ўзига мос за хос шарт-шароити, миллий анъаналари, аждодларининг тажрибалари мавжуд. Ҳатто бозор иқтисодиёти соҳасида ҳам. Худди шу хусусиятлар асосида Узбекистон давлати бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишини мақ-

¹ Қаримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 41—42- бетлар.

² Уша асар, 42- бет.

сад қилиб қўйди. Халқ эса бу ғояни қўллаб-қувватлади ва шунга амал қилиб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Бу ўзбек халқининг юксак маънавияти ва янгича ҳаётни тўғри талқин қила билишига ёрқин далилдир. Халқ ҳар бир босқичдан кейинги босқич учун шарт-шароит яратилишини, таъминот воситаларининг тобора мукаммалроқ бўлишини аста-секин тушуниб боряпти. Мутахасисларнинг ҳам малакаси ошяпти. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг афзаллик томонлари шулардан иборатдир. Ҳар босқич жараёни ва оралигида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ва керакли бўладиган технология билан таъминлаб бориш ишлари ҳисобга олиниди ва тайёрлаб борилади. Бу борада эски тасаввурлар ўрнини янги замонавий тафаккур эгаллайди. Зотан, тафаккур бозор иқтисодиётининг калити десак янглишмаймиз. Президентимиз И. А. Каримов сўзи билан айтганда, «Кишиларнинг тафаккурини, одат тусига кирган қоидаларни ўзгартириш жуда мухимdir»¹.

Бироқ кишилар тафаккурини ўзгартириш учун анча вақт керак бўлади. Қуруқ вақтнинг ўзи нимага керак? Шу вақт ичida кишиларга, ёш авлодга бериладиган мақсадли таълим-тарбия зарур. Мақсадли таълим-тарбия бериш учун тарбиячининг ўзи янги тафаккур, янги билимларни етарли даражада эгаллаши керак. Бунинг учун, бошқачароқ айтганда, шу педагогик жараёнлар учун вақт керак. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг сабабларидан бири худди шу маърифий-педагогик принцип билан бевосита боғлиқдир.

Энди бозорнинг маърифий-ахлоқий томонларини тикишириб кўрайлик. Халқимиз аждодларимизнинг бу борадаги қонун-қоидаларини унугиб қўйганлигини очиқ тан олишимиз лозим. Мана, Мұхаммад алайҳиссалом ҳадисларининг маъно-мазмунига, унинг ахлоқий томонига эътибор беринг: «Бозорларимизга четдан мол олиб келиш гўё Тангри йўлидаги жиҳод кабидир. Бозорларимиздаги нарсаларни уйида яшириб сақловчи одам гўё Тангрининг китобидаги худосиз кабидир»². Бу ҳадисни шарҳлаб бериш шарт эмас. Шу ҳадис ҳозирги кундаги чайқовчилар, олибсотарлар, виждонсиз дўкондорлар учун айтилгани шундоқ билиниб турибди. Улар халқ ва давлат зааркунандаларидирлар.

¹ Уша асар, 44- бет.

² Ахлоқ-одобга онд ҳадис намуналарн. Тошкент, «Фан», 1990, 80- бет.

Мутафаккир шоир Алишер Навоий олибсотарлар тўғрисида жуда топиб айтган: «Шаҳар олибсотари хиёнатчи, ўз фойдасини кўзлагани ҳолда элга қаҳатчилик тилайди, унинг мақсади элга зиён етказиш, орзуси арzon олиб, қиммат сотишдир. У оларда шойини бўз деб камситади; сотарда эса бўзни шойи дея вайсайди. Шолни тўрқа (котон деган нафис қимматбаҳо матодан тикилган кийим) ўрнида ўтказа олишда кечикиш йўқ, бўйрани кимхоб ўрнида пуллай олишда тўхташ йўқ. Дўконида инсофдан бўлак ҳамма мато мавжуд; ўз айбига иқрорликдан бўлак ноинсофликнинг барча тури кўплаб топилади. Мусофири савдогар билан бу бамисоли эр-хотин; балки бирини аскар, иккинчисини унинг хотини деса бўлади. Олибсотарга фойда-ю, харидорга нуқсонли мол, ҳар икки томондан ёлғон онт ичган даллодир»¹. Чиндан ҳам олибсотарда инсоф ҳам, дин-диёнат ҳам, шайон ҳам, виждан ҳам йўқ. Унинг миясини ва бужудини хиёнат, алдамчилик, уятсизлик эгаллаб олган. Бундай олибсотарлар ҳозир ҳам етиб ортади.

Шунинг учун Президентимиз И. А. Каримов ва ҳукумат олибсотарлардан қутулиш учун бозорда тайёр маҳсулотлар рақобатини кучайтириш масаласини кўндаланг қўйди. Бунда кичик корхоналарни кўпайтириш, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариши учун ёрдамни аямаслик ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришиларни шарт-шароитлар яратиб бериш назарда туттилади, бу бир томондан, иккичи томондан, ишбилармон, тадбиркор тижоратчиларнинг ташқаридаи, яъни хорижий давлат бозорларидан кўпроқ мол олиб келишига ёрдам бериш назарда туттилади. Демак, мамлакат ичкарисидағи корхоналар ҳам, тижоратчилар ҳам молларини бозорга олиб чиқишиади ва эркин нархда сотишиади. Бу ҳолатда харидор молларнинг энг сифатлisisи ва энг арzonини харид қиласиди. Сифатсиз моллар бозори чопмайди. Шундан кейин, табиийки, олибсотарга иш қолмайди.

Шу ўринда Хива хонлигига бўлган бир воқеа ва хон Феруз билан Янгиариқ ҳокими Қурбон бобо Оллоқули Охунд ўғли ўртасида бўлиб ўтган савдо-сотиқقا оид сувхатни келтириш жониздир. «Бир куни Хива бозорида савдогарлар олача сота бошлайдилар. Янгиариқ ҳокими Қурбон бобо Оллоқули Охунд ўғли (Қурбон қурд—

¹ Алишер Навоий. Маҳбубул-қулуб. Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1983, 34- бет.

С. О.) эса бозордаги барча олачани икки баробар қимматига сотиб олади. Буни күрган маҳрамлар бу түғрида оқизмай-томизмай Ферузга хабар берадилар.

— Дарров Қурбон қурдни тутиб келтиинглар,— деди Феруз мулозимларига.

Қурбон қурднинг оёгини ерга тегизмай саройга тутиб келтирадилар.

— Толиб Маҳзум! Нега сиз юрт бузиб, бозорда нархни икки-уч баробар ошириб, халқни қон қақшатиб, менга бир оғиз сўз айтмайсиз? Гапириңг, нима гап?!?

— Тақсир! Бир қошиқ қонимдан кечинг. Ўз гапимни Қурбон қурдан сўнг айтсан,— деди юраги така-пука бўлган Толиб Маҳзум.

— Сўз сенга Қурбон, гапир!

— Хон ҳазратлари, менинг гапим узоқ. Сабр билан тингласангиз, гапираман,— деди Қурбон хонга тик бокиб.

— Гапир!

— Тақсир. Халқни олача билан тўйдириб бўладими? Совуқдан, ташқи душман ҳужумидан, касал бўлишдан, очликдан, умуман Хивани дунё миқёсида кўрсатишда олача асосий ўрин тутмайди-ку?! Агар биз хонликда қўйни кўпайтирасак, гўштини еймиз, бошимизга чўгирма тикиб киямиз, ортиқчасини Гурьев орқали истаган мамлакатга чиқариб сотамиз. Пулига олтин оламиз, қурилиш ашёлари топамиз, озиқ-овқатимизни кўпайтириб, халқимизни боқамиз.

— Мақсадга ўт, гапни кўп айлантираверма!

— Хўп, мақсадга ўтаман, хон ҳазратлари! Мақсадим шуки, мен одамлар билан келишиб олдим. Эрондан Ашхобод орқали Хивага йигирма минг қўй олиб келаётирман. Уларни мен Тошҳовузда кутиб олиб, беш мингини Қақралига бермоқчиман, икки минг қўйни Янгибозордаги ерларимизда боқтираман. Минги Беговот қўлида, минги Ғозиободдаги ерларимизда, мингини Янгиариқда боқаман. Қолганларини халқимизга сотиш ниятидаман. Агар шундай қилсак, қўйчилик ривожланади, ҳамма гўштга тўяди, кийимли ҳам бўлади.

— Отангга раҳмат, Қурбон!— деди хон ҳокимнинг сўзларини диққат билан тингларкан¹.

Шу парчадан Янгиариқ ҳокими Қурбон қурднинг

¹ Давлатёр Раҳим, Шоҳназар Матрасул. Феруз. Тошкент, 'F. Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 95—96- бетлар.

тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, шунингдек, халқпарварлиги яққол кўриниб турибди. Ўтмишда жуда кўп олимларимиз ва тасаввуф илмининг билағонлари қўй боқишининг хосияти ҳақида кўп гапиришган ва шу ишга даъват этишган. Қолаверса, Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхоний соний — Ферузнинг халқ манфаатини кўзлаған тадбиркор ва ишбилармонларни доимо қўллаб-қувватлагани, уларга кенг йўл очиб бергани шу лавҳада аён бўлиб турибди.

Яна бир нарса. Қурбон қурднинг бозор иқтисодиёти бўйича ўзига хос услуги ижтимоий иқтисодиёт билан уйғунлашиб кетган. Чунки у ўша ишга халқни, давлатни, салтанатни назарда тутиб қўл урган.

Демоқчимизки, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойилининг туб моҳиятини тушунтиришда, онгига сингдиришда, халқ оммасининг ва ёшларнинг тафаккурини янгилашда юқоридағи каби лавҳалар катта тарбиявий аҳамиятга эга. Шу руҳдаги ва мазмундаги содда, тарихий лавҳалар, воқеа ва ҳодисалар методик қўлланма вазифасини ўташи мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш сиссати, айниқса, И. А. Каримовнинг бу мавзудаги фикр ва мулоҳозалари, асарлари аҳолини ва ёш авлодни фаровон мустақил ҳаётга ўргатишда муҳим роль ўйнайди. Худди шунинг ўзи мустақиллик тарбиясининг асосларидан бирини ташкил этади.

УЗБЕКИСТОНДА ИСТИҚЛОЛ ТАНТАНАСИ ВА ЁШ АВЛОДНИ МУСТАҚИЛЛІК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

IX—XII асрларда ҳозирги Ўзбекистон хоразмийлар салтанати сифатида бутун Хоразм, Мовароунаҳр, Хуросон, Қавказ ҳудудларини ягона ва құдратли давлатта бирлаштирган эди. Натижада ўша даврларда фан, маданият, адабиёт ва санъат бекініс ривожланды, ўлканинг ўзига хос месъморчилиги шаклланиб, жуда катта қурилиш иншоотлари вужудга келди, халқ хўжалиги юксак поғонага кўтарилиди.

Ўша даврда фан ва маданият шу даражада ривожландиди, бизнинг диёримиз бу борада мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритди. Мусо ал-Хоразмий, Имом Мұхаммад ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, имом Исо ат-Термизий, Абу Райхон ал-Беруний, Маҳмуд аз-Замахшарий, Нажмиддин Қубро, Аҳмад Яссавий, Абу Али ибн Сино, Баҳоуддин ал-Нақшбанд, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Мұхаммад Бобур, Абулғози Баҳодирхон сингари алломалар мамлакат маданий-маърифий соҳасини юксак чўққиларга олиб чиқишида муҳим ва асоснй роль ўйнадилар. Қолаверса, Ўзбекистон педагогика фани асослари ўша фан ва маданият арбобларининг номи билан бевосита боғлиқдир.

1200 йилнинг биринчи чорагида шу тараққий этган мамлакатга Чингизхон бошлиқ мӯғул истилочилари бостириб кирди ва уни забт этди. Бироқ шайх Нажмиддин Қубро, Темур Малик ва Ҷалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳларнинг мустақилликни сақлаб қолиш, ёвга қарши олиб борган афсонавий кураш лавҳалари халқ ёдида ҳозиргача сақланиб қолган, бошқача айтганда, уларнинг қаҳрамонликлари, жасурлиги ва мардлиги, бекініс ватанпарварлиги ва инсонпарварлиги элдан-элга, тилдан-тилга ўтиб келмоқда.

Айниқса, Ҷалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳнинг жасорати ва матонатини, ватанга садоқатини, халқига меҳр-муҳаббатини ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Ватани, халқини деб оқ сут бериб боқсан, тунлари алла айтиб ўстирган меҳрибон онасини, суюкли хотинини, азиз болаларини Ҷалолиддин ўз қўли билан сувга чўқтириш

га мажбур бўлди. У онаси билан маслаҳатлашиб, душман қўлига тушгандан кўра шу кўргиликни афзал кўради. Ватан, халқ ва мустақилликка нисбатан бўлган муҳаббат туйғусининг бундан юксаклиги намунасини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Кейинчалик Ватанини мўғул истилочиларидан озод қилиш борасида Амир Темур жуда катта жасорат кўрсатди ва Ватан мустақиллигини тўла таъминлади. Шунинг учун ҳозир мустақил мамлакатда Амир Темурноми муносиб ўрнини топди, муборак номи янада абадийлаштирилди.

XIX аср иккинчи ярмиларига келиб, чор Русияси Туркистон мамлакатига қарши юриш қилиб, уни бутунлай босиб олди. Марказий Осиё давлатлари ва халқи 1991 йилнинг августигача тобелигу мутеликда яшади. Ўз уйнга ўзи хўжайнлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

Босқинчи ва ҳукмрон давлат таъқиби, тазиёни ҳамда зўравонлиги туфайли дину диёнат, миллий қадриятлар, одоб-ахлоқ анъаналари, мусулмончилик ақидалари, хуллас, ўзбек халқининг ўзлиги оёқ ости қилинди. У миллий маданиятидан аста-секин маҳрум бўла бошлади. Ҳатто аҳвол шу даражага бориб етдики, ёшлар миллий қадриятларнинг ўзи нималигини тасаввур қилолмасдилар. Агар қариялар қадимий урф-одатлар, миллий байрам ва маросимлар ҳақида сўзласалар, ёшлар афсона сўзлаётисиз, деб кулардилар.

Бунинг сабаби нимада? Ўқ илдизи қаерда? Бу саволларга фақат мутелик, қуллик, тобелик деб жавоб бериш мумкин, холос. Халқ охир-оқибат иқтисодий ва маънавий инқизорз шундай оғир дардки, уни даволаш жуда мушкул ишдир. Бу дарднинг давоси фақат мустақилликда кўринарди. Мустақиллик бутун ўзбек халқининг асрий орзу-умиди, холис нияти ва истаги эди. Бу ҳақда айниқса илғор зиёлилар ҳар доим ўйлашарди, лекин ўйларининг тагига етолмай қийналишарди. Орзулар орзулигича, умидлар умидлигича қолиб кетарди.

Авваламбор. Шайх Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони Соний-Феруз руҳлари шод бўлиб, қолаверса, бутун ўзбек халқининг асрий орзу-умидлари бўёбга чиқди. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон парламент йўли билан мустақилликка эришди ва ўша

куни жумҳуриятимизнинг мустақил бўлгани жаҳонга эълон қилинди.

Натижада, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни тобора ривожлантириш кучлари вужудга келди. Собиқ Иттифоқдан ажралиб чиққан республикалар ичидаги биринчи бўлиб президентлик бошқаруви амалда жорий қилинди, турли соҳаларда ҳар томонлама ислоҳотлар қилина бошланди, жамиятни тубдан янгилаш чора-тадбирларини кўришга жиддий киришилди. И. А. Каримов сўзлари билан айтганда, «Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди»¹.

Қарнйб 130 йилдан ошиқ давр мобайнида мустамла-качилик жабрини тортган, ер ости ва ер усти бойликларидан бутунлай маҳрум бўлган, қуллик асоратида кун кечириб келган жабрдийда ўзбек халқи бир оз эркин нафас ола бошлади. Наврўз байрамини кенг нишонлаш кунларида халқимиз ўзлигини анча-мунча таниб, ҳақиқат ваadolat борлигига иймон келтириди. Бу ҳодисалар кенг халқ оммасининг уйғонишига туртки бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида биринчилардан бўлиб Туркия ҳукумати тан олди. Тили бир, дили бир, дини бир давлатнинг ўзбек халқига бўлган ҳурмат-эътиборининг олий нишонаси эди бу. Кейинчалик Ўзбекистонни жуда кўпчилик хорижий мамлакатлар мустақил давлат сифатида таний бошладилар ва айни чоқда дипломатия муносабатлари ўрнатишга жазм этдилар.

«Бу ўринда бир тарихий далилни эслаш лозимга ўхшайди. 1870 йиллар ўрталарида Хоразмшоҳ Сайд Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони Соний-Феруз Туркияга сафар қилиб, турк сultonни билан учрашади ва қариндошлик ипларини боғлайди, сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий алоқаларни ўрнатади. Турк шоир ва олимларини Хивага таклиф қиласди ҳамда уларнинг асарларини Хоразм тошбосмахонасида нашр қилишни ларига бош-қош бўлади. Шу тарихий воқеа қарнйб 115 йилдан кейин кароматли Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан такрорланди. У Туркия Президенти

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 3- бет. (Кейинги кўчирмаларда қавс ичидаги шу китоб саҳифаси кўрсатилади).

марҳум Турғут Ўзол билан дўстлашди, икки давлат ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни тиклади, мустаҳкамлади. Бу далил Президентимиз дипломатиянинг тарихий асосларини, шунингдек ҳалқ дипломатиясини пухта билишини ифода этади.

Халқпарварлиги ва ватанпарварлиги туфайли 1991 йили Ислом Абдуғаниевич Қаримов умумхалқ сайлови йўли билан Ўзбекистоннинг биринчи Президенти қилиб сайданди. Унинг оқилона раҳбарлиги остида Ўзбекистон мустақилликка эришди ва бутун дунёга танилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Фақат шу ҳодиса учун ҳам Президентимизнинг номи Ўзбекистон тарихи саҳифаларига миллий қаҳрамон сифатида зарҳал ҳарфлар билан ёзилди¹.

Мустақил давлат барпо этилган экан, унинг ҳаракатга келтирувчи дастури бўлмоғи керак. И. А. Қаримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асари худди шу дастур вазифасини ўтайди. Чунки унда ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатда қандай ишлар қай йўсинда бажарилиши аниқ ва равshan кўрсатилган. Шунингдек, «Ўзбекистон ҳалқи жонажон ўлгадаги беқиёс бойликнинг абадул-абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди» (4- бет).

Ўзбекистоннинг беқиёс бойлиги деганда жумҳурият ҳудудида мавжуд моддий ва минерал ресурсларни, маданий ва тарихий ёдгорликларини, қадриятга оид барча тарбиявий ва маънавий имкониятларни тушуниш лозим. Муаллиф шу бойликларнинг Ўзбекистон ҳалқ хўжалигини оёққа қўйиш, ривожлантиришдаги роли ва аҳамиятига асосий эътиборни қаратган. Шу саъй-ҳаракат ва эътибор замирида тарбия масаласи ётади, одоб деган мўтабар нарса туради. Тарбияли ва одобли киши аввалимбор ўз оиласи фаровонлигини яхшилаш, қолаверса, давлат бойлигини ошириш учун кун сайин самарали меҳнат қилишга ҳаракат қиласди. Зотан, оилалар моддий жиҳатдан қанча ўзига тўқ, бой-бадавлат бўлсалар, маданий турмуш ва маънавий камолот ҳам шунча яхшиланиб боради.

Демак, Ўзбекистон «Ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий бойликлар, авлод-аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий

¹ Сафо Очил. Бир гап айтай қулогингга. Хоразм вилоят Матбуот бошқармасининг «Хоразм» таҳририят-нашр бўлими, Урганч, 1993, 4- бет.

куч-құдрат ва имкониятлар миллий бойлик бўлиб, одамлар фаровонлигининг кафолоти, ижтимоий тараққиёт ва равиақнинг асоси бўлиб хизмат қилади» (4-бет). Чиндан ҳам жумҳуриятимиз замини қимматбаҳо металларга кон мамлакатдир. Мустақилликка эришилгандан сўнг олтин ва бошқа ноёб қимматбаҳо ер ости бойликлари қазиб олинмоқда. Лекин улар аввалги даврдаги каби бошқа чет томонга ташиб кетилмайди. Улар давлатимиз ҳазинасини бойитмоқда. Ўша бебаҳо бойликлар ўзбек халқи қўлида, у ана шу бойликлардан тўла фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шу ҳақ-хуқуқни сақлаб қолиш ҳар бир ўзбекнинг фуқаролик бурчидир.

Ўзбек халқи ота-боболаридан қолган шундай бойликка эгаки, уни пул ёки олтину газҳар билан баҳолаш мумкин эмас. Бу бойлик жумласига фан ва маданият, адабиёт ва санъат, тарихий меъморчилик обидалари ва Хоразмий, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Чагминий, аз-Замахшарий, ал-Фарғоний, Форобий, Маҳмуд Қошғарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Бобур, Абулғози Баҳодирхон, Оғаҳий сингари жаҳон фани ва маданияти тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган даҳо алломалар асарлари ўзбек халқининг фахри ифтихоридир.

Ўзбек миллий қадриятларини, ахлоқ-одобини белгилаб берувчи муқаддас Қуръони карим, Муҳаммад алайхиссалом ҳадислари, шунингдек имом Бухорий, ат-Термизий, Нақшбанд, аз-Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокирғоний, шайх Нажмиддин Кубро каби мўътабар зотларнинг тарбия соҳасидаги бой меросини тарғиб ва ташвиқ этиш мустақил давлатимиз зиёлиларининг асосий вазифасидир. Юқорида зикр қилинган рэнго-ранг қимматбаҳо ҳазинани асраш, уни келгуси авлодларга бекаму кўст етказиш тўғрисида Президентимиз И. А. Каримов аввалимбор юртбоши, қолаверса йирик олим ва фуқаро сифатида даъват этмоқдаки, бу фикрлар унинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида ўз ифодасини топган.

Муаллиф ҳар бир нутқида, ҳар бир сұхбатда, ҳар бир мақоласи ёхуд китобида Ўзбекистон бойликлари тўғрисида ҳаяжонланиб гапиради ва ташвиқ этади. Бунинг ўзига хос сир-асори бор. Бу эндиғина мустақилликка эришиган ёш Ўзбекистон давлатининг келажакда нимага қодирлигини кўрсатиш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилини-

ши биланоқ Туркия, АҚШ, Ҳиндистон, Франция, Германия сингари 130 дан ошиқ давлат бирин-кетин уни тан олдилар, қирқдан ошиқ хорижий мамлакатлар у билан дипломатия муносабатларини ўрнатдилар.

1992 йилда Ўзбекистон ҳаётида тарихий воқеа содир бўлди. Бу тўғрида И. А. Қаримов фаҳр ва ифтихор билан шундай дейди: «Тарихда илк бор, 1992 йилнинг 2 марта Узбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул килинди» (7- бет).

Бу Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатида муҳим аҳамият касб этади. Бу унинг обрў-эътиборини белгиловчи ҳодисадирки, Ўзбекистон давлати шундан кейин Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Оврўпа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Қора денгиз мамлакатлари уюшмаси, Халқаро валюта банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига аъзо бўлиб кирди.

Натижада, муаллиф айтганидек, «Республикани хақиқатан ҳам, унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва кўникмаларини, мавжуд беқиёс табиий бойликларини ҳар томонлама ҳисобга олиб, юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолди» (8- бет).

Хуллас, мустақиллик ва унинг бугунги кундаги имкониятлари халқнинг турмуш тарзини яхшилашни, эрк-ҳуқуқини, миллий анъаналари ва маданиятини қайта тиклашни, инсоннинг шахс сифатида маънавий-ахлоқий камолотини таъминлашга ёрдам беради.

1- §. Истиқлол йўлининг шарт-шароити ҳамда заминини яратиш ва маънавий тарбиянинг истиқболи

Тарихдан маълумки, мустамлака занжири билан боғланган давлат эркинликка, озодликка осонликча эришолмаган. Бундай давлат ўн йилликлар оша, балки асрлар оша мустақилликка эришиш йўлларини, усулларини излайди, шу улуғвор ва башарий мақсадни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга бетиним ҳаракат қиласди. Президентимиз сўзлари билан айтганда, «Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунё-қараши, жумладан диний эътиқоди, руҳияти ва хулқатвор нормалари шуни тақозо этади» (9- бет).

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, халқнинг эрк ва озодликка эришишга интилиши, унинг

Йўл-йўриқларини қидириб топиши ва қулай вазият яратиш учун изланини унинг маънавий камолоти, шижоати, мардлиги, ватаппарбарлиги, ғурур ва ифтихори билан бевосита боғлиқdir. Маънавий баркамол халқ ўзи танлаган йўлнинг шарт-шароитини ва заминини яратишга интилади.

Маънавий баркамол инсон деганда нимани тушуниш керак? У, муаллиф кўрсатиб ўтганидай, инсоннинг «дунёқараши, жумладан диний эътиқоди, руҳияти ва хулқ-автор нормалари», қолаверса, ахлоқ-одоби билан бевосита алоқадордир. Умуман олганда, И. А. Каримов ушбу китобда ўрганилиши, таҳлил ва тадқиқ этилиши лозим бўлган муаммоларни маънавий-сиёсий, маънавий-педагогик қарапшлар билан диалектик бирлик сифатида қарайди. Шунинг учун бу асарнинг илмий-назарий ва амалий қиммати бекёёсdir.

Маънавий баркамол кишилар халқ тақдири ва фаронлиги, Ватан тақдири ва унинг равнақини ўйлайдилар. Улар мутеликда, қарамонкла яашани истамайдилар. Бу кишилар келажакка, ҳурриятга, озодликка ишонч туйғулари билан барҳаётдирлар. Шунинг учун муаллифлар доимо маънавий тарбияга алоҳида эътибор беришга чақиради. Ота-боболаримиздан мерос қолган миллий қадриятларнинг тикланиши, ойнаи жаҳон орқали эски ёзувга бағишлиланган ўқув тизимидағи кўрсатувларнинг изчил олиб борилиши, ўзбек давлатчилиги асосчиларининг номларини агадийлаштириш, тарихий ёдгорликларнинг таъмирланиши, ўзбек маънавияти ва маданияти вужудга келтирган алломаларимиз асарларининг муттасил чоп этилиши ва шу кабилар Президентимизнинг сўзи билан иши бир эканлигидан далолатдир.

Дунёдаги мамлакатлар у ёки бу шаклда озодликка эришганлари маълум. Худди шу тариқа улар тараққиёт йўлларининг ҳам ўзига хос шаклини танлаб, ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олганлар. Тинч ва парламент йўли билан мустақилликка эришган Ўзбекистон бошқа давлатларининг тараққиёт тажрибаларини пухта ўрганган ҳолда ўз шарт-шароити, ўзига хос хусусиятлари асосида ижобий натижаларга эришмоқдаки, унинг бу далил қадамини халқаро ташкилотлар қўллаб-куватламоқдалар ва ижобий баҳоламоқдалар. Лекин Ўзбекистон шунчаки тақлидчиликдан мутлақо йироқ эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Худди шу маънода

И. А. Каримов: «Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олингган барча унумли тажрибаларни рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясиdir. Бу — ўтмиш йилларнинг хатоларини, давлат тузилишининг шакл ва усуllibарига нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш натижасидир... Бу Ўзбекистон ҳалқининг ижтимоий тараққиётга, муносиб турмуш шароитига интилишидир» (10- бет),— дейди. Бироқ, ҳали бир неча ўн йиллар давомида одамлар қонига, онгига зўравонлик ва мажбур қилиш асосида жойлаштирилиб, кўнкима ва малакага айлантирилган айрим бепарволлик, лоқайдлик, мутелик, ўзибўларчилик ва шу каби салбий ақидаларни қанса вақтда бартараф этиш қийин. Уша чиркин иллатларни кишилар онгидан чиқариб ташлаш муаммоси ҳар бир зиёли олдида кўндаланг турибди. Бу муаммони ҳал этиш барча тарбия воситаларини сафарбар этишни талаб қиласди. Бунда, асосан, барча ахборот воситалари, радио ва телекўрсатувлар, ҳалқ таълими тизими муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда шунчаки сўзлаш, гапириш ёки қуруқ ахборотларни бериш эмас, балки асрлар, бир неча ўн йилликлар мобайнида рўй берган ва айни чоқда содир бўлаётган воқса ва ҳодисаларни аниқ далиллар, маънавият ва қадриятларнинг аҳволини қиёслаш асосида иш тутиш лозим. Бу ишонтириш куч-қудратига эгадир. Бу сиёсий-педагогик омиллардан унумли ва оқилона фойдаланишини тақозо этади.

Мустақилликка эришган ёш республикани ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида муаллиф ёзади: «Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигига эришишдан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг қуийдаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади.

Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафкур тарзидан, ҳалқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади» (11- бет).

Бунда олим қуийдаги миллий ақидаларни назарда тутади:

— ўзаро ҳамжиҳат ва жамоа бўлиб яшаш ҳамда меҳнат қилиш;

— катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, эл-юрга муҳаббат;

- ота-онани қадрлаш, фарзандлик бурчини тўла адо этиш;
- оиласга ва фарзандларга ғамхўрлик қилиш;
- миллат айрмаслик;
- бошқалар қайғусига шерик бўлиш, бир-бировга ёрдам бериш;
- ҳашарчилик анъаналарини тиклаш ва давом этириш;
- Ватанга муҳаббат туйғусини янада ривожлантириш;
- ота-боболаримизга хос меҳнатсеварлик одобига содиқ қолиш;
- билим олишга аҳамият бериш;
- устозу зиёлиларга, маърифатпарвар кишиларга ҳурмат-эҳтиром ва ғамхўрлик қилиш;
- ислом динига эътиқод туйғуларини тарбиялаш;
- ички ва ташқи сиёсатни кузатиб бориш ва унинг яхшиланишига баҳоли қудрат кўмаклашиш;
- маънавий-ахлоқий қадриятларни янада шакллантириш, ривожлантириш ва уларга тўла риоя қилиш;
- ислом дунёси билан муносабатларни яхшилаш, алоқаларни тиклаш ва ўзаро ҳамкор бўлиш;
- миллий маданиятни тобора ривожлантира бориш;
- умуман, миллий одоб-ахлоқ нормаларига тўла риоя қилиш;
- Ватан ва халқ тарихига ҳурмат билан қараш;
- тарихий меъморчилик обидаларини таъмирлаш ва кўз қорачигидай асраш;
- таълим-тарбияга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш.

Кўрсатилган шу маънавий-ахлоқий ақидаларга амал қилиш ҳамда ўтмишдаги олиму фузалолару шоирларнинг беназир мероси «қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган» ва у ҳамон таъсир кўрсатаётганини ҳамиша ёдда тутган ҳолда уни амалда татбиқ этиш зарур. Бу мустақилликни ҳимоя қилишнинг асосий шартларидан биридир.

Ўзбек халқи болажонлиги, кўп болалиги билан бошқалардан кескин фарқ қиласди ва ажралиб туради. Шу нарсани назарда тутган ҳолда юртбошимиз «Республикадаги ўзига хос демографик вазият — фоят муҳим хусусиятлардан биридир» (12-бет), — дея алоҳида таъкидлайдики, бу жумҳурият халқ хўжалигини ривожлантиришда эътиборга олиниши зарур.

Зотан, Ўзбекистон аҳолиси тобора ўсиб бормоқда ва унинг асосий қисми, яъни ярмидан ортиғи қишлоқ жойларида истиқомат қиласди. Улар, асосан, чорвачилик, дәхқончилик ва пахтачиллик билан машғулдирлар. Жумҳурият умумий аҳолисининг 60 фоиздан зиёдронини болалар, ўсмирлар, қариялар ташкил қиласди. Ўзбек халқи қўнимли халқ бўлиб, у ердан бу ерга кўчиб юрмайди.

Хулоса шуки, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи аҳолининг озчилик қисми ишлаб чиқаришда ишлайди, лекин кўпчилиги болалар, ўсмирлар ва қариялар бўлгани учун меҳнат қилмасдан истеъмол моллари билан таъминланадилар. Бизнингча, бу жумҳуриятни тезкорлик билан ривожлантиришга монелик қилувчи хусусиятдир. Шунинг учун тараққиёт йўлини белгилашда шу нарсани ҳисобга олиш лозим.

«Республиканинг яна бир хусусияти — миллий таркибининг ўзига хослигидир» (12- бет). Жумҳуриятимизда этник жиҳатдан туб аҳолиси ерлик халқ бўлиб, у жуда катта устунлик мавқеига эгадир. Ўзбекистон ҳудудида ўз миллий анъаналарига, қадриятларига, миллий маданиятига эга бўлган юздан ошиқроқ миллатлар истиқомат қилишади. Буюк ўзбек халқи уларни ўз биродари, яқин дўсти, битта оила аъзоси каби кўради. Ҳудди шу ғоя мусулмонларнинг муқаддас китоби — Қуръони каримда ҳам илгари сурилган.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов юрт раҳбари сифатида барча халқларни дўст-биродар бўлиб яшашга доимий равишда даъват этиб келмоқда. Шунингдек, ҳукумат гоҳи-гоҳи учраб турадиган экстремистик кайфиятдаги айрим кишиларга қаттиқ зарба бериб турибди. Бу мусулмончилик ақидаю анъаналарига тўла амал қилишнинг анъанавий ва тантанавий намунасидир.

Ўзбекистон шундай жўғрофий маконки, у ерда азалдан бутун жаҳон савдо сўқмоқлари кесишган ва машҳур Буюк ипак йўли туташган. Ҳудди шу республикамиз ҳудудида ташки мамлакатлар билан турли алоқалар бошланган ва ниҳоят, якунланган.

Шу тарихий далиллардан келиб чиқсан ҳолда муаллиф «Республика қулагай геостратегик мавқега эга» (13- бет) эканини алоҳида таъкидлайди. Ҳозирги шартшароитда ҳам Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатларининг қоқ марказида жойлашган. Шунинг учун у ташки давлатлар, аввалимбор ўзи учун, қолаверса, қўшни

мамлакатлар учун уларни ўзаро боғловчи мавқе ва аҳамиятга эгадир.

«Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга ошириш йўллари ва ёндошувларини танлашга табиий-иқлим шароитларининг ўзига хослиги белгиловчи таъсир ўтказмоқда» (13- бет). Муаллиф бу ўринда нима учун табиий-иқлим шароитларини назарда тутмоқда?

Жумҳурятимиз ҳудудида сув етишмаслиги ва танқислиги сезилса-да, унинг халқ хўжалигига пахтачилик етакчи ўринни эгаллайди. Умуман, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги асосан суғориш деҳқончилиги билан шуғулланиб келган.

Ўзбекистон Марказий Осиё жумҳуриятлари ичида пахта тайёрлаш бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Етиштирилаётган пахта фақат унинг ўз эҳтиёжини қондириб гина қолмай, балки уни бошқа мамлакатларга ҳам сотиш имкониятига эгадир. Бизда иқлим шароити мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини ҳам керагидан ортиқ етиштириш имкониятини тақозо этади.

Демак, Ўзбекистон ўз истиқлол йўлини белгилашда, унинг учун замин ҳозирлашда, давлатимизнинг иқтисодий ва маънавий обрў-эътиборини янада ошириш ва мустаҳкамлашда унинг табиий-иқлим шароитлари ҳам бекиёс аҳамиятга эгадир.

Бундан маълум бўладики, пахта жаҳон бозорига чиқиши имконини яратади. Шунингдек, бошқа ички имкониятлар ҳам борки, улар ташқи бозорда Ўзбекистон ўрнини мустаҳкамлайди. Бу жуда қимматбаҳо минерал хомашёлар борлиги билан характерланади. Худди шу маънода И. А. Каримов: «Ўзбекистон республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш имконини берадиган етарли потенциалга эга» (14- бет),— деб таъкидлайди.

Муаллиф шу ўринда фақат минерал бойликларга кўз тикиб ўтиrmай, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тайёр истеъмол моллари етиштиришни таъкидлайди ва айрим муаммоларни, вазифаларни ойдинлаштириб, шундай ёзади: «...халқ хўжалигининг асосан хом ашё етиштиришга йўналтирилганлигини бартараф этиш ва шу сабабли иқтисодиёт тузилмалари ҳаддан ташқари бир томонлама ривожланганлигига, собиқ Марказ ўтказиб келган яккаҳокимлик сиёсатининг натижаси бўлмиш қарамликка, яъни технология ва ресурс жиҳатидан бош-

қа республикаларга қарам бўлиб қолишга барҳам бериш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда» (14- бет).

Бу фикр ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-педагогик аҳамиятга эгаки, у фуқаролар онги сингиб кетган «шундай бўлиши керак экан» деган ўй-андишани чиқариб ташлашга ёрдам беради. Ростини айтганда, илгари оддий одамлар қарам ва муте деган нарсани билмас ва хаёлига ҳам келтирмасдилар. Чунки бир неча ўн йилликлар давомида «тeng ҳуқуқлилик», «Иттифоқдаги барча республикалар халқлари баробардирлар» деган қарашлар улар миясига сингдирилган эди. Муаллифнинг юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалари оддий халқнинг маънавий жиҳатдан кўзини очишга, ҳақиқат ва адолатни равshan кўрсатишга ёрдам беради.

Ўзбекистоннинг келажаги, халқни мақсадли йўналишга ёппасига сафарбар қилишда миллий қадриятларга таянган ҳолда унинг ижтимоий онгини ўстириш foяси муаллифнинг диққат марказида туради. Ў ёзади: «Кейинги ўн йиллар мобайнида маълум қадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий онги шаклланганлигини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас» (14- бет).

Бунда, асосан, қуйидаги принципларга амал қилиш кўзда тутилади:

- бепул таълим ҳуқуқи;
- ижтимоий адолат ва тенглик;
- ҳуқуқий ҳимояланган меҳнат қилиш ҳуқуқи;
- текин тиббий хизмат олиш ҳуқуқи;
- инсоннинг мулкка әгалик қилиши ва шу кабилар.

Умуман «Янгиланиш ва ижтимоий тараққиётнинг ўзимиз танлаган йўли — мураккаб жараён бўлиб, республика ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маданий ва бошقا барча соҳаларини қамраб олади. Бу йўл мустақил Ўзбекистон ички ва ташки сиёсатининг умумий стратегиясини белгилаб беради» (15- бет).

И. А. Каримов мустақилликка эндиғина эришган республикамизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлининг шарт-шароити ва заминини ўтмишни, тарихни, ўша даврлардаги тараққиёт босқичларини, миллий қадриятлар, урф-одатларни, жумҳуриятимизнинг жўғрофий ўрни, ер ости ва ер усти бойликларини ва шу кабиларни атрофлича қиёсий йўсинда таҳлил қилиш орқали

кўрсатган. Халқ таълими ходимлари уни ёш авлодга сингдиришда ўша тажрибага таяниши лозим. Шундагина шу фикрлар ёшлар онгига тезроқ етиб боради ва келажакда ўз самарасини беради.

2- §. Демократия ва ижтимоий адолат — ишонч руҳини тарбиялаш омили

Утмиш тажрибаларидан маълумки, ишонч бўлмаган жойда тараққиёт ва камолот, эзгулик ва рўшнолик, ҳақиқат ва адолат, поклик ва ҳалоллик, диёнат ва ҳаловат ва шу кабиларнинг илдиз отиши мумкин эмаслиги илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан тўла далилланган. Ишонч яхшиликтининг шаклланиш, ривожланиш, баркамоллик қалитидир. Ишонч йўқолган ердан иймон кетади. Ишончсиз умр — ёниб битган кўмир. Ишончсиз қалбда изтироб, қайғу-alam, умидсизлик кайфияти уя қуради. Демак, одамлар руҳидан ишончсизликни чиқариб ташлаб, ишонч уруғини сепиш, уни ундириш, ўстириш ва камолга етказиш биринчи галдаги вазифадир. Юз йиллар давомида илдиз отган бу қабоҳатни тезлик билан бир зумда йўқотиш осон иш эмас, албатта.

Шунинг учун Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов, биринчи навбатда, мамлакат ичкарисида ва ташқарисида демократия ва ижтимоий адолатни қарор топтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Чунки у истиқлол ва тараққиёт йўлининг асосий принципларидан биридир. Қолаверса, ҳақиқат ва адолат бўлмаган жойда ишонч бўлмайди. Бошқача айтганда, адолат ва ҳақиқат ишонч қасрининг қалитидир. Янги ташкил топган ёш мустақил Ўзбекистон давлати учун одамларнинг одамларга, одамларнинг давлатга, давлатнинг одамларга ишончи жуда муҳимдир. Худди шу нарса давлатлараро муносабатларда ҳам қарор топиши зарур. Бильъакс, тараққиёт ҳакида гап бўлиши мумкин эмас.

Демак, ишончни кўкартирувчи, ўстирувчи, мева тугдирувчи табаррук замин, бу — демократия ва адолатдир, бошқача айтганда, оғишмай амал қилинувчи, ҳамма учун баробар кучдаги мустаҳкам қонундир. Бу қонун ҳукумат томонидан чиқарилади ва муҳофаза қилинади. Ана шундагина халқ шу қонунга ишонади, давлат билан бирга бўлади.

Зикр қилинган фалсафий, ижтимоий ва тарбиявий

ғоялар асосида муаллиф шундай ёзади: «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатdir. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатdir» (15—16-бетлар). Халқ бўлмаса, давлат бўлмаслиги ҳақиқат. Шунинг учун давлат сиёсати, у чиқарган қонулар халқга хизмат қилиши зарур. Шу маънода, аввалимбор, халқга хизмат қилувчи, уни олға етакловчи адолатли жамиятни қуриш лозим. Бу мустақил Ўзбекистоннинг асосий вазифасидир. Бу вазифанинг ниҳоятда оғир ва енгиллик томонлари мавжуд. Оғирлиги шундан иборатки, одамлар онгига собиқ Иттилоқдаги ўн беш республика бир бўлиши керак, улар иқтисодий жиҳатдан бир-бирлари билан боғлиқ, ажralиб яхши ҳаёт кечиришолмайди, деган кўникмалар, ақидалар сингиб қолган. Мустақилликнинг දастлабки йилларида рўй берадиган моддий ва иқтисодий қийинчилклар келажакка ишонч руҳини сингдиришга халақит берадиганини тан олиш лозим.

Енгиллик томони шундаки, халқ «социализм узилкесил ғалаба қилди», «коммунизм қурамиз», «халқ 80-йиллар бошида коммунизмда яшайди» деган ваъдаларга аллақачонлар ишонмай қўйган эди. Қолаверса, халқ илгари мутеликда, қарамликда яшаётганини ҳис қилиб қолган эди. Миллий қадриятларининг оёқ ости қилинганини сезганди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг қишлоқ жойларида деҳқонларга кўпгина ерлар хусусийлаштириб берилди, миллий қадриятлар қайта тикланди, миллий урф-одатлар, анъаналар изга тушиб кетди, ҳар кимга динга эътиқод қўйиш ҳуқуқлари берилди ва шу кабилга халқ руҳини тетиклаштириди, онгини ўстирди. Қўрилаётган шу каби тадбирлар Ўзбекистонда янги жамиятни қуришга, барпо этишга жуда катта ёрдам берадиганини тан олиш керак.

Демак, янги жамиятни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун Президент ва ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ишларни халқ ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Илгари Шўро тузуми ва комфирқа ҳукмронлик қилган лаврда шаҳарларда, қишлоқларда доимий равища бажарилмаган ишлар бажарилди ёки қилинди, деб тар-

ғиб ва ташвиқ қилинарди. Бу ёлғон ишга бутун оммавий ахборот воситалари жалб этиларди.

Шаҳарларнинг ҳар бир корхонасида, муассасаларидан, ташкилотларда сиёсий ўқиш кунлари бўларди. Қишлоқларга «агитбригада»лар муттасил жўнатиларди, ҳар бир дала шийпонида, жамоа хўжаликларида, фермаларда «агитаторлар» доимий ишларди. Ўша «агитбригада»лар, «агитатор»лар, «сиёсий ўқиши»лар мутелик, қарамлика маҳкум этувчи ғояни гулга ўраб беришарди ва ҳалқ мияси заҳарланарди. Бу — қизил империянинг ғоявий қуроли эди.

Ҳозир мустақил Ўзбекистонда қандай ишлар амалга ошириляпти? Давлатимиз юритаётган ички сиёсат, амалга оширилаётган барча ишлар ҳалқнинг хоҳиширодаси, фуқароларнинг моддий фаровонлигини ошириш, миллий қадриятларни қайта тиклаш ва шу кабилар билан бевосита боғлиқdir. Бизнингча, шу оламшумул тарихий ишлар ва режалаштирилган вазифалар етарли-ча тарғиб ва ташвиқ қилинмаётганга ўхшайди. Ростини айтганда, тарғибот ва ташвиқот ҳалқ онгини ўстиришда, келажакка ва орзу-умидларининг тантана қилишига ишонч руҳини тарбиялашда асосий омил ҳисобланади. Мустақилликнинг, айниқса, дастлабки даврида бу ўта муҳим тарбиявий воситадир. Бизнингча, вилоят ва туман ҳокимиятларидаги мафкура билан шуғулланувчи бўлимлар, қишлоқ жойларидаги маданият уйлари ва клублар, ҳалқ таълими ходимлари Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўллари режаларини тарғиб ва ташвиқ этишда узвий ва доимий фаоллик кўрсатишлари лозим. Бу, илмий-педагогик тил билан айтганда, фаол тарбиявий жараёндир.

Мустақил давлат фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб беришини тарбиявий жараёнда амалга ошириши осон кечади, деб ҳисоблаймиз. Отабоболаримиздан мерос бўлиб қолган тарихий тажрибалар шуни тақозо этади.

Инсон руҳиятида ва педагогик қарашларида яна бир нарса борки, у инсонни дадил олға қадам ташлашга доимо даъват этиб туради. У ҳам бўлса — кафолатдир. Бирор киши бошқа кишига бирон ишни қилишга унда-са, у шу ишнинг яхшилик билан тугасига, натижаси ижобий якунланишига кафил бўлиши керак. Айниқса, давлатни бошқаришда кафолат муҳим аҳамиятга эгадир.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек,

«Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишни кафолатлаши керак» (16- бет). Ана шундагина янги таркиб топган тузумга нисбатан халқнинг меҳр-муҳаббати уйғонади.

И. А. Қаримов ўша кафолатлар ва уларнинг маънозмазмунига бирма-бир тўхталади. Чунончи: сиёсий соҳада «... халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш. Халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ имкониятга эга бўлиши лозим» (16- бет). Муаллиф «Халқнинг турмуш тажрибаси»га урғу берар экан, бизнингча, илгариги тузумларда халқ қандай кун кечирган, бугун қандай, келажакда қандай бўлади?— деган саволларга жавоб бериш ва уларни қиёсий ўрганишни назарда тутади. Чунки халқ қайси тузумда турмуши яхши бўлган, қайсисида янада яхшироқ бўлади?— деган саволга жавоб топа олади. Шунингдек, демократик принципларни таркиб топтиришда аҳолининг миллий ва маданий анъаналари муҳим ўрин эгаллайди. Бу ўринда асрлар давомида тўпланган фалсафий-педагогик тажрибалар назарда тутиляпти.

«— Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш. Жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим бўлади» (16- бет). Бу ерда гап «кучли ижроия ҳокимият» тўғрисида боряпти. Чиқарилган қонун ва фармонлар, қарорлар бажарилмаса, тузум, жамият тараққиёти, турмуш фаровонлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Кучли ижроия ҳокимият фаолият кўрсатмаса, мамлакатда бош-бошдоқлик, тартибсизлик, жиноятичлик кенг томир отади, умуман ҳаёт издан чиқади. Шунинг учун кучли назорат ва кучли ҳокимият жуда зарур;

«— барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манбаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш. Қону-

нийлик ва ҳуқуқ-тарғибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюш-қоқлик ва масъулият устивор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди» (17- бет). Қонун ҳамма учун тенг ва у ҳамиша устун бўлмаса, унинг обрўси қолмайди. Агар қонун шундай ноилож аҳволга тушиб қолса, яъни обрўси қолмаса, уни чиқарган ҳукумат халқ эътиборидан чиқа бошлайди. Шунинг учун давлат — халқ — қонунга яхлит диалектик бирлик сифатида қарааш лозим. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди;

«— Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносабидир, деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қоидасини рўёбга чиқариш. ..» (17- бет). Бу банд ҳуқуқий давлат учун жуда зарурдир. Унинг тарбиявий аҳамияти катта. Бу ерда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча фуқароларга жуда катта ҳуқуқ бериш баробарида масъулиятлар ҳам юклайди. У миллатидан қатъи назар, Ўзбекистонни ватаним деб қарashi ва унинг бутун қоидаларига итоат этишга мажбур, чинакам ватанпарвар бўлиши шарт. Борди-ю Ватангага ёмон ният билан ташқи куч таъсир этса ёхуд этмоқчи бўлса, ўша куч кимнинг миллатига мансуб бўлишидан қатъи назар, унга қарши ўзбеклар билан ёнима-ён туриб курашиши зарур;

«— озчиликтан иборат миллатларнинг мафгаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ҳамда ривожланишини кафолатли таъминлаш, давлат тузилмалари фаолиятида ва жамоат турмушида фаол қатнашини» (18- бет). Ўзбек халқи азалдан байналмилал халқ. У бир умр миллат ажратган эмас. Чунки бу фазилат қонун сифатида ҳатто Қуръони каримда ва пайғамбаримиз ҳадисларида қайд қилинган. Худди шу нарса Президентимиз назаридан четда қолган эмас. Бу Ўзбекистонда яшовчи барча миллатларнинг дўстлиги, иноқлиги ва биродарлигини таъминловчи энг буюк кафолатдир;

«— бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг яккаҳо-кимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш. Биронта ҳам мафкура мутлақ ҳақиқатни билишга даъзо

қилиши мумкин эмас. Маънавийлик ва инсонпарварлик, республика ҳудудида яшаётган барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатларини, дини, тили ва маданиятини ҳурмат қилиш қондаларига устиворлик берилishi» (18-бет). Шу фикрлардан Президентимизнинг сиёсий ташкилотлар, мафкуралар, фикрлар хилма-хиллиги га кенг йўл очиш тарафдори экани аён кўриниб турибди, лекин у уларнинг яккаҳокимлигига тубдан қарши. И. А. Каримов бу фикрга ўтмишдаги, айниқса, собиқ қизил империя давридаги тажрибаларнинг аянчли натижаларини таҳлил этиш асосида келганлиги сезилиб турибди. Мустақилликнинг дастлабки даврида шу ҳудуддаги айрим фирмә ва халқ ҳаракатлари ҳам ўз фикрини зўравонлик билан ўтказиш йўлини танладилар. Натижада улар тез орада халқ назаридан қолди. Худди шунинг учун ҳам мазкур фикр сиёсий-тарбиявий аҳамиятга эга;

«— чиҳнакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўп партиявийликни амалда шакллантириш. Айни вақтда ҳокимиятни зўравонлик билан ўз гартиришни мақсад қилиб қўйган, республиканинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқадиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликлари ва маънавий негизларига тажовуз қиласидиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши керак» (18-бет).

Олдинги банднинг маъно ва мазмуни бу бандда янада кучайтирилган ва тўлдирилган. Халқ сиёсий-тарбиявий жиҳатдан янада шаклланиши, камолотга етказилиши лозим. Ривожланган бошқа мамлакатларда ҳам кўп партиявийлик сиёсати мавжуд. Лекин ўша партиялар халқ, ватан, давлат манфаатидан четга чиқмайдилар. Миллий анъаналар ва қадриятларни ҳимоя қиласидилар, ҳеч бир ишни зўравонлик билан амалга оширмайдилар. Халқ қайси партиянинг дастури ва амалдаги иши унинг манфаатини кўзласа, унга эргашади. Хуллас, партиялар конституцияда белгилаб берилган қонунлардан четга чиқмайдилар. Бу кўп партиявийликнинг асосий принципидир. Бизда эса «Эрк» демократик партияси ва «Бирлик» халқ ҳаракати давлат арбобларини ҳақоратлаш ва уларга тухмат тошини отишдан ҳам қайтмадилар.

— Зинк қилинган «Эрк» демократик фирмәси ва «Бир-

лик» халқ ҳаракати раҳбарлари, айниқса Салой Мадаминов нохолис, алдамчилик каби ахлоқсиз, миллий одобимизга зид йўллар билан шон-шуҳрат орттириб, давлат ҳокимиятини эгалламоқчи бўлди. Тўғрисини айтиш керак, дастлаб халқнинг айрим кичик бўғинлари унинг ҳийла-найрангларини тўғри ваadolatli баҳолай олмади.

Бироқ одамлар кейинроқ С. Мадаминовнинг мансаб-парастлигига, манфаатпарастлигига, молпарастлигига, шуҳратпарастлигига иймон келтирди, унга ишонмай қўйди. Чунки у фисқу фасод йўлидан борди, ҳақиқат йўлидан чекинди. Бу хусусда буюк аллома Абул Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий шундай башорат қилган: «Кўпинча фисқу фасод қилувчилар бир нарсани гумон қилиб, уни ҳақиқат деб ҳисоблар, ҳолбуки пировардида унинг нотўғри эканлиги равshan бўлар!». Чиндан ҳам «Эрк» демократик фирмаси ва «Бирлик» халқ ҳаракати ва уларнинг раҳбарларининг тутган йўлиadolat ва ҳақиқатдан йироқ экани халққа равshan бўлди. Шунинг учун халқ уларга эргашмади.

И. А. Каримов янги тузумнинг иқтисодий соҳадаги қоидалари хусусида фикр юритар экан, у Ўзбекистон мустақиллигини ҳимоя қилишдаги кафолатлардан бири эканига урғу берди. Зотан, «барқарор ва жўшқин ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этиш» зарурдир. Иқтисодий бойлиги кучли давлат ҳар нарсага қодирдир. У барча мамлакатлар билан иқтисодий алоқа ва муносабатлар ўрнатишга қурби етади.

Иқтисодий соҳадаги қоидада «тайёрга айёр» бўлиш каби эски ақида ва анъана бутунлай рад этилади. Бунда тадбиркорлик, ишбилармонлик, ташаббускорлик, ҳалолликни қўллаб-қувватлаш ва шу кабиларга кенг йўл очилиши орқали бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, уни янги-янги тажрибалар асосида ривожлантириб бориш кўзда тутилади.

Бизда бозор иқтисодиётига бошқача қарашлар, яъни у турли қинғир йўллар билан пул топишдан иборатдир, деган қарашлар ҳам пайдо бўлди. Бу салбий тушунча ва қарашлар бозор иқтисодиётига бутунлай ёт нарсалардир. Олибсоларчилик, чайқовчилик бозор иқтисодиётига халал берувчи тўсиқлардир. Бу моддий жиҳатдан

¹ Аз-Замахшарий. Нозик иборалар. (Шарҳлар муаллифи ва таржимон Убайдулла Уватов). Тошкент, «Камалақ», 1992, 57-бет.

ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам, маънавий-тарбиявий жиҳатдан ҳам янги ҳуқукий демократик давлат қурилишига зиён етказувчи касо-фатdir.

Инсон мулк эгаси бўлиши керак. Бу мулк бошқа мулкчиликлар билан тенг ҳуқуқли мавқе касб этиши лозим. Уларнинг барчаси давлат томонидан тенг ҳимояланниши зарур экани янги тузум қоидасига киради. Бу муаллиф қарашларидаги инсонпарварлик ғоясининг устунлигини яққол кўрсатади.

Илгарилари корхона, муассаса ва ташкилотлар юқоридан берилган буйруқлар, топшириқлар асосида иш тутишарди. Дейлик, пойабзал фабрикаси фақат туфли ишлаб чиқаради. Ортган майда қирқим материаллар чиқиндига чиқиб кетарди. Ҳозир эса ўша «чиқинди» материаллардан камар, сумкалар, ҳамён ва шу кабилар ишлаб чиқариш мумкин. Муаллиф «корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтириш»га эътиборни қаратар экан, бизнингча, худди шу эркинликларга йўл очишни назарда тутган. Бу педагогика фани тили билан айтганда, тежамкорлик одобига риоя қилиш ва заараркунандалик каби ахлоқсизликка қарши курашнинг худди ўзгинасадир.

Иқтисодий соҳа қоидасига инсонларнинг меҳнат қилиш, дам олиш, ишсизлик содир бўлса, ижтимоий мухофаза ҳуқуқ ва қонунлари кирадики, булар инсонпарварлик туйгулари билан йўғрилган. Дейлик, бир корхона тугатилди ёки иш ўринлари қисқартирилди. Ўша корхона нада нафақага (пенсия) яқинлашган ишчи ва хизматчиликлар бор. Уларни муддатидан олдин пенсияга чиқариш белгиланганки, бу янги тузумнинг беқиёс афзаллигидан далолатдир. Бу инсон қадр-қимматини улуглаш тадбиридир. Муаллиф ғояларининг инсонпарварлиги, халқпарварлиги, қадриятпарварлиги ҳам шунда.

Шунингдек, бу соҳада, яъни ижтимоий-иқтисодий соҳада қариялар ва уларнинг нафақаларига нисбатан ўта ғамхўрлик ғоялари илгари сурилади. Бунда нархнаволарнинг ўсиши билан нафақанинг миқдори ҳам ортиб бориши кўзда тутилади. Зотан, мусулмончилик ақидаларида қарияларни, бева-бечораларни, етим-есирларни, майиб-мажруҳларни сийлаш, уларга ёрдам бериш улуғланади. Президентимизнинг фикр ва мулоҳазаларида, режа ва дастурларида шу қоидаларга жиддий эътибор берилган.

Хусусан у ҳар бир фикрни айтар экан, халқнинг бугунги куни ва келгуси авлод тақдирини ўйлайди ва бу ҳақда сидқидилдан қайғуради. Бу фикрларнинг ҳурлиги, донолиги ва пурмаънолиги ҳам шунда. Ўнинг бу хилдаги фикрлари табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, атроф-муҳитни кўз қорачиғидек асраш билан бевосита боғлиқдир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, оила ва давлатни бошқаришда тежамкор бўлиш ва ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик муҳим аҳамият касб этади. Қомусий олим аз-Замаҳшарий бу тўғрида жуда топиб айтган: «Мол-мулкни беҳуда исроф қилиш куфрана «неъматдир», ўйламасдан бойлигини сарфлаш тўлиқ таназзулга олиб келади»¹. Худди шунингдек, табиат неъматларидан унумли ва оқилона фойдаланиш ҳам аз-Замаҳшарий фикрининг мантиқий маъно ва мазмунини ташкил этади. Чунки у инсон учун яратилган неъматдир.

Шу маънода юртбошимиз қўйган «Бошқа давлатларнинг иштирокида Оролни қутқариш, Орол бўйидаги экологик шаройти соғломлаштириш борасида самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, мазкур минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий соҳасидаги фалокатли оқибатларини бартараф этиш» билан бевосита боғлиқ масалани кўтариб чиқиши ниҳоятда тарихий аҳамиятга эгадир. Зотан, табиатни кўз қорачиғидек асраш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ота-боболаримиздан қолган муборак ва муқаддас анъанадир.

Тарихдан маълумки, қачонлардир аллакимлар томонидан Оролни қуритиш режаси тузилган ва бу аста-секин амалга оширилган. Далилларни очиқ-ошкора айтиш расмга айланди. Бу яхши. Шунинг учун бу ўринда бир далилни келтиришни лозим топдик. Туркистон генерал-губернатори фон-Кауфман бундан 123 йил илгари (1872 йил 14 ноябрда), Русия подшоси Александр II га мактуб йўллаб, шундай фикрни илгари сурган эди: Хевага юриш бошлаб, хонлик пойтахтини эгаллашга унинг қўшинларини янчидан ташлаш орқали чор қўшинларининг куч-қудратини намойиш қилиш пайти етганинг айтди. Шунингдек, Кауфман «Биз Оролни ўйлашимиз керак. Биз шундай қилишимиз зарурки, Амударё

¹ Аз-Замаҳшарий. Нозик иборалар. (Шарҳлар муаллифи ва тажримон Убайдулла Уватов.) Тошкент, «Қамалак», 1992, 49- бет.

билан Сирдарёниг сувлари Оролга етиб бормасин. Бу сувлар пахта учун ишлатилсин. Оролга эса Сибирдан сув келтириш лозим. Ана шундагина Туркистонни мустамлака сифатида тутиб турисимиз мумкин бўлади» — дейди¹. Чор ҳокимияти вакили Кауфман табиат неъмати — Орол денгизини қуритиш ҳақида ўйласа, И. А. Каримов уни қайта тиклаш ҳақида қайғуради.

Мана икки хил манзара ва икки хил шахс. Бири халқинг абадий қуллиги ва тобе бўлиб қолишига ҳаракат қиласди, иккинчиси эса халқ рўшнолиги, фаровонлиги, сиҳат-саломатлиги ҳақида қайғуради. Президентимиз ғояларининг, фикрларининг инсонпарварлиги, халқ-парварлиги, ватанпарварлиги, илоҳийлиги ҳам шунда. Демак, ёшлар одобини, ахлоқини шакллантириш ва ривожлантиришда ўша ғояларга таяниш лозим деб ўйлаймиз.

Шу ўринда Орол муаммоси билан боғлиқ бир масалани эслаш тарбиявий жиҳатдан ўринли. Халқ нойиблари ва Президент сайловини ўтказиш жараёнида айrim кишилар халқни қийнаб келаётган шу оғрикли фалокатдан ўз манфаати учун фойдаланмоқчи бўлдилар ва фойдаландилар. Улар Орол фожиасини айни кунларда фаолият кўрсатаётган, яъни ишлаб турган раҳбарларга тўнкашдек разилликдан ҳам қайтмадилар. Улар халқ нойиби қилиб сайланишдан ёки катта амалга умид билдириб, овоз берилишидан олдин Оролни дарҳол тиклашга, ҳамма ёқни саранжом-саришта қилишга ваъда беришди. Лекин бу тўғрида уларнинг муайян режа ва амалий дастурлари йўқ эди. Бу, педагогик тил билтан айтганда, одобсизлик ва ахлоқизликнинг худди ўзгинаси эди. Қуруқ ваъдабозлик, алдамчилик одобсизликнинг ёрқин намунаси дир. Республикаиз раҳбари «Бошқа давлатлар иштирокида Оролни қутқариш» мумкин деган реал фикрни илгари сурди. Чунки уни тиклашга бир давлатнинг кучи етиши қийин. Қолаверса, бу муаммо бирданига, яшин тезлигида ҳал бўладиган осон иш эмас.

Умумтаълим мактабларида жўғрофия фани дарсланида ва экологик тарбия машғулотларида муаллиф фикрларидан фойдаланиш самарали аҳамиятга эгадир. Далиллар ва бу соҳадаги ҳар хил фикрларни қиёсний

¹ Давлатёр Раҳим Шихназар Матрасул Феруз. Тошкент, Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 32- бет.

ўрганиш муҳимдир. Жўғрофия ва экология машғулоти ўқитувчилари тегишли дарс ва машғулотлар жараёнида фон Кауфманнинг разилона режалари, уларнинг туб маъно-мазмуни, моҳияти ва оқибат-натижалари билан ўқувчиларни обдан таниширадилар. Харитадан Амударё ва Сирдарёларнинг жойлашиш ўрни, қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти тўғрисида сўзлаб, Орол денгизи ҳақида ҳикоя қиласидар. Шундан сўнг Кауфман фикрларининг Марказий Осиё миңтақаси халқлари учун ниҳоятда хавфли оқибатларга сабабчи эканини тушуниширадилар. Шу хавф-хатардан қутулиш учун Президентимиз ва ҳукуматнинг Орол денгизини қутқариш борасида амалга ошираётган умумбашарий фаолиятининг аҳамияти тўғрисида сабоқ берилади. Уша далиллар қиёсий равишда таҳлил қилинади. Бу педагогик усул ёшларнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик қарашларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ёшлар маънавий ахлоқи ва одобининг шакланишида ва такомиллашувида муҳим роль ўйнайди. Зотан, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда маънавий-ижтимоий тарбия зарурый омилдир.

Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш ва янгича тузумни барпо этишда ижтимоий ва маънавий кафолатлар муҳим ўрин тутади. Чунки бу нарса инсон онгига, тафаккурига сингиши лозим. Бошқача айтганда, инсон миясини эзгу фикрлар билан тўйғазиш зарур. Албатта, бу ижтимоий-маънавий тарбия билан бевосита боғлиқдир.

Инсон ҳаётини иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан кафолатлаш деганда, биринчи навбатда, инсонпарварлик ғояларига таяниш лозим. Чунки уша нарсаларнинг барчаси инсон учун, унинг баҳт-иқболи, истиқболи учун хизмат қиласиди. Шуни назарда тутган ҳолда мваллиф инсонпарварлик масаласига қайта-қайта урғу беради. Бу ерда инсон қадр-қиммати юқори даражага кўтарилиган. Утмишда доноларимиз ва халқ «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман» деб бежиз айтмаган. И. А. Каримов инсон қорини тўйғазиш билан бирга унинг қадр-қимматини жойига қўйинши бир бутун масала сифатида қарайди. «Ўзбекистоннинг кундалик ҳаётида инсон ҳуқуқларининг Умумий декларациясида мустаҳкамланган меъёрларни изчиллик билан, оғишмай қарор топтириш» (20- бет) унинг бош маслаги ҳисобланади.

Жаҳон халқлари маънавияти тарихидан маълумки, ота-боболарининг кимлигини, ўзи мансуб халқ тарихини, умуман, ўзлигини билмаган кишида ғуурур бўлмайди. Ғурури йўқ одам кўпроқ тобеликка мойилдир. Ўзбек халқига унинг ўзлигини танитиш ниҳоятда муҳимдир. Шу жиҳатдан, муаллиф сўзлари билан айтганда. «Ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини топиш ва Ўзбекистонга қайтариш» давлат аҳамиятига эга вазифадир. Юртбошимиз шу фикрлари орқали бутун фан аҳлини, халқни маданият тарихини чуқур ўрганиш ва пухта тадқиқ этишга, шунингдек, халқнинг маданият бойлиги қайси жойларга олиб кетилгани ва қаерларда сақланаётганини анқлашга ва уларни Ўзбекистонга олиб келишга умумий сафарбарлик эълон қиляпти.

Мисол сифатида бир далилни келтирайлик. 1873 йили Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман Хоразмни забт этган пайтда асрлар давомида Хоразмшоҳларга тегишли бўлган кумушдан ясалган таҳт Санкт-Петербург шаҳрига мажбуран олиб кетилган. Бу ҳанузгача ўз эгаси — ўзбек халқига қайтарилимади.

Ҳозирги кунда қанча-қанча шунга ўхшаш маданий ва тарихий ёдгорликлар, фан, адабиёт ва санъатга оид асарлар қўллёзмалари Русия ва бошқа хорижий мамлакатларда чанг босиб ётибди. Буларнинг барчаси ўзбек халқининг маданий меросидир. Ўларни олиб келиш ва тадқиқ этиш, шу тадқиқотларни халққа тақдим этиш маънавияти ва ахлоқийликни қайта тиклашнинг ёрқин намунасидир. Чунки ўша халқ меросида ўзбекларнинг ўтмиш маънавияти ва ахлоқий анъаналари тарихи ўз аксини топгани шак-шубҳасизdir.

Шунингдек, Самарқанд, Хива, Кўқон, Кўҳна Урганч, Ҳазорасп каби шаҳарларни таъмирлаш, эски ҳолинга қайтариш каби ишлар, тадбирлар ёшлар онгига миллий ғуурурни сингдиришда самарали таъсир қиласиди. Зотан, миллий ғуурур ва ифтихор ватан мустақиллiği ҳақида қайғуришга ундаиди. Демак, маънавий тарбия мустақилликни ҳимоя қилиш гаровидир. Мустақиллик тарбияси асоси ва унинг бошланғич босқичи миллий тили масаласини ҳал қилишга бориб тақалади. Чунки ўзининг тили ва маданиятига эга бўлмаган одамлар тўдаси халқ ва муайян миллат бўлолмайди. Бундай одамлар тўдасида миллий ифтихор туйғулари ҳам бўлиши мумкин эмас. Халқимизда «Тилга эътибор, элга эътибор»

деган доно ҳикмат борки, унинг ахлоқий-маънавий ва руҳий-тарбиявий аҳамияти беқиёсdir. Муаллиф «...ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рӯёбга чиқариш» ҳақида қайғурар экан, ўзбек халқининг яқин ўтмишдаги тил билан боғлиқ аянчли аҳволи туфайли содир бўлган дардига малҳам қўйиш ва бу муҳим, долзарб иш эканини алоҳида таъкидлайди. Бу ғоя ўзбек миллатига бўлган чексиз ҳурмат, эътибор, эътиқод одобининг ёрқин намунасиdir. Шунингдек, муаллиф бошқа халқлар маданияти ва тилларига ҳурмат билан қараш зарурлигини алоҳида уқтиради. «Тил билган — эл билади» дейди доно халқимиз. Бошқа халқларнинг тилини билиш кишига ҳар томонлама наф келтиради. Демак, И. А. Каrimov ўтмишда ўтган алломаларимизнинг тил ҳақидаги доно фикрларига содиқ қолиш ғоясини илгари сурмоқда. Бу ғоянинг илдизлари узоқ тарихга бориб етади. Қомусий олим аждодларимиз ўз тилидан ташқари бир неча тилларни билишган ва ўша тилларда илмий тадқиқот ишларини ёзишган, ижод қилишган. Бу аждодларимизнинг бола тарбиясида тил ўргатишга алоҳида эътибор берганликлари натижасидir. Узоқ ўтмиш тарихидан қишлоқ мактаб ва мачитларида, шунингдек мадрасаларда тил ўргатиш асосий вазифа қилиб қўйилган. Ўша даврларда болалар ҳам тил ўрганишга нисбатан ўзларида юксак масъулият сезишган, вижданан ҳаракат қилишган.

Виждон ва дин эркинлиги маънавий юксалиш омилларидан биридир. Чунки «Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлғон ва риёкорликдан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда» (21- бет). Динга кенг йўл очилгандан сўнг кўпгина ёшлар кўчада беҳуда копток тепиб юришдан, текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб юриш каби иллатлардан ўзларини тийиб, масжидларга бориб, намоз ўқиб, одоб-ахлоққа оид сабоқлар олиб келаётганлари сир эмас. Улар «Ислом — ота-боболаримизнинг тини, мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзи» (21- бет) эканини аста-сескин тушуна бошладилар. Бу ҳозирги кунда миллий тарбия анъаналарини қайта тиклаш ишлари ривожига салмоқли таъсир қилмоқда. Бугунги болаларни бирор нарсани қилишга, бажаришга мажбур қилиб бўлмайди. Шунинг учун уларнинг онгига, руҳига таъсир қилиш йўлларини

излаб топиш зарур. Шу маънода Президентимиз «виждон ва дин эркинлиги» тўғрисидаги фикрларни топиб айтган.

Виждан ва дин эркинлиги фуқароларнинг тинч-тотув яшашларига, ўзларини ўзлари тарбиялашларига самарали таъсир ўтказади. Шу нарсаларга ижтимоий муҳофаза масаласи ва кафолати қўшилса, ёшу қарияларнинг келажакка ишончини орттиради. Шу боисдан И. А. Каримов аҳолининг энг ночор қатламларини, кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оналар, ўқувчи ўшларни давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилишга эътибор бериш ҳақида қайфуришни алоҳида таъкидлайди. Бу масала энг тараққий этган мамлакатларда аллақачон ҳал бўлган. Президентимиз эндиғина ташкил бўлган мустақил Ўзбекистонда дастлабки кунлардан бошлаб шу муаммони ҳал этиш ва бу борадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга асосий диққатни қаратди. Ижтимоий муҳофаза инсонларнинг соғ-саломатлиги билан бевосита боғлиқдир.

Халқимизнинг соғлом ўсишида ижтимоий муҳофазалаш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим. «Соғлом танда — соғлом ақл», дейди доно халқимиз. Инсоннинг соғ-саломатлиги ҳақида гап борганда, унга тиббий хизмат кўрсатиш масаласи кўтарилади. Одамлар умрини узайтириш, чақалоқлар ўлимини қисқартириш ҳам худди шу муаммо билан боғлиқдир. Президентимиз И. А. Каримов яна оналик ва болаликни муҳофаза этиш тўғрисида зарур чора-тадбирлар кўришга чақиради. Чунки, инсон соғлиғи — мустақил Ўзбекистон тараққиётининг омилидир.

Тиббий ёрдамни яхшилаш учун малакали тиббий ходимлар тайёрлаш тўғрисидаги доно фикрлари ва ғамхўрлиги туфайли тиббиёт илмгоҳлари ёки куллиётлари очилганки, бу халқинг ҳар томонлама маънавиятини янада ўстиришга ёрдам беради. Бу илм даргоҳлари яқин келажакда мустақилликни мустаҳкамлаш ишига, албатта, яқиндан ҳамкор бўлади.

Қолаверса, биз таҳлил қилаётган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида республика ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат вакиллари ўзбеклар билан ёнма-ён умумий таълим олиш ҳуқуқига эга экани, шунингдек, ижодкорликка кенг йўл очиш ҳамда иқтидорли ва истеъоддли одамларга барча шартшароитларни яратиб бериш лозимлиги таъкидланади.

Худди шу нарсалар қонун йўли билан кафолатланган.

Умуман олганда, «фуқаролар тинчлиги ва миллатларо тотувликни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқтартиботни қарор топтириш мана шундай сиёсий, давлат ва конституциявий тузумга эришиш қалитидир» (22- бет).

Мазкур рисолади Ўзбекистон халқи ва унинг анъаналари, инсонпарварлиги тўғрисида адолатли фикр билдирилган: «Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-урұғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир» (23- бет). Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир ота-она ўзларини асло ўйламайди. Топган-тутганини авайлаб-асраб фарзандига қўяди, тўйларга яратади, эл-юрга едириб-ичиради, уй-жойлар қуради. Бу унинг шодлиги ва муродидир. «Топганинг тўйинингга буюрсин» деган ҳикмат ҳам шундан қолган бўлса ажаб эмас. Ўзбек кишиси, муаллиф таъкидлаганидек, ўзини эмас, аввало оиласининг ғамини ейди.

Президентимиз «Оила—жамиятнинг негизи», деб уқтирап экан, шу фикр асосида кичик оилалар ўзига тўқ яшаса, катта оила — давлат тўқ бўлади, кичик оилаларда бир-бировга ҳурмат, меҳр-оқибат, яхшилик ва эзгулик қарор топса, мамлакат тинч бўлади деган пурҳикмат маъно мавжуд. Шунинг учун ҳам Президентимиз оила ва унинг фаровонлиги, оиладаги тарбия масалаларини юқори ўринга қўяди, одамларнинг талаб- эҳтиёжларини қондириш масаласини кўндаланг қўяди.

Инсон қайси тузум ва жамиятда яшамасин, у ўз эҳтиёжларини қондиришни талаб қиласди ва шунга қараб интилади. Эҳтиёжларнинг қондирилганлиги, бу тинчлик, тараққиёт ва меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат барқарорлиги демакдир. Агар одамларнинг эҳтиёжлари қондирилмаса, диёнат ўрнини хиёнат, эзгулик ва яхшилик ўрнини ёвузлик, тўғрилик ўрнини ўғрилик эгаллайди, халқ ўртасида тинчлик ва осойишталик йўқолади. Бу хусусда рус тараққийпарвар олими Н. Г Чернишевский ёзади: «. ёвуз сифатларни намоён қиласиган энг кучли манба — эҳтиёжларни қондиришдаги воситаларнинг етишмаслигидир, одам агар бир нарсадан деярли маҳрум этилса, ўзига керак бўладиган нарсасиз қолмаслик

учун қабоҳатга қўл уради, яъни бошқаларга ёмонлик қиласди»¹.

Демак, халқнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш ҳар бир тузум ва жамиятнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим. Ана шундагина ҳар қандай қабоҳатга, ёвузликларга барҳам бериш мумкин. Биринчи галда моддий эҳтиёжлар масаласи кўндаланг туради.

Оиланинг ҳаёт ва турмуш даражаси яхши бўлса, унда ўсаётган ёш авлоднинг кўнгли ва руҳи баланд бўлади, ҳеч нарсадан ўқинмасдан униб, ўсади. Бу авлод ўша яхши турмуш давлат ва тузумнинг шарофати эканини англаб олади, у билан фахрланади, мустақилликнинг имкониятларига тушуниб етади. Зотан, ҳар бир инсон ўз давлати билан, халқининг фаровонлиги билан фахрланиб яشاши керак. Ана шундагина халқ ватанини, давлатини, унинг қонунларини кўз қорачигидай асрашга ҳаракат қиласди. Зотан, «Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир» (23- бет). Бас, шундай экан, «Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт» (23- бет). Худу шу ғояни ёш авлод онгига, қулоғига мустаҳкам қилиб қўйиш лозим. Чунки келажак, яъни мустақил Ўзбекистоннинг келажаги, истиқболи уларнинг фидойилилиги, жасорати, билим-заковати, саховати, меҳнати ва матонатига бевосита боғлиқдир. Бугун бироз қийинчиликлар бўлаётган бўлса, тинимсиз меҳнат, ижобий яратувчилик туфайли ёрқин кунларга етишиш муқаррар эканлигига ёшларни ишонтириш лозим.

Аслида Ўзбекистон ҳукумати бугун гуллаб-яшнаб турган юксак тараққиёт босқичларини эгаллаб турган демократик давлатлар сафидан муносиб жой олишни асосий вазифа қилиб қўйған. «Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси бунинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қиласди» (24- бет).

Хуллас, халқ онгига, биринчи навбатда, мустақилликнинг ўзи нима эканини, давлат мустақиллиги афзаллигини сингдириш, қолаверса, бизнинг мамлакатимиз демократия ва ижтимоий адолат қонунлари асосида шаклланётганини тушунтириш зарур. Бу халқнинг келажакка ишонч туйғуларини тарбиялашда муҳим аҳа-

¹ Чернишевский Н. Г. Танланган педагогик асарлар, Тошкент, «Ўқитувчи», 1989, 171- бет.

мият касб этади. Бундай педагогик-тарғибот ишларини умумтаълим мактабларида, корхоналарда, ташкилотларда, муассасаларда, қишлоқ дәхқонлари орасида, олий ва маҳсус ўрта ўқув юртларида изчил ва муттасил олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ватан барча зиёлилардан шу олижаноб ва мўътабар вазифани амалга оширишни кутади.

3- §. Миллий манфаат, ташқи сиёсат ва ҳамкорлик одоби

Ташқи мамлакатлар билан ўзаро муносабатлар, ҳар томонлама алоқалар замирида халқнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа миллий манфаатлари турди. Бошқача айтганда, халқ өхтиёжини қондиришда ташқи сиёсат муҳим роль ўйнайди. Мол айирбошлиш, савдо-сотиқ, ҳамкорликдаги қурилиш ишлари, ишлаб чиқариш корхоналарини, завод ва фабрикаларни барпо этиш ва шу кабилар халқлар турмушини яхшилашга хизмат қилиши лозим. Лекин буларнинг барчаси тенг ҳуқуқлиликка асослансанагина яхши натижалар беради.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон давлати мустақилликка эришган биринчи кунданоқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кириш, жаҳон ҳамжамиятига кириш сингари сиёсий масалани ҳал қилиш ишини дарҳол бошлаб юборди. Жуда узоқ йиллар орзу қилиб келинган мақсадга тўла эришди. Ўзбекистоннинг ўша манфаатлари ҳақида муаллиф шундай ёзади: «Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчилликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир» (24- бет).

Ташқи сиёсат ҳақида фикр юритилар экан, мустақиллик ва қарамлик тушунчаларини ойдинлаштириш учун Ўзбекистоннинг илгариги, яъни «қизил империя» давридаги бу борадаги аҳволи хусусида тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Миллий республикалар, хусусан, Ўзбекистон ўзининг табиий ва минерал бойликларига хўжайинлик қилолмасди. Қўлида бойлиги, чет эл валютаси бўлмаган давлат хорижий мамлакатлар билан алоқа ўрнатиши мумкин эмас. Тайёр маҳсулот ёхуд хом ашё ташқи бозорга чиқариб сотилсанагина сармоя оқиб келади. Ўз-

бекистонга бундай ҳуқуқ берилмаган эди. Умуман олганда И. А. Каримов сўзлари билан айтганда, «Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш — давлат фаолиятининг янги ва амалда қўлланилмаган йўналишларидан биридир» (24- бет). Миллий республикаларга халқаро майдонга чиқиш, чет эл давлатлари билан ҳар қандай муносабат ўрнатиш, савдо-сотиқ сиёсатини юритиш бутунлай ман қилинган эди.

Валюта тизимини марказ бошқаради. Узбекистонда етиштирилган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ер ости бойликлари қазиб олинниб қаёққа кетиши, улардан келган соф фойда қаердалиги ва ундан кимлар фойдаланаётгани бутунлай сир тутиларди. Чет элдан келган техника ва технология, халқ истеъмол молларидан фойдаланиш борасида ҳам Ўзбекистон марказга бутунлай қарам эди. Бу ҳақда сўраш у ёқда турсин, сўз очиш ҳам мумкин эмас эди. Ҳатто бир фуқаро чет элга сайёҳ сифатида чиқмоқчи бўлса, у қанча-қанча чигириқлардан ўтишга мажбур эди ва у доимий равишда ҳуфёна қузатиларди.

Яқинда қишлоқ хўжалиги соҳасида раҳбар бўлиб ишлаган фахрийлардан бири билан шўро тузуми даври ва ҳозирги мустақиллик тўғрисида суҳбатлашиб қолдик. Ўшундай ҳикоя қилди: «Мен раислик қилаётган жамоа хўжалигига аҳолини қишида полиз маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 2 гектарлик иссиқхона қурмоқчи бўлдим. Жамоа хўжалиги бошқаруви таъзоларининг қарори мавжуд эди. Туман раҳбар ташкилотларидан ҳам оғзаки розилик олинди. Бироқ бу иссиқхонани қуришга расмий равишда рухсат беришмади. Шу масалани ҳал қилиш учун шундай қийинчилкларга дуч келдимки, буни таърифлаш ва тасвирлаш қийин.

Хуллас, кейин билсан, шу 2 гектарлик иссиқхона қуриш учун марказ — Маскўпдан рухсат олиш керак экан. Маскўпга бориб, қанча-қанча идораларга кириб, не-не одамларга қуллуқ қилиб, ялиниб-ёлвориб рухсат олдим. Ва, ниҳоят, қанча азоб-уқубатлардан кейин шу иссиқхонани қуришга муваффақ бўлдим.

Ҳозирги хўжалик раҳбарлари ўз жамоаси билан келишиб олса бас, фойда келтирувчи барча имкониятлардан фойдаланишлари мумкин. Мустақиллик шарофати бу».

Бу далиллар илгари Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсат борасида барча ҳақ-ҳуқуқлардан

маҳрум этилганини кўрсатади. Демак, ўз-ўзидан аёнки, Ўзбекистон давлати хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатиш тажрибасига эга бўлмаган ҳолда мустақилликка етиб келди. Қолаверса, мустақил Республикамиз дастлабки даврда ўз дипломатларига, шунингдек ташқи сиёсий, иқтисодий ва маданий фаолият соҳасида етарли малакали мутахассис ходимларига ҳам эга бўлмаган.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ташқи сиёсат борасида ҳеч қандай малака ва кўнкимлар ҳам бўлмаган. Чет эл корхоналари билан Ўзбекистон корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик одобининг қай аҳволда эканини ҳам тасаввур этиш мумкин эди.

Мустақил Ўзбекистон давлати олдида ташқи сиёсат билан боғлиқ жуда кўп муаммолар кўндаланг турарди. Энг асосийси, чет эллар билан алоқа ва муносабатлар ўрнатиш, ташқи сиёсатни бошлаш ва уни амалга ошириш йўлларини белгилаб олиш муҳим вазифа эди. И. А. Каримов ташқи сиёсатни амалга ошириш йўллари негизини кўрсатиб берди. Улар қуйидаги принциплар асосига қурилиши лозим, деб таъкидланади.

— Ўзбекистон энди ўз мустақиллигини тўла сақлаган ва ҳимоя қилган ҳолда миллий давлат манфаатини кўзлаши ва бирорга тобе бўлиб қолмаслиги;

— Ўзбекистон ядросиз минтақа бўлиши, тинчлик ва хавфсизликни ҳимоя қилиши ва мустаҳкамлаши, ҳар қандай можароларни тинч йўл билан бартараф этиши;

— халқаро сиёсатда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидасига тўла риоя қилиши, «тенглар орасида тенг бўлиши»;

— тинчликсевар давлатлар билан алоқаларни кенг йўлга қўйиши;

— Халқаро ҳуқуқ нормаларини тан олиб, унга тўла риоя қилиши.

Муаллиф кўрсатиб берган бу улуғвор вазифаларни ўзаро ҳамкорлик одоби нормалари ва принциплари деб қарамоқ керак. Бир киши, иккинчи киши ва бошқалар билан икки томонлама манфаатли қандайдир вазифаларни амалга оширап экан, ўзаро муомала-муносабатда бўлади, ниманидир келишиб, тегишли қарорга келади. Булар муомала-муносабат ёхуд дипломатия одоби доирасида амалга оширилади.

«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»

китобида Президент И. А. Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари билан муносабатни ривожлантириш, унинг аъзоси бўлиш заруриятини қўйидагича изоҳлайди: «Оёққа мустаҳкам туриб олиш, иқтисодиётга жўшқин тус бериш, халқимиз ва ўлкамиздаги мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш учун ижтимоий-сиёсий барқарорлик, чегараларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарур. Республика ичкарисида куч-қудратимиз ишончли ва мустаҳкам бўлиши керак. Хонадонимизни авайлаб-асраб, мавжуд чегараларни сақлаб қолиш учун қудратли потенциалга эга бўлган Россия томонидан мадад ҳам зарур» (31-бет).

Бу фикр ва мулоҳазаларнинг маъносини тўғри ва қенгроқ миқёсда тушуниш учун бир катта оила мисолига мурожаат этиш мумкин. Дейлик, катта оиладан кичик бир оила ажralиб чиқди. Янги ажralиб чиққан оилада равон ҳаёт ва турмуш учун ҳамма нарса етарли эмас. У оёққа туриб кетгунча аввалги оиладан қўл узолмайди. Қолаверса, у қўни-қўшнилар билан алоқа ўрнатиши, мустаҳкамлаши зарур. Ана шуидагина янги оила тобора ривожлана боради ва тез орада оёққа туради.

Худди шунга ўхшаш Ўзбекистон ҳам ҳар томонлама ўзини ўнглаб олгунча ва иложи борича кейин ҳам Руслания ва бошқа МДҲ мамлакатлари билан алоқаларни янада яхшироқ мустаҳкамлаши, дипломатия муносабатларини қенгроқ ривожлантириши лозим эди ва шундай бўлиб қолиши керак. Бу зарурат, тадбир оила ва давлат юритиш одобига киради.

Аввал таъкидлаганимиздек, янги тузилган, ташкил топган давлатнинг оёққа туриб олиши ва тараққий этиши учун қўшни мамлакатлар билан ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маданий алоқани ривожлантириш зарур. Бусиз ҳеч бир соҳада ижобий натижаларга эришиш қўйин. Бундай мустаҳкам алоқанинг маънавий аҳамияти ҳам чексиз. Демак, Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириши лозим. Бу ҳақда юртбошимиз И. А. Каримов шундай ёзади: «Мустақил Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон билан дўстона, қардошлиқ муносабатларини мустаҳкамлаш, улар билан қалин ижтимоий-иқтисодий муносабатларни чуқурлашириш ва янада ривожлантириш, илмий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон ташкил сиёсатининг ғоят муҳим устивор йўналиши

ҳисобланади. Ҳамкорликка интилиш шу миңтақа мамлакатларига тарихан хосдир. Буни умумий чегараларгина эмас, балки аввало миллий маданиятларнинг, тил, урф-одатлар ва анъаналарнинг яқинлиги белгилаб берган» (32- бет).

Тўғри таъкидланганидек, ўзбек, қозоқ, қирғиз, тоҷик, туркман ҳалқлари тарихан бирга яшаб келишган. Ери бир, суви бир, ҳавоси бир хил ҳалқ. Қолаверса, тили бир, дили бир, дини бир, эътиқод-қадрияти бир хил ҳалқ. Шунинг учун бу ҳалқлар бир-бири билан тил топишиши, ўзаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни тобора ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида ҳамкорлик қилишга имкониятлари жуда катта. Марказий Осиё мамлакатларининг бирлиги ташқи сиёсатни, аниқроғи, жаҳон давлатлари билан алоқа ўрнатишларида муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, такрор айтамизки, Марказий Осиё ҳалқлари ҳар қандай ҳолат ва вазиятда ҳам ўзаро дўстлик, қон-қардошлиқ ришталарини янада мустаҳкам боғлашлари зарурлигини тақозо этади.

Марказий Осиё ҳалқлари ўртасида тарихдаги бирлик анъанаси қайтадан тикланиб, ота-боболаримизнинг бу борадаги урф-удумлари давом этиши ва бу анъана ёш ва кейинги авлодга мерос бўлиб ўтиши лозим. Шу мақсадга тўла-тўқис эришмоқ учун умумтаълим мактаблари аждодлар анъаналарига ҳурмат, қон-қардошлиқ, дўстлик, байнамилал тарбияга алоҳида эътибор беришлари керак. Токи ёшлар Марказий Осиё ҳалқлари бир ҳалқ бўлиб яшаганига, умуман, бир ҳалқ эканига тушуниб етсинлар, қалбларида такрор бирлашиш туйғулари, ғоялари вужудга келсин. Агар шундай бирлик рӯёбга чиқса, ёшларни бу қадимиј Туркистон ҳалқи ҳарбий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам, маданий жиҳатдан ҳам тезкорлик билан жаҳон саҳнасининг тўридан ўрин олиши муқаррарлигига ишонтириш зарур. Бу ишда, албаттa, изчил ва доимий тарбиянинг имконияти ва аҳамияти чексиз.

Ҳамкорлик инсоният ҳаёти ва турмушида муҳим ўринни эгаллайди. Унинг маъно ва мазмуни чуқур, ҳаракат чегараси ва қамрови жуда кенгдир. У кичик-кичик ташвишдан тортиб, жуда катта даҳшатли оғатларни ҳам бартараф этишда асқотиши турган гап. Шуни тўғри англаган ва чуқур ўрганган муаллиф асосий диққат-эътиборни Орол денгизи фожиасига қайта-қайта қарат-

моқда. Бу ўринда у минтақалараро, чегарадош мәмлекатлар, қолаверса, мусулмон Шарқи мамлакатлари ҳамкорлигига умид боғлади. Чунки Орол дengизи фожиаси фақат Ўзбекистонга эмас, балки зикр қилинган мамлекат халқларига ҳам зиён етказмоқда. Ўша мамлакатлар об-хавосига, экологиясига салбий таъсир ўтказмоқда.

Шунингдек, Туркия Жумхурияти билан яқин алоқадан газлама ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш, кичик ва ўртача корхоналар қуриш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича мутахассис ходимлар тайёрлаш ва шу кабилар бўйича ҳамкорлик қилиш каби манфаат кутилган. И. А. Каримов Араб мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистон каби буюк давлатлар билан тикланган алоқани янада яхшилаш, савдо-сотиқ, саёҳат ишларини кескин ривожлантириш, меҳмонхоналар қуриш, дори-дармонлар ишлаб чиқариш, ходимларни чет элларда ўқитишини тўғри йўлга қўйиш сингари муаммоларга эътиборни қаратди. Шу муносабат билан у ёзади: «Ўзбекистон ташки сиёсатининг кўп томонламалиги ва очиқлиги иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан мустаҳкам ўзаро муносабатларни ўрнатишга қаратилган ёндашувларни белгилаб беради» (36-бет).

Кўриниб турибдики, Президентимиз ёрдам сўраш ҳақида умуман оғиз очмайди. У ўзаро ҳамкорлик, ташки сиёсатининг кўп томонламалиги ва очиқлиги, бошқача айтганда, томонларнинг ўзаро манфаатдорлиги, адолатли ва демократик ҳамкорлик ҳақида гапиради. Зотан, бу омиллар ҳамкорлик одоби учун ғоят муҳим воситалардир. Президентимиз «Ҳисобли дўст айрилмас» деган халқ ҳикматига тўла амал қилган ҳолда фикр юритадики, бу ҳамкорлик одобини белгилаб берувчи шартлардан биридир.

И. А. Каримов ўзаро алоқалар ўрнатиш масаласида фақат Марказий Осиё, Осиё қитъаларидағи мамлакатлар билан чегараланиб қолмай, балки Фарб олами билан ҳамкорликни мустаҳкам ўрнатиш ҳақида қайғуради. «Дўсти кўпнинг юки ерда қолмайди» деган халқ ҳикматига риоя қилинаётгани кўриниб турибди. Ҳозирги кунда Америка Қўшма Штатлари, Германия, Испания, Франция, Италия, бошқа етакчи давлатлар билан тенг ҳуқуқли ўзаро ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятлар очилдики, мамлакатимизда шу ҳамкорлик туфайли замонавий технологиялар, табиий хомашёдан

ҳар томонлама фойдаланиш йўллари очила бошлади, шунингдек банк ва бошқарув соҳасида мутахассислар тайёрлаш масалалари изга тушиб кетди (36-37- бетлар).

Ўзбекистон ҳозирги кунда жуда кўп ривожланган мамлакатлар билан алоқалар ўрнатдики, бунда у ҳамкорлик, ташқи сиёsat ўрнатиш тажрибаларини эгаллаб олмоқда. Бу — ўзбек халқининг зукколиги, давлат бошқарувининг қадимий, тарихий услублари, муомала маданияти қонида борлигидан далолат. Бильъакс, шу қисқа учтўрт йил ичида бундай муваффақиятларга эришиш мушкул эди.

Давлатимиз раҳбари ташқи сиёsat соҳасидаги савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда устиворлик нималарга берилишини бирма-бир аниқ қилиб кўрсатади:

— экспорт имкониятларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга; импорт моллар билан рақобатга дош берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолиятини яхшилаш ва жадаллаштиришга, жумҳуриятнинг валютага бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, вақтинча пахта, тола, пилла, рангли металлар, капролактам, карбамид ва бошқа маҳсулотларни асосий экспорт ресурслари сифатида сақлаб қолишга;

— хорижий ҳамкорлик, шериклар билан тўғридан тўғри алоқа ўрнатилишида эркинлик беришга;

— корхоналарнинг ташаббускорлик ишларига маблағ сарфлаш ва инновация фаолиятини рағбатлантиришга;

— хорижий кредитлардан, экспортдан олинган валюта маблағларидан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳар томонлама жиҳозлаш, замонавий технология билан таъминлашда фойдаланишга;

— дипломатия ишлари, халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият соҳалари, банк тизими ва бошқа янги тузилмалар учун малакали мутахассис ходимлар тайёрлашга, чет элларда талабалар ва зарур мутахассисларнинг малака оширишларига имкониятларни излаб топиш ва тўғри йўлга қўйишга;

— халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар, ҷунончи, Халқаро валюта фондига, Халқаро қайта тикилаш ва ривожланиш банкига, Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлиншига.

Шу устивор йўналишлар амалга оширилса, жумҳуриятимиз иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамия-

тига уйғунлаштириш учун иқтисодий ва ташкилий-хуқуқий имкониятлар яратилади (37—40- бетлар). Янада равшанроқ айтганда, шу устивор йўналишларнинг кўпчилиги аллақачон амалга ошиди. Ўзбекистон давлати жаҳон мамлакатлари ичидаги ўз ўрнини топмоқда. Халқ фаровонлигини яхшилаш учун зарур бўлган заводлар, корхоналар қурилмоқдаки, улар Ўзбекистон тараққиёти йўлида қисқа йиллар ичидаги ижобий таъсирини ўтказади.

Бу ташқи сиёсатда ҳеч қандай тажрибага эга бўлмаган, дипломатик муносабатлар соҳасида қарийб етмиш йил ичидаги ҳеч қандай фаолият кўрсатмаган ва бусоҳада малакали мутахассислар етишмаган Ўзбекистоннинг катта ютуғидир. Шу ютуқларни чуқур таҳлил қилиш ва олий ўқув юртларида тарғиб этиш, ўрганиш келажак учун муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, бу билан келгуси авлодни ҳамкорлик одоби руҳида тарбиялаш ишлари тўла-тўқис амалга оширилади.

4- §. Мустақил иқтисодий сиёсат ёшлиарни мустақиллик руҳида тарбиялашнинг асоси сифатида

Ҳар қандай сиёсат халқнинг биринчи галда моддий ва маданий аҳволини яхшилашга хизмат қилиши керак. Зотан, моддий жиҳатдан тўла таъминланган инсон ҳар қандай ишни бажаришга қодирдир. Шунинг учун Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов халқ манфаати түғрисида гапирав ва қайғурав экан, у биринчи навбатда иқтисодий сиёсатни назарда тутади. «Халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат — Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг ажралмас шартидир» (41- бет).

Мустақил иқтисодий сиёсат ҳақида гап кетар экан, шу соҳа бўйича яқин ўтмишдаги сиёсатга назар ташлаш ҳам амалий, ҳам назарий, ҳам тарбиявий аҳамият касб этади. Ўтган етмиш йил мобайнода республика тақдирини Ўзбекистондан ташқарида ҳал қилишди. Ўзлари хоҳлашган қарор ва буйруқларни чиқаришди ва фармонлар, қарорлар жумҳуриятимиз шарт-шароитига мосми ёхуд мос эмасми, барибир, уларни амалга оширишга мажбур қилишди. Демак, халқ хўжалигининг барча соҳаларида бир томонламалик кайфияти вужудга келди. Натижада, Ўзбекистон технологияси, халқ хўжалигининг кўп соҳалари ривожланмай қолди. Шунинг учун

бугунга келиб, мамлакатимиз ёқилғи, асбоб-ускуналар, технология, күпгина хомашёлар, шунингдек ҳаёт учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларию халқ истеъмоли молларини ҳам четдан келтиришга мажбур бўлиб турибди.

Илгаридан мавжуд бўлган айрим технология эса тубдан эскирган, ибтидоийдир. Шу технология воситасида ишлаб чиқилган маҳсулотлар эса жаҳон рақобатига дош беролмайди. Мамлакатимиз табиий ресурслари ва экологиясига тўраларча муносабатда бўлишгани оқибатида Ўзбекистон табиати, атроф-муҳити жуда қаттиқ талафот кўрди. Худди шу талафотлар халқнинг турмуш даражасини кескин пасайишига олиб келди.

Қолаверса, «қайта қуриш» кампанияси бошланиб, у ўрта йўлда қолиб кетди, пул-валюта ҳамда банк тизимида содир бўлган воқеалар, пулнинг қадрсизланиши миллий жумҳуриятлар, чунончи, Ўзбекистон иқтисодиётiga қаттиқ зарба бўлиб тушди. Мамлакат ҳар томонлама инқирозга юз тутди ва шундай оғир аҳволда мустақилликка етиб келди. Энди бозор иқтисодиётiga ўтиш учун тубдан ислоҳот ўтказиш, шунингдек халқ турмушини янада насайишдан сақлаш сингари масалаларни ҳал қилиш зарур эди.

Бироқ Ўзбекистонда шу йўқотиш ва илгаридан қолган асоратларни бартараф қилиш, ривожланган давлатлар сафига ўтиб олиш имкониятлари мавжуд эди. Шу имкониятлардан бири бозор иқтисодиётини тўғри йўлга кўйиш билан боғлиқдир. Шу хусусда И. А. Каримов «...айрим мамлакатларда иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражаларида тафовутларга қарамай, жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг ҳозирги босқичига бозор иқтисодиёти жуда мос келади ва самарали ҳаракат қиласи» (43- бет), деб таълим беради.

Бунда ташаббускорлик ва ишбилармонликни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш зарур. Шу ўринда уюшган бозор фаолияти халқнинг ижодий имкониятига кенг йўл очишини алоҳида назарда тутиш лозим.

Одатда, кўпинча мард ва шиҷоатли кишилар тадбиркор ва ишбилармон бўлишлари мумкин. Бундай инсонлар ҳаёт ва турмушда ўз йўлларини топиб кета оладилар. Бундай инсонлар тўғрисида ва шундай бўлишга даъват этиб, Амир Темур дейди: «Ишбилармон, мардлик ва шиҷоат соҳиби, азми қатъи, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилар-

дан яхшидир»¹. Демак, ишбилармон ва тадбиркор кишилар ватанимиз мустақиллигини ривожлантиришда, бозорларни түлдиришда муҳим ўринни эгалладилар.

Шу зикр қилинган чора-тадбирлар, ташаббускор ва тадбиркорлар умуман, халқ оммасининг мустақиллик түғрисидаги қарашларини шакллантиришга имкон беради. Шу ижобий қарашлар эса, айни пайтда, бозор иқтисадиётiga ўтиш механизмини фаоллаштиришга кўмаклашади. Демак, бир вақтнинг ўзида сўз ва иш бирлиги, уйғунлиги натижасида кенг халқ оммасининг мустақиллик туйғулари ривожлана боради. Натижада халқнинг онгига сингиб қолган боқимандалик кўникмалари астасекин барҳам топиб боради. Тарғибот ва ташвиқот ходимлари, айниқса, халқ таълими ходимлари — ўқитувчи ва тарбиячилар боқимандаликнинг тараққиёт, ривожланиш ва юксалиш кушандаси эканини халқ, энг асосийси, ёш авлод өнгига сингдиришлари керак.

Бизнингча, бу янги мустақил давлат ривожланиши ва тараққиёти йўлининг асосий қоидаларидан биридир. Чунки «олма пиш, оғзимга туш» қабилида яшаш, турмуш кечириш инсоният тараққиётини тобора сусайтиради ва тубанликка судрайди.

Боқимандалик энг заарли, фожиали иллатdir. Айниқса, бу иллат кўникмага айланиб кетса, одам бошига битмас-туғанмас кулфатлар келтиради. Боқимандаликнинг ўзи нима? Бу — берса — ейман, бермаса — ўламан, қабилида яшаш ва фикрлаш тарзи. Ота-боболаримиз бундай иллатга қарши кескин кураш олиб боришган. «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас», «Қўлда берганга қуштўймас» каби ҳикматлар боқимандаликни қораловчи, меҳнатни улуғловчи, ишбилармонлик ва ташаббускорликка илҳомлантирувчи ва рағбатлантирувчи руҳ билан сүфорилган.

Ўтган етмиш йил мобайнида ўзбек халқи боқимандаликка мойил бўлиб, бу иллат унинг қон-қонига сингдирилган эди. Аслида халқ кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қиласарди. Хомашё тайёрлаб, бошқалар қўлига топширади. Шу хомашёдан тайёрланадиган маҳсулотни талаб қилиб олишга ҳуқуқи йўқ эди. Берсалар — оларди, бермасалар — ўтиради. Бу — боқимандаликнинг энг аянчли ва фожиали туридир. Меҳнат қилсаю роҳатини ўзи кўрмаса. Халқнинг турмуш тарзи

¹ Амир Темур ўғитлари. Тошкент, «Наврӯз», 1992, 11-бет.

ҳам, тарбияси ҳам, хуллас, бутун фаолияти шунга йўналтирилган эди. Мажбурий меҳнат қилиш кайфияти кишиларнинг вужудини қамраб олганди. Натижада, кўпинча сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқиларди.

Ихтиёрий ва мажбурий меҳнат тўғрисида улуғ рус олими Н. Г. Чернишевский топиб айтган: «...инсон фаровонлигига олиб келувчи ягона йўл фақат ихтиёрий меҳнатдир; фақат шундай меҳнатгина яхши самаралар беради, ташқаридан мажбур қилиш билан бўладиган ҳар қандай ишлар жуда ёмон чиқади (қайд бизники — С. О.), инсон фақат ўзи хоҳлаб ишлаганидагина яхши чиқади»¹. Демак, ихтиёрий меҳнат туфайли ишлар са-мараси ортади, ишлаб чиқилган маҳсулотлар сифати яхшиланади. Шунингдек, бу кайфият одамлар руҳига сингиб қолган боқимандалик сарқитларини сиқиб чи-қаришга кўмаклашади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида одамлар онгига сингиб кетган ўша кайфият, кўниkmага айланиб кетган иллат анча қийинчиликлар туғдираётгани сир эмас. Одамлар онгидан «халқни давлат боқиши керак, ҳамма нарсани давлат бериши лозим», «меҳнат қилиш шарт эмас» деган руҳни, тушунчани чиқариб ташлаш мустақиллик тарбиясини асосий вазифаси бўлмоғи ло-зим.

Шундай шарт-шароитда, ўтиш даврида ижобий ва салбий ҳолатлар бўлиши табиий ҳолдир. Бу нарсани очиқ айтиш керак. Бу хусусда И. А. Каримов шундай таълим беради: «Бозорга, айниқса, унинг шаклланиш босқичида узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўргина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хона-вайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатидан кескин табақалашуви, ҳуқуққа зид ҳатти-ҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир. Бозорнинг бу иллатларини билиш, уларга тайёр туриш, уларни бартараф этиш юзасидан тўғри ечимлар топа билиш керак» (44-бет).

Чиндан ҳам иқтисодий инқирозлар рўй берди ва да-вом этаяпти, ишсизлар сони кўпайди, айrim корхоналар иш фаолиятини тўхтатди, аҳоли моддий жиҳатдан табақаланди, ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар ва жиноятчи-

¹ Чернишевский Н. Г. Танланган педагогик асарлар, Тошкент, «Ўқитувчи» 1989, 265- бет.

лик ўси, пул қадрсизланиши бўлиб ўтди. И. А. Қаримов шу ҳолатларни бундан қарийб икки йил бурун кўра билди ва яширмасдан очиқ-ойдин айтди. Яна у «Бозорга ўтиш муқаррар»лиги, «Бу—давр амри, объектив реаллик» экани, «Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаронлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услугини воситаси» эканини олдиндан башорат қилди. У ниманини айтган бўлса, барчаси бўляяпти. Чунки унинг фикрлари қиёсий таҳлиллар, тадқиқотлар, беҳисоб изланишлардан сўнг айтилади.

Тарихдан маълумки, бизнинг мамлакатимиз хоразмшоҳлар ва темурийлар салтанати даврида ташқи давлатлар билан очиқ ва эркин бозор туфайли, қолаверса, ички бозор равнақи орқали ҳар томонлама, турли соҳада тараққиёт чўққиларини эгаллаган. Бир ижтимоий тузумдан иккинчи ижтимоий тузумга ўтиш даврида қатор қиёнчиликлар бўлиши илгаридан маълум. Шунинг учун халқ сабр-қаноатли бўлиб, матонат билан меҳнат қилиши зарур. Ҳозирги илфор мамлакатлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатади. Улар ҳам ҳозирги юксаклилар осонликча эришган эмаслар. Шу тарихий тажрибаларни муаллиф қиёсий ўрганган ва юқоридаги илмий хуло-сага келган.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир мамлакатнинг ўз ички турфа имкониятлари бўлади. Дейлик, дәҳқончилик, ер ости бойликлари, бозори чаққон табиий ресурлари, жўғрофий ўрни ва шу кабилар. Бошқача айтганда, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шу ўзига хослик тараққиёт йўлларини белгилаб беради. Муаллиф Ўзбекистоннинг ҳам ўзига хос хусусиятлари борлигини ва улардан қандай фойдаланиш мумкинлигини чуқур ва атрофлича тадқиқ ва таҳлил этган.

У бозор иқтисодига ўтишда «шок терапияси» йўлини номақбул ҳисоблаб, бунга мавжуд иқтисодий вазият ва кўпгина оиласалар турмуш даражасининг пастлигини тўғри асос қилиб кўрсатади. Шунга кўра кишилар онгида мустаҳкам ўрнашиб олган тасавурларни ўзгартириш учун эҳтиёж ва таклифнинг мутаносиблигига асосланган қонунларни дарҳол кучга киритишни тавсия этган. Шунингдек, муаллиф бозор иқтисодиётига сакрашлар йўли билан эмас, балки аста-секин босқичма-босқич ўтиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди, бозор иқтисодиёти

учун зарур шарт-шароитни яратиш, одамларни жиддий ўзгаришларга руҳан тайёрлашга эътибор бериш зарур, деб ҳисоблайди. Бу жуда тўғри ва тарбиявий аҳамиятга молик фикр, чунки шу нарса амалга оширилмаса, бозор иқтисодиёти ҳақидаги ғояга путур етиши мумкин.

«Энг муҳими,— дейди муаллиф,— ҳамма бозор *муносабатларига асосланган ривожланган жамиятни қуриш* — бу узоқ мураккаб жараён эканлигини, уни доимий равишда чуқур идрок қилиш ва зарур ҳолларда тузатишлар киритишни талаб қилишини англамоғи керак. Кишиларнинг тафаккурини, қотиб қолган тушунчаларни ўзгартириш айниқса *муҳимдир*» (46-бет).

И. А. Каримов асарида, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлатнинг инсонпарварлиги ғояси илгари сурилади. Давлат инсонпарварлиги деганда, ёрдамга муҳтоҷларга, етим-есирларга, болаларга, ўқувчи ва талабаларга, нафақаҳўрлар ва ногиронларга, ёлғиз оналарга, кўп болали ва кам таъминланган оиласаларга, хуллас, ижтимоий ночор қатламларга муттасил кўмак бериб туриш назарда тутилади.

Худди шу инсонпарварлик ва халқпарварлик ғояларини умумлаштириб, муаллиф ёзади: «Бозор механизмларини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи лозим» (47-бет).

Шунингдек, И. А. Каримов ҳозирги даврда давлатнинг ўзига хос ички қонуниятлар асосида, халқ манбаатларини назарда тутган ҳолда иқтисодий муаммоларни ҳал этишини ягона сиёсий мақсадга, яъни мустақил демократик давлатни қарор топтиришга бўйсундириши ҳаётий муҳим ва объектив зарурият экани ҳақида таълим беради. Бу фикр ватанпарварлик, инсонпарварлик ва халқпарварлик ғоялари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу ғояни бутун Ўзбекистон халқи онгига сингдириш долзарб масала ҳисобланади. Чунки давлат мустақиллигининг туб моҳияти ҳам шундадир. Қолаверса, Президентимиз сўзлари билан айтганда, ички иқтисодий стратегия ҳар қандай сиёсий мафкура таъсиридан бутунлай холи бўлиши керак. Бошқача айтганда, иқтисодиётни ўта сиёсийлаштириб юбориш халқ хўжалигини парокандаликка олиб бориши мумкин. Сиёсий конъюнктуравий манбаатларни иқтисодиётдан устун қўйиш натижасида ишлаб чиқариш, техника соҳасида ниҳоятда колоқликка юз тутилгани бугун аён қўриниб турибди. Шу

оғир қийинчиликни ҳозир Ўзбекистон ўз бошидан кечирмоқда.

Давлат бугунга келиб инсон ўзининг ҳаёт ва турмуш шароитини яхшилаши учун ва бу борада ўзини намоён қилиш имкониятини яратишга алоҳида эътибор бермоқда. Чунки иқтисодиёт ва жамиятни ривожлантириш манбай шунда кўринади. Давлатимиз юритаётган иқтисодий сиёсатнинг олий мақсади шундан иборатдир. Бу иқтисодий сиёсат кенг кўламда тарғиб ва ташвиқ қилиниши яхши самара беради. Айниқса, ёш авлодни шу руҳда тарбиялаш келажак учун замин ҳозирлайди.

Зотан, «Ички сиёсатнинг етакчи принципларидан бири ҳар бир кишининг, корхоналар, тармоқлар, минтақалар ва умуман давлатнинг манфаатларини монанд равишда вийғуллаштиришни таъминлашдан иборатдир» (48- бет). Чиндан ҳам халқ манфаати билан давлат манфаатини бир-бираидан ажратиш мумкин эмас. Бизнингча, халқ билан умумдавлат манфаатини яхлит диалектик бирлик сифатида қарамоқ лозим. Давлат бойлиги орта борар экан, унинг халқаро миқёсда обрўси ўсади. Давлатнинг юксак обрў-эътибори ташқи алоқаларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ташқи мамлакатлар билан яхши иқтисодий муносабатлар халқ фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир киши оиласининг фаровонлигини ошириш учун ишбилармон, ниҳоятда тадбиркор бўлиши лозим. Билъакс, у тобора қашшоқлаша бориши мумкин. Шунинг учун, яъни оиласалар ўз турмуш даражасини яхшилаши учун давлат ишбилармонликни ривожлантиришга, улар сафини кенгайтиришга диққат-эътиборни қаратмоқда. Бунда инсонларнинг моддий ва маънавий равнақи назарда тутилади. Лекин бу нарсаларнинг барчаси қонун чегарасида бўлиши лозим. Зотан, қонун халқ фаровонлигини, манфаатларини ҳимоя қилади.

И. А. Каримов халқ фаровонлигини ва манфаатларини тўла ҳисобга олиб, «Республиканинг барча фуқаролари ва юридик шахсларига ташаббус кўрсатиш ва ишбилармонликни ривожлантириш учун, хўжалик фаолиятининг қонун томонидан ман этилмаган барча турларини амалга ошириш учун тенг имкониятлар яратиш» (51- бет) лозимлигини алоҳида таъкидлайди. У ана шу фикрини ривожлантириб, асосий диққат-эътиборни бозор иқтисодиётида соғлом рақобат муҳитини яра-

тишга, меҳнатни рағбатлантиришга қаратади. Шу масалаларни ҳал этиш республика равнақи ва тараққиётини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун, олимнинг таъкидлашича, биринчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва улар билан боғлиқ саноат тармоқлари ривожлантирилиши лозим. Бошқача айтганда, иқтисодиётнинг аграр секторини ривожлантириш бозорга ўтиш қийинчиликларини бартараф этишга ёки осонлаштиришга ёрдам беради.

Бутун Узбекистон аҳолисининг олтмиш фоизи қишлоқда яшайди ва уларнинг қарийб кўпчилиги дехқончилик билан шуғулланади. Статистик маълумотларга қараганда, республика миллий даромадининг қирқ тўрт фоиздан кўпроғи қишлоқ хўжалигидан келади. Демак, республика қишлоқ хўжалиги давлатимиз таъминотининг асосини ташкил қиласди.

Республикамиз асосий таъминотининг тенг ярмига яқин қисмини етиштираётган қишлоқ аҳолисининг қадркимматини жойига қўйиш масаласи Президент диққат марказида туради. Тўғрисини айтганда, қишлоқ тўқ бўлса, бутун жумҳуриятимиз тўқ бўлади. Қишлоқ аҳолиси фаровонлиги оширилса, дехқон шунча рағбат ва кўтаринки руҳ билан меҳнат қиласди. Натижада жумҳурият бойлиги ортади, шаҳарликлар дастурхони тўкин бўлади, экспорт ресурслари кўпаяди, маҳсулотлар сифати яхшиланади, саноат хомашёси тўкин бўлади. Шунинг учун аграр масалага муаллиф юксак баҳо бериб, дейди: «Республиканинг бутун аграр сиёсатида ерга эгалик қилиш ҳақидаги масала айниқса муҳимдир» (52-бет).

И. А. Каримов асосий диққат-эътиборни қишлоқда бозор муносабатларини такомиллаштириш, яхшилаш масаласини тадқиқ этар экан, ёзади: «Қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантириш, дехқонда ернинг эгаси эканлиги туйғусини қайта тиклаш — мерос қила олиш ҳуқуқи асосида ерни абадий фойдаланиш учун бериш йўлидан бориш керак. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигини юритишнинг шундай механизмини яратиш керакки, бу ҳар бир дехқонга ўз меҳнатининг самараларидан мустақил баҳраманд бўлиш имкониятини берсин. Ана шундагина дехқон ўзини ҳақиқатан ҳам ернинг чинакам эгаси деб билади» (53-бет).

Ростини айтиш керакки, одамлар ўз шахсий мулкига

нисбатан юксак эътибор билан қарайди, уни асрабавайлайди, унга нисбатан узоқни кўзлаб муносабатда бўлади. Деҳқон шахсий ерига ота-боболаридан анъана бўлиб қолган усуллар билан ишлов беради, уни сунъий эмас, балки табиий ўғитлар билан озиқлантиради. Ва, ниҳоят, ундан унумли фойдаланади, ерни толиқтирмайди.

Демак, юқорида баён этилган фикр ниҳоятда тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, у деҳқонларда меҳнат одобини шакллантиришда, ерга нисбатан муносабатини янада яхшилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумки, деҳқон умри бўйи ҳалол меҳнат билан яшаган. Унга меҳнати эвазига даромад, меҳнатига лойиқ даромад келса, бас. У ўзининг меҳнатсиз яшаши мумкин эмаслигини яхши тушунади. Зотан, «Меҳнат инсонни учбалодан сақлайди: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан, муҳтожликдан»¹.

Иқтисодчи олим ўша иқтисодий тараққиёт йўли билан бевосита боғлиқ тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фикрини янада давом эттириб, шундай ёзади: «Қишлоқ таркибини тубдан қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Хўжаликлар хомашёни эмас, балки пахта толаси, уруфлик, қайта ишланган бошқа маҳсулотларни сотишлари керак. Бу меҳнат натижаларидан тўлароқ фойдаланиш, олинган даромадни адолатли тақсимлаш имконини беради. Қишлоқда, биринчи нақбатда, ишчи кучлари ортиқча бўлган жойларда кичик мустақил корхоналарнинг кенг тармоқли қайта ишлаш шохобчаларини ташкил этиш зарурдир» (56- бет).

Бу пурмаъно сўзлар замирида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш борасидаги ғамхўрлик турибди. Бу — биринчидан, иккинчидан, кичик корхоналар деҳқоннинг ўзи етиштирган хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва ундан келган соф даромаддан ўзи фойдаланиш каби имконият туғилади. Учинчидан, хусусий мулкка нисбатан муносабатнинг шаклланиши юксак даражага кўтарилади. Тўртинчидан, деҳқоннинг янада кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган қизиқишини, тадбиркорлик, ижодкорлик, ишбилармонлик тафаккурини ривожлантиради. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган техникага муносабатни яхшилайди.

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Тошкент, Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 110- бет.

Унинг умрини узайтиришга ҳаракат қилади. Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш йўлларини излаб топади.

Иккинчидан,— дейди олим,— бозор таркибини шакллантиришга ва уни изчили ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади. Бунда тадбиркорлар ҳуқуқини кафолатлашнинг ҳуқуқий негизини шакллантириш вазифасини юқори поғонага кўтариш таъкидланади.

Тадқиқотда солиқ тизимини тартибга келтириш чукур ўрганилади. Бунда фақат солиқ олиш эмас, балки солиқ идораси тадбиркорларга молиявий фаолиятга ҳар томонлама ёрдам бериши назарда тутилади. Қолаверса, нарх-навони сунъий равишда ўстириб юбормасликка, шунингдек соғлом рақобат муҳитини таркиб топтиришга ва яхшилашга эътиборни ошириш масаласи кўндаланг қўйилади. Зотан, бу йўл ва усул бозор таркибини ва бозор тизимини такомиллаштиришга имкон беради.

Учинчидан,— деб таълим беради И. А. Каримов,— иқтисодиёт барқарор мавжуд бўлган шароитдагина бозорга муваффақиятли ўтиш мумкин. Хўш, барқарор мавжуд шароит деганда нимани тушуниш керак?

— бозорга ўтиш даврида вужудга келган ноқулай вазиятни бартараф этиш йўлини;

— зарур бўлиб қолганда шошилинч, баъзан нооммабол чора-тадбирлар кўришни;

— ишлаб чиқариш кўрсаткичи ёки ҳажми камайиб кетишининг олдини олишни;

— пул қадрсизланишини тўхтатишини;

— аҳоли турмуш даражаси пасайишининг олдини олишни;

— кам таъминланган оиласларга, нафақахўрларга, талабаларга, ногиронларга муттасил ёрдам бериб туриш ва шу кабиларни тушуниш керак (60- бет).

Юқоридаги вазифалар амалга оширилсагина бозор иқтисодиётига ўтишга барқарор шароит яратилади. Бу нарса халқпарварлик сиёсатининг амалга ошишида муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, халқнинг бозор иқтисодиётига ишонч туйғуларини таркиб топтиришга ёрдам беради.

Шунингдек, «иқтисодиётни барқарорлаштириш — бу бозорни шакллантириш йўлидаги зарурий ва муқаррар босқичдир» (60- бет). Бунда республика бюджети тақчиллигини иложи боричча бартараф этиш, корхона ва ташкилотларга дотация беришни камайтириш, бюджет-

ни кўпинча давлатнинг долзарб эҳтиёжларига сарфлаш, қолаверса, корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ишлатиш, пул муносабатларини мустаҳкамлаш ва такомиллаширишга эътиборни кучайтириш лозим. Ички бозорни ҳимоя қилиш давлат аҳамиятига эга вазифа эканини ҳамиша назарда тутиш керак.

Халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва бошқа зарур, кечиктириб бўлмайдиган кундалик эҳтиёжларни қондириш, ёшларни иш билан таъминлаш республика иқтисодиётини қайта қуришга самарали таъсир этувчи омиллардир. Бу чора-тадбирлар ўз навбатида жумҳурият аҳолиси онгининг ўсишига, меҳнатга бўлган муносабатини янада яхшилашга кўмаклашади. Шу муҳим масалаларни офишмай ҳал қилиш тўғрисида И. А. Каримов ёзади: «Тўртинчидан, Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама хомашёвий йўналишига қатъий барҳам бериш республика ички сиёсатининг энг муҳим стратегияси ҳисобланади» (62- бет). Чиндан ҳам фақат хомашё сотиш билан шуғулланиш давлатни ва халқни қашшоқ аҳволга тушириб қўйиши мумкин. Бу халқ хўжалигини бутунлай қайта қуришни тақозо этади.

Президентимиз юқорида зикр қилинган ишларни амалга ошириш ходимлар тайёрлашни жадаллаштиришни талаб қиласди, деб таъкидлайди. Айрим соҳаларда, айниқса, техника билан боғлиқ заводларда маҳаллий ходимлар етишмайди. Шунинг учун мамлакат фаровонлигини сшириш ва ички бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун кўпроқ маҳаллий ходимлар тайёрлаш зарур. Демак, республикада таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади.

Бу хусусда И. А. Каримов шундай ёзади: «Нафақат умумий маълумот ва тарбияни, балки кадрларнинг касбкорга йўналиш олишини, уларни тайёрлаш ва малакасини оширишни ўз ичига олувчи ягона узлуксиз миллий таълим тизимини яратиш вазифаси қўйилмоқда. Бунда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари, халқнинг миллий-руҳий турмуш тарзи, таълимда бутун жаҳон ва Шарқ тажрибасининг энг яхши ютуқлари ҳар томонлама эътиборга олиниши керак. Олий ва ўрта маҳсус таълимнинг бутун тизимини тубдан қайта қуриш, талабалар ўқийдиган мутахассисликлар таркибини жиддий ўзгартириш керак бўлади» (64- бет).

Мутахассис ходимлар тайёрлаш халқ таълими ҳамда олий ва ўрта махсус таълим тизими билан бевосита боғлиқдир. Шу боисдан олим бозор иқтисодиётiga ўтишда таълим-тарбиянинг ролига алоҳида аҳамият беради.

Умуман олганда, ёш авлод онгига мустақиллик руҳини сингдириш ва мустақил турмуш йўл-йўриқларини ўргатиш ниҳоятда муҳимдир. Бу иқтисодий-ижтимонӣ ва маънавий тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир. Шунинг учун мустақил иқтисодий сиёsat ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялашнинг асоси бўлиб қолиши керак. Бу иқтисодий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам янги мустақил Ўзбекистон давлатининг равнақи ва тараққиётидаги салмоқли ўринни эгаллайди.

**МУСТАҚИЛЛИҚ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА
ЕШЛАР ТАФАҚКУРИНИ ШАҚЛАНТИРИШ — БҮЮҚ МАҚСАД**

1991 йилгача Ўзбекистон келажаги ҳақида жуда кўп гапириларди. Лекин аллақандай мавҳум, мужмал ва мантиқсиз коммунизм тузуми қурилажагидан ваъда бериларди. Халқнинг қўл-оёғига эса, тобелик кишанлари урилиб, қуллик панжаралари ортига етакланарди. Бу асл ҳақиқат жимжимадор, ранго-ранг гулларга ўралиб ўта сир тутиларди. Аслида, ўша ваъдалар сароб бўлиб, халқ фикрини чалғитиш ва унинг ишончини қозониш учун ўйлаб топилган уйдирмалар экан.

Энг ёмони шундаки, шу уйдирмалар етмиш йил давомида мактабда болалар, ўқув юртларида ёшлар, дастгоҳлар атрофида ёш ишчилар, далаларда ёшу қарилар онгига сингдирилди. Хуллас, таълим-тарбия, мафкура, тарғибот-ташвиқот ишлари фақат шу нарсага қаратилди. Агар шу мафкура ихтиёрий равишда қабул қилинмаса, мажбурий равишда зўрлаб сингдирилди ва ўтказилди. Шунинг учун халқнинг кўпчилик қисми ўша комфирқа ва шўро тузуми мафкурасига бора-бора ишониб қолди, ишонмаган қисми эса турли йўллар билан қирғинбарот қилинди. Натижада одамлар фақат топшириқни бажарувчи ва ҳеч қандай Фикрлаш қобилиятига эга бўлмаган манқуртларга айланиши.

Манқуртлар бугунги кун, келгуси кун ёки ўтмиш ҳақида ўйламайди. Улар эзгулик билан қабиҳлик, диёнат билан хиёнат каби инсон руҳидаги жараёнлар ўртасидағи тафовутларнинг фарқига етмайдилар. Буйруқ берилса, у яхшими-ёмонми, бекаму кўст ортиғи билан бажараверади. Манқуртлар халқларнинг нурли келажаги ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас.

Фикрлаш, ўйлаш ва таҳлил қилиш қобилиятларидан маҳрум кишиларга таъсир қилиш жуда оғир. Улар, айниқса, инсон учун жуда зарур бўлган маънавият, қадрият, эрк, ҳақ-ҳуқуқ деган муқаддас ва мўътабар эҳтиёжларнинг қадрига етолмайдилар.

Шунинг учун 90-йиллар бошига келиб, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида эълон қилинган (1991 йил 31 август)дан кейин «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган шиор юксак кўтарилди. У ҳар бир ёшу қа-

рининг кўзи олдида машъал каби порлаб турибди. У эллараро, юртаро бугунги кун ва келажак нурини та-ратиб турибди.

Ўзбекистон мустақилликка эришди. Энди ёш мустақил давлат олдида муҳим вазифа турибди. Бу Ўзбекистон давлатининг пойдеворини янада чуқурроқ қуришдан иборатдир. Худди шу нарсани амалга оширишни бутун ўзбек халқининг, айниқса, ёш авлоднинг иймон-эътиқодига айлантириш лозим. Бунда, албатта, халқ таълими ходимлари зиммасига катта масъулият юкла-нади.

Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари ёш авлодни ватан-парварлик, халқпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш учун дастлаб ўқув қўлланмаларидан, бош-қа турли-туман адабиётлардан ва ҳаёт тажрибаларидан фойдаланадилар. Ўзбекона миллий тарбия анъаналари-ни шакллантиришда «Авесто» намуналари, Қуръони ка-рим ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари, шунингдек имом Муҳаммад ал-Бухорий, имом Исо ат-Термизий, Аз-Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақш-банд, Паҳлавон Маҳмуд, Навоий сингари алломалар-нинг асарлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ҳозирги замон ёш авлодини бугунги кун талаблари асосида тарбиялаш зарур. Бу талаблар тех-ника асрининг ўзига хос хусусиятлари, қарийб бир яirim асрлик қулликдан сўнг эришилган мустақиллик шакл-шамойили, бозор иқтисодиётининг муайян босқичлари ва шу кабилар билан боғлиқдир.

Таълим-тарбия ишларини зикр қилинган масалалар билан қўшиб олиб бориша мустақил Ўзбекистон дав-латининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Ка-римовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», «Буюк мақсад йўли-дан оғишмайлик», «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари», «Биздан озод ва обод Ватан қол-син», «Ҳалоллик ва фидойилик — фаолиятимизнинг асо-сий мезони бўлсин» сингари асарлари методологик жи-ҳатдан муҳим илмий-педагогик омил бўлиб хизмат қиласиди. Чунки бу асарлар халқ хўжалигининг барча со-ҳаларини ўз ичига қамраб олган ва уларда шу соҳалар-даги муаммоларни ҳал қилишнинг йўл-йўриқлари ёрқин мисоллар асосида очиб берилган.

1- §. Болаларда Ўзбекистон келажагига ишонч руҳини тарбиялаш

Президентимиз Ўзбекистон келажаги буюк давлат бўлишига қатъий ишонч билдириб, халқни шу йўлдан боришга дадил даъват этяпти. У бу ҳақда шундай дейди: «Бугун дикқат қилсак, истиқлол қўлга киритилганидан сўнг биз ўз кучимизга, қудратимизга кўпроқ, ишона бошладик. Шу туфайли барчамиз вазминлашиб, ўз қадр-қимматимизни теранроқ англай бошладик»¹. Шу жумлада сермаъно ва сермазмун фалсафий-педагогик фикрлар ўз ифодасини топган.

Кимки бошлаган ишини ишонч билан давом эттиrsa, шу жараёнда учрайдиган қийинчиликларга дош бериб, уларни бартараф қилолса, ижобий натижаларга эришиши шубҳасизdir. Шунинг учун китоб муаллифи имкониятлару куч-қудратга ишонч руҳини юксалтиришга алоҳида эътибор берган. Тўғрисини айтганда, ўзбек халқи тобелик ва мутелик пайтида миллий қадриятларнинг қайта тикланишига, иқтисодий, сиёсий ва маданий эркинликка эришишига деярли ишонч қолмаган эди. Бу орзулар орзулигича қолиб кетаётганди. Мустақиллик қарор топғандан кейин халқ дунёқарашида кескин ўзгаришлар рўй берди, буюк келажак сари барча соҳаларда дадил қадамлар қўйила бошланди. Педагогика тили билан айтганда, халқ ишонч одобини эгаллашга интила бошлади.

Болаларда ишонч одобини тарбиялаш унинг ўқишлирида, шахсий ҳаётида, келгуси иш фаолиятида, жамоа орасида қатъий ҳаракат қилишида катта аҳамиятга эга. Дарвоҷе, ишонч бўлмаган кишида қатъийлик бўлмайди. Қатъийлик ва ишонч бўлмаса, бошланган ҳар қандай иш самара бермайди. «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган жумлада шу теран фикр ўз ифодасини топган.

Маълумки, бола «ўзингга ишон, бошқаларга ишон» деган шунчаки гап билан шу насиҳатга амал қиласермайди. Мақсадига эришиш учун боланинг ҳис ва туйғуларига таъсир қила билиш лозим. Ҳозирги кунда нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам ҳис-туйғуларини шакллантириш зарур. Бусиз онгни ўстириш, дунё-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т., «Ўзбекистон», 1992, 4—5-бетлар. (Кейинги кўчирмаларда қавс ичидага фақат шу китоб саҳифаси кўрсатилади.)

қарашни шакллантириш, бирорни келажак сари онгли равиша эргаштириш қийин. Муаллиф бундай дейди: «Истиқлол туфайли кишиларимизнинг Ватанга, она заминга меҳрли муносабати шаклланиб боряпти. Шуни очиқ айтишимиз зарур: илгари бутун собиқ СССР харитасини қамраб олган ватан туйғусини онгимизга сингдириш тамойили кучли эди.

Бугун эса Ватанимиз муайян чегара ва қиёфа касб этди» (4-бет).

Ҳар бир онгли кишида Ватан ва муқаддас заминдан фахрланиш туйғуси мавжуд. Уни ривожлантириш, шакллантириш ва ёш авлодни миллий қадриятлар асосида тўғри тарбиялаш муҳим вазифадир. Муаллиф шу нарсани кўзда тутяпти. Болаларда Ватан туйғусини тарбиялашда унинг ўтмиши: маданият тарихи, чегараси, муайян даврлардаги мавқеи, ота-боболаримизнинг жаҳон фан ва маданияти соҳасидаги ўрни ҳақида маълумот бериш муҳим аҳамиятга эга. Ана шундагина «Бугун Ватанинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртинг ажралмас бўлаги деб ҳис этади ва бундан фахрланади» (4-бет). Бу вазифани кўпроқ тарих ва жўғрофия дарсларида бажариш қулай.

Муаллиф ишонч ҳақидаги фикрларини тобора ривожлантириб боради. У ишониш, ишонтириш ва шунга олиб келувчи омиллардан сабоқ беради. «Таъкид этиш лозим бўлган яна бир жиҳат борки, бу—танланган йўлга ишончимиз. Бу—халқнинг улуғ мақсадимизга ишонгани» (5-бет). Асарда ишончга қуруқ ваъдалар билан эмас, балки аниқ режа ва амалий ишлар орқали эришиш мумкинлиги уқтирилади. Қишлоқ жойларида кишиларга экиш учун томорқа бериш, уй-жой қуриш учун ер ажратиш, аҳолини газ, сув билан таъминлаш каби қатор амалий ишлар болаларнинг кўз олдида содир бўлиб турибди. Шаҳар жойларда уйларнинг, катта-кичик корхоналарнинг ва шу кабиларнинг хусусийлаштирилиши, хусусий савдо-тижорат ишларига кенг йўл очилиши ва ҳоказолар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир ўтказиши табиий.

И. Каримов ўзбек халқининг миллий бойлиги — пахта ҳақидаги тўлақонли фикрлари билан ўртоқлашар экан, улар Ўзбекистон давлатининг мустақилликка эришиши биланоқ тўғридан-тўғри амалиётга татбиқ этилганини алоҳида таъкидлайди. «...Ўзбек пахтасини кимдир қаёққадир олиб бориб, қайсиadir нархда кимгадир сотиш пайида бўларди. Бир эътибор беринг-а, қанчалар мав-

хум бу гаплар! «Кимдир», «қаёққадир», «кимгадир» ва «қайсикир»— яқин ўтмишда биз гувоҳ бўлган савдолар ана шу сўзларда ўз ифодасини топган эди. Биз меҳнатимиз мевасидан ўзимиз баҳраманд бўлолмасдик» (бет).

Пахта Ўзбекистон ерларида экиларди, ўстириларди, қанча-қанча мاشаққатли меҳнатлар эвазига мўл ҳосил олинарди, ҳатто чигитдан ажратилиб, соф тола ҳолатига келтириларди. Қейин эса ўша «кимдир» унга эгалик қиласарди. Асл меҳнаткаш эса олиш-сотиш, умуман хўжайинлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум эди. Шу ҳақда гап очиш мумкин эмасди. Қим гап очса, унинг пешонасига «миллатчи», «халқ душмани» сингари қора ёрлиқлар ёпиштирилиб, исталган жазолар қўлланиларди. Бу оғат одамлар руҳиятига, маънавиятига шундай таъсир қиласарди, уларда келажакка, ҳақиқатга ишонч руҳи йўқоларди. Энди эса ўзбек халқи ўз пахтасидан ва бошқа бойликларидан қандай фойдаланса, бу унинг ўз ихтиёрида эканига ишонч ҳосил бўлмоқда. Бу ошкора далил келажакка умид боғлаш мумкинлиги ҳақида тўла тасвур ҳосил қилди. Бу — биринчидан.

Йккинчидан, «Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг маънавий уйғонишидадир. Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётгани, қадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда» (б-7-бетлар). Яқин-яқингача бирор киши ишга кирмоқчи бўлса, аризани русча ёзарди, варақалар ўша тилда тўлғазиларди. Еки бирор идора ёхуд ташкилотга ниманидир сўраб аризани рус тилида ёзишга мажбур эди. Агар у тилни билмаса, кимларгadir пул бериб, ортиқча харражат қилиб ариза ёздиришга мажбур бўлгани сир эмас. Мустақиллик муносабати билан ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Бу тарихий ва адолатли тадбир авваламбор ўзбек халқини маънавий жиҳатдан руҳини кўтарди, қолаверса, таржималар учун ортиқча харражатлардан озод қилди. Бошқача айтганда, халқ ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан манфаатдор бўлди.

Муаллиф беқиёс тарбиявий аҳамиятга молик бўлган миллий қадриятларни тиклаш ва юксалтириш тўғрисидаги адолатли фикрларини ўртага ташлаган. У «Наврўз тиклангани, ҳайитлар тиклангани жуда савобли ишлар бўлди» дея қониқиши ва фахр-ифтихор билан гапи-

ради. Қуръони карим ва Мұхаммад пайғамбаримиз ҳа-
дисларида халқни биргалашиб, дүстлашиб яшашга ча-
қирилади. Чунончи, Қуръони каримда Фуссилат сура-
сияннинг 15- оятида шундай дейилади: «Бас, (Эй Мұхам-
мад), мана шунинг учун яъни аввалги қавмлар фирмә-
фирқа бўлиб кетганлари сабабли йўлдан озганлари учун
(Сиз ўз умматларингизни бирлик — иттифоққа) даъ-
ват қилинг ва ўзингизга буюрилгани янглиғ Тўғри йўл-
да бўлинг ҳамда уларнинг (мушрикларнинг) ҳавоий
нафсларига эргашманг! Айтинг: «Мен Оллоҳ нозил қили-
ган ҳар бир Китобга иймон келтирдим ва сизларнинг
ўртангизда (мендан сўраб келган муаммоларингизни ҳал
этишда) адолат қилишга амр этилдим. Оллоҳ Парвар-
дигоримиз ва Парвардигорингиздир. Бизларнинг амал-
ларимиз ўзимиз учун, сизларнинг амалларингиз ўзла-
рингиз учундир. Бизлар билан сизларнинг ўртангизда
бирон жанжал йўқдир. Оллоҳ (қиёмат Кунида) барча-
мизни жамлар ва ёлғиз Унга қайтиш бордир».

Дейлик, Наврўз — бирдамлик, ҳамдамлик, дўст-иноқ-
лик, биродарлик, қолаверса миллий янги йил байрами.
У хушчақчақлик билан ўтади, тансиқ таом — сумалак пи-
ширилади, ўйин-кулги авжида бўлади. Шу байрамга ке-
либ, эски гиналар унутилади, йил давомида икки киши
ўртасида нигоҳ чиқсан бўлса, улар дўстлашади.

Қурбон ҳайит ва Рўза ҳайит маросимларида ҳам
халқ бир жойга тўпланиб, ота-боболарни эслашади,
улар шаънига дуо ўқилади. Одамлар бир-бирлари би-
лан дардлашади, бир-бирининг кўнглини кўтаради. Ўша
байрам ва маросимлар бекиёс тарбиявий аҳамиятга эга-
дир.

Энг асосийси, бирдамлик, ҳамдамлик, биродарлик,
тинчлик, дўстлик ўша байрам ва маросимларнинг туб
негизидир. И. Каримовнинг «... жумҳуриятимизда бугун-
ги энг катта бойликни — тинчликни барқарор этишга»
(7- бет) асосий кучни йўналтираётгани барчага аён.

Халқимизда «Бир кун жанжал чиқсан уйдан қирқ
кун барака кўтарилади» деган нақл бор. Бунга халқи-
мизнинг ўзи гувоҳ бўлиб турибди. Кавказ, Озарбайжон,
Тоҷикистондаги ноҳуш воқеалар, уруш-жанжаллар ёмон
оқибатларга олиб бораётгани маълум. Асарда қандай
йўл билан бўлмасин, юртда тинчликни қарор топтириш
ҳақидаги тарбиявий ўғит ва йўлланмалар ўз ифодаси-
ни топган. Ҳар бир дарсда синфдан ташқари барча тад-
бирларда шу олижаноб ғоя, тинчликсеварлик сиёсати

болалар онгига сингдирилиши лозим. Зотан, тинчликсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида ва ундан кейин бир неча ойлар давомида мамлакатимиз ичкарисида нотинчликка дахлдор айрим нохушликлар бўлиб турди. Воқеалар ва ҳодисалар ҳақидаги турли маълумотларни жамлаб, уларни атрофлича таҳлил қилиб, ўша айрим безориликларни баъзи муккасидан кетган шуҳратпастлар, амалпастлар уюштирганига қаноат ҳосил қилдик. Улар гўё асл ватанпарвар, халқпарвар сифатида майдонга чиқдилар-у, энг улуғ амални эгаллаш каби мақсадига эришолмагач, ўзларининг муккасидан кетган порахўр, товламачи эканликларини, шунингдек баъзилари эса халқ мулкини ўзлаштириб юрганини, Ватанин шуҳрат, амал ва мол-мулк олдида «санриқ чақага» олмасликларини эл-юртга ошкор қилиб қўйдилар. Қолаверса, эндигина туғилган мустақил юрт равнақига баҳоли қудрат ёрдам бериш ўрнига, ўзларини четга олдилар. Бундай кимсаларни янги туғилган чақалогини ахлатхонага улоқтириб, кўздан ғойиб бўлган «она»ларга қиёслаш мумкин, холос.

Эл-юртда нотинчлик, қарама-қаршилик кайфиятларини, айрим низоларни туғдирган кимсалар ҳам ўшалар эканини давр ва вақт кўрсатди. 1991—92-йилларда янги туғилган давлатимиз ва унинг ҳудудида тинчликни сақлаш энг муҳим вазифа бўлиб қолган эди. «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» китоби муаллифининг саъй-ҳаракати, донолиги туфайли ўша долзарб ва қийин муаммо ҳал этилди. Шунинг учун муаллиф «биз жумҳуриятимиизда бугунги энг катта бойликни — тинчликни барқарор этишга эришдик» деб фахрланади. Шу муаммонинг ҳал этилиши бутун ўзбек халқининг фахридир.

И. Каримовнинг тинчлик сиёсатини нафақат ўз халқимиз, қолаверса бутун жаҳон халқи ва мамлакатлари тан олди. Умуман олганда, тинчликни ҳимоя қилиш, унинг тантанаси учун кураш туйғусини болалар онгига сингдириши халқ таълими ходимларининг биринчи галдаги вазифаларидан ҳисобланади. Бу вазифани амалга оширишда муаллифнинг тинчлик ҳақидаги фикрлари қўлланма ва йўлланма бўлиб хизмат қилди ва бундан кейин ҳам хизмат қиласди.

Асарда педагогик фикрлар, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ойдинлаша боради. Муаллиф ёзади: «Мус-

тақиљликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш.

Биз яхши англаймизки, ўз иззати ва қадрини билган инсон миллат ажратмайди» (8- бет). Бу пурмаъно фикрлар эндигина туғилган давлат учун сув билан ҳаво каби жуда зарурдир.

Алпон-талпон юраётган гўдакни тўғри ва равон юришга ўргатиш ёки биринчи марта чиқаётган гўдак тишлигининг текис, чиройли ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва шу кабилар ота-онанинг муҳим вазифаси. Муаллиф юқоридаги сўзлари орқали ёш давлатимиз фуқароларига байналмилчиликнинг нақадар юксак инсоний туйғу эканидан сабоқ беряпти.

Мусулмон дунёсининг муқаддас китоби Қуръони каримда ва Мұхаммад пайғамбаримиз ҳадисларида ҳам миллат ажратиш гуноҳи азим экани қайта-қайта уқтирилади. Мұхаммад алайхиссаломнинг ахлоқ-одобга оид Ҳадисларида шундай дейилади: «Кимки мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қиласа, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан урилади»¹. Бу ерда миллат ажратиш азалдан мусулмон ва ислом ақидаларига ётлиги, қолаверса, байналмилал тарбиянинг муҳим ўрин тутгани алоҳида таъкидланган. Демак, муаллифнинг байналмилал тарбияга оид сўзлари ҳақли равишда давлат миқёсида ҳал қилиниши зарур бўлган дараражага кўтарилди. Буни халқимиз қўллаб-қувватлади.

Муаллиф муборак фикрларини изчил равишда ривожлантириб боради. Маълумки, мамлакатда тинчлик, дўстлик, байналмилал тарбияни меҳроқибат билан боғлиқ тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода у асоссиз равишда бадном этилган миллат вакилларининг обрў-эътиборини тиклаш масаласини кўндаланг қўяди. Мусулмончиликнинг ўлган кишилар ёмонми, яхшими, улар қабрига тош отилмайди, деган мўътабар ҳикмати борки, И. Каримов бунга алоҳида эътибор берган.

Ўзбек халқи фаровонлиги, унинг маданияти равнақи учун бор кучини сарф этган бир улуғ зот бор эдики, у оламдан ўтгандан сўнг қабрига, руҳига тош отувчилар кўпайиб қолган эди. Натижада Шароф Рашидов

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари, Т., «Фан» нашриёти, 1990, 152- бет.

номи бадном қилинди. Балчиққа отилган шу тиллани артиб, тозалаб жойига қўйган улуғ зот «Ўзбекистон— келажаги буюк давлат» китобининг муаллифи бўлди.

Синфоналарда, синфдан ташқари ишларда меҳр-оқибат, қадрият, эътиқод билан боғлиқ мавзуларни ўтганда худди шу далиллар таҳлил қилинса, таълим-тарбия самараси ошади, албатта. Муаллифнинг меҳр-оқибат ҳақидаги назарий-педагогик фикрлари бошқа мисоллар билан ҳам далилланиши мумкин. Чунончи, миллий ақидаларни ўзида тўла мужассам қилган инсон, даврнинг нозик бўлишига қарамай Хоразм, Андижон, Самарқанд вилоятларида миллий қадриятларни тиклашда фидойилик кўрсатган, Ал-Хоразмий, Оғаҳий, Беруний, Аваз Ўтар, Бобур, шунингдек қатор бахшилар номларини абадийлаштиришда эҳтиётлик билан иш кўрган ўзбекнинг ажойиб фарзанди Бектош Раҳимовнинг бошдан кечирган оғир саргузаштларини ҳикоя қилиб бериш жуда ўринли бўлади. Ба, ниҳоят, адолат ва ҳақиқат мустақиллик туфайли қарор топди, Бектош Раҳимов қадри тикланди, ҳурмати жойига қўйилди. Бу мустақил ўзбекистон давлати олиб бораётган меҳр-оқибат хусусидаги сиёсати ҳамда шу ҳақдаги Президент фикрларининг тантанасидир.

Таҳлил қилинган илмий-назарий, илмий-педагогик, фалсафий-педагогик қарашлар, фикрлар «биз ўзимизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олдик, бу эса Ўзбекистоннинг қатъий йўлидир» (9- бет) дейишга тўла асос бўлади. Зотан, инсон, умуман ҳалқ мустақилликнинг маънавий жиҳатларини ўз қалбида акс эттириши лозим. Шунингдек, маънавий-маданий қашшоқ ҳалқ ҳалқ сифатида шаклланиши мумкин эмас. Ҳар бир муаллим, ҳар бир тарбиячи буни ҳеч қачон ёдидан чиқармасдан фаолият кўрсатиши керак.

Мактабларда ўқувчиларга, ўрта махсус билим юртларида тингловчиларга, олий ўқув юртларида талабаларга бериладётган назарий билим маҳаллий мисоллар, ёшлар атрофида, яъни кўз ўнгига содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар таҳлили ёрдамида берилса, ўргатилса, у тез ва пухтароқ эгалланади. Муаллиф илгари сурган илмий-педагогик ғояларни ёшлар онгига сингдиришда, бизнингча, худди шу ақидага амал қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

2- §. Ўқувчиларда янгича моддий ва иқтисодий фаровонлик ҳақидаги түйғуларни тарбиялаш

Президентимиз Ўзбекистон келажаги буюк давлат экани ҳақида таълимот берар экан, у халқ ва давлат равнақи ҳамда фаровонлигининг мазмуни, иқтисодий қирраларини назардан қочирмайди. Зотан, халқ ва давлат бойлиги унинг халқаро миқёсдаги мавқеини белгилаб беради.

Агар одам оч бўлса, унга табиийки, ҳеч нарса ёқмайди. Шунинг учун у қорнини тўйғазиш тўғрисида дастлаб ўзи ҳаракат қилиши ва унга давлат ёрдамлашиши (шарт-шароит яратиш борасида) керак. Бунда вижданан меҳнат қилиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этади. Шу фикр бутун бошли халққа ҳам тегишили.

Деҳқон ўз жамоа хўжалигида, чорвадор ўз фермасида, ишчи завод ва фабрикасида, муаллим ўз таълимтарбия муассасасида, хуллас, ҳар бир инсон ўз ўрнида сидқидилдан меҳнат қилиши лозим. Бу билан у энг аввало ўз оиласи, кейин жамоаси ва давлат бойлигини оширади. Натижада бозорларда мўл-тўкинчилик, хусусий ва давлат дўконларида ҳамма нарса сероб бўлади. Бу нарх-навонинг пасайишига олиб келади ва охир-оқибат халқ фаровонлиги тобора яхшилана боради.

И. Каримов худди шу нарсани назарда тутиб, бозор иқтисодиётiga ўтиш ва бозор муносабатларини тўғри йўлга қўйишини халқнинг моддий-маший аҳволини яхшилаш йўл-йўриқларидан бири сифатида қарайди. Бозор иқтисодиётининг асосий шарти фуқаролар билан корхоналар ташаббускорлиги ва тадбиркорлигига teng ва кенг имконият яратишдир. Муаллиф ёзади: «Бозор муносабатларини босқичма-босқич ривожлантириш таъминланмоқда. Мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини вужудга келтириш, рақобатни авж олдириш, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбоззлик усулларидан қатъян воз кечиш, иқтисодий омиллар ва воситаларни кенг жорий этиш бозор муносабатларининг ўзагидир» (10- бет).

Бозор иқтисодиётiga ўтишда, маълумки, банк тизими, миллий банк ва тижорат банклари, айрим мулкларни давлат тасарруфидан чиқариб хусусийлаштириш, кооперативлар ташкил қилиш муҳим босқичлар ҳисобланади. Шу ишларни оғишмай амалга ошириш

нинг, ҳаётга татбиқ этишнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта. Чунки бозор иқтисодиёти даврида хусусан, келажакда халқнинг ўз хусусий мулкига эга бўлишга, ундан истаган қуладай мақсадларда фойдаланиш имкониятига эга бўлишга ишончи орта боради. Бу ҳолат ва вазият давлат халқ хўжалигининг ҳар томонлама тезкор ривожланишига ёрдам беради.

Маълумки, бутун Ўзбекистон халқини озиқ-овқат, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлашда қишлоқ хўжалик ходимлари, яъни деҳқонлару чорвадорлар муҳим ўрин тутади. Шунинг учун И. Ка-римов мазкур асарида қишлоқ муаммоларига асосий диққат-эътиборни қаратади. Унинг «Қишлоқ миллий бойлигимизнинг муҳим манбаидир» (20-бет) деган сўзлари шу фикримизнинг ёрқин далилидир.

Асарда мамлакатнинг барча соҳалар бўйича иқтисодий равнақи, ижтимоий турмуш даражаси, халқнинг фаровонлиги, мамлакат тараққиёти ва ривожланиши қишлоқ хўжалигида эришиладиган ютуқлар билан бевосита боғлиқлиги алоҳида таъкидланади.

Муаллиф тўғри эътироф этганидек, қишлоқ шундай оғир ва мураккаб соҳаки, унга «давлат томонидан ёрдам берилмаса, унинг оёққа туриши амримаҳол» (21-бет). Мамлакатимиз бозорларининг ободлиги, халқ дастурхонининг тўла-тўкинлиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан боғлиқдир, албатта.

Муаллиф: «Иқтисодиётнинг деҳқончилик соҳасида ҳам бозор муносабатлари тобора авж олиб бормоқда» (11—12-бетлар) деб ёzáди. Деҳқонларга томорқа майдонлари бериши кўпроқ амалга ошириш, чорвадорларга фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришда ёрдам бериш умумдавлат аҳамиятига эгадир. Бу масалаларнинг ҳал этилиши нафақат катталар ўртасида, балки ёшлар тарбиясида ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

Дейлик, бир оила ўнта қорамол олиб кичик фермер хўжалиги ташкил қилди. Оила бошлиғи қорамолларни яхши боқиб, кўпроқ насл этиштириш — сонини ошириш, кўпроқ сут ва гўшт маҳсулотлари этиштириб сотиш ва фойда орттиришга ҳаракат қиласи. Бу ўз навбатида ишчи кучи ва меҳнат унумдорлигини талаб эта-ди. Натижада, фермер оиласидаги ҳар бир кишининг ку-чидан тўғри фойдаланиш чораларини кўради. Мактабда ўқиётган болаларини ҳам кучига яраша меҳнатга

жалб этади.- У күча-күйда бекор юрмай, дарсдан бүш вақтларида фойдали иш билан машгул бўлади. Бу болада меҳнатга бўлган ижобий муносабатни шакллантиради. Бу — биринчидан. Иккинчидан, бола оиласда мўл-кўлчилик яратиш сирларини ўрганади. Ва, ниҳоят, аста-секин унда оила тебратиш малакалари ошиб, бу борада муайян кўникмалар ҳосил бўла боради.

Демак, қишлоқ жойларида бозор муносабатлари ни тезкорлик билан амалга ошириш оиласнинг моддий фаровонлиги ва маънавий-тарбиявий камолотида муҳим аҳамият касб этади. Лекин бу ишни тўғри ва оқилона ташкил қилиш билан бевосита боғлиқ.

Мазкур асарда деҳқонларга томорқа ерларини кўпрақ ажратишга диққат-эътибор қаратилган. Бунинг иқтисодий ва тарбиявий манфаати катта. Ҳамма гап шу назарий-илмий фикрларни тўғри тушуниб, ҳаётга оқилона татбиқ этишда.

Дейлик, бир оиласга бир гектар ер ажратиб берилди. Ҳақиқий деҳқон ундан тўғри фойдаланиш йўлларини билади. У бир қарич ерни ҳам бекор қолдирмайди. Халқ учун керакли маҳсулот етиштиришга ҳаракат қилиади. Аввало, у ерни тўйдириш тадбирини кўради. Қеъин у шахсий хўжалиги ва бозорда тезроқ ўтадиган сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштиради. Деҳқон ўша еридан бир йилда икки марта, иложи бўлса, уч марта ҳосил етиштириш сирларини излаб топади. Рамзий қилиб айтганда, у доимо ер билан «мулоқотда» бўлади. Буларнинг замирида. яна меҳнат турибди. Илгарн кўчада бекорга копток тепиб юрган ёки ишсиз қолиб, безорилик қилиб юрган болаларни ота-оналар мажбурий равишда фойдали меҳнатга жалб қилишади. Бу тадбир туфайли қишлоқда майдага безорилик, майдага ўғирлик, ахлоқсизлик сингари тарбиямиз анъаналарига ёт бўлган унсурлар тобора камайиб, йўқолиб боради.

Хуллас, вилоят, туман ҳокимиётларида мафкура билан шуғулланувчи ходимлар, халқ таълими ходимлари, мактаб ўқитувчи ва тарбиячилари бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида тарғибот ва ташвиқот ишлари билан фаол шуғулланнишлари лозим. Лекин улар дастлаб муаллифнинг китобида ифода этилган фикрларини тўғри таҳлил ва талқин қилишлари, маҳаллий шарт-шароит билан тўғри боғлай билишлари керак. Иш ёки хизмат хоналарида савлат тўкиб ўтириш билан иш битмайди.

Президентимиз ташки иқтисодий алоқалар ва улар-

нинг натижаларига, уларни эркинлаштириш чора-тадбирларини амалга оширишга эътиборни қаратди. Унинг диққат марказида хорижий сармоя ёрдами ва иштирокида қўшма корхоналар ташкил қилиш туради. Бунда ҳам маҳаллий халқ назарда тутилади. Қурилган қўшма корхона маҳсулотидан, яъни ишлаб чиқарилган нарсалардан аввало шу ерлик халқ манфаатдор бўлади, халқ иш билан таъминланади, яна қўшимча даромад ўзида қолади.

Мактабларда ташқи иқтисодий алоқалар, муносабатлар, ташқи бозор муносабатлари, уларнинг шакл ва мазмуни тўғрисида муайян таълим-тарбия ишларини олиб бориш долзарб масаладир. Бунда ўқувчиларнинг диққат-эътиборини биринчи галда чет тилларни қунт билан ўрганиш, қолаверса ўша халқ тарихи, маданияти билан яқиндан танишишга қаратиш лозим. Чунки бу билимлар келажакда шу болалар ичидан етишиб чиқсан ишбилармон ва тадбиркорлар фаолиятида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ташқи ва ички бозор муносабатларини муваффақиятли амалга оширишдан халқ ҳам, давлат ҳам манфаат кўради. Бошқача айтганда, давлат хазинаси бойиса, унинг имкониятлари ошади. Муаллиф ёзади: «... давлат имкониятлари ҳисобидан одамларни, айниқса, аҳолининг ижтимоий-ночор табақалари: етим-ссиirlар, болалар, ўқувчилар, нафақачилар, ногиронларни, ёлғиз оналар ва камбағал оиласларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш бўйича олдиндан чоралар кўриб борилмоқда» (13-бет).

Бошлиғич синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари талабаларига ғамхўрлик қилиб, уларнинг талабалик нафақаларини тобора ошириб бориш, нафақачилар, меҳнат ва уруш ногиронларининг нафақаларини изчил ошириш, ёши ўн саккизга тўлмаган болаларга нафақалар бериш ва шу кабилар давлат хазинасидан чиқади. Бу ўринда бозор иқтисодий муносабатларини янада такомиллаштириш лозимлигини таъкидлаш керак. Худди шу нарсларни таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар онгига сингдириш давлат бойлигини оширишга бўлган ижобий ва онгли муносабатни таркиб топтиришда, шакллантиришда етакчи аҳамиятга эга бўлади.

Асарда Ўзбекистоннинг жаҳон валюта фондига, жаҳон банкига, Европа қайта тиклаш ва ривожлантириш

банкига қабул қилингани, республикамизда жаҳон банкининг доимий ваколатхонаси иш бошлагани ҳақида фикр юритилади. Худди шу ютуқларни, шунингдек, Ўзбекистонни бутун дунё давлат сифатида тан олаётгани, Тошкентда жаҳон мамлакатлари элчиҳоналари ва ваколатхоналари очилгани ва очилаётганини болаларга етказиш уларда фикрлаш туйғуларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Биз авлодни ватанининг обрў-эътиборидан, давлат ва ҳукумат юритаётган сиёсатдан қониқишиш ва ундан ифтихор қилиш туйғуларини тарбиялашни назарда тутаётмиз. Зотан, фаҳрланиш, ифтихор туйғуларини тарбиялаш ёш авлоднинг келажак эгаси бўлишга ишончини ошириш учун ниҳоятда зарурдир.

Ўзбекистон мустақил бўлиб чиққанига атиги уч йилдан ошди. Буни рамзий маънода уч ёшли гўдакка қиёслаш мумкин. Бошқача айтганда, у катта оиласдан ажралиб чиққан ёш оиласидир. Уни дарҳол ҳамма нарса билан таъминлаш, бус-бутун қилиш ҳам моддий жиҳатдан, ҳам оила юритиш ва бошқариш тажрибаси жиҳатидан асло мумкин эмас. Оила ҳўжалигини оёққа турғизиш учун тинимсиз меҳнат қилиш, тадбиркорлик керак. Худди шунингдек, Ўзбекистондек катта давлатни қисқа вақт ичидаги ҳар томонлама ривожлантириб бўлмаслиги табиий ҳол. И. Каримов «Бор ҳақиқат шундан иборатки, биз ҳамма ишга бир вақтнинг ўзида, бир йўла киришишга, муаммоларнинг ҳаммасини бирваракай ечишга ҳозирча қодир эмасмиз» (20- бет), дея бор ҳақиқатни очиқ-ойдин айтади. Ҳақиқатни тан олиш, уни ҳалқга яширмай-нетмай рўй-рост айтиш киши руҳиятига яхши таъсир қиласиди.

Шундай одамлар учрайдики, улар ҳаёт ва турмушдаги айrim камчиликлар, етишмовчиликлар ва қийинчиликларни рўкач қилиб, Ўзбекистон келажагига шубҳа билан қарайдилар ва ҳалқни улуғ йўлдан чалғитмоқчи бўладилар. Бундай қарааш ва фаолиятни ватанпарварлик, ҳалқпарварлик, мустақиллик ва истиқлол билан йўғрилган ақидаларга зид иш юритиш деб баҳолаш керак. Муаллифнинг юқоридаги фикри бундай қараашларнинг зарарли эканини фош этишга хизмат этади.

Зиёлилар доимий равишда бузғунчиликларга, риёкорликларга қарши изчил кураш олиб боришлари жараённида муаллифнинг зикр қилинган ҳақиқатга тўла

фикрларидан кенг фойдаланишларини тавсия этамиз.

Муаллиф асосий эътиборни халқнинг ижтимоий но-
чор қисмига қаратган. Жумладан, у шундай ёзади:
«Яна бир ниҳоятда муҳим ишимиз — аҳолининг ижти-
мойи начор табақаларини ҳимоя қилиш» (22-бет). Бу-
нинг тарбиявий аҳамияти беқиёс. Чунки бунда халқ мус-
тақил мамлакатда етиширилган барча маҳсулотларга
ўзи хўжайин бўлиши, улардан келган фойданинг барчаси
ўзига қолиши ҳақида тўла тасаввур ҳосил қиласди. Асар-
да халқнинг турмуш даражасини ҳар қандай қийинчи-
ликлардан ҳимоя қилиш ва пасайтирмаслик ҳақида қай-
ғуриш ғояси илгари сурилади. Айниқса, шу нарсани
қатъий қонун билан ҳуқуқий ҳужжатлар асосида кафо-
латлаш масаласини қўяди.

Китобда шу масала нафақат кўндаланг қўйилади,
балки уни ҳал қилиш йўл-йўриқлари аниқ-равshan кўр-
сатилади. Чунончи, унда шундай дейилади: «... нафақа
билан таъминлаш, талабаларга, кўп болали ва камба-
ғал оиласларга ҳақ тўлаш тизимида уларнинг турмуш
даражаси бюджет воситаси ва давлат кафолатлари ор-
қали ҳам, турли хайрия жамғармалари, корхоналар,
ташкилотлар ва хўжаликларнинг жамғармалари орқали
ҳам сақлаб турилиши, уларга мадад берилиши мустаҳ-
камлаб қўйилиши лозим (23-бет).

Шу фикрлар асосида қабул қилинган ҳукумат қа-
рорлари, чиқарилган фармонлар одамларнинг меҳнатга
бўлган муносабатини шакллантиришда муҳим аҳа-
мият касб этиб келмоқда. Агар кексалар моддий жи-
ҳатдан таъминланса, уларнинг фарзандларида унум-
ли меҳнат қилишга қизиқиш ортади, кўп болали оила-
ларга давлат ёки тегишли корхона ва ташкилотлар
томонидан ёрдам берилса, шу оиласда ишловчи киши-
ларнинг меҳнатга рағбати ошади, камбағалларни бир
оз таъминлаш, уларга кўмаклашиб туриш одамларнинг
инсонпарварлик қарашларини ўстиради. Хуллас, И. А.
Каримов юқоридаги фикрлари ва амалий тадбирлари
орқали халқнинг меҳнатпарварлик, инсонпарварлик тар-
биясига эътибор беришни назарда тутяпти.

Шунингдек, бу ерда муаллиф инсонларнинг маъна-
вий камолотига эришиш ҳақида қайғурганлиги равshan
кўриниб турибди. Зотан, маънавий баркамол инсон ҳаёт
ва турмушга оқилона ёндошади. У меҳнат қиласди. Ун-
да аввало ўз эҳтиёжларини, қолаверса қўни-қўшнилари, ма-
ҳалладошлари, эл-элати эҳтиёжларини қондириш ҳақи-

да ўйлайди. Бу эса мамлакатимиз эндиғина мустақилликка әришган дастлабки даврларда мұхымдир. Ҳуллас, ҳар бир фуқарода ҳуқуқий давлатнинг муносиб аъзоси бўлиш иштиёқи шаклланади.

Муаллиф маънавий қадриятларни тиклаш, ёшлар ҳақида фикр юритар экан, бу соҳадан ҳар қандай шароитда ҳам маблағни тежаш мүмкин эмаслиги, аксинча кўпроқ маблағ ажратиш мұхимлигини қайта-қайта уқтиради. У: «Биз учун тарихий, маданий, умуман маънавий қадриятлар халқимизнинг руҳини баланд сақлаш, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий вазифа бўлиб қолиши керак ва бу соҳалар ҳисобидан маблағларни тежай олмаймиз» (23- бет), дейди.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида моддий ва иқтисодий қийинчиликка дуч келинди. Уз-ўзидан аёнки, халқ фаровонлиги ҳақида қайғуриш, эҳтиёжларни қондириш халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларидан оз-оздан бўлса-да, маблағларни тежашни тақозо этади. Бироқ таълим-тарбия соҳасидан тежаш мүмкин эмаслиги муаллифнинг диққат марказида туради. Илм ва фан, маданият, адабиёт ва санъат, халқ таълими, халқ тарихи, миллий қадриятлар ёш авлод тарбиясида асосий омиллардир. Юртбошимиз «бу тармоқларни қатъий қўллаб-қувватлаш, шу соҳаларда ишлаётган кишилар меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни ижтимоий жиҳатдан пухта ҳимоя қилиш, моддий имкониятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш зарур»лигини алоҳида таъкидлайди. Шу назарий фикрларнинг барчаси амалда татбиқ этилди.

Чунончи, Рўза ҳайит ва Қурбон ҳайитлар ҳар йили байрам қилинадигаги бўлди ва уларни муносиб тарзда ўтказни учун қисман харажат бўлиши табиий. Шу муносабат билан ишчи-хизматчиларга, деҳқону чорвадорларга мукофоту ёрдам пуллари берилмоқда. Уша байрамларнинг биринчи кунлари дам олиш кунлари қилиб белгиланди.

Мустақиллик кунининг кенг нишонланиши янада тарихий воқеа бўлди. Бунда халқнинг озодлик, эрк, истиқлолдан фахр ва ифтихор туйғулари намоён бўлади.

Муаллимлар, болалар боғчалари тарбиячиларининг ойлик маошларини муттасил ошиб бориш, уй-жойларини текинга хусусийлаштириш сингари имтиёзлар меҳнатга бўлган рағбатни ошириди.

Алишер Навоий боғининг ташкил қилиниши ва унга ёдгорлик ўрнатилиши миллий қадриятларга эътиборнинг ёрқин кўринишидир.

Миллий қадриятларни улуғловчи китоблар, турли қўлланмаларнинг чоп этилиши қувонарли ҳолдир. Қоғоз танқислиги ҳукм сураётган бир даврда Қуръони карим, Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари, диний-ахлоқий таълимотларни ўзида мужассамлаштирган Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий кабиларнинг асарлари доимий равишда нашр қилинмоқда.

Мактаблар учун чоп этилаётган дарсликлар, ўқув-методик қўлланмаларнинг харид нархи энг паст дарражада сақланмоқда.

Таълим-тарбия учун қилинаётган ишларни, биринкетин ҳал қилинаётган муаммоларнинг барчасини сабаб чиқиши қийин. Шу тадбирларнинг барчасига сарфланадиган харажатлар катта маблағни ташкил этади.

Демак, муаллифнинг ёш авлод тарбияси тўғрисидағи назарий, илмий-педагогик фикрлари ҳаётга татбиқ этилиб, ҳалқ руҳияти тетикилигини сақлаб туриш ва ҳатто юксалтириш биринчи даражали тарбиявий вазифа қилиб қўйилди. Шунинг учун барча тарбиячилар, ўқитувчилар ҳар бир дарсда ва синфдан ташқари машғулотларда мустақил давлатнинг бозор иқтисодиёти ва мұносабатларига ўтишнинг дастлабки босқичида кенг кўламда иш олиб бораётган ва маблағни аямаётганини ўқувчилар онгига сингдириб боришлиари лозим. Бу ёшлар келажакка, мустақил мамлакатимизнинг ёрқин истиқболига ишонч, меҳр-муҳабbat туйғуларини тарбиялашда мұхим аҳамият касб этади. Зотан, ватанни севиш, унинг истиқболи ҳақида қайгуриш иймон-эътиқод рамзиидир.

Таълим-тарбия мамлакатда ҳалқ хўжалигининг деярли барча соҳалари билан чамбарчас боғлиқдир. Маълумки, тоталитар тузум даврида ҳалқ хўжалиги ва унинг ҳамма тармоқлари бир ёқлама олиб борилган эди. Қимдир ҳукмдор, қимдир тобе, қимдир кам, қимдир кўпроқ наф кўрарди, қимдир буйруқ берарди, қимдир сўзсиз бажаарди ва ҳоказолар. Натижада, таълим-тарбия юксалиши қаердадир суст, қаердадир серавж, миллий қадриятлар камолоти қаердадир паст, қаердадир юксак бўларди. Фикримизча, муаллиф худди шу адолатсизликдан келиб чиқиб, «Яқин истиқболдаги энг мұхим муаммо ҳалқ хўжалигимизнинг ички тузилишини ўзгартиришдир» (24- бет) деб уқтиради. Чун-

ки, муаллиф таъкидлаганидек, «Тайёр, аниқроғи, товар маҳсулот берадиган тармоқлар энг заиф бўғин» эди.

Масалан, Ўзбекистонда оғир ва машаққатли меҳнат ҳамда жуда катта пул-маблағлар сарфланиб, пахта хом ашёси етиштириларди. Ўша хом ашё жуда катта харажатлар эвазига бошқа жумҳуриятларга ташиларди. Тайёр маҳсулот ўша жойларда ишлаб чиқариларди ва соғ фойда — мўмай даромад ҳам ўша ҳудудда қоларди. Ҳудди шу мақсадда бўлса керак, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси Ўзбекистон ташқарисида тўла амалга оширилган. Пахтадан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун фабрикалар бизда жуда кам ва хатто йўқ даражада эди. Шу муҳим ва дол зарб муаммони ҳал қилиш узоқ муддатни талаб қилади. Ҳолбуки,— дейди муаллиф,— айни ана шу хом ашё — республиканинг, ўзбек ҳалқининг бойлиги ва фаронсонлик манбаидир.

Ёш авлодга ҳудди шу нарсаларни мисоллар ёрдамида тушунтириш лозим. Зеро, у ташқи ёхуд ички инволарга ишонмасин. Ёшларни ўрта таълим олгандан сўнг қобилият ва салоҳиятларига қараб, ҳалқ хўжалигининг ўша нозик соҳаларини ривожлантиришда фаол иштирок этишга йўллаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқувчилар орасида ўтказиладиган бу тадбирлар уларни «Ким бўлсан экан?» «Қайси касб яхши?» деган саволларга жавоб топишларида ёрдам беради. Шунингдек, ўсмирларнинг касб танлаш тўғрисидаги фикр доирасини кенгайтиради ва шу йўналишда чуқурроқ ўйлаб, аниқ хуросага келишларига кўмаклашади.

Демак, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» китобининг яна бир аҳамияти шундаки, агар у умумтаълим мактабларида кенг тарғиб қилинса, ундаги назарий фикрлардан унумли ва ўринли фойдаланилса, у ёшларни касб танлаш фаолиятига самарали таъсир кўрсатиши аниқ. Чунки ўша фикр-гояларнинг ҳар бири инсон ҳаётини ва турмуши, келажаги, истиқболи билан бевосита боғлиқдир. Ҳамма гап қайси фикрни қайси дарсда қўлашда.

Президентимиз дастлабки сармоя манбаи сифатида кончилик саноатини ривожлантириш лозимлигини уқтиради. Бу асрлар давомида ҳалқининг ҳаётий тажрибалари, Ал-Беруний каби улуғ олимлар томонидан исботланган ҳақиқатдир. Асарда алоҳида қайд этилган геологик ва қидирув ишлари билан алоқадор фикрлар

дан табиий ва иқтисодий жуғрофия фанлари дарсларида фойдаланиш яхши самара беради. Фан ўқитувчилари улардан қай йўсинда ва қандай фойдаланади, бу уларнинг иқтидори ва топқирлик маҳоратига, педагогик салоҳияти ва малакасига боғлиқдир.

Геологик ва қидирув ишлари мўл минерал бойликларнинг жойлашишини аниқлаш қийин соҳадир. «Айни шу тармоқлар республиканинг мустақиллигини таъминлайди»ган «...халқ хўжалиги барча тармоқларини келгусида жадал ривожлантириш учун муҳим замин бўлиб хизмат қиласди»ган таянч эканини ўқувчиларга мисоллар ёрдамида тушунтириш керак. Мактабларда иложи борича геология тўғарагини ташкил қилиб, қазилма бойликларнинг халқ хўжалигига тутган ўрни, айниқса олтин, кумуш сингари қимматбаҳо металларнинг жаҳон миқёсидаги мавқеи хусусида машғулотлар ўтказиш лозим. Сўнг геология фанига ва қазилма бойликларни излаб топишга қизиқувчи ўқувчилардан гурӯҳ тузиб, конларга саёҳатлар уюштириш, машҳур кончилар билан суҳбатлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда улар орасидан геология ва кончикка қизиқувчи, миллий ғурури юксак улуғ шахслар етишиб чиқиши мумкин. Асардаги фикрларнинг илмий-назарий ва амалий-педагогик қиммати ҳам шунда. Тарбиянинг бу шакли ўқувчиларда янгича моддий ва иқтисодий фаровонлик туйғуларини тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Мустақил мамлакатимизни ривожлантириш, халқ фаровонлигини яхшилаш йўллари кўп. И. А. Қаримов шулардан яна бирига диққат-эътиборни қаратади ва ёзади: «Яна бир муҳим йўналиш—Ўзбекистоннинг экспорт имкониятини ошириш масаласи» (26-бет). Ҳозирги болалар «импорт», «экспорт» сўзлари ва уларнинг маъноларини юзаки бўлса-да биладилар. Агар узоқ қишлоқ жойларида билмайдиганлар учраса, тушунтириб, ўша сўзлар билан боғлиқ давлатлараро муносабатлар ҳақида мос келадиган фан дарсларида маълумотлар бериш лозим.

Ўзбекистоннинг бошқа ғивожланган давлатларга иқтисодий жиҳатдан етиб олиши учун маҳсулотларни экспорт қилишни (четга чиқаришни) тўғри йўлга қўйиш, уни жадал ривожлантириш керак. Мамлакат ривожланишини бусиз амалга ошириш қийин. Чунки четга тайёр маҳсулот чиқарилса, давлатга чет эл валюта-

си киради. Ўша валютага ўзимизнинг халқимиз ва саноат учун зарур бўлган маҳсулотлар сотиб олинади.

«Бир вақтлар Иттифоқда Ўзбекистон четга маҳсулот чиқариш ҳажми жиҳатидан учинчи ўринни эгаллар эди» (26- бет). Унинг кўпчилигини пахта ташкил қиласарди. Нима учун шундай эди? Пахта толасини қайта ишлайдиган ва ундан аввало ип, кейин газмол ва, ниҳоят, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқарадиган йигириув, тўқимачилик ва тикиш фабрикалари йўқ эди. Тошкентдаги тўқимачилик комбинати эса бутун Ўзбекистон учун соғ фойда келтиришга ва уни таъминлашга қодир эмас эди. Умуман олганда, Ўзбекистон мажбуран пахта хом ашёси маконига айлантирилган эди. Асада бугунги мустақил мамлакат шарт-шароитидан, аҳвол-вазиятдан келиб чиқиб, муҳим фикр билдирилади: «... четга бу қадар кўп пахта сотиши республикамизда тўқимачилик ва енгил саноат ривожи кўзланган даражага етгунча давом этиши мумкин. Биз барча тараққий топган ва маърифатли мамлакатлар каби пахта билан эмас, аввало, тайёр маҳсулот билан савдо қилишимиз зарур, (27- бет). Бу мустақил мамлакатимиз бойлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир.

Шу вазифани амалга ошириш учун тайёр маҳсулотни ишлаб чиқарадиган кичик-кичик корхоналарни қишлоқ жойларида қуриш лозим. Бу ортиқча меҳнат ва харажатни талаб қилмайди. Бу иш, албатта, чет эллик шериклар билан бажарилади. Чунки бизда етарли ва тажрибали мутахассислар йўқ ҳисоби. Ўша кичик корхоналар қишлоқ жойларида кўплаб қурилса, жойларда малакали мутахассис ходимлар тайёрлаш масаласи ҳам ҳал бўла боради.

Юксак малакали ходимлар тайёрлаш муаммосини ҳал қилишга эътиборни кучайтириш давлат аҳамиятига молик вазифадир. Чунки уларсиз жаҳон бозорида рақобатга дош берадиган маҳсулот тайёрлаш мумкин эмас. Қолаверса, ўша замонавий дастгоҳларни юргизиш, ишлатиш техник мутахассислар зиммасида бўлади.

Мактабларда, айниқса, юқори синф ўқувчилари билан шу нарсалар тўғрисида таълим-тарбия ишларини олиб бориш зарур. Қишлоқ болаларининг кўпчилиги техникага қизиқади. Таълим-тарбия шу йўналишда олиб борилса, уларда, шубҳасиз, янги қурилган корхоналарга бориб ишлаш учун қизиқиш уйғонади.

Ҳозир Ўзбекистоннинг мустақиллигини сақлаб қо-

лиш, уни ҳимоя қилиш, бошқаларга иқтисодий қарам бўлмаслик учун жаҳон бозорига чиқиш кераклиги ўз-ўзидан аён бўлиб қолди. Ташқи бозордан истеъмол молларини сотиб олиб келиш учун чет эл валютаси керак. Валютани топиш учун чет эл бозорига сифатли тайёр маҳсулот чиқариб сотиш лозим. Ривожланган мамлакатлар, айниқса, экспорт, яъни тайёр маҳсулот чиқаришни ривожлантиради. Бу давлатни иқтисодий жиҳатдан ба-кувват қиласади.

Шу нарсаларнинг маънавий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатларига асосий диққатни қаратган ҳолда муаллиф қўйидаги зарур холосага келади: «Биз бу ишда иккита принципга қатъий амал қиласади.

Биринчиси: бирорта корхона, бирорта идора чет элда сотиладиган ва қатъий валюта тарзида даромад келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқармаса, хорижий сармоя олмаслиги керак.

Иккинчи принцип: илғор хорижий фирмалар билан алоқа боғламаган ва битимлар тузмаган бирорта ҳам корхона бўлмаслиги даркор. Бу гап маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва хизмат кўрсатадиган барча корхоналарга тааллуқлидир» (28-бет).

Президентимиз И. А. Каримовнинг шу фикрлари, мамлакат иқтисодини ривожлантиришнинг энг мақбул ва халқчил услуги ҳар бир ватанпарвар, инсонпарвар ва мустақилликпарвар раҳбарнинг доимо диққат марказида туриши ва асосий кучни шу йўналишга сафарбар этиши лозим. Тарбиячилар эса унинг табриявий аҳамиятини кенгроқ тушунтириши ва тарғиб этиши керак. Айниқса, олий ўқув юртларининг иқтисод билан боғлиқ фан дарсларида, иқтисодий билимгоҳ ва дорил-фунунларда, халқаро иқтисодий алоқалар куллиёти ва билимгоҳларида бозор иқтисодиётига доир билимлар кенгроқ берилиши лозим. Ва айни чоқда шу билимларнинг маънавий-ахлоқий масалаларига эътиборни қартиш керак. Бошқача айтганда, бозор иқтисодиёти бўйича таълим ва тарбияни қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиёти ва муносабатларига ўтиш самараси «Юртимизнинг истиқболи — бозор хизмат тармоқларини шакллантириш билан, келгусида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, яккаҳо-кимликка қарши тадбирларни амалга ошириш, рақобат

муҳитини вужудга келтириш билан узвий боғлиқдир». (30-бет).

Болага «рақобат муҳитини вужудга келтириш»ни қандай тушунтириш керак? Бу шунчаки одамлар ўртасидағи рақобат эмас, балки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бозордаги ўрни, бошқача айтганда, харидоргирлиги билан белгиланади. Дейлик, уй бекаси — чевар дўппидўзлик билан шугулланади. У тиккан дўппилар сифатли, бежирим бўлса, тез ва бошқаларга нисбатан қимматроқ сотилади. Бу оила бюджетини оширади. Оила бюджети қанча кўп бўлса, ўша оиланинг ўзига тўқ яшши таъминланади.

Агар чевар дўппини яхши, пухта, бежирим қилиб тик маса, у бозорда ўтмайди. Чевар харажати ва меҳнати зое кетади. Бозордаги бошқа дўппилар билан рақобатда пастки ўринга тушиб қолади. Натижада, бу чеварнинг оила бюджети кундан-кунга камайиб, ночор аҳволга тушиб қолади.

Агар шу манзарани кичик корхона ёки завод ва фабрикалар фаолиятига қиёсласак, уларнинг жаҳон бозоридаги ўрни, рақобат даражаси равшанроқ кўринади. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, олиб борган иш кўлами, ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги дастлаб ўз заводи ва корхонаси, қолаверса, мамлакат равнақи билан алоқадор. Худди шунинг учун ҳам И. А. Каримов ташки бозордаги рақобат муҳити ҳақида куйинчаклик билан гапиряпти, қайфуряпти. Бу фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки халқ маънавий камолотини белгиловчи ва қўрсатувчи омил ҳамдир.

Одамларнинг ўзаро моддий муомала ва алоқаларида, худди шунингдек давлатлараро иқтисодий муносабатларида пул асосий восита сифатида хизмат қилиб келган. У қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, асрлар оша яшаб келяпти. Пул моддий ва иқтисодий жиҳатдан қандай мавқега эга бўлса, у маънавий томондан ҳам шундай аҳамиятга эгадир.

Давлатнинг давлат сифатида шаклланиши ва ўзлигини намоён этиши учун унинг шахсий пулти бўлиши керак. Бусиз у мустақил давлат эмас. «Ўзбекистон—келажаги буюк давлат» деган асарида Ўзбекистон Президенти худди шу нарсага алоҳида эътибор берган. Лекин у эндиғина мустақилликка эрншган давлатга бу масалада шошма-шошарликка йўл қўймасликни, «етти ўлчаб, бир кес» деган халқ мақолига амал

қилишни таклиф этади. Шу ўринда муаллиф миллый пул қадри ҳақида қайғуради ва ғамхўрлик қиласи. Агар ўша вақтда, яъни 1992 йилда миллий пул жорий қилинса, унинг қадр-қиммати дарҳол пасайиб кетиши мумкин эди. Чунки техника воситалари, ёқилғи, асбоб-ускуналар, ёғоч-тахта ва халқ учун зарур бошқа моллар ташқаридан келтириларди. Бошқача айтганда, савдосотиқ учун тегишли имкониятлар йўқ эди. Шунингдек, четга сотиш учун чиқариладиган маҳсулотлар жуда кам эди. Умуман олганда, миллый пулни жорий қилиш учун муайян муддат ва тажриба зарур эди.

Муаллиф сўзлари билан айтганда, «... ўз миллый пулимиз республика маҳсулот билан таъминлангандагина ўзининг муайян кучига ва нуфузига эга бўлади. Бу пулга нимадир харид қилиш мумкин бўлсагина у ўз қиймати ва харид қобилиятига эга бўлади. Акс ҳолда, у шунчаки қофозга айланиб қолаверади. Республика-миз ҳозирча ўзини зарур маҳсулотлар билан таъминлай олмайди ва шу боисдан ҳам кўп иш қилишимиз керак бўлади» (33- бет). Шу нуқтаи назардан ўша пайтда миллый валютани муомалага киритилмай тўғри иш қилинди. Чунки, такрор айтамизки, харид маҳсулотлари жуда кам бўлиши баробарида ўша вақтда Ўзбекистон чет элларга истеъмол моллари билан боғлиқ масалада ҳар томонлама қарам эди. Яна бир нарсани эсдан чиқармаслик керакки, эркин савдо муносабатида пулимизнинг қиммати ошиб бориши учун «биринчи галда маҳсулотимиз рақобатга бардошли бўлиши керак».

Қолаверса, ички бозорларда, хусусий дўконларда, давлат савдо шоҳобчаларида мол етишмасди. Одамлар пулни чўнтағига солиб, бозор, дўконларга борса-ю, харид қилиш учун ҳеч нарса топиб ололмаса ёки чай-қовчилардан 50—100 баравар қимматига олса, бундай ҳолда пулнинг қадри қоладими? Бунинг фақат моддий-иқтисодий эмас, балки маънавий зиёни ҳам бор. Бундай ҳолатда киши руҳан эзилади, кеча-кундуз пешона тер тўкиб топган пули ҳеч нарсага етмаса ёки унга ҳеч нарса ололмаса, бундай пулнинг ҳеч қандай қадри қолмайди.

Умуман олганда, И. А. Каримов «барқарор ва ҳалол бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга асосланган демократик ҳуқуқий давлатни, фуқаролик жамиятини барпо этишгина» эмас, балки «биздан кейин ҳам шу ерда яшайдиган фарзандларимиз ва на-

бираларимизнинг, дунёга келажак авлодларнинг тақдири ҳам биз қандай давлат қуришимизга боғлиқ» экан-лигига, шунингдек, «Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак»лигига алоҳида эътибор беради (36- бет).

И. Каримов халқ хўжалигининг қайси соҳаси ҳақида фикр юритмасин, уларнинг барчасида ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлашга, ёш авлоднинг таълим-тарбиясига, ахлоқ-одобига у ёки бу шаклда диққат-эътиборни қаратади. Асарнинг қиммати ҳам ана шунда.

Хулоса қилиб айтганда, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» китобида бозор иқтисодиётига ўтишда инсон онгини тарбиялаш ва унинг руҳиятини шу янгича ижтимоий даврга тайёрлаш ғояси илгари сурилади. Бунда ўқувчиларда янгича моддий ва иқтисодий фаровонлик туйғуларини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

3- §. Ҳуқуқий таълим-тарбия демократик ҳуқуқий давлатнинг пойдеворидир

Ҳар қандай мустақил давлатда халқнинг эркин яшashi, фаровон турмуш қуриши, хоҳиш-иродасининг амалга оширилиши, эзгу мақсад-ниятлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши лозим. Шу кафолат ватан тараққиётини, давлат мустақиллигини, халқнинг жипслигини, миллатлараро ҳамжиҳатлигу дўстлигини, мустақилликнинг барқарорлигини узоқ йиллар давомида таъминлашга шарт-шароит яратади. Зикр қилинган кафолат республикамиз конституциясида ўз ифодасини топди ва шу ҳужжат орқали бошқа барча ҳуқуқий қонунлар юзага келди. Бошқача айтганда, ҳамма ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияда кўрсатилган қонунлар асосида қурилади. Шунинг учун ҳам «Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ».¹

Маълумки, 1990 йил июнида янги Конституция ло-

¹ Каримов И. А. Узбекистон — келажаги буюк давлат. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 36- бет. (Кейинги кўчирмаларда қавс ичида фақат саҳифаси кўрсатилади.)

йиҳасини тайёрлаш учун Республика Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида Конституциявий Комиссия тузилган эди. Комиссия янги Қомус лойиҳаси устида жуда кўп ишлади. «Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, янги Конституция лойиҳасини яратишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қоидаларига қатъий амал қилиниди. Шунингдек, ривожланган демократия мамлакатлари ҳисобланмиш Америка Қўшма Штатлари, Япония, Канада, Германия, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испаниянинг ҳамда Шарқ мамлакатлари — Ҳиндистон, Покистон, Миср давлатларининг Конституция тажрибасидан ижодий фойдаланилди» (42—43-бетлар).

Бу фикр ўзбек миллий давлатчилиги ва давлат бошқарувининг тарихий мумтоз усуллари ва тажрибаларини атрофлича таҳлил қилиш, илмий тадқиқ этиш, шунингдек амалда синааб кўриш натижасида ҳосил бўлган. Бу ўша фикр муаллифининг донолиги, зукколиги, илмий жиҳатдан истеъдодли олим ва тадбиркор ҳукмдор эканини кўрсатади. Аслида бирор мамлакатни бошқарувчи юртбошилар, вазиру ҳокимлар шундай бўлсагина, давлат, халқ ва салтанатнинг келажаги буюк бўлади.

Мустақил Узбекистон Конституциясини қабул қилиш жараёнида Президентимиз жонқуярлик билан билдирган юқоридаги доно фикрларга тўла амал қилинди. Бу маънода у тўла ҳақ ва Конституция асрлар мобайнида тажрибада синалган Адолат ва Ҳақиқат намунасидир. Амир Темур ёзади: «Ҳозирги дамгача ўтган сultonларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб суриштиридим. Ҳар қайсларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва хуш ахлоқлари, маъкул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суриштиридим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулм ва бузуқчиликдан сақланишини ўзимга лозим билдим»¹ Улуғ жаҳонгир бобомиз Амир Темур билан Президентимиз фикрларини солишириб кўр-

¹ Амир Темур ўғитлари. Тошкент, «Наврӯз», 1992, 16—17-бетлар.

сак, халқ, давлат, миллат манфаати йўлидаги фидойилик намуналарининг умумийлиги ва ўхшашлигини кузатамиз. Гап бу ерда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва ҳуқуқий таълим-тарбия тўғрисида боряпти. Демак, ҳар бир киши, ҳар бир ёш Қомусимиз ва бошқа қонунларни ўрганиб олишлари зарур. Бу тажрибани умумтаълим мактабларига, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларига олиб кириш керак.

Конституцияни пухта ўрганмаган ва билмаган киши ўз ҳақ-ҳуқуқини билмайди. Ҳуқуқини билмаган одамнинг ҳаёти ва умри қулларнинг турмуш тарзига ўхшайди. Қуллар жамиятда фаол иштирок этишга ҳар томонлама қодир эмасдирлар. Ҳолбуки, бизнинг бугунги мустақил Ўзбекистон эркин ва равон фикрлай оладиган, унинг ҳаётида фаол иштирок эта биладиган, ўз сўзини айтишга қодир фуқароларга муҳтождир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия бериш жуда муҳим вазифадир. Чунки ўз ҳуқуқларини ва бурчларини билган киши халқ хўжалигининг барча соҳаларида онгли равишда ҳаракат қиласди, меҳнат қиласди ва фаоллик кўрсатади. Президентимиз Конституция ҳақида фикр юритиб, «Табиийки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир» (36- бет), дейди.

Муаллифнинг шу фикрлари ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг негизини ташкил этиши керак. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзбек халқнинг манбаатларини ўзида мужассамлаштирган ягона қомусий мажмуадир. Бошқача айтганда, у ўзбек халқнинг тафаккур гавҳаридир.

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» асарида фуқаролар бурчлари, уларнинг жамиятда тутган ўрни, шунингдек, ҳақ-ҳуқуқлари, шахснинг ва шахс мол-мулкининг ҳимояланиши тўғрисида қимматли фикрлар билдирилади. Уша фикр ва тарбиявий-назарий мулоҳазалар таҳлил қилиниб, шарҳланиб, ўқувчиларнинг ёшлига, синфларига, дунёқарашига мосланиб фойдаланилса, жуда катта тарбиявий самара беради. Бу ўзбек халқи маънавиятини ривожлантириш ва юқори даражага кўтариш билан бевосита боғлиқдир. Улкан олим Акмал Саидов ёзади: «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарақ-

қиёт йўли Конституцияга асослангандир. Бизнинг конституциявий сиёсатимиз ўз миллий давлатчилигимизни, иқтисодиётимизни ва маънавиятимизни камолот чўққи-ларига олиб чиқишига қаратилган»¹.

Давлатимиз раҳбари янги Конституция тўғрисида фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташлар экан, «бу ҳужжатга (Конституцияга — С. О.) амал қилиб яшовчи фуқароларнинг аҳиллиги, халқимиизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ихлос каби яхши сифатлар ўз аксини топиши» (37-бет) зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам давлатнинг бош қонуни— Конституция доирасида ҳаракат қилган киши ўзини эркин ҳис қиласди, бирордан тили қисиқ бўлмайди, қўрқиб яшамайди, бошқача айтганда, «юзи қизил», «тили узун» бўлиб юради, ғурурини оёқ-ости қилишларига йўл қўймайди. Бу ҳар бир фуқаро учун зарурдир. Энг асосийси, инсонлар ўз ҳукуқлари доирасида фаолият кўрсатишлари лозим.

Асарда «Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қиласди» (38-бет) деган ғоя илгари сурилади. Чиндан ҳам халққа хизмат қилмаган ҳокимият тез орада инқирозга юз тулади. Давлатнинг асосий вазифаси халқ ҳақида қайғуришдан иборатdir.

Худди шу важдан муаллиф: «Давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар» (38-бет), дейди. Бу фикр халқпарварлик, инсонпарварлик каби олижаноб туйғулар билан йўғрилган бўлиб, шу ғамхўрлик шакл-шамойилини ўзбек халқи ҳали яқин асрларда кўрмади десак, янглишмаймиз. Айниқса, идоралар ва мансабдор шахсларга қонуний масъулиятини англатиб қўйишнинг ўзи халқпарварлик ва инсонпарварликдир.

Ўтмишдаги оқил ва жаҳонгир подшоларимиз давлатни бошқаришда ўта эҳтиёткор бўлганлари ҳолда давлатни қонун-қоидалар чегарасида бошқарганлар. Бу хусусда жаҳонгир Амир Темур ёзади: «Салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Мұҳаммад) нинг шариатига боғлаб, изза-

¹ Сайдов Акмал. Мустақиллик қомуси. Тошкент, «Ўзбекистон». 1993, 17-бет.

ту ҳурматлаш возиб бўлган анҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдириган ҳолда уларни мустаҳкамладим. Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди»¹

Қайси замонда, қайси даврда бўлмасин, давлат юритиш ва бошқаришнинг ўз қонун-қоидалари, ўз тузуклари бўлган. Бизнинг давримизда ўша қонун-қоидалар, тузуклар бирлашиб, мукаммаллашиб, Давлат қомуси (Конституция)га жамланган. Қайси мамлакатда қабул қилинган қонун-қоидаларга ҳамма баравар амал қиласагина, салтанат мустаҳкам бўлади, халқ фаровонлиги ошади, у ҳақ-ҳуқуқидан тўла фойдаланишга эришади.

Тоталитар тузум даврида шахс ҳақ-ҳуқуқи, унинг тақдирига бу даражада эътибор берилмасди. Битта ҳаётий мисол келтирамиз. Идоралар раҳбарларидан бири хизматчини танқид учун, энг асосийси лаганбардорлик қилиб, амалдорнинг нотўғри хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватламагани учун уни ғайриқонуний равишида ишдан ҳайдайди, қувғин остига олади. У ўзи қатори ва ўзидан юқори раҳбарлар орасида ўша адолатли ва ҳақиқатчи киши ҳақида фисқу-фужур гаплар тарқатади, уни ёмонотлиқ қилишга астойдил киришади. Мақсадига эришади ҳам. Ҳақ-ҳуқуқи топталган кишининг ариза-шикоятлари раҳбарлар томонидан эътиборга олинмайди, ҳуқуқий органлар ҳам унинг аризаларига панжа орасидан қарайди. Охир-оқибат ҳуқуқи поймол бўлган кишида фирқага, шўро тузумига, унинг идораларига ишонч йўқолади, унда жамиятга нисбатан нафрат қўзғалади.

Бундай мисоллар ҳар бир ишхонада, қишлоқда, маҳаллада топилиши мумкин эди. Шундай далиллар ёрдамида юқорида зикр қилинган фикрни болаларга сингдирилса, қиёсий тушунтирилса, бундай тарбия усули амалий аҳамият касб этиши табиий.

Таҳлил қилинаётган китобда яна бир мўътабар вазифа қўйилганки, унинг педагогика фани, ҳуқуқий тарбия учун самараси жуда каттадир. Чунончи: «Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидадир» (38-бет).

Шу қонун кучига эга бўлган вазифалар аллақачон амалда қўлланила бошланди. Бу қонун олдида оддий

¹ Амир Темур ўгитлари. Тошкент, «Наврӯз», 1992, 20-бет.

ишидан тортиб, вазир ҳам тенг жавоб беради. Конституция ва бошқа амалдаги қонунларга бўйсунмаган ёки уларни бузган вазирлар ва бошқа каттароқ лавозимдағи амалдорлар ҳам ишдан четлатилди ва четлатилмоқда. Бу қонуннинг кучини кўрсатиб турибди.

Агар қонун амалда татбиқ этилмаса, у халқ олдида ҳеч қандай обрў-эътиборга эга бўлмайди. Қонун ҳамма учун, ким бўлишидан ва қайси амал курсисида ўтиришидан қатъи назар, тенг бўлса, у маънавий, тарбиявий куч-қудратга эга бўлади. Шунинг учун ҳам «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечими топилмоқда. Бу ечим қонун ва ҳуқуқларнинг барча учун баробарлигида яқъол кўринади.

Президентимиз қабул қилинажак янги Конституция хусусида фикр юритар экан, у сиёсий фирмалар, жамоат ташкилотлари ҳамда бирлашмаларнинг бурчлари ва ҳуқуқларини ҳам назардан четда қолдирмайди ва ёзади: «Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларнинг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий турмушда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиб беради» (40—41-бетлар). Худди шу нарса амалда татбиқ этилди. Масалан, «Эрк» демократик фирмаси рўйхатдан ўтказилди, шу фирмა ташкилотининг «Эрк» рўзномасини чиқаришга ҳам мөддий, ҳам маънавий жиҳатдан ёрдам берилди.

Шу ўринда бир нарсани айтиш ва таъкидлаш лозимики, ҳеч бир фирмә ва ташкилот, шунингдек, ҳеч бир оммавий ахборот воситасига бошқа бирор киши, ҳукумат аъзоларини таҳқирлаш, эрмак қилиш, шахсига тегишга асло йўл қўйиши мумкин эмас. «Эрк» рўзномаси эса матбуот одоби чегарасидан мутлақо чиқиб кетди. Бунга мисоллар истаганча. Бунинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири, одамларни чалғитиш каби оғати жуда катта. Бу салбий кўринишларнинг демократияга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аксинча, бу демократия ақидаларини қўпол равишда бузиш, шахсий манфаатни халқ, давлат, қонун манфаатидан устун қўйишdir.

Хуллас, «Эрк» демократик фирмә ташкилоти ва унинг рўзномаси «Эрк» Конституция қонунлари, шунингдек инсонгарчилик чегарасидан бутунлай чиқиб кетди. Қолаверса, улар ўзбекона миллий ахлоқ-одоб анъаналарига зид иш тутдилар. Бундай фирмә ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларига халқ муҳтоҷ эмас. Ке-

лажакда Ўзбекистонга эгалик қилувчи бугунги ёшларга ҳуқуқий тарбиянинг бу томонларини мисоллар ёрдамида таҳлил қилиб бериш орқали тушунтириш лозим.

Умуман олганда, умумтаълим мактаби ўқувчиларнига ҳуқуқий таълим-тарбия бериш демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. Улар истаган раҳбар ёки идора бошлиғидан ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишга ва айни чоқда ўз бурчини оғишмай адo этишга қодир бўлсалар, шунчаки қул ёхуд робот сингари меҳнатни эмас, балки онгли равишида мустақилликни ҳимоя қилувчи қайта қуришга муҳтож бўлмаган мустаҳкам давлатни вужудга келтиришга, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга лаёқатли кишилар бўлиб этишадилар.

Хулоса қилиб айтганда, умумтаълим мактабларида ёш авлод онгига Ўзбекистон Конституциясини, шуннингдек Ўзбекистон фуқаролик мажмуаси қонунларини сингдириш лозим. Ёшлар Ўзбекистон давлати бошпортини олгунларига қадар оиласда, жамоат орасида ўзини тутиш, қонуний-ҳуқуқий одоб-ахлоқ меъёрларини ўзлаштириб олишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

4- §. Келажак бугундан бошланади.

Бир пайтлар «қайта қуриш» деган ибора ҳар сония, ҳар дақиқада ташкилотлару бирлашмаларда, корхоналару муассасаларда, шаҳару қишлоқларда, хуллас, ҳамма жойларда ва илмий ишлару бадиий асарларда ботбот такрорланарди. Ўша ибора фақат мавжуд жамият ва тузумга тегишли эди. Лекин унинг мантиқий маъносига, мафкуравий ва сиёсий мазмунига етарли эътибор берилмасди.

Хўш, мавжуд, яъни одам яшаб турган иморатни қандай қайта қурилади? Ёки, уни йиқитиб ташлаб, ўрнига янгисини қайта қуриш керакдир? Бошқача айтганда, 1917 йилда қурилган социалистик тузумни қайта қуриш керакми? Уни бутунлай бузиб ташлаб, яъни инкор этиб, янги тузумни тиклаш назарда тутиляптими?

Социалистик жамият яроқсиз бўлиб қолдими? Бир пайтлар уни вужудга келтиришда раҳнамолик қилган, қурилиш бошида турган ком фирмә ғоялари тўғри келмай қолдими? Ундан воз кечиладими ёки йўқми, бу ҳақда ҳеч ким лом-мим демасди.Faқат тўтиқушдай «қайта қуриш» иборасини такрорлашарди. Ўша иборанинг бизнингча, тарбиявий аҳамияти ҳам бўлмайди.

Бир томонда «қайта қуриш», «қайта қурайлик» деган ибора ва шиорлар тақрорланаверди, бошқа томонда ком- фирмә жамият ва ҳукумат устидан ҳұмронлик қилар- ди. Ұша ишлар, саъй-ҳаракатларда мантиқий-фалсафий, назарий-амалий, муайян мақсад ва йұналиш үйғунлиги күрінмасди. Мавхұмлик ва мужмаллик устун бўла- верди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бизнинг заминимиз бўйлаб «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деган илтижоли мурожаат-шиор тарқалди. Бу- нинг мантиқий-фалсафий маъносига эътибор берсак, ҳалқ олдига муайян мақсадли аниқ вазифа қўйилганини ҳис қиласиз. Президентимиз оқилона, пишиқ, ҳаёт ва турмушда асрлар оша синаб келинган ғояни илгари суради. У «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма, дейишади бизда. Ҳар қандай ҳолда ҳам биз ўзи- мизни боқиб, тўйдириб келган нарсаларни вайрон қи- лишга берилиб кетишга ҳаққимиз йўқ. Биз бирданига эски қонунларни тан олмай қўйдик, янгилари эса ҳали йўқ» дейди (5- бёт). Агар шу фикрларни таҳлил қилсан, инсониятнинг, давлатнинг турли томонлама тараққий этиши учун хизмат қила оладиган зарур манти- қий-фалсафий маъно ва мазмунни кузатамиз. Қолавер- са, бу ерда сиёсий, иқтисодий ва маънавий-ахлоқий қа- рашлару ғояларга бурканган буюк режалар аниқ ва равшан кўринади.

Сиёсий томони — янги жамиятни қуриш жараёнида илгари йўл қўйилган хатоларни тақрорламаслик учун босиб ўтилган йўлларнинг паст-баландини ташқаридан туриб кузатиш ва ўрганиб чиқиш, тажрибаларга танқи- дий қараш, аввалги жамиятнинг барча жиҳатларини ат- рофлича чуқур таҳлил қилишдан иборатdir. Давлатни ким бошқариши керак? Сиёсий фирмә ташкилотлари- дан, жамоат бирлашма ва уюшмаларидан бирими ёки давлатнинг ўзими? Қай бири афзал?

Иқтисодий томони — янги жамиятни қургунча муайян вақтга қадар, яъни давлат ўзини ўнглаб, оёққа тургунча, эски жамиятда мавжуд бўлган иқтисодий, моддий-мо- лиявий ресурслардан, корхона, муассаса ва давлат таш- килотларининг ҳаракатдаги фаолиятидан, янгиликка би- роз мос келадиган иқтисодий усуллардан вақтинча фой- даланишдир.

Маънавий-ахлоқий томони — инсон онги, ҳис-туйғу- лари, рухи ва дунёқарashi, миллий қадриятларининг ус-

тиворлиги ва шу кабилар билан белгиланади. Бу энг оғир ва энг қийин жараён ҳисобланади. Бироқ санаб ўтилган учала принцип бир-бiri билан диалектик бирликини ташкил қиласи.

Шу принципларни амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этиш йўлларидан энг асосийси қатъий интизомга амал қилишдир. Дарвоқе, интизом бўлмаган жойда иш ва унинг бажарилиши, масала-муаммо ва унинг ҳал этилиши, келгуси ҳаёт-турмуш ва унинг равнақи, мустақиллик ва унинг тараққиёти ҳақида сўз юритиш мушкул. Демак, қанча-қанча ранж ила эришилган мустақилликни сақлаб қолиш, уни ривожлантириш ва такомиллаштириш, уни келгуси авлодга покиза олтину гавҳар каби тақдим этиш ҳар бир соҳада, айниқса дастлабки босқичда пўлатдек мустаҳкам интизомни талаб қиласи. Бу ҳақда Абдулла Авлоний шундай таълим беради: «...Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ишларини вақтида, низомдан чиқармай, тартиби ила юритмоқға боғлиқдур... Чунки тартиб ва низомга риоя қилмаған кишиларнинг ишлари ҳаммавақт нотамом, ўзлари паришон бўлурлар... Ҳозирги замонда бизнинг Туркистон бойлари нинг ишлари тўхтаб, синувларининг биринчи сабаби ишларини ахлоқсиз, билимсиз, мусриф, ялқов кишиларга топширувлари ила баробар ўзларининг замонга мувафиқ тартиб ва низомдан хабарсизликларининг емушидир...»¹

Маълумки, Ўзбекистон давлати СССР дан ажралиб чиқди. Собиқ Иттифоқнинг ўзи иқтисодий жиҳатдан АҚШ, Германия, Япония, Англия, Франция, Италия сингари тараққий этган жуда кўп мамлакатлардан орқада турарди. Демак, ўша собиқ мамлакат таркибидаги давлатлар ҳам иқтисодий жиҳатдан камбағаллиги ўз-ўзидан аёи. Бу ўринда Ўзбекистоннинг фақат хом ашё мақонига айлантириб қўйилганини унутмаслик керак. Қолаверса, собиқ СССРдан ажралиб чиқсан миллий жумҳуриятларга умумий хазинадан ҳеч қандай улуш берилмаганини қайд этиш лозим.

Дейлик, катта бир оиласда сон жиҳатдан тўрт-беш рўзғорга тенг одамлар — оиласлар яшашади. Қозон бир, товоқ бир. Оила бюджети бир. Шу катта оиласда уч-тўрт фарзандли бир оила бўлак бўлиб чиқди. Лекин бу аж-

¹ Авлоний Абдулла. Тошкент тонги, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1979, 257-бет.

ралган оиласа қозон ҳам, товоқ ҳам, пиёла-коса ҳам, қошиқ ҳам, чўмич ҳам, хуллас ҳеч вақо берилмади. Бу оила ҳайтни қандай бошлиши ва қай йўсинда турмуш кечириши керак? Уй бекаси эҳтиёткорлик юзасидан тежаб-тергаб, бироз маблағ йигиб қўйган бўлса, аввало қозон, бирор товоқ, пиёла, ишқилиб, ўша дастлабки кунлар, ойлар учун жуда зарур бўлган уй-рўзгор буюм-ашёларини сотиб олади. Қейинчалик эса уй-рўзгорни кўпроқ меҳнат қилиш ҳисобига ва тадбиркорлик, тежамкорлик билан бут қила бошлайдилар.

Ўзбекистон ҳам ҳозир худди шундай аҳвол ва вазиятни бошдан кечирмоқдаки, бунда барчанинг аҳиллиги, меҳнатсеварлиги, дўст-иноқлиги зарур. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Умуман олганда, Муҳаммад алайхиссаломнинг «Тадбиркорлик — турмушнинг ярмига, дўстлашиш — ақлнинг ярмига, ғам-ташвиш — кексаликнинг ярмига тенг»¹ деган Ҳадисларини ҳамиша ёдда тутиш лозим.

«Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» жумласининг тўғридан-тўғри маъносига эътибор берайлик. Ақлли инсон янги бинони тикламасдан, уни таъмирлаб, яшагудек ҳолатга келтирмасдан олдин эски яшаб турган уйини бузмайди. Янгисини қураётган даврда у эски уйида дам олади, овқат пиширади, хуллас унда тириклигини ўтказиб туради. Билъакс, эскисини бузиб ташласа, бола-чақаси офтобда қолиб кетиб, чанг-тўзонда юриб, касалга мубтало бўлиши мумкин. Хуллас, у янги уйи битгунича эскисидан фойдаланади.

«Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» жумласининг кўчма маъноси — янги мустақил давлатимизда янгича ўзига хос миллний жамият қуришда ҳам, аввалроқ қайд этилган сиёсий, иқтисодий ва маънавий-ахлоқий принципларнинг диалектик бирлигига таяниш билан боғлиқдир. Ўзбекистон давлати ва ҳалқи бошдан кечираётган қийинчиликларнинг асоси худди шу муаммоларга бориб тақалади.

Президентимиз И. А. Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деган рисоласида шу масалалар тўғрисида фикр юритилади. Зотан, ўша фикр ва гояллар ҳали ўзини ўзи бошқариш тажрибасига эга бўлмаган авлод учун назарий ва амалий йўлланма вазифа-

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент, «Фан», 1990, 70- бет.

сини ўташга қодирдир. Айниңса, ўша асарга жамланған фикр ва ғоялар ёш авлодни келгуси ҳаёт ва турмушга тайёрлаш каби истиқболли вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамиятта әгадир. Зотан, келажак буғундан бошланади.

5- §. Ёшларда әзгу мақсадға әришиш малакаларини вужудда көлтириш ва такомиллаштириш

Инсон мақсадсиз яшай олмайды. Бирор мақсадни күзлаб, унга қараб интилиш инсонни инсон қилиб күрсатувчи сиғатлардан, руҳий ва педагогик жараёнлардан биридир. Бироқ мақсад ўз маъно ва мазмун әтибори, халқпарварлик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик жиҳати билан ҳар хил бўлиши мумкин.

Шахсий ва оиласининг истиқбол билан чамбарчас боғлиқ умуминсоний масала ҳамда муаммоларни ҳал әтишга интилиш ижобий ва буюк мақсад ҳисобланади. Оила баҳти деганда, оиласининг ҳар бир аъзоси эҳтиёжларининг қондирилиши тушунилади. Мамлакат эса ўша оиласардан ташкил топади. Оиласар ўзига тўқ ва баҳтли ҳаёт кечирап эканлар, демак, бутун мамлакат фаровонлиги барқарор бўлади.

Бирор киши ўз оиласининг эҳтиёжларини қодиришга ҳаракат қилади. У ҳатто бутун мамлакат фаровонлиги ҳақида ўйлаб кўрмаган бўлиши мумкин. У оиласининг бекаму кўст яшаши, ҳаёт кечириши учун тижорат ишига қўл урди, дейлик. Ҳорижий мамлакатларга бориб, ўз юртига бозори чаққон мол олиб келади ва уни ўзи хоҳлаган баҳода сотади. Тижоратчи ўша ноёб молдан келадиган фойдани билади, лекин у бу билан зарур маҳсулот келтириб, халқнинг эҳтиёжини қондираётгани хақида атрофлича, чуқур ўйламаган бўлиши мумкин. Ҳолбуки, у бозорни тўлдириш ишида фаол қатнашади. Агар шундай ишбилармон тижоратчилар қанча кўпайса, бозорлар кенгаяди ва тўла-тўкинчилик бўлади. Қолаверса, тайёр маҳсулотлар рақобати ортади, кучаяди, натижада, аста-секин нарх-наво пасая боради. Демак, бу кишининг саъй-ҳаракати биринчи навбатда ўз оиласининг фаровонлиги, қолаверса, халқ турмуш даражасини яхшиланишига ёрдам берувчи әзгу мақсад сари интилишdir.

Ёки, дехқон 2—3 гектар ер олиб, пудратга пахта экади. Чигитнинг текис униб чиқиши учун ҳаракат қилади, уни парвариш этади, мўл ҳосил олади. Ўша машғулот-

дан бўш вақтида бошқа ерларни ўзлаштиради, полиз экинларини экади, кўпроқ ҳосил олиш йўлида кечакундуз ишлайди, пешона тер тўкади. Шу ишга ҳатто миттигина болаларини ҳам жалб этади. Ётиштирган сабзи, пиёз, картошка, қовун-тарвузларини бозорга олиб чиқиб сотади. Деҳқон оиласи фаровонлигини яхшилашга ҳаракат қилиши баробарида бозорларни полиз маҳсулотлари билан тўлдиради. Натижада, шаҳар меҳнаткашларининг дастурхони тўла-тўқис бўлади. Деҳқоннинг бу хайрли ишлари, шарафли меҳнати буюк мақсадлар ҳосиласидир.

Агар киши фақат шахсий манфаатини ўйлаб иш тутса, бу иши бошқаларга зиён бўлса, унинг бу мақсади салбий оқибатларга сабабчи бўлади. Бошқаларнинг пешонасини алдамчилик, фирибгарлик, порахўрлик, таъмагирлик йўллари билан қиртишлайди, бор бисотини шилади.

Бир киши, дейлик, Тошкент шаҳри дўконларидан арzon баҳода мол сотиб олади-да, вилоят бозорларида уникки баравар пуллайди. У ҳозирги кундаги ишлаб чиқариш жараёнининг қийинчиликлари туфайли содир бўлаётган тақчилликдан устакорлик билан фойдаланади. Қолаверса, у фалон завод ёки фабрика таъмирлаш сабабидан анча вақт ишламасмиш деган миш-мishлар тарқатиб, олиб борган молининг тез ва қиммат баҳода сотилишини таъминлашга ҳаракат қиласиди. Бу фирибгарлик, алдамчилик ва чайқовчиликнинг худди ўзгинасидир.

Ёки, деҳқон пешона тери билан етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бозорга олиб келиши билан унинг атрофини чайқовчи-фирибгарлар ўраб олишади. Бошни айлантириб, молини арzon-гаровга олади-да, чайқовчи уни ўша жойнинг ўзида юқори баҳо қўйиб пуллайди. Деҳқоннинг моли харидорнинг қўлига бевосита этиб бормайди. Бошқача айтганда, чайқовчи-фирибгарлар туфайли деҳқон билан ҳақиқий харидор ўртасида савдосотиқ муносабати бўлмайди. Оқибатда айрим чайқовчи чўнтаги мўмай пулга тўлади-ю, халқнинг тинкаси қурийди. Демак, чайқовчи халқ ва давлатга катта зиён келтиради.

Бас, шундай экан, буюк ва эзгу мақсадга эришмоқ учун нима қилиш керак, деган савол кўндаланг туради. Олижаноб ниятли, эзгу мақсад йўлидан оғишмай юратётган барча инсонлар, кучлар тезроқ бирлашмоғи лозим.

Бу ҳақда И. А. Каримов шундай ёзади: «Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Маълумки, аниқ, ҳаммани жислаштирувчи, бошини бошга қўшувчи ягона мақсад бўлмаса, эл-юрг тарқаб, сочилиб кетади.

Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи халқни халқ, миллатни миллат қила билсин, қўлимиздаги буюк бир қуролга айлансан»¹.

Буюк ва эзгу мақсадни амалга оширишда шу мақсад тарафдорлари — халқпарвар, инсонпарвар, ватанпарвар кучлар бирлашмоқлари зарур. Истиқлол худди шу нарсани талаб қилади. Ўзбекистон мустақиллиги шундай бир тарихий оғир давр ва шарт-шароитга тўғри келдики, халқимиз ва давлатимиз ҳар томонлама мисли қўрилмаган мушкулотларга тўғри келмоқда. Бир томондан, ички ва ташқи муҳолифлар дашномлари, иккичи томондан, жумҳуриятимизда оғир ва енгил саноатнинг бир текисда ривожланмаганлиги, учинчи томондан, технологиянинг ночор аҳволга тушиб қолгани ва тақчиллиги, тўртинчи томондан, мутахассис ходимларнинг умуман етишмаслиги ва борларининг тажрибасизлиги, бешинчи томондан, ташқи мамлакатлар билан алоқалар ўрнатувчи дипломатик ходимларнинг деярли йўқлиги, олтинчи томондан, «қизил империя»дан сарқит бўлиб қолган манқуртлик иллатлари, шунингдек ижодкорлик, тадбиркорлик, ихтирочилик, ташаббускорликнинг стишмаслиги, гуруҳбозликнинг чуқур илдиз отгани ва шу кабилар мустақилликнинг кенг ва тез ривожланишига раҳна солмоқда.

Зикр қилинган қийинчилкларни бартараф қилиш бу гунги кунда энг олий мақсад бўлиши зарур, Зоро, «Мақсад ва маром инсоннинг энг буюк қуввати»² бўлгани каби бу умумхалқ ва давлатнинг ҳам куч-қудратидир.

¹ Каримов И. А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 3—4- бетлар (Шу китобдан олинган кейинги кўчирмаларда қавс ичидаги фақат сахифаси кўрсатилади).

² Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Тошкент. F. Рулем номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 102- бет.

Бошқача қилиб айтганда, мақсадсиз умр бекордир. Шунинг учун ҳозирги ёш авлодда эзгу мақсадга эришиш малакаларини вужудга келтириш биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган вазифадир.

Мақсад инсоннинг энг буюк қуввати экани ҳақида фикр юритдик. Энг буюк қувват бирликда, фикрларнинг ягона мақсад—мустақилликни мустаҳкамлаш сари йўналтирилганлигидадир. Бироқ бу сўз шунчаки қуруқ шинор бўлиб қолмаслиги лозим. Хуллас, илгари сурилаётган мустақилликғояси буюк мақсадга, буюк мақсаднинг бажарилиши муқаррар вазифа ва бурчга айланмоғи шарт. Демак, шу вазифа ва бурчлар бутун ўзбек халқининг онгига сингдирилиши керак. «Хуллас, қалбга бориб етадиган, фуурни, қад-қоматни тик этадиган, онгимизга ёруғлик бағишилайдиган буюк мақсад бўлсагина, биз барча ватандошларимизни ўзимизга эргаштирамиз, жиспаштирамиз, кейин эса тогни ҳам талқон этишимиз мумкин...

Энди ана шу мақсадларни амалга ошириш учун тўғри, аниқ йўл керак. Адашишга, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа официб юришга ўтмиш хатоларини тақорорлашга вақтимиз ҳам, ҳаққимиз ҳам йўқ. Бу йил замонамизга, халқимизнинг удумларига, анъаналарига, турмуш тарзига, миллий идрок ва ифтихоримизга мос бўлиши шарт» дейди И. А. Каримов (5—6-бетлар). Шу мақсадлар ва уларнинг бажарилиши тартибли бўлмоғи лозим. Ўша тартиб ва барча учун теппа-тенг интизом қонун билан белгилансагина, у куч-қудратга эга бўлади. Бу тадбир жуда муҳим тарбиявий аҳамият касб этади, ҳуқуқий давлат қуришга жуда катта ҳисса қўшади. «Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат қуришга азму қарор қилган экан, юксак ҳуқуқий маданият, Конституция ва қонунга ҳурмат, итоатгўйлик миллий истиқлол мағкурасида муҳим ўрин эгаллаши лозим. У ўзида халқимизнинг энг ардоқли фазилатлари — иймон ва инсоф, меҳр-оқибат шафқат ва раҳмдиллик, уят ва андиша, ор-номус, ўзаро ҳурмат, юксак ватанпарварлик, элига ва халқига садоқат қадриятлари ва ғояларини мужассамлаштиришига ишончимиз комил.

Ўзбек халқи асрлар мобайнида авайлаб сақланиб, сайқал топиб келган ўз миллий урф-одатлари, расм-руsum, удум ва анъаналари, фуури, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, ҳуқуқий онги, эътиқоди, бир сўз билан айтганда, маданий-маънавий дунёси билан ажralиб тура-

ди. Буюк аждодларнинг умумбашарият маърифатпарварлигини яратишда бевосита иштирок этганлар, улар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшгандар»¹.

Бундан кўриниб турибдики, бизнинг Қомусимиз отабоболаримиз ўғитлари, амал қилиб келган урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари асосига қурилганки, у аждодларимиз юрган мақсад йўлига мос келади. Лекин бир нарсани ҳеч қачон унутмаслик керак. Бу маънавий инқироз муаммоси билан бевосита боғлиқдир. Маълумки, сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида халқ ва унга етакчилик қилишда маънавий инқирозларга дуч келдик. Бу хусусда ва маънавий инқироздан чиқиб олиш тўғрисида И. А. Каримов қўйидагиларни ёзади: «...эзгу мақсадларни амалга ошириш учун, энг аввало, барчамизга боғлиқ, ҳамма нарсадан устун турувчи буюк бир муаммони ечишимиз, яъни маънавий инқироздан чиқишимиз лозим. Бу — энг шарафли ва оғир вазифалардан бири. Уни осонликча ҳал этиш қийин. Халқ ўзи шу вазифани тушунса ва бизга яқиндан туриб ёрдам берсангина, ижобий натижага эришмогимиз мумкин...».

...Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар — ўз йўлига. Уларни ҳал этиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислоҳотлар — қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда!» (7—8-бетлар).

Демак, маънавий инқироздан чиқиб олишнинг асосий йўли — маънавий ислоҳот ўтказиш ва бу долзарб муаммони тезкорлик билан ҳал этишдир. Бу халқ онгига, идрокига мустақиллик ғоясини ва унинг маъно-мазмунини сингдириш билан боғлиқдир. Айниқса, ёш авлодни оиласада, болалар боғчаларида, умум ўрта таълим ва олий ўқув юртларида доимий равишда, муттасил ва узвий равишда шу руҳда тарбиялаб бориш лозим. Ана шундагина энг буюк мақсад, яъни мустақиллик йўлидан оғишмай борамиз, мустақиллик пойdevorини мустаҳкам қурамиз. Такрор айтамизки, бу, албатта, тарбия омилларининг барчасини тўғри йўналтириш, шу йўсин ва ти-

¹ Сайдов Акмал. Мустақиллик қомуси. Т., «Ўзбекистон», 1993, 15-бет.

зимдаги ҳамма ишларни түғри ва аниқ ташкил қилиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Мустақиллик пойдеворининг таянчи халқимизнинг миллий-маънавий пойдеворига, маънавий пойдевор эса миллий истиқлол мафкурасини яратишга бориб тақалади. Шу фикр И. А. Қаримов томонидан шундай аниқ ва равшан таҳлил қилиб берилганки, у таълимтарбия йўналиши ва концепциясини белгилаб беради. Чунончи, у дейди: «Халқимизнинг маънавий пойдевори— бўлажак давлатимизнинг таянchlари жуда қадимий ва мустаҳкам. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Тарихимиз неча-неча минг йилликларга бориб тақалади. Гапнинг индаллосини айтишимиз керак: айрим одамлар ҳали лунги тутиб юрган даврларда бизнинг ота-боболаримиз ўлдузлар жадвалини тузганлар.

Халқимиз таянчи— аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим. Аждодлар васиятига содиқ ва муносиб бўлмоғимиз керак.

Модомики, шундай экан, илдизларимиз шу қадар чуқур кетган экан, демак, истиқлол иморатини ҳам ана ўшанга яраша юксакликларга кўтаришга маънавий пойдеворимиз етарлидир.

Аллоҳ ҳаммага ҳам бундай куч, бундай меросни беравермайди. Бу— Аллоҳ таолонинг миллатимиизга ато этган буюк неъмати, шарофатидир....

Олдимизда турган энг муҳим масала, бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизда татбиқ этишдир.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат,adolat, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим» (8—9- бетлар).

Бу фикрларни мустақилликни мустаҳкамлашнинг энг асосий принципи сифатида қараш лозим. Чунки шу ғояни амалга оширмай, ҳаётга татбиқ этмай туриб, бошқача айтганда, халқ ва ёшлар онгини қайта тарбияламасдан, назарда тутилган буюк мақсадга эришиш мумкин эмас. Мустақиллик ғоясининг туб моҳиятини, маъно ва мазмунини дастлаб зиёлилар яхши билишлари керак. Шунингдек, улар бутун кучни не машақкатлар билан эришилган мустақилликни сақлаб қолиши

ва уни мустаҳкамлаш ишига сафарбар этмоқлари зарур.

Лекин амалда шу тарбиявий масала ва вазифалар бажариляптими, деган савол кўндаланг туради. Тан олиш керакки, жойларда бу йўлда қилинаётган ишлар талаблар даражасида эмас. Айрим зиёлилар бу оғир ва шарафли вазифадан ўзларини четга оляптилар. Шу ўринда мактаб ўқитувчиларининг ишдан бўшаб, ўзларини енгил-елли йўллар билан мол-дунё орттиришга ураётгандари, айрим вилоят мактабларида ва олий ўқув юртларида ўқитувчиларининг ўқувчи ва талabalарга пухта билим бермай, дарсларда фанга алоқаси бўлмаган шунчаки мавзуларда гап сотиб, вақт ўтказишларини эслаб ўтиш жоиздир.

Айниқса, халқ ва талabalар орасида олий ўқув юртлари айрим «домла»лари синов ва имтиҳонлардан пул олиб, баҳо қўядилар деган хунук гап-сўзлар юради. Халқимизда «Шамол бўлмаса, дараҳтнинг учи қимирламайди» деган мақол бор. Демак, ўша хунук гап-сўзлар замирида қандайдир ҳақиқат бўлса керак. Бундан кўриниб турибдики, дастлаб зиёлилар орасида маънавий ислоҳотлар ўтказиш керак, деб ўйлаймиз. Бильякс, маънавий бой ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаб, мустақилликка муносиб кишилар қилиб етишириш амри маҳол.

Умуман олганда, мустақилликни мустаҳкамлаш умумхалқ иши ва вазифасидир. Хусусан, Узбекистон истиқлолини авайлаб асраш Марказий Осиё минтақаси халқларининг бирдамлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Худди шу нарсани кўзда тутиб, И. А. Каримов ёзади: «Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг муносиб турмуш кечиришини таъминлаш, бекиёс табиат бойликларини, илм-фан, ишлаб чиқариш кучларини биргаликда ўз манфаатимизга зиён етказмаган ҳолда баҳтсаодат учун куч-файратимизни мувофиқлаштириш, саъйхаракатларимизни бирлаштириш ва бундай олижаноб ва улуғ ниятлар, мақсадлар шу минтақада яшаётган халкларга мақбул бўлиши шак-шубҳасиздир.

Дўстлик ва бирдамлик, Марказий Осиё халқлари манфаатларининг бирлиги, бу — табиий ва объектив жараёндир. Бу жараёнга қаршилик кўрсатиш сиёсий калтабинликдан бошқа нарса эмас» (13- бет).

Маълумки, Марказий Осиё халқлари мустақиллик

йўлига кириб олиши. Шу йўлни равонлаштириш, мақсад сари дадил, олға бориш уларнинг қўлида. Шу йўлдаги манфаатлари бир хил, мақсадлари бир хил. Бу жараёнда улар биргаликда ҳаракат қилишса, бир-бirlарига қўл беришса, ҳамиша ҳамкор бўлишса, буюк мақсадга эришиши осон бўлади.

Эзгу мақсад ва тўғри йўлда фақат бирлашиш лозимлиги тўғрисида Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида шундай ҳикматли ўғит бор: «Икки киши бир кишидан яхши, уч киши икки кишидан яхши, кўпчилик билан бирга бўлинглар. Тангри умматларимни фақат тўғри йўлда боришликка бирлаштиради». Демак, бирликда ҳикмат кўп. Халқимиз «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деб бежиз айтмаган. Мустақиллик хусусидаги эзгу мақсадларни амалга ошириш масаласи фақат бирлашиш натижасида ҳал бўлади.

Халқимизда «Мақсадли бўлган йўл топар» деган ҳикмат бор. Мақсад сари интилиш, бу йўлда заҳмат чекиши туфайлигина киши орзу-ниятларига эришади. Шунинг учун улуғ алломаларимииздан бири «Ижтиҳод—машаққатли ва заҳматли нарсани қўлга киргизмоқ учун бор қувватни сарф этишдир»¹ деб ўғит бергаи. Демак, мақсад қай соҳада бўлмасин ижтиҳод, яъни тиришиш, ҳаракат қилиш зарур. Билъакс, инсон мақсадига эришиши мумкин эмас.

Табийки, ҳамма ҳам мақсадга эришиш йўлларини билавермайди. Бу фикр, айниқса ёшларга ва болаларга тегишилидир. Шу сабабдан кўзланган мақсадга эришиш учун тиришиш, ҳаракат қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш одатини тарбиялаш лозим. Маълумки, кўникма доимий такрорлаш, сабр-тоқатли ва чидамли бўлиш маҳсулидир.

Дейлик, болалар боғчасида пластилиндан пиёла ясаш мақсад қилиб кўйилди. Бола, албатта, буни дарҳол эплай олмайди. Қўллари, бармоқлари тўғри ва кўнгилдагидек ҳаракат қилмайди. Бола бундай ҳолларда зерикб, ишни давом эттираслиги ва ўз ҳолига ташлаб қўйиши мумкин. Бироқ тарбиячи болани пиёла ясашга қодир экачига ишонтиши ва уни руҳлантириши лозим. Қолаверса, шун машғулот ҳар куни такрорланиши керак. Бу ҳолда болада, биринчидан, меҳнаткашлик

¹ Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида, Т., «Ўқитувчи», 1986, 60- бет.

одати, иккинчидан, сабр-чидамли бўлиш қобилияти, учинчидан, меҳнатни севиш ва интилиш кўникмалари ҳосил қилинади. Охир-оқибатда пластилиндан пиёла ясай олади. Унинг бу иши рағбатлантирилиши ва унга тегишли баҳо берилиши лозим. Боланинг шу фаолияти янада давом эттирилса, у пиёлани яхшироқ, бежиримроқ, чиройлироқ қилиб ясаси мумкин. Энди ҳосил қилинган кўникма малакага айланади. Тарбия шу йўсинда мактабда ҳам давом эттирилса, болада ва ёшларда мақсадга интилиш ва, ниҳоят, унга эришиш малакалари вужудга келади, шу малакалар тобора шакллана боради. Бунда оддий нарсалардан мураккаб нарсаларга қараб боришни унутмаслик зарур. Биз бу ўринда сода бир мисол келтирдик.

Умуман олганда, мақсадга эришиш малакалари уйда, болалар боғчаларида, умумтаълим мактабларида ва олий ўқув юртларида ҳосил қилинади, тарбияланади. Шу ишни амалга ошириш учун ота-она билан бола, тарбиячи билан бола, муаллим билан бола бирдай заҳмат чекиши керак. Саъй-ҳаракатлар бирлашиб, уйғунлашуви зарур.

Мустақиллик билан боғлиқ буюк мақсадларга эришиш кўникма ва малакаларини вужудга келтириш, тарбияташ ва такомиллаштириш анча мураккаб жараёндир. Шу муборак жараён учун зарур бўлган тарбия йўли ва усулларини йўсин ва концепциясини тайёрлаш ва шу асосда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Тезкорлик билан ишлаб чиқилган шу концепцияни дарҳол амалда татбиқ этиш лозим. Тарбия тизимини шу асосга қуриш керак. Бу тарбиянинг кечиктириб бўлмайдиган доғзарб масаласидир.

Мустақиллик тарбияси концепциясига нималар кириши кераклигини белгилаб олиш лозим. Чунончи:

1. Мустақилликнинг ўзи нима? Унинг маъно ва мазмуни.

2. Мустақилликнинг тарихий илдизлари, унинг илмий асослари. Мустақилликнинг назарий ва амалий йўналишлари.

3. Мустақиллик мафкурасини яратиш. Мустақиллик мафкурасининг тарихий асоси, ғоявий йўналиши.

4. Мустақиллик ғояси ва мафкурасини таргиб қилиш усуллари ва турлари.

5. Мустақил оила. Янги ташкил топган оиласининг ўзига хос қийинчилик, ташвиш ва қувончлари. Мустақил

давлат. Янги ташкил этилган мустақил давлатнинг миллий хусусиятлари. Озодлик, эркинлик тушунчалари. Мутелик ва боқимандалиқдан халос бўлишнинг тарбиявий асослари.

6. Мустақиллик тарбияси, унинг назарий ва амалий йўналиши. Мустақиллик тарбиясининг миллий ва тарихий асослари.

7. Ўзбекистон фани ва маданияти тараққиётида мустақилликнинг роли ва ўрни.

8. Мустақиллик тарбиясида халқ таълими тизими-нинг аҳамияти.

9. Синф-дарс тизимида мустақиллик тарбиясини сингдириш малакаларини ошириш.

10. Мустақиллик тарбиясини ривожлантиришда адабиёт ва санъатнинг роли, ундан унумли фойдаланиш усуллари, методлари.

11. Мустақиллик тарбияси асосларини, назарий ва амалий соҳаларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш.

12. Халқ онгига мустақиллик моҳияти ва мазмунини, ғояси ва мағкурасини сингдиришда радио ва ойнаи жаҳон кўрсатувлари ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятини изчил йўлга солиш ва улардан тўғри, унумли фойдаланишни ташкил этиш.

13. Мустақиллик тарбияси бўйича кенг оммага мўлжалланган тил услубида рисолалар яратиш ва изчил нашр қилиш.

14. Мустақиллик тарбияси ишларини доимий назорат остида тутиш.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар онгига мустақилликнинг ўзи нима экани, унинг маъно ва мазмунини, моҳиятини сингдириш лозим. Ўзбекистон давлати ва мустақилликнинг буюк келажаги ва унинг буюк мақсадлари худди мана шу нарса билан чамбарчас боғлиқдир.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ВА МАҲНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

1 - §. Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий хусусияти ва маънавий-ахлоқий тарбия

Инсоннинг инсонлиги, биринчи навбатда унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги, поклиги билан белгиланади. Маънавий-ахлоқий тарбия тушунчаси кенг қамровлидир. Маънавий-ахлоқий баркамол инсон отонаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас, бутун оила аъзолари, қўни-қўшнилари, маҳалла-кўйи, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги ҳақида қайғуряди; теварак-атрофини ўраб олган инсонлар унга керак бўлгани сингари, ўзи ҳам уларга керакли киши бўлишга интилади; одоб-ахлоқи, феъл-атворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблайди; ота-боболардан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни қадрлайди; миллий қадриятларни эъзозлайди ва уларга содиқ бўлиб қолади; ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғулари барқарор бўлади; ўзаро муомала-муносабатда ўрнак бўлишга мойил бўлади; бирорвнинг оғирини енгил қилишни одат қиласди; умумхалқ маъқуллаган ва ҳукумат томонидан қонуний қабул қилинган Конституцияни ҳурмат қиласди ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатади; Ватанин ҳимоя қилиш, бошқача айтганди, ҳарбий-ватанпарварлик туйғулари билан яшайди; днёнат ва адолат, меҳр-шафқат ва эзгуликни ҳимоя қиласди; ваъдага вафоли бўлишни ўзига касб қилиб олади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда жамиятни тубдан янги асосга қуриш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш халқнинг дунёқарashi, маънавияти билан бевосита боғлиқдир. Бу ҳақда И. А. Қаримов шундай ёзади: «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негиззга асосланади. Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

— ватанпарварлик»¹.

Умуминсоний қадриятларга содиқлик, биринчидан,adolat ва тенглика кўзга ташланади. Инсон қадр-қимматини баҳолашда ана шуadolat ва тенглик муҳим ролни бажаради. Инсонadolat ва тенглика оиласида, маҳаллада, истиқомат қилаётган жойида, жамоат орасида, ишхонада, таъминот жараёнида, савдо-сотиқ шоҳобчаларида, хуллас, ҳар сонияда муҳтождир. Айниқса, раҳбар ходимларнинг меҳнаткашларга, маъмурий ва ҳуқуқий органларнинг одамларга бўлган муносабати ва қарашларидаadolat ва тенглик янада равшан кўринади.

Қишлоқ жойларидаги шу соҳага оид айрим масалаларни таҳлил қилиб кўрайлил. Қишлоқ меҳнаткашларига экин экиш ва туар жой қуриш учун ер ажратишда баъзи кўнгилсизликларга сабаб бўлувчи ҳолатлар содир бўлиб туради. Жамоа хўжалиги раҳбарлари сал-пал мундроғроқ, яъни ҳимоясиз кишига озроқ ер беради-ю, бошқаларига эса кўпроқ ер ажратади. Ёки кимгадир уйида қўшимча уй-жойга муҳтож кишилар бўлса-да, уларга эътибор берилмайди-ю бошқасига туар жой зарур бўлмаса-да, унинг 10—15 ёшли фарзанди номига ҳам туар жой қуриш учун ер ажратилади.

Ёки деҳқон оғир ва машаққатли меҳнат эвазига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (помидор, бодринг, қовун-тарвуз, сабзи, пиёз ва шу кабилар) етиштиради. Улар шу маҳсулотларни бозорга олиб чиқиб сотиш имкониятига эга эмас. Транспорт етишмайди. Тайёрлаш идоралари ходимлари шу маҳсулотларни ўта арzon-гаровга олиб кетишади-да, бошқа жойга олиб бориб, бешён баробар қимматга пуллашади. Деҳқоннинг олганпули эса, ўша маҳсулотни етишириш учун сарф қилган меҳнатини тўла қопламайди. Натижада деҳқон қашшоқлигича қолаверади-ю, учар «ишбилармонлар» бойиб кетади. Буadolatsизлик ва тенгизлизикнинг худди ўзгинасидир. Бундай ҳолатлар қишлоқ меҳнаткашларининг кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга бўлган қизиқишини сусайтиради, меҳнатга бўлган муносабатига салбий таъсир кўрсатади. Оқибат, меҳнат тар-

¹ Қаримов И. А. Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Узбекистон», 1992, 65-бет. (Кейинги кўчирмаларда фақат саҳифаси қавс ичидаги кўрсатилади.)

биясига зил кетади, бозорларда тақчиллик вужудга келади.

Демак, қишлоқ мөхнаткашларига нисбатан турли соҳада адолат ва тенгликни қарор топтириш, уни доимий назорат остига олиш мустақилликни сақлаб қолишида, уни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Қолаверса, қишлоқ аҳолисида мустақилликнинг узил-кесил тантанасига ва унинг истиқболига ишончни таркиб топтириш бугунги куннинг асосий вазифасидир.

Шаҳар жойларида ҳам адолат ва тенглик борасида қишлоқ манзараларига ўхшаш кўринишларни сезиш мумкин. Завод ва фабрикаларда, корхона ва ташкилотларда, муассасаларда «қонун олдида ҳамма баробар» шиори остида иш юритилса, унга қатъий амал қилинса, давлат ва давлат ҳокимиётининг, қолаверса, мустақил давлат таъсис этган, чиқарган қонунларнинг ҳалқ олдида обрў-эътибори орта боради, мөхнатига бўлган қизиқиш ва иштиёқ ошади, мөхнат унумдорлиги ўсаверади. Шу зикр қилинган талаблар умуминсоний қадриятларга бўлган ҳурматнинг асосий белгисидир.

Янги ўқишни тамомлаган ёш мутахассисларни ишга қабул қилишда, вазифаларни тақсимлашда телефонлар, ҳар хил илтимослар орқали иш тутиш ҳоллари баъзан учраб туради. Бу сингари ҳодисалар эндиғина ҳаётга қадам қўяётган ёшлар руҳига, уларнинг адолат ва тенгликка нисбатан муносабатига салбий таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир.

Қонунларда ҳомиладор аёлларни ишга қабул қиласлик тубдан қораланади. Айрим раҳбарлар ҳомиладор аёлларни ишга олишмайди. Натижада ўша аёл ишлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, моддий жиҳатдан қийналди, руҳий азоб ейди, қийинчилик билан кун кечиради; кўнгли ўксиди. Сунъий ва ғайриқонуний равишда шундай ғарпбликка маҳкум этилган инсонлар айрим раҳбарларнинг давлат номидан қилган ножӯя хатти-ҳаракатларини тузум ва давлат ҳокимияти туфайли деб тушунадилар, янги мустақил мамлакатнинг, янги тузумнинг берган «меваси» деб талқин қиласидилар. Бундай тушунча ҳалқ ўртасида янги тузумга нисбатан салбий фикрларни вужудга келтиради. Натижада айрим раҳбарларнинг ножӯя хатти-ҳаракатлари мустақиллик хусусида нотўғри холосалар чиқаришга сабабчи бўлади. Қолаверса, энг ёмони шундаки, мустақил Ўзбекистоннинг янги Конституциясида белгилаб қў-

йилган ҳуқуқларнинг атайлаб бузилиши ёмон оқибатларга олиб келади, бу халқ онгини заҳарлайди, давлат қонунларига ва Президент фармонларига ишончсизлик кайфиятини вужудга келтиради. Бу адолат ва тенглик каби умуминсоний қадриятларга очиқдан-очиқ зарбадир. Бундай жойда тарбия издан чиқади, янги қурилаётган жамият маънавий жиҳатдан жуда катта зиён кўради.

Демак, И. А. Каримов сўзлари билан айтганда, «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-құдрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир» (65- бет). Бу жумла замирида мустақил Ўзбекистоннинг барча тармоқларидағи ҳамма катта-ю кичик раҳбарлар, амалдорлар амалда татбиқ этилаётган қонунларга тўла-тўқис амал қилишлари шарт, уларни ҳар қандай ҳолат ва вазиятда ҳам бузмасликлари керак, деган фикр ётибди.

Адолат ва тенгликнинг барқарорлиги, уни авайлаб асраш, ҳаёт ва турмушда барчага тенг татбиқ этиш кенг халқ оммасининг маънавий-ахлоқий қарашларига ижобий таъсир ўтказади. Зотан, бу инсонпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим шартидир. Чунки Ўзбекистонни миллий қадриятлар асосида янгилашнинг туб ва асосий мақсади ҳамда инсонпарварлик ақида ва анъаналарини қайта тиклаш, шунингдек уларни янги маъно ва мазмун билан бойитиш маънавий-ахлоқий тарбиянинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Инсонпарварлик нормаларининг бузилиши адолат ва тенгликка путур етказади. Бу мустақил давлатнинг кишиларни мустақиллик руҳида тарбиялаш ишларини издан чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18- модасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар».

Демак, деҳқонми ёки ишчими, раҳбарми ёки давлат арбобими, барча қонун олдида баробар бўлмоғи лозимдир. Ана шундагина қонуннинг обрўси, куч-құдрати юксала боради. Ўзбекистон мустақилликини ўша адолатли ва инсонпарварлик гоялари билан йўғрилган қонунлар орқали сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мумкин.

Инсонпарварлик — бу, ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир, дейди И. А. Каримов. Ин-

сонпарварлик пурмаъно ва сермазмун тушунчадир. У ўзбек халқининг ажралмас хислати сифатида кўзга ташланади. Қуръони карим инсонпарварлик ғоялари асосига қурилган, Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари шу ғояларга бой ҳикматлар мажмуасидир. Инсонпарварлик кишиларнинг бир-бирига ҳурматида, қадр-қимматида, меҳр-оқибатида, шунингдек, диёнатда, меҳр-шафқатда, ўзаро кўмаклашувда, ҳамдардликда, бошқалар қайғусига шерик бўлиб, қувончидан ва баҳтидан севинишда, халқ бахти ва ютуқларидан фахрланишда кўринади.

Меҳмондўстлик, инсонлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик ҳам инсонпарварлик белгисидир. Шафқатсизлик, оғир дардга чалингандарларга ачинмаслик, бирорларга нисбатан зўравонлик, бошқалар чеккан қайғу-азиятлардан қувониш инсонпарварликка тамоман ёт нарсалардир.

Ўзбек халқи бир умр меҳр-шафқатли бўлган, барчага ёрдам қўлини чўзган. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши даврида етим қолган болаларга ва бошқа халқ вакилларига бағридан жой бериши ва уларга ёрдам қўлини чўзиши шу фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбек халқи умуминсоният дардини куйлаб келган. Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Аз-Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Огаҳий асарлари ғояси умуминсоний ғояларга бой. Уларнинг мазмуни жаҳон халқларининг оғирини енгил қилиш ғояси билан суғорилган.

Китоб муаллифи таъкидлаганидек, ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўлганидек, яна янгидан ўзимизнинг бетакрор ва илфор, энг муҳими — инсонларга керакли қадриятларимиз барпо этилади (68-бет). Бу мустақиллик шарофати ва имконияти билан бевосита боғлиқдир. Билъакс, давлат ва халқ мустақил бўлмас экан, миллий анъаналар, қадриятлар ва маънавий-ахлоқий тарбия кўнікмаларининг вужудга келиши қийин.

Юқорида қисман фикр юритганимиздек, инсон ҳуқуқлари ва демократия каби жаҳоншумул қадриятлар инсонпарварлик ғояларининг амалга ошишида ва миллий-давлатчилик сиёсатида ўзбек халқига азалдан хос фазилатдир. Жумҳуриятимиз ҳокимияти инсон ҳуқуқлари ва демократияга оид масалаларни махсус қонун билан белгилаб қўйибди. Шундай бўлса-да, халқ онгида, асрлар давомида бизгача етиб келган маънавий-ахлоқий

тарбия тажрибаларида ўша инсонпарварлик ақидалари ўз ифодасини топган.

Президентимиз ва Ўзбекистон ҳукуматининг энг улуғвор ва инсонпарварлик ғояларидан бири — ички ва ташқи тинчлик сиёсатидир. Халқимиз тинч яшашга тўла ҳақлидир. Давлат ва жамият ана шу умумбашарий ҳуқуқни қонуний воситалар орқали кафолатлаб берган. Бу сиёсат ва ҳуқуқ жамиятни демократлаширишнинг, мустақилликни сақлаб қолиш ҳамда уни ривожлантиришнинг, халқ фаровонлигини ва миллий маънавий ахлоқий қадриятларни қайта тиклаш ва мустаҳкамлашнинг асосий омили ва шарти ҳисобланади.

Халқпарварлик ва инсонпарварликнинг муҳим ва тўғри йўналиши ана шу ғояларни амалда татбиқ этиш ҳамда барча куч ва имкониятларни ўша йўлга йўналтириш билан белгиланади. Инсон туғилган экан, у яшashi керак. Яшаш учун тинчлик зарур. Демак, давлат ва жамиятимизнинг тинчлик сиёсати ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам тарбиявий аҳамиятга эгадир.

И. А. Каримов «Бутун дунё ягона ва ўзаро боғлиқдир» деган фалсафий фикрни илгари суради. Шунингдек, бу фикр фалсафий-дидактик гояларни ўзида мужассамлаштирган. Олам, айниқса, табиат экологияси орқали бир-бири билан чатишиб кетган. Масалан, Орол денгизининг ҳалокатга юз тутаётгани туфайли бутун Марказий Осиё ҳамда қўшни мамлакатларнинг об-ҳавоси ўзгарган, бундан шу минтақадаги барча халқлар азият чекмоқда, саломатлигига салбий таъсир кўрсатган ва бу кенг миқёсда ёйилмоқда. Бу фалокат киши маънавиятига ҳам зиён етказади. Зотан, табиат ва маънавият экологияси ўзаро боғлиқ ҳолда мавжуддир. Экология бузилар экан, инсон саломатлиги ёмонлашади. Инсон носоғлом экан, унинг руҳи суст бўлади ва меҳнат қилиш иштиёқи пасаяди. Бу иллат жамият ривожи ва тараққиётiga салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг экология тарбиясига алоҳида эътибор берилди ва бу тарбия кучайтирилди. Бу фан инсонпарварликни ўзида мужассамлаштирган омиллардан бири — теварак-атрофни авайлаб-асраш, табиат экологиясидан сабоқ беради, қолаверса, у ёшларни инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган экология тарбиясига суннади.

Мустақил Ўзбекистон ўз халқининг саломатлиги ҳақида қайғурур экан, бунга миллий бойлик сифатида қа-

ралади. Бу бойлікка жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш орқали эришилади. Шу соңа, табиийки, оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спорт мактаблари ва ташкилотлари воситасида равнақ топтирилади. Демек, жисмоний тарбия мустақилликни мустаҳкамлашнинг мұхим белгиларидандир. Чунки, тарихан баҳодирлар ватанида баҳодирлар етиширилиши ва тарбияланиши анъянага айланган. Улар ватан ҳимоясида ҳам, ички ишларда ҳам мустақилликни ҳимоя қилишнинг асосий вазифаларини амалга оширадилар.

Умуман олганда, умуминсоний қадриятларга содиқ-лик мустақил давлатимизда мустақиллик тарбиясининг мұхим негизларидан бирини ташкил этади. Бу эса, албатта, маънавий-ахлоқий тарбия билан бевосита боғлиқдир.

Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътиборни кучайтириш мустақил давлат ва халқнинг асосий мақсадидир. Бу хусусда И. А. Қаримов «халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг мұхим вазифасидир» (70-бет), деб таътим беради.

Маънавий мерос, яъни маънавият деганда, биринчи галда, миллій озодлик ва мустақиллик түйғусини тушиунмок лозим. Марказий Осиё ҳудуди қадимда Хоразм, Турон, Туркистон сингари номлар билан аталгани тарихдан аён. У кўпчиллик даврда мустақил яшаган. Бу туркий халқлар тобеликда, қарамликда ва қулликда яшагани ҳам сир эмас. Лекин шу халқ ўз даврида озотлик ва мустақиллик учун мардонавор курашган. Қутлуғ ва муқаддас қон ҳисобига ўз истиқолини қўлга киритган. Демоқчимизки, адолатли курашлар оқибатсиз қолган эмас. Ўша қутлуғ курашлар жабҳаларида Тўмарис, Спитамин, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур сингари баҳодир халқ қаҳрамонлари етишиб чиққан ва улар тарихда бир умрга арзигулик ва ўчмас из қолдиришган. Уларнинг ҳәёти, турмуши ва босиб ўтган йўли, фаолияти ҳозирги мустақилликни эндигина қўлга киритган халқ учун маънавий руҳ бағишлайди ва уни ҳимоя қилишида тарбиявий аҳамият касб этади.

Бу хусусда юқоридаги китобда шундай дейилади: «Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар

ўгити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради... Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб этишга суюнгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди» (71- бет). Аждодлар хотирасини пок тутиш — уларнинг тарихий анъанааларига, васият ва ўгитларига, миллий қадриятларига, ахлоқий-маърифий қарашларига, авлодларга қолдирган маданий меросига содиқлик ва шуларга амал қилиш демакдир.

Мустақиллик, бу — бизга аждодларимиз қолдирган бой ва муқаддас маънавиятдир. Шу маънавиятни авайлаб асрash давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифа ва бурчdir. Шу вазифани бажаришда ва ҳал қилишда ёшлар ва бутун халқ онгига мустақиллик руҳини сингдириш жуда катта аҳамият касб этади. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, маънавият инсон учун жуда зарур неъматдир, ундан озуқа ололмаган киши камол топмайди, истиқболи хира тортади. Шунинг учун аждодларимиз фарзандларининг маънавий тарбияси ва маънавий камолоти тўғрисида доимий равишда қайғурганлар, ёшлар тарбиясида эса худди шу нарсага алоҳида аҳамият берганлар.

Маънавият деганда, туғилган ва униб-ўсган муқаддас ер, оила, ота-она, фарзандлар, қариндошлар, оғайнилар, қўёни-қўшнию маҳалла-кўй, халқ, шунингдек, мустақил давлатга ҳурмат ва садоқат, инсонларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш, бир-бировга ва давлатга ишонч, аждодлар хотираси, иймон ва виждон, диёнат, ватан ҳимояси ва меҳнатда жасорат, меҳр-оқибат, шафқат, озодлик ва эркинлик, ҳамкорлик ва биродарлик каби муборак анъанаю, қадриятларни англамоқ зарур. Инсонни инсон деб аташга бериладиган кафолат ана шуларда кўринади.

Инсоннинг инсонпарварлик фазилати ўзини ўз халқи фарзанди сифатида ҳис этиши, уни деб меҳнат қилиши, унинг фидойиси бўлиши билан баҳоланади ва бу фазилат унинг маънавияти даражасини кўрсатади. И. А. Каримов таъбири билан айтганда, «Маънавият — тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбida камол то-

пиши учун у қалбан ва вижданан, ақл ва құл билан меңнат қилиши керак» (72- бет). Маънавий бой киши шон-шұхрат, мансаб, моддий бойлик учун ҳаракат қилмайды, моддий қийинчиликларга дуч келганды қадиди букилмайды, баъзан уюштирилган туҳмату фитналар унинг руҳини тушира олмайды. Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби халқ қаҳрамонлари, Ал-Беруний, Аз-Замахшарий, Абу Али ибн Сино, Машраб, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир сингари алломалар шундай сиймолардан ҳисобланади. Демак, ҳар қандай шум тақдир ва қисмат покиза, мард инсон маънавиятини бузолмайды, балки мустаҳкамлайды, чиниқтиради. Демак, юксак даражадаги маънавият фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиши, ватанини қадрлаш, аждодларидан фахрланиш каби олижаноб фазилатлар билан бевосита боғлиқдир.

Маънавиятни қадрлаш, уни ҳимоя қилиш, авайлаб-асрап истиқболли келажакка умид бағишлийди. Халқнинг юксак маънавиятини тарғиб этишда фан ва маданият, адабиёт ва санъат муҳим омил бўлиб хизмат қиласиди. Шу ўринда олимлар, бадиий сўз усталари ва санъаткорларнинг меҳнатини алоҳида таъқидлаш лозим, уларнинг ижодий равнақига ёрдамлашиш ва маблагни аямаслик маънавиятнинг бугуни ва келажагига ғамхўрликнинг ўзгинасиdir.

Бўйнига ип боғлиқ ит овга, қафасдаги булбул сайрашга ярамагандек, эркисиз ижодкор ҳақиқий санъат асарини яратиши мушкул. Худди шу нарсани назарда тутиб, И. А. Каримов ўз китобида қўйидагиларни ёзади: «Ижодий ходимларнинг маънавий күчига эркинлик бериш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эгадир» (73- бет). Ижодкорга ундоқ ёз, бундоқ ёз деб кўрсатма бериш фаҳмсизлик аломатидир. У ўзига таъсир қилган, қалбини забт этган мавзуга қалам уради ва шу мавзудаги асар жонли ва ҳаяжонли чиқади, тарих синовларидан эсон-омон ўтади.

Бир пайтлар бадиий ижодиётда тарихий мавзуда ёзиш анча чекланган эди. Коммунистик фирмани улуғлаш ва тарғиб этиш, Шўро тузумини куйлаш биринчи босқичга кўтарилиганди. Тарихий мавзуда ёзилган асарлар териб олиниб, муаллифлари қоралангани, қувғин қилингани, қамалгани, қатл этилгани ҳеч кимга сир эмас. Бироқ ўша асарлар йўқ бўлиб кетмади, халқ ёдида, қалбида яшаб қолди. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»,

Чўлпоннинг миллий руҳдаги шеърлари, Усмон Носир ижоди қанчалик таъқибга олинмасин, ҳанузгача яшаб келди, мустақиллик тантанаси туфайли улар китоб ҳолида халқа тақдим этилди.

Еки санъатда мумтоз куйлар, мақомлар таъқиб остига олинган, улар ёзилган пластинкалар, магнит тасмалари ёқиб ташланган эди. Бироқ ўша куйларни мусиқаларни халқ ёдидан ўчириш имконияти бўлмади. Мустақиллик туфайли маҳсус мақом дасталари тузилиди, мумтоз куй ва мусиқалар қайта тикланди ва бу йўлда оғир ва шарафли ишлар олиб борилмоқда.

Комфирқа ва шўро ҳукумати раҳбарлик қилган етмиш йил давомида мумтоз куйлар муаллифларининг номлари тарих саҳифаларидан зўровонлик билан чизиб ташланган. даврда бошқачароқ манзаралар кўзга ташланди. Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони соний-Феруз хон бўлгани учун унинг ижоди халқдан ажратиб қўйилди. Нафосатга, латофатга бой ғазаллари чоп этилмади. Хоразм маданияти ва маънавиятини юксалтиришга қўшган беҳисоб ҳиссаларидан кўз юмилди. Лекин унинг Огаҳий ғазалига басталаган «Феруз» куйини йўқотишга, халқ ёдидан ўчиришга ҳеч кимнинг кучи етмади, у ҳозирги мустақиллик тантанасигача яшаб келди ва «Феруз» мустақиллик тўйларида, байрамларида баралла янграб келмоқда. Халқнинг руҳини кўтаришга ёрдам бермоқда.

Бизнингча, ўша куй оҳангларида, нолаларида тобелик ва қарамлик маъноси жаранглаб турибди. Шунингдек, унга келажакка ишонч ва умид оҳанглари сингдирилган. Бу ҳолат тарихий воқеа ва ҳодисалар билан ҳамоҳанг. 1873 йилнинг баҳорида генерал Кауфман бошлиқ чор Русияси Хоразмни жуда катта куч ва ҳийла билан босиб олган. Бундан Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони соний-Феруз жуда қаттиқ изтироб чекади, қулликка кўниколмай қийналади. Шу қайғу-аламлар, изтироблар «Феруз» куви оҳангидаги мужассам. Шунинг учун бу куй халқ томонидан қатағон йилларида ҳам ёдланиб, куйланиб келди.

Инсон маънавий руҳига таъсир этишда ва маънавиятни мустаҳкамлашда таълимнинг роли бениҳоя каттадир. Маълумқи, таълим асосан мактабда, ўрта маҳсус билим юртларида, олий ўқув юртларида амалга оширилади. Ўша муассасаларда муаллимлар, профессор-ӯқитувчилар хизмат қилишади. Демак, таълим муал-

лимлар, профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Таълимнинг қай даражада берилиши уларнинг илми, билимдонлиги, иқтидори, муаллимлик истеъоди, услугининг ранг-баранглигига бевосита алоқадордир.

Муаллимлар тинмай билим кўлами ва доирасини кенгайтириб боришлари учун доимий ва узвий равища фан янгиликлари билан танишиб туришлари лозим. Улар ўзи ўқитадиган фанни пухта эгаллашлари учун «мулла бўлсанг такрор қил» деганларидек, мавжуд илмини такрор ўрганишлари ва мустаҳкамлашлари керак. Муаллимлик малакаларини муттасил ошириб боришлари, ўқитиш усул ва йўллари устида узвий равища излашишлари мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун улар моддий жиҳатдан таъминланган бўлишлари зарур. (Маоши сақлаб қолинган ҳолда) иш кўлами қисқартирилиши ўша муаммони ҳал қилишга ёрдам беради. Шуни назарда тутиб, умумтаълим мактаблари муаллимлари меҳнатининг оғирлиги туфайли ҳар ставка учун пул маблағлари муттасил оширилган ҳолда дарслар миқдори анча қисқартирилди. Яъни, бошлангич синф ўқитувчилари ҳафталик соати 14, юқори синфлар учун 16 соат қилиб белгиланди. (Илгари бошлангич синфларда 20, юқори синфларда эса 18 соат эди.) Бу тадбир халқ таълими ходимларининг фаоллигини бироз оширди, ижодкорлигини, изланувчанлигини таъминлашга ёрдам берди. Муаллимлар маҳорати, иқтидори, билимдонлиги туфайли ёш авлод чуқур билим эгаллайди. Бошқача айтганда, уларнинг маънавияти, маънавий-ахлоқий қарашлари ёшларга ўтади. Бу халқ таълими ходимларига нисбатан ғамхўрлик қилишни, уларнинг шонли ва шарафли меҳнатларига тўғри ва одилона баҳо беришни ҳамда рафтагантиришни тақозо этади. Бу ўзбек халқининг, яъни аждодларимизнинг таълим-тарбия борасидаги анъанавий ишларига монанддир.

Умумтаълим мактабларида тарбия ишларига аҳамият бериш анъанавий маънавиятни ривожлантириш, шакллантириш ва такомиллаштиришнинг етакчи ва асосий омилидир. Аслида таълим ва тарбияни бир-бираидан ажратиб бўлмайди. Бу иш диалектик бирликда олиб борилади ва амалга оширилади. Бизнингча, тарбия фани манбани, воситаси ва методологияси сифатида муқаддас Қуръони карим ҳамда Мұҳаммад алайҳиссалом ҳадисларига, шунингдек, Аз-Замахшарий, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқир-

ғоний сингари алломаларнинг асарларига ва ўгитлари-га таяниш лозим. X—XIV ва XVI асрларда Ўзбекистон ҳудудида фан ва маданият гуллаб-яшнаган даврларда ҳудди шу йўл ва усулдан кенг фойдаланилган. Бу тарихда энг синалган муборак тажрибадир. Зикр қилинган муқаддас китобларда ҳамда асарларда маънавият ма-саласи биринчи даражага кўтарилилган. Яъни маънавият камолотини таълим-тарбиясиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус билим юртларига мутахассис ходимлар тайёрлаш олий ўқув юртлари зиммасига тушади. Бу борада Ўзбекистон Президенти девони ва ҳукумати институт ва' дорилфунунлар фаолиятини яхшилашга ғамхўрлик қилмоқда. Айниқса, ўқишига қабул қилишда адолат, ҳақиқат ва тенгликни тиклаш тӯғрисидаги ишлар мухим ва салмоқлидир. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг хорижий давлатлар тажрибасидан унумли фойдаланилмоқда. Ёшлиарнинг олий ўқув юртларига тест усули билан қабул қилиниши шу фикримизнинг ёрқин далилидир. Қабулдаги адолат ва тенглик яхши ва малакали, билимдон ва юксак маънавиятли мутахассис ходимлар тайёрлашнинг ишончли ва кафолатли гаровидир.

Мустақил давлат равнақи ва тараққиётида мутахассис ходимларга, ишбилармонларга, умуман инсонга ўз имкониятларини намоён қилиш учун шарт-шароит яратиб бериш мухим аҳамият касб этади. Ўтган етмиш йил давомида Ўзбекистон ва унинг ҳалқи бу ҳуқуқдан бутунлай маҳрум эди. Натижада оғир ва енгил саноатда маҳаллий мутахассислар кам етишиб чиқди, уларни тайёрлашга деярли эътибор берилмади. Маҳаллий ишчилар аксарият ҳолларда оддий, шунчаки ишларда фойдаланилди. Дастроҳларни бошқариш, тузатиш ва таъмирлаш, энг зарурий қисмларини тайёрлаш ва ўрнатиш, умуман замонавий техникани ишлатиш сингари кўнишка ва малакаларни эгаллаш имкониятидан маҳрум бўлишди. Қолаверса, Ўзбекистонда етиштириладиган хом ашёлардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида ҳеч қандай тажрибага эга бўлмай қолиши.

Бироқ маҳаллий ишчилар ўша мутахассисларни, касб-ҳунарни эгаллашга муштоқ, ўз имкониятларидан фойдаланишга ва қобилиятини амалда синааб кўришга чанқоқ эдилар. Президентимиз И. А. Каримов ҳудди шу муаммоларга боғлиқ ҳолда ҳалқнинг ўз имкониятлари-

дан фойдаланишга ҳамиша тайёр бўлганлиги хусусида ёзади: «Инсоннинг ўзи ва ўз оиласининг баҳт-саодати йўлида меҳнат қилишга шахсан тайёр эканлиги унинг ички имкониятларини ташкил этади» (74-бет). Ўзбек ҳалқи азалдан меҳнаткашдир, аждодларимиз «Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат», «Меҳнатинг — зийнатинг» каби ҳалқ ҳикматлари га тўла амал қилган ҳолда меҳнат қилиб яшаган. Чунки ижтимоий-иқтисодий муаммолар биринчи навбатда меҳнат орқали ечилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришди, деб қайта-қайта фахрланиб гапирамиз. Ҳар бир киши бундан фахрланиш ва ғуурланишга ҳақли. Лекин унинг гуллаб-яшнашига, равнақи-ю тараққиётига, мустақамланишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Ана шундагина инсоннинг мустақилликдан ғуурланиши тўла оқланади. Маънавий бой кишилар меҳнатнинг шу нарса билан бевосита алоқадор эканлигини тушунадилар ва улар шу инсонпарварлик тушунчаларини кенг ҳалқ оммаси онгига сингдиришлари керак. Бу ўринда қадимий Авесто ҳамда мунқаддас Қуръони каримдан фойдаланиш мумкин. Зардўштнинг чорвачилик ва дехқончилик билан машғул бўлгани, унинг доимий меҳнат билан шуғуллангани, шунингдек, меҳнат туфайли баҳт-саодатга эришиш мумкинлиги ҳақидаги фикрлари мисол қилиб келтирилади. Худди шунингдек, Қуръони каримда ҳам меҳнатга муносабат жуда яхши берилган. Шу ҳақдаги оятлар келтирилади. Бу таъсиричан руҳ бағишлайди.

Буюк алломаларимиздан Абу Исо Мұҳаммад ат-Термизий ҳадисларида ҳам меҳнатга юксак баҳо берилади. У инсон меҳнат қилиб, нимага эришса, у ўзиники бўлиши лозим деган фикрни илгари суради. Чунончи, у дейди: «Кимки ташландиқ ерни обод қилса, бу ер ўшаники бўлади. Бу ерда золим кишининг (ҳатто) тер тўкишга ҳам ҳаққи йўқ»¹.

Ёшлиарни меҳнат руҳида тарбиялаш, яъни уларда меҳнат қилиш одобини шакллантириш ва кўнилмалар ҳосил этишнинг жуда кўп шакллари мавжуд. Меҳнат мавзуси яхши тасвиrlанган бадиий асарларни жамоа бўлиб мутолаа қилиш, уларни синфда ёки синфдан ташқари машғулотларда муҳокама қилиш, ўша асар қаҳрамонлари билан жойлардаги меҳнат фахрийлари фао-

¹ Уватов Убайдулла. Донолардан сабоқлар. Тошкент Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1991, 28-бет.

лиятини қиёслаш мөхнатга муносабатни шакллантиришда мұхим ақамият касб этади.

Айниңса, жойлардаги мөхнат қаҳрамонлари билан учрашув кечалари уюштириш, улар билан мөхнат мавзусыда сұхбатлар ташкил қилиш ёшларга янада самаралироқ таъсир этади.

Умуман олғанда, умумтаълим мактабларида I синфдан XI синфгача ўқувчиларни ҳаёт ва турмушга тайёрлаш биринчи галдаги вазифадир. Ҳаёт ва турмушни мөхнатсиз тасаввур этиш асло мүмкін әмас. Мөхнат тарбиясини фақат мөхнат дарсларида әмас, балки бошқа фанлар дарсларида ҳал этиш, яъни келгуси онгли мөхнатга тайёрлаш лозим.

Мөхнат тарбиясининг ҳеч бир турини назардан қо chirmaslik керак: уй-рұзғор мөхнатлари (ишлари), қўни-қўшилларга ёрдам, ҳашар, ота-онага барча ишларида қарашиши, томорқадаги мөхнат, чорвачиликдаги мөхнат, умуман қишлоқ хўжалигидаги мөхнат, завод ва фабрикалардаги мөхнат — буларнинг барчаси жисмоний мөхнатга киради. Шунингдек, ақлий мөхнатнинг ҳам ўзига хос хусусиятларини, унинг кўпинча иқтидор ва истеъдод билан, тафаккур, мулоҳаза билан бевосита боғлиқ эканини назардан қочирмаслик зарур. Уқтирилган назарий фикрларни амалда синаб кўриб, мөхнатни малака ва кўникмага айлантиришга ёрдам бериш тарбиячи ва ўқитувчиларнинг асосий вазифасидир. Бунда онла, мактаб ва бевосита мөхнат билан боғлиқ корхона, муассаса ва ташкилотлар, жамоатчиликнинг биргаликдаги фаолияти мұхим ақамиятга әгадир.

Зикр қилинган барча масалаларни ҳал қилиш мустақил давлатимизни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида юксалиш ва тараққиётнинг ягона йўлидир. Демак, мөхнат тарбияси ҳеч кечиктириб бўлмайдиган кундалик ва доимий бажариладиган вазифадир. Янги мустақил Ўзбекистон давлатининг олиб бораётган сиёсати ва илгари сурилаётган ғоялар негизида шу вазифаларга диққат-эътибор қаратилган.

Ўзбек халқи умри бўйи мөхнатни улуғлаган ва бунга амалда риоя қилган. Бу халқ ҳозир ҳам мөхнатни севади, мөхнатсиз ҳаётни тасаввур қилолмайди. Унинг мөхнатдаги ижодкорлиги бекиёс даражада юксакдир. Лекин уларга ўз имкониятларини қўллаш, ишга солиш учун шарт-шароит зарурдир.

Ўзбекларнинг фидойи халқ экани ва меҳнатга ташналиги, уларга янгича имкониятлар яратиб бериш хусусида И. А. Каримов ўз асарида шундай дейди: «Ўтказилаётган ислоҳотлар Республика Фуқароларининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги ва фидойилигини намоён этишда уларга янги имкониятлар очиб беради. Тобора кўпроқ кишилар иқтисодий мустақиллик кўрсатмоқдалар, ўз кучлари, қобилиятлари ва билимларни фойдали суратда қўллаш йўлларини изламоқдалар. Ўз-ўзини ривожлантиришга, ўзини камол топтиришга бўлган интилиш инсоннинг фурурини, унинг ҳақиқий фазилатларини юксалтиради. Ҳар бир инсон ўзича тақороланмасдир. Жамият бу ўзига хосликни қўллаб-куватлаб, сақлаб қолади, уни маданиятнинг янада баландроқ даражасига кўтарувчи янги фазилатларини мисқоллаб йиғади ва эга бўлади» (75-бет). Кимки меҳнатсевар бўлса, у фидойи бўлса, у бор имкониятини ишга солишга интилади, бу борада бутун кучини, қобилияти ва билимларини мақсадга йўналтиришга ҳаракат қиласди. Ҳатто тўғри келган тўсиқларни енгиб ўтиш учун ўйл излайди ва топади. Бундай кишиларга мулоҳазалик, чуқур фикрлаш ва пухталик асқотади. Шундай фазилатлар, маънавий-ахлоқий ақидалар бутун ўзбек халқига хос хусусиятлардир. Худди шу нафса ўз-ўзини тарбиялашга, ҳар томонлама ўзини камол топтиришга имконият яратади ва бунга замин ҳозирлайди.

Бирор ишни қилишдан олдин мулоҳаза юритиш, ҳар бир ишга пухталик билан ёндашиш, хуллас, буларнинг барчаси «Етти ўлчаб бир кес» халқ ҳикмати маъносига жамланган бўлиб, улар Ислом фалсафасида, Қуръони карим ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Қолаверса, ўзбек халқига ва унинг заминига, маданиятига ва барча бойликларига ташқаридан ёпирилган тажовузкорона кучлар, талон-торожлар ўзбек халқини доимо эҳтиёт бўлишга даъват этган ва мажбур қилган. И. А. Каримов таъбири билан айтганда, «Уларнинг барчаси киннларга, янгиликка юз бураётганда аввал қўлга киритилганларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш имконини беради» (74-бет).

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда мустақиллик тантана қилгандан сўнг ташаббускорларларга, ишбилармонларга, ватан фидойиларига ҳар жабҳада, ҳар соҳа-

да ўз имкониятларини ишга солишга кенг йўл очилди. Лекин бу иш фақат халқ фаровонлиги, баҳт-саодати, шахсий ва давлат манфаатлари асосига қурилиши лозим. Буларнинг барчаси белгилаб қўйилган қонунлар доирасида олиб борилиши керак. Ўнинг мезони поклик ва ҳалолликдир. Зотан, мустақил давлатимизнинг асосий принципи поклик ва ҳалоллик билан ажралиб турди. Ҳудди шунга монанд бизнинг миллий тарбия принципларимиз ҳам аждодларимиз анъаналари ва ўғитлари сингари поклик ва ҳалоллик билан уйғунлашган.

Ўзбек халқида «Ватан остоидан бошланади» деган нақл бор. Инсон ишга кетса, ишдан кейин ўз уйига, бола-чақаси олдига шошади. Ўйда, бола-чақаси ёнида, ҳуллас, оиласида ҳордиқ чиқаради, роҳатланади. Бундай инсонларни оиласпарвар дейилади.

Инсон чет элга бирор юмуш ёки зарурат тақозоси билан сафарга кетса, у тезда ватанини, халқини қўмсаб қолади. Муқаддас заминига талпинади, тезроқ қайтиб келишга шошилади. Қайтиб келгач, кўкрагига илиқ шамол теккандек ҳузур қиласи, енгил нафас олади. «Ўзга юртларнинг шоҳи бўйгандан ўз элингнинг гадоси бўй» деган ҳикматнинг маъносига етади. Бундай инсонларни ватанпарвар дейилади.

Асл ватанпарвар унвонини олиш учун инсонга жуда катта масъулиятли маънавий-ахлоқий вазифалар юкланади. Оддий меҳнаткаш деҳқонни ёки завод, фабрикаларда, қувилишларда меҳнат қилаётган оддий ишчиларни ҳақиқий ватанпарвар дейиш мумкин. Чунки улар доимий ва узенй равишда ҳар қандай ҳолат ва вазиятда ҳам меҳнат қиласерадилар. Ў, дастлаб, ўз бола-чақасини, уй-рўзғорининг бутлигини ўйлайди ва айни чоғда ватанга, халқига моддий бойлик келтиради. Бирорларга аччиқ қилиб ёхуд бизга ношуд раҳбар келди деб, меҳнат қилишни тарқ этмайди, бошқа жойларга кўчиб кетиб, ўзига тинчроқ, мойлироқ ўрин топиш ҳақида ўйлайди. Нима ва қандай ҳодиса бўлишидан қатъи назар, туғилиб-ўсган қишлоғини, шаҳарини, бошқача айтганда, киндик қони томган замин — Ватанини тарқ этмайди. Бундай инсонларни асл ватанпарвар дейилади.

Туғилиб-ўсган ватанини тарқ этиб, олтин-жавоҳирларни олиб бошқа мамлакатларга кетганлар ҳам оз эмас. Албатта, улар сиёсий ўзгаришлар, тузумнинг ўзгариши натижасида кўчишга мажбур бўлганлар. Қомфирқа ва шўро тузуми таъқиб ва тазиيқи натижасида уларни

ватандан жудо бўлган дедик, уларни сургун қилинган, қатағон бўлган дедик. Ўша сўзлар билан барчасини оқладик ва уларни оппоқ қилиб, ҳақиқий ватанпарвар қилиб кўрсатишга интилдик. Улар ҳақида гўзал сиёсий-дидактик мақолалар эълон қилиб, намуна сифатида кўрсатдик. Бироқ, мана, уч йилдан ошдики, Ўзбекистон мустақилликка эришди. Улар Ўзбекистондан олиб кетган молу дунёси, олтин жавоҳирлар билан қайтиб келишиди-ми? Йўқ, албатта. Бу тоифадаги инсонлар, албатта, бошқача. Уларни ҳақиқий, асл ватанпарвар деб бўлармикан?

Ўзбекистондан кўчиб кетган ўша инсонларнинг аксарияти бой-бадавлат кишилар бўлган. Улар қўлига ўша олтин-жавоҳирлар осмондан тушган эмас. Уларда қанча-қанча ёлланган деҳқонлар, ишчилар, хизматкорларнинг пешона терлари мужассам. Шунинг учун ўша гавҳар-марваридлар Ўзбекистон ҳудудида бўлиб, ўзбек халқига у ёки бу шакл ва мазмунда хизмат қилиши зарур эди.

Афсуски, ўша бойликлар бошқа юртларда хизмат қилмоқда.

Ҳақиқий ватанпарварлар қатағон йилларида ҳам ватанини ташлаб кетмади. Ватан ҳақидаги гоялари учун курашишди, фидойилик, мардлик, қаҳрамонлик кўрсатишди. Халқ билан ёнма-ён туришди, халқ олдида, ўз тупроғида жон беришди. Шунинг учун ҳам Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва шу каби буюк зотлар халқ ёдида абадул-абад қолишли. Ойбек, Шайхзода, Миртемир каби улуғ зотлар қандай азоб чекишиларига қарамай ватанидан бир қадам ҳам жилмадилар, барибир ватан ва халқни ўйлашди ва уни куйлашди. Бироқ хорижий мамлакатларга ўзини ва бола-чақасини, жонини ўйлаб, кўчиб кетганларнинг номини (оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмаганларни) ҳеч ким билмайди. Ватанпарварлик туйғусини ёшлар онгиға сингдириш жараёнида шу масалалар ҳақида жиддий ўйлаб, мулодаза юритиб кўриш лозим, деб ўйлаймиз.

Ватанини севиш деганда халқнинг маданият тарихини билишига интилиш, уни тарғиб қилишни ҳам англаш лозим. Аждодларимизнинг яшаш тарзи, эътиқоди, маданий ва тарихий ёдгорликлар, улар ким томонидан куррилгани ва қайси меъмор санъатига мансублиги, адабиёт ва санъат тарихи, фан ва фан арбоблари ҳақидаги маълумотлар, уларнинг яратган илмий асарлари, халқ

ижоди намуналари, таълим-тарбия анъаналари ва шу кабиларни халқ онгига сингдириш каби тадбирлар миллий фууруни янада шакллантиришга, ривожлантиришга илҳомлантиради, халқ ижодкорлигини таркиб топтиришга руҳлантиради. Республикаизда мустақилликни мустаҳкамлашда миллий маданиятдан ифтихор қилиш туйғуларини изчиллик билан тарбиялаб бориш муҳим аҳамият касб этади.

И. А. Каримов ватанпарварлик ва унинг туб мҳияти ҳамда аҳамияти тўғрисида ёзади: «Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги — бу қайта ўзгарышлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жисплаштирувчи асоси ҳисобланади» (76- бет). Қимки миллатининг маданияти тарихидан, аждодлари қолдирган барча мерослардан, ҳамма соҳадаги аиғапаларидан фахрлана билса, ўтмишда ватани ва халқи бошига тушган даҳшатли ва аянчли фожиавий тақдирдан ачинса, у ватан ва халқи келажаги учун, нурли истиқбол йўлида фидойи бўлиш орзувида яшайди, меҳнат қиласи, ўз касбининг устаси бўлишга интилади, ташабускорликни қўлга киритиш армонлари билан нафас олади.

Оила баҳт-саодати ҳақида қайғуриш, фарзандларни касб-ҳунарли қилиб тарбиялаш, ватангага, халқга садоқатли кишилар қилиб етиштириш ҳам ватанпарварликнинг намунасиdir. Қиши «ватанпарварман» деган қуруқ сўзи билан ватанпарвар бўлмайди. У шу сўзни айтмасдан амалий, фойдали ишлар билан машғул бўлсагина, ватан ва халқ фидойиси бўлиб ҳисобланади.

Ўтган уруш даврида ўзбек халқи мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Айниқса, урушга ўз аризаси билан кетиш, бу жасоратдир. Ўзбекистон Республикаси фахрийлар кенгашининг раиси Бектош Раҳимов суҳбат жараёнида ўз ёшлиги ҳақида шунлай эслайди: «1941 йили уруш бошланиб кетди. Гитлер бошлиқ немис босқинчиларидан ўзбек халқи дарғазаб бўлди. Бутун Ўзбекистон қўзғалди. Мен ўша йилларда мактабда ўқирдим. Синфимизда энг ёши эдим. Синдош-

ларим фронтга кетиши. Фронтга бориш учун район ҳарбий комиссариатига ариза бердим. Лекин ёшим етмагани учун олишмади. Қаттиқ хафа бўлганман ва изтироб чекканман ўшанда. Қишлоқ кенгаси раисига учрашдим. Минг бир қийинчиликлар ва гувоҳлар билан ёшимни ўзгартирдим, каттайтириб олдим. Шундан кейингина ватан ҳимоясига, ҳаракатдаги фронтга кетдим». Бектош Раҳимовнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик ва халқпарварлик туйғуси уни ҳатто болалик йилларида ҳам ўлимни назар-писанд қилмай, унга қарши тик боришига ундаган.

Фронт ортида, яъни қишлоқ хўжалигида, завод ва фабрикаларда меҳнат қилган ёшлар, кексалар, хотин-қизларнинг жасорати ҳақиқий ватанпарварлиkdir. Улар Ватан ва халқ фаровонлиги учун, фронтга ашёларни етказиб бериш йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилишди.

Қолаверса, ўзи моддий жиҳатдан қийналиб яшаётган бўлса-да, ўзбек халқи фронт майдонлари ҳудудларида ота-онасидан ажраб, етим, қаровсиз қолган болаларни ўз бағрига олди, ўзи емай-ичмай, уларга еидри, ичирди. Бу ўзбек халқининг болапарварлиги, инсонпарварлигидир. Халқпарварлик ва инсонпарварлик ватанпарварликнинг ажралмас қисмидир. Бу билан ўзбек халқи ота-боболарининг инсонпарварлик ва ватанпарварлик анъаналарига содиқ қолди, обрў-эътиборини янада юксакка кўтарди.

Такрор таъкидлаймизки, аждодлар ор-номусини ҳимоя қилиш, уларнинг ватанпарварлик ғояларига, миллий қадриятларга содиқ бўлиш мустақилликнинг асосий принципи бўлмоғи лозим. И. А. Каримов бу хусусда шундай ёзади: «Муҳаммад Тарагай Баҳодир ўғли Амир Темур ёшлик чоғидан мард, довюрак, ғуурли, ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсади. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Куръони каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол-пок инсон бўлиб етишди»¹. Етмиш йил давомида ўзбек халқининг Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхоний соний-Феруз сингари улуғ фарзандлари хотираси оёқ ости қилинган эди. Мустақиллик шарофати туфайли шу афсонавий

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т «Ўзбекистон» нашриёти, 91-бет.

қаҳрамонлар, ўзбек халқининг асл фарзандлари хотира-лари абадийлаштирилди ва бу йўлда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Ўларнинг босиб ўтган нурли йўлига, мустақиллик ишида қилган тарихий хизматларига бағишиланган илмий-назарий анжуманларнинг ташкил қилиниши ва ўтказилиши ниҳоятда тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бу хилдаги чора-тадбирлар, айниқса ёшлар қалбида фахр-ифтихор туйғуларини таркиб топтиришда, тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этмоқдаки, бу хайрли педагогик-дидактик ишни муттасил давом эттириш мақсаддага мувофиқдир. Демак, узвий ва доимий тарбиявий ишларни тўғри йўлга солмай туриб, миллий эътиқод ва қадриятлар тантанасини тасаввур қилиш қишин.

Бирдамлик, ҳамкорлик умумий ишнинг калитидир. Бу мусулмон халқларининг, чунончи, ўзбек халқининг доимий тарихий шиоридир. Муқаддас Қуръони карим ҳам, ҳадис илми ҳам ва бошқа қомусий ўзбек олимлари асарлари ҳам шу муборак фикр ва гояга амал қилишга давъат этади. Мўғул истилочилари Хоразм замининг бостириб келганда Жалолиддин Мангуберди отаси Султон Муҳаммадшоҳни барча кучларни бирлаштиришга ундагани ва фақат шу йўл билан мўғулларни заминдан даф этиш мумкинлигини уқтиргани, лекин отаси онаси Туркон хотун гапига кириб, ўғлининг сўзига кирмагани, оқибатда бутун юртни ёв эгаллагани тарихдан маълум. Кейинчалик Амир Темур бутун кучларни бирлаштириши, яъни бирдамлик туфайли юртни озод қилишга мұваффақ бўлган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон мустақиллигини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун ота-боболаримизнинг шу муборак йўлидан бормоқ ва бирдамлик анъаналарини давом эттирмоқ лозим.

Юқорида зикр қилинган барча фикр ва мулоҳазалар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар, юксак мақсадлар, эзгу ният ва истаклар мустақиллик тарбиясининг негизини ташкил этади. Ҳозир ватан мустақиллигини сақлаб қолиш, уни камол топтириш ҳақида гап кетар экан, биринчи навбатда мустақиллик тарбиясини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида қайғуриш зарур. Ростини айтиш керакки, кўпчилик, ҳатто айрим зиёлилар ҳам мустақиллик, унинг маъно-моҳияти ва мазмуни ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслар. Мустақилликнинг дастлабки давридаги айрим қийинчиликлар билан боғлиқ муаммо ва масалалар ҳақида савол бе-

рилса, аниқ ва равшан жавоб беролмайдилар. Шунинг учун мустақиллик тарбияси моҳиятини, йўл-йўриқ ва усулларини ишлаб чиқиш лозим.

Тарихдан маълумки, комфирқа ўз ғоясини халқ онгиға сийгдириш учун маблағни аямади, барча имконият ва кучларни ишга солди. Оммавий ахборот воситалари доимий равишда шу ишга йўналтирилди, тарғибот гуруҳлари доимо ҳәракатда бўлди, барча ишхоналарда сиёсий ўқицилар фаолият кўрсатиб турди. Демоқчимизки, мустақиллик тарбиясини тўғри ташкил қилиш ва амалга оширишда ўша усуллардан ижодий ва танқидий фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйтаймиз.

Бизнингча, биринчи навбатда, «Мустақиллик тарбияси» деган фанни ташкил қилиш лозим. Бу фан мустақиллик моҳияти ва маъно-мазмунини ўрганади ва шу соҳа бўйича таълим-тарбия беради. Шу фан фаолиятини тўғри йўлга қўйиш учун қўйидаги вазифаларни амалга ошириш керак:

- «Мустақиллик тарбияси» фани режаси ва дастурини ишлаб чиқиш;
- шу фан бўйича методик қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этиш;
- оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада яхшилаш ва имкониятларни кенгайтириш;
- далаларда, дала шийлонларида, завод ва фабрикаларда, корхона, ташкилот ва муассасаларда мустақиллик тарбиясига бағишлиланган доимий маърузалар уюштириш;
- кўчма тарғибот гуруҳлари тузиш ва уларни жойларга муттасил юбориб, сухбатлар, мунозаралар ташкил этиш;
- ёзувчилар уюшмаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари фаолиятини шу ишга йўналтириш;
- корхона, муассаса ва ташкилотларда доимий ва узвий равишида ишлайдиган мустақиллик бўйича ҳар ҳафтада бир марта ўтказиладиган дарслар ташкил қилиш;
- маҳсус концерт ташкил қилиб, жойларга юбориш (концерт дастурлари мустақиллик мавзусига бағишиланиши керак);
- мактаб, маҳсус билим юртлари ва олий ўқув юртларида мустақиллик тарбияси бўйича дарсдан ташкари ишларни ташкил қилиш; маҳсус кечалар ўтказиб бориш зарур ва шу кабилар

Кўрсатиб ўтилган шу тадбирларни амалга ошириш учун туман, вилоят ҳокимиятларининг мафкура бўйича ҳоким муовинлари масъул бўлмоғи лозим. Шундагина халқ онгига, хусусан ёшларга мустақиллик ғурурини, фаҳр-иiftихор туйғуларини сингдириш мумкин. Бу ишлар мустақиллик тарбияси борасида кечиктириб бўлмайдиган долзарб масала ва вазифадир.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ва маънавий тарбия муаммоларини ҳал қилиш, тўғри йўлга қўйиш шу куннинг муҳим вазифасидир. Ҳар бир ватанпарвар инсон, у ким бўлишидан қатъи назар, бу ишда фидойилик кўрсатиши керак.

Чунки Ўзбекистон мустақиллигини сақлаб қолиш, уни ризожлантириш шу масалаларни ҳал этиш билан бевосита боғлиқдир.

2- §. Ҳалоллик ва фидойилик одобини мустақиллик руҳида шакллантириш

Муқаддас ўзбек диёримизнинг мустақилликка эришгани ҳақида фаҳр-иiftихор билан гапирияпмиз. Бутун ўзбек халқи бунга тўла ҳақли. Бизингча, одамлар ҳозир қоп-қоронғу зимиstonдан бирданига ёп-ёруғ оламга чиққани каби кўзлари қамашгандай ҳолда қолди. Бундай ҳолат ва вазият истаган иродали ёки чиниққан кишини ҳам бир зум юролмай, тўхтаб қолишга мажбур этади. Чунки қоронғуликдан ёруққа бирдан чиққан кишининг кўзлари кўрмай, ҳанг манг бўлиб қолади.

Бироқ Ўзбекистон қоронғулик каби оғир кунларни ҳам, равшан даврларни ҳам бошдан кечирган, барисига чиниққан. Шундай бўлса-да, қарийб 130 йил давомида ўзини ўзи бошқариш, йўқолаёзган урғ-одатларини, қадриятларини қайта тиклаш каби оғир вазифалар кўндаланг турибди. Бу ўринда иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий ишларнинг яхлит бир бутунликда олиб борилиши зарурлигини уқтириш керак. Ҳозир уларни бир-биридан ажратиш асло мумкин эмас. Чунки ўшэ омиллар бир-бирини тўлдиради, бир-бирини ривожлантиради, бошқача айтганда, улар ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда такомиллашади.

Энг асосийси, ўша мўътабар мақсадга ва ўша улуғвор вазифаларга эришишни инсон ҳал қиласи. Шу инсон ватанини ҳар томонлама баланд чўққиларга олиб чиқиша ҳалол, фидойи, юксак маънавиятли, маъри-

фатли бўлмоғи лозим. Нопок, қўрқоқ, текинхўр қароқ-чилардан ҳеч қаҷон ватанпарвар чиқмаган.

Демак, Ўзбекистон мустақилликка эришган шу кунларда (кейин ҳам) одамларда, айниқса, ёш авлодда ҳалоллик ва фидойилик одобини мустақиллик руҳида шакллантириш вазифаси турибди. Бу муборак ва мўътабар ишда барча, ҳатто дин аҳли ва арбоблари ҳам фаол иштирок этмоқлари лозим. Бинобарин, ҳатто динга эътиқод қилиш, виждан эркинлиги конституциявий йўл билан кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31- моддасида шундай деб ёзиб қўйилган: «Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диңни қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»¹. Фуқароларга ҳуқуқ берилган экан, улар ўзларининг бурчларини ҳам ёдан чиқармасликлари лозим. Бошқача айтганда, одамлар ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиш баробарида ўзларига юклатилган бурч ва вазифаларни ҳам бажаришлари шарт. Бу бурч ва вазифалар бугунги кунда мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиш билан белгиланади. Ватан кутиб турган ва кечиктириб бўлмайдиган ўша улуғвор ва муборак ишларни амалга оширишда барчадан (ким бўлишидан қатъи назар) ҳалоллик ва фидойилик талаб қилинади.

Зотан, инсоннинг инсонлиги унинг пок ва ҳалоллиги, фидойилиги билан ўлчанади. Шунинг учун ота-боболаримиз ҳамиша ҳалол бўлишга, фидойилик кўрсатишга даъват этиб келишган, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш тўғрисида насиҳат қилишган. Бу мусулмон одами, хусусан, ўзбек халқи ахлоқ-одоб қонуниятининг асосини ташкил қиласди. Одобсиз кишидан эзгулик чиқмайди.

Шунинг учун Туркистон ҳудудида, айниқса, Ўзбекистонда узоқ ўтмишдан бошлаб бошланғич таълим учун мўлжалланган қироат китобларида фақат илми одоб, ҳусни одоб мавзуси асосий ўринни эгаллаган. Барча болалар алифбони пухта эгаллаш биланоқ ахлоқ-одобга ўргатувчи тарбиявий асарларни мутолаа қилинлар. Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари эса бола етти ёшига етгандан сўнг ўргатилган, улар-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 15- бет.

нинг мазмуни тушунтирилган. Демак бундан келиб чиқадики, таълим-тарбия масалаларига эътибор ислом дини пайдо бўлгандан кейин янада юксак даражага кўтарилилган.

Бу фикрдан, исломдан олдин Туркистон ҳудудида, яъни Узбекистонда тарбияга эътибор берилмаган, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Бизнинг таълим-тарбия анъаналаримиз тарихи Авесто даврига бориб тақалади. У даврда ҳам тарбиянинг ўзига хос гўзал хусусиятлари, тажрибалари мавжуд бўлган, албатта. Лекин уларнинг барчасида ҳалоллик одоби биринчи даражага кўтарилилган.

Ҳалол инсонлар учун рухсат қилинган ишлар, хатти-ҳаракатлар мажмуаси, қолаверса, меҳнат эвазига топилган, шунингдек пок ва тоза озиқ-овқатлардир. Ҳалоллик янада кенгроқ маъно касб этади. Ҳаёт ва турмушдаги ҳалоллик, ўзаро муомала-муносабатдаги ҳалоллик, оиласидаги ҳалоллик, меҳнатдаги ҳалоллик, жамоа орасидаги ҳалоллик, савдо-сотиқдаги ҳалоллик, дўстлар ўртасидаги ҳалоллик ва шу кабилар.

Аждодларимиз ҳаром билан ҳалолни фарқлаш ва ҳаромдан ҳазар қилиш, ҳалолга доимо ошно бўлиш хусусида таълим берганлар. Масалан, Сўфи Оллоёр ёзади: «Агар ул аттизам истаса ҳарома, яна ул нусхада битилди хома. Қиёмат кун дардигир этарлар, Ани шайтон била занжир этарлар»¹. Тасаввуф илми устаси ва шоир Сўфи Оллоёр бу сатрлар орқали аҳли инсонни ҳаром-ҳариси кун кечиришга эмас, балки ҳалол яшашга, пок бўлишга даъват этади.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг қуйидаги ҳадиси барча амал қилиши лозим бўлган ҳикматdir: «Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам аниқ бўлди. Уларнинг ўртасида шубҳали нарсалар бор. Кўп одамлар буни билмайдилар. Қимки шубҳали нарсалардан сақланса, динини ҳам, обрўсини ҳам пок сақлаган бўлади. Қимки шубҳали нарсаларга тушиб қолса, ҳаромга ўтиб кетиши ҳам мумкин. Агар чўпон қўйларини заҳарли ўт атрофида ўтлатиб юрган бўлса, подаси заҳарли ўтдан еб қўйиши мумкин. Билгинки, ҳар бир подшоҳнинг қўриқхона каби тақиқлаб қўйган нарсалари бўлганидек, Тангрининг ҳам тақиқ-

¹ Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. Тошкент, «Чўлпон», 1991, 90-бет.

² Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1990, 84-бет.

лаб қўйған ҳаром нарсалари бор. Билгинки, инсон жасида бир гўшт парчаси бор, агар у соғлом бўлса, бутун жасад ҳам соғломдир, агар у бузилса, бутун жасад ҳам бузилади. Билгинки, у юракдир»¹. Бу ҳадисда ўзини мусулмон деб билган ҳар бир ўзбекнинг ва бошқа Узбекистон фуқароларининг диёrimiz мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун зарур бўлган ахлоқ ва одоб нормалари аниқ ва равshan кўрсатилган.

Авваламбор, ҳаром билан ҳалолни билиш, иккинчидан, шубҳали нарсалардан сақланиш, миллат обрўсини пок сақлаш, давлат ва ҳукумат ман қилиб қўйған нарсаларга яқинлашмаслик, қонун-қоидалар доирасидан чиқмаслик, Президентга содиқ бўлиш ҳар бир кишининг бурчидир. Шу бурчга содиқ қолиш учун юракни кенг ва покиза тутиш керак.

Дарвоқе, юраги тўғри ва ҳақ йўлдан юрган инсон ҳамиша хотиржам бўлади, кўнгли равshan, доимо сиҳат-саломат юради. Ҳоразмлик қомусий олим, буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарий бу ҳақда шундай насиҳат қилади: «Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бирорвга хиёнату ёмонлик қиласиган киши эса ҳалокатга гирифтдордир»¹.

Ҳаёт, асосан, оиласдан бошланади. Ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялаш ҳам оила тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир. Узбек ҳалқида «Қуш уясида кўрганини қиласи» деган ҳикмат бор. Бола ҳам оиласда нимани кўрса, шуни қиласи, нимани эшитса, шуни гапиради. Бошқача айтганда, ота-она ва ака-укалар ҳалол ва покиза бўлмоқлари лозим. Ота-онаси ҳалол кун кўраётган оиласлардаги аксарият фарзандлар ҳалоллик ва тўғрилик йўлидан четга чиқмайдилар.

Битта мисол: умри бўйи ҳалоллик ва тўғрилик билан яшаб келётган оиласнинг Н. исмли тўнғич ўғли катта бўлиб қолди. Олий маълумотли бўлди. У турмуш тақозоси билан бошқа тенгқурлари таъсири натижасида тижоратга қизиқди ва отасидан озгина пул олиб, шу йўл билан рўзгорини яхшилашга бел боғлади. Русия, Белорус, Кавказ, Украина каби мамлакатларга бориб, Ҳоразм ҳалқи учун керакли молларни олиб келиб, сота бошлади. Лекин харидоргир моллар топиш, чегаралардаги қийинчиликлар ва шу кабилар туфайли хайр-

¹ Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Тошкент, «Қамалак», 1992, 52- бет.

ли ишини давом эттиролмади. Шунда ўртоқлари унга Тошкент, Самарқанддан мол олиб келиб, Хоразмда со-тишга ундаши. Н. бу ҳақда ўйлаб кўрди. Илгари бош-қа мамлакатлардан мол олиб келиб, ўз халқини таъ-минлашга ҳисса қўшарди ва бироз фойда оларди. Ўр-тоқлари маслаҳатига амал қилса-чи. Бир вилоят хал-қининг пешонасини қиртишлаб, ўз вилояти одамларига келтириб беради. Шахсий бойлик орттириши мумкин, лекин умумхалқ учун турган-битгани зиён эканини анг-лади ва бу фаолиятнинг фирт чайқовчилик, олиб-сотар-лик каби ҳаром йўл эканини дарҳол англади. Шундан кейин Н. исмли йигит ўша «тижорат» аталмиш қинғир йўлдан чекинди, ўзини тиди.

Агар Н. исмли йигит ўша ғайриахлоқий, ғайриқо-нуний фаолиятини давом эттирса эди, у мустақиллик иш-ларининг бозор иқтисодиёти билан боғлиқ мафкураси-га зиён етказган бўларди. Демак, ҳар бир ота-она, жамоатчилик ёшларни тўғри йўлга солишлари, мустақил-лик мафкурасининг ўзига хос хусусиятлари билан та-ништириб боришлари лозим. Қолаверса, болаларни шахсий, ижтимоий, халқ ва давлат учун фойдали меҳ-натга йўллаш ҳар бир оиланинг муқаддас бурчидир.

Оиласда қиз болалар, айниқса, оналар изидан бо-ришади ва уларга тақлид қилишади. Ҳолбуки, оиласда аёллар ахлоқ-одоб манбаидирлар. Доно халқимиз «Эр-ни эр қиласидиган ҳам, қаро ер қиласидиган ҳам хотин» деб бежиз айтмаган. Шунинг учун она ҳаёт ва турмуш-га қизларини ҳалол-покиза қилиб тайёрлашни айни шу замон талабига мос мўътабар вазифа деб билмоғи ке-рак.

Покиза хулқ-атворт, гўзал ахлоқ-одоб ҳалоллик маъ-рифат манбаидир. Ҳалол ва маърифатли кишилар мил-латнинг ёрқин кўзгусидир. Худди шундай инсонлар умумхалқ ва ўзи яшаётган давлат манфаати ва равна-қи йўлида қайфуришга қодирдирлар.

Худди шундай одамлар, ёшлар ҳаёт ва турмушда, ўзаро мумомала-муносабатда ҳалол бўла оладилар. Улар одамгарчилик, мардлик ва муруватлилик каби фази-латларга эга бўладилар. Бу ҳақда қомусий олим Абу Райҳон Беруний қўйидаги сабоқни беради: «Одамгар-чилик, яъни муруват кишининг ўзи, уруғ-аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиши билан чегараланади. Мардлик — футувват эса ундан ҳам устун туриб, ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Муруватли мард киши ўзидаги ва ўзиники

эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсадан бошқасига эгалик қилмайди.

Агар у одамларнинг осойишталиги деб мاشаққатларга чидаса; зиқналик қилмасдан, бошқаларга насиб этмай, унга ато қилинган нарсаларни бирорларга берса, бундай одам ўшандай қудрат билан шуҳрат топган мард киши саналади; у ўзининг ҳалимлиги, муло-йимлиги, иродаси мустаҳкамлиги, чидамлилиги, камтаринлиги туфайли, улуғворлиги билан танилиб, гарчи у шу мартаба аҳлидан бўлмаса ҳам, олий даражага кўтарилади. У насл-насаб жиҳатидан эмас, балки ҳақли равишда (ўша сифатлари билан) эҳтиром қилинади¹.

Мустақил давлатимизга ҳозир ҳар соҳа ва ҳар бир мартаба учун Ал-Беруний лутф этган каби кишилар ва ходимлар зарурдир. Чунки шундай ҳалол инсонлар истиқол мағкураси ва унинг равнақи, мустақил давлат тараққиёти учун ўз ҳиссаларини қўша оладилар.

Давлатимизнинг келажаги буюклиги қўйидаги дастурларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқдир. Чунончи:

1. Ички бозоримизни истеъмол моллари билан тўлдириш.

2. Давлат харажатларини кескин қисқартириш, қатъий молия, банк-кредит сиёсатини ўтказиш.

3. Экспорт имкониятларини кескин кучайтириш. Шу йўл билан чет мамлакатлардан, аввало, эркин валюта олиб келиш. Чунки биз четдан маҳсулотни ана шу давлатларнинг пулига харид қиласиз. Яъни четга қанча кўп маҳсулот чиқарсак, ўзимизга керакли шунча мол, асбоб-ускуналар сотиб олишимиз мумкин.

4. Республикада пул эмиссиясига, яъни мол билан таъминланмаган ортиқча пул муомалада бўлишига йўл қўймаслик. Аҳолига берилган пулни товарлар сотиш, хизматлар кўрсатиш орқали, уларнинг эҳтиёж ва талабини қондириш билан давлат хазинасига қайтариш².

Шу дастурлар тегишли ходимлар ва мутахассислар томонидан амалга оширилади. Демак, шу мутасадди кишилар ҳалол ва фидойи бўлсаларгина мақсадга эришилади, тегишли муаммолар кўнгилдагидек ҳал бўлади.

¹ Абӯ Райҳон Беруний. «Жавоҳирот китоби»дан. Тошкент, «Мерос», 1991, 12- бет.

² Каримов И. А. Ҳалоллик ва фидойилик—фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 6- бет. (Кейинги кўчирмаларда қавс ичida фақат саҳифаси кўрсатилади.)

Президентимиз И. А. Қаримов шу маңнода құйидагиша талабни қўяди: «Бундай муҳим вазифаларни бажариш халқимиздан кўп синовларни бошдан кечириши, иши-мизда ҳалоллик ва фидойилик бўлишини талао қила-ди» (7-бет).

Ҳалоллик билан фидойилик эгизаклар каби бир-бири билан жуда яқинтирлар. Ҳалол бўлмаган киши фидойи бўлиши мумкин эмас. Фидойилик ҳам ҳалоллик синга-ри кенг қамровли одоблар мажмуасидир. Оиласа, жа-моага, туғилиб ўсан қишлоғига, шаҳрига, халқига, ватанига фидойилик ва шу кабилар.

Халқ ва ватанга фидойилик уларнинг умумғоясига, ишларига, келажагига содиқ қолиш билан белгиланади. Масалан, жаноби Расулуллоҳ Салоллоҳу алайҳи вас-салам ислом дини ва унинг мағкурасига асос солган улуғ зот. Ўл зоти олийлари ислом ғоясини халқ онгига сингдириш ва халқларни мусулмон динига ўтказиш йўлида ҳаддан зиёд риёзатлар чеккани маълум: доимий равишда душманлар (кофирлар) таъқиб ва тазйиқи ос-тида яшади, неча марта ҳижрат қилишга мажбур бўл-ди, жонига қасд қилишди, халқ ўртасида бадном қи-лиш усуларидан кенг фойдаланишди, намоз ўқиб ўтирган вақтида бошига молнинг ахлатли, ифлос қорнини ташлашди ва шу кабилар. Бироқ у ўз ғоясига содиқ қолди, ўз ишини давом эттиради, бу йўлда фидойилик намуналарини кўрсатди. Шу риёзатлар, фидойиликлар туфайли ўз мақсадига эришишга муваффиқ бўлди.

«Ёки, «Билол (розиаллоҳу анҳу) пайғамбар масжи-диди саҳобалар зумраси (бир даврда яшаб, бирор соҳа-да фаолият кўрсатган атоқли одамлар гурӯҳи)нинг энг машҳури бўлиб, муаззин вазифасида эди. У Маккада ҳабашистонлик эътиқодсиз қуллардан эди. Унинг Ис-ломга ўтиши, табиийки, хўжасига ёқмасди, шунинг учун уни раҳм-шафқатсиз равишида таъқиб қилишди. Ислом-нинг ашаддий душмани Уммойҳоҳ бин Ҳолаф айни чош-гоҳда уни қизиб турган қумга ётишга мажбур қилади, кўкрагига тана аъзолари қимирламаслиги учун оғир тош бостиради. Сўнгра Уммойҳоҳ Билолга дейди:

«Исломни рад эт ёки димиқиб ўл».

Ана шу изтиробда ҳам Билол (розиаллоҳу анҳу) хи-тоб килади:

«Аллоҳу Аҳад! Ла илоҳа иллоллоҳ!»¹

¹ Мұхаммад Закариә. Фазоилул аъмол. Тошкент. «Чўл-пон» нашриёти, 1993, 11- бет.

Билол розиаллоҳу анҳу шундай шафқатсиз азоб-үқубатларга чидайди ва Аллоҳнинг ягоналигига німон келтиради, қолаверса, эътиқодидан воз кечмайди, бу йўлда фидойиллик намуналарини кўрсатади.

Ёки, Хоразмшоҳларнинг улуғ тарихчи алломаси Ан-Насавий ёзади: «У (Жалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳ — С. О.) шаҳид бўлди — бу улуғ бебахтлик. Агар шафақ қонталаш бўлиб, устидаги ёпинчифини йиртиб йиғласа-да, арзир эди. Чунки унинг бошига катта мусибат тушди. Агар ой юзини тирнаб, қизил қон бўлиб йиғласа-да фожия шунга лойик деб ўйлар эдик ва осмон ҳам мотам либосини кийиб юлдузлар ҳажр дардида куйиб, ерга кул бўлиб тушса-да, уларнинг барчаси жам бўлиб йиғлашса ҳам бу ўт — Жалолиддин ўти сўнмас эди».¹

Энди Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхоний соний-Ферузнинг ўрис босқинчиларига қарши олиб борган жанг лавҳалари, унинг руҳидаги изтиробларга эътибор беринг: «Фовак кўли ёнида Маҳмуд ясовулбоши душманни кутиб турганди. 26—27 май кунлари Верёвкин қўшинига қақшатқич зарба берди. Қаттиқ жанг ёниланди.

Тарихи Оксус тарихидан ҳам қадимийроқ, ўзида кўп асрлик меъморлик обидаларини мужассамлаштирган машҳур шаҳар душман тўпларидан вайрон бўла бошлади. Дишон қалъя ва Ичон қалъя деворлари у ер-бу еридан ўпирилиб тушди. Қалъя ичида ёнгин бошланди.

Муҳаммад Раҳимхон Боғча дарвозаси тепасида туриб, минг йиллик жавоҳирларнинг кўз ўнгида вайрон бўлаётганлигини кўриб даҳшатга тушди...

Муҳаммад Раҳимхон Матмурод девонбеги, Юсуф маҳрам, Абдусаттор сайис ва Абдулла бангиларни ўз ёнига олиб, Урганч дарвозаси орқали Дишон қалъага чиқди. Хоннинг нияти русларга атрофдан юриб ҳужум қилиб келаётган 500 кишилик Хева қўшини билан бирлашиб, душманга охирги зарбани бериш эди... Аммо, Абдуқодир тўра хоинлик қилиб, хонга қалъя дарвозасини очмади¹. Шу лавҳалардан Ферузнинг аждодларимиздан мерос бўлиб қолган тарихий обидаларнинг

¹ Еқубов Рӯзимат. Жалолиддин Мангуберди. Хоразм таҳририят-нашр бўлими, Урганч, 1993, 63-бет.

вайрон бўлишидан азоб чекиши, қулликка қарши кураши, мустақилликни ҳимоя қилиш йўлидаги риёзатлари фидойилик намуналари ҳисобланади.

Юқорида келтирилган лавҳа ва манзаралар халқ, ватан тақдири, ғоя-эътиқодга собит қолиш, бу йўлда ҳатто жон таслим қилишга тайёр туриш, мардлик, жасорат, қаҳрамонлик, бир сўз билан айтганда, фидойиликни гавдалантиради ва тасвиrlайди. Маълумки, бу тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда Президентимиз И. А. Каримовнинг қўйидаги фикри ибратлидир: «Энг аввало, ишлаб чиқаришга тадбиркор, ақлли, ташаббускор, шав жамоа манфатлари ҳақида жон кўйдирадиган (таъкид бизники—С. О.) инсонлар етакчилик қилиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Лекин минг афсуски, ишлаб чиқариш соҳасидаги айрим раҳбарларнинг суюги эски замонда қотган, ишга муносабати ўзгармаяпти....

Минг афсуслар билан айтишимиз керакки, олижаноб ва улуғвор ниятлар, одамларнинг ғам-ташвишлари, муаммо ва юмушлари четда қолиб, вазифада ўтирган айрим мансабдорлар ўйинчига айланиб, бир-бира ниңг жойини олиш, амал талашиш билан овора бўлаётган ҳолатларни кўриш мумкин» (13—14-бетлар).

Юқорида зикр қилинган лавҳа ва манзаралардан, қолаверса, ҳозирги кунда кечаетган воқеа ва ҳодисалардан ота-боболаримизнинг юксак маънавияти, мустақиллик учун жон олиб, жон берганлари, ҳозирги кунда эса баъзи одамларнинг маънавий қашшоқлиги, учраган айрим қийинчиликлардан чўчиб қолиши маълум бўлади. Бугунги кундаги аҳволдан қутулиш учун, менимча, қўйидаги ишларни амалга ошириш лозим бўлади:

1. Одамларнинг мафкуравий, маънавий, маърифий тарбияси учун барча имкониятларни ишга солиш.
2. Давлат ва президентлик назоратини кучайтириш.
3. Оммавий ахборот воситаларини бу борадаги танқид, ўз-ўзини танқид ишига йўналтириш ва бу ишда кўнгилчанлик қилмаслик.
4. Президентимиз И. А. Каримов сўzlари билан айт-

¹ Давлатёр Раҳим, Шоҳназар Матрау. Феруз, Тошкент, F. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991, 38—39- бетлар.

ганда, ишчан, ақлли, иродаси бут, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганишга интилувчи, юрагида Ватан түйфусн кучли бўлган ёш кадрларга ишониш ва ишни уларга топшириш керак (14- бет).

5. Темир интизом.

Зикр қилингандан шу нарсаларга етарли даражада тўлиқ эътибор берилса, улар амалда татбиқ этилса, ҳалол ва фидойи инсонлар қўллаб-қувватланса, ҳозир рўй бертаётган қийин аҳволдан қутулиш мумкин. Лекин бу тадбирларни амалга ошириш вақт талаб қиласди.

Мустақилликни мустаҳкамлаш учун ҳалоллик, фидоилик, аждодларимизнинг бу соҳадаги анъаналарига содиқлик, халқ ва Ватанга муҳаббат түйғулари ҳар бир тирик жонда, томирларда оқаётган қонда мавж уриб туриши шарт. Бу нарсалар иймон-эътиқодга айланиши лозим. Фаолият кўрсатаётган баъзи раҳбар ҳодимлар шу фазилатлардан маҳрум экани сир эмас. Бу хусусда Президентимиз куюнчаклик билан дейди: «Кўпчилик хафа бўлмасин-у, айрим раҳбарларнинг ғалати хислатлари ҳақида гапирмоқчиман. Улар қўл остидаги одамларга етарли эътибор бермайди, ўзидан юқори амалдорлар олдида эса, саккиз букилиб, салом беради. Ишни билмайди десангиз, ўз манфаати йўлида калласини шундай ишлатадики, ҳайрон қоласиз! Ана шуларни кўриб, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда янгишиш нақадар мушкул оқибатларга олиб келиши мумкинлигига амин бўласиз» (21—22- бетлар).

Муаллиф шу фикрларини янада равшанлаштириб ва ривожлантириб, шундай хулоса қиласди: «Раҳбарлик — лавозим, мансаб эмас, аввало одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбар дегани ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнақи учун елиб-югурдиган фидойи инсон бўлиши керак» (24- бет.). Бир пайтлар, яъни «қизил империя» ҳукмронлиги даврида раҳбарларни оппоқ қилиб кўрсатиш (комфирқа обрўсини ҳимоя қилиш) мақсадида у хато қилган бўлса, жамоатчилик қаерда эди деб, қизил сўзлар айтиларди, раҳбарларнинг камчиликлари. ҳатто жиноятлари хас-пўшланарди. Бугун мустақиллик даврида эса, раҳбарнинг бурчи ва масъулияти очиқчасига айтиляпти. Бу очиқойдин фикр ва мулоҳазаларни халқ, қолаверса, ёш авлод эшитиб турибди, рўзнома ва ойномаларда ўқиша пти. Демак, бу нарсалар ёшларнинг дунёқарашини шакл-

лантиради, онгига ижобий таъсир қиласы, халқ ва Ватанга фидойилик түйғуларини ўстиришда муҳим роль ўйнайды.

Хулоса қилиб айтганда, ҳалоллик ва фидойилик мустақиллик тантанасининг гаровидир. Шунинг учун ёш авлоднинг ҳалоллик ва фидойилик одобини мустақиллик руҳи билан қўшиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

3- §. Мунозарада туғилган ҳикматлар — тарбия сарчашмаси

Ҳикматлар, доно фикрлар аксарият ҳолларда суҳбатлар, ўзаро мунозаралар, баҳслар жараёнида туғилалиди. Бу албатта, мунозарага киришаётган кишининг илми, дунёқарashi, зукколиги, ҳаёт ва турмуш тажрибасига бевосита боғлиқдир.

Айниқса, суҳбат-мунозара ва савол-жавоб олиб бораётганда сиёсий-тарбиявий мавзуга доир сермазмун, чуқур маъноли фикрлар қийин кечади. Бу юқорида айтилган омиллар билан бир қаторла кишидан сермулоҳаза бўлишни, ҳозиржавобликни ҳам талаб қиласи.

1993 йил 12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов билан «Комсомольская правда» газетаси бош муҳаррири В. Пронин ўртасида савол-жавоб бўлиб ўтди. Аниқроғи, И. А. Каримов бош муҳаррир саволларига жавоблар берди. Шу савол-жавоблар, МДҲ (собиқ) даги хорижий мухбинлар халқаро уюшмаси аъзолари билан суҳбати ва ўша суҳбатлар тўғрисидаги жамоатчилик фикрлари жамланиб, китоб ҳолида нашр қилинд¹.

Китобни ўқиб чиққан киши, биринчи навбатда, икки ёки уч одам ўртасида суҳбат кетаётган вақтда ўзини қандай тутиши, ҳар қандай ҳолат ва вазиятда ҳам босиқ бўлиши каби тарбиявий кўнишка ва малакаларни эгаллаши табиий ҳолдир. Чунки савол берувчи, айниқса, сиёсий мавзуда мулоқот бораётган иғвогорона ёки киши асабига салбий таъсир этувчи саволлар бериб қолиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳар бир инсон муо-

¹ Каримов И. А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Т., «Ўзбекистон», 1993, (Шу китобдан олинган кейинги мисолларда қавс ичидаги фақат саҳифаси кўрсатилади.)

мала-муносабат одобига катта эътибор бериши ва шунга амал қилиши керак.

И. А. Каримовнинг «Комсомольская правда» бош мұхаррири В. Пронин, МДҲ (собиқ) даги хорижий мұхбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан суҳбатлари ва шу жараёнда ўзини тутиши инсон қандай муомала-муносабатда бўлиши лозимлигини ўргатади. Унинг фикр ва мулоҳазалари маъно ва мазмун жиҳатдан тे-ран. Сўз ва гаплар оҳангидарни талаффуз қилган ин-соннинг ўта вазмин ва зукко эканидан далолат беради. Фикримизнинг далили сифатида айрим саволлар ва уларга берилган жавобларни педагогик нуқтai назар-дан таҳлил қилиб кўрайлик:

— Ўзбекистон тўғрисида гап борганда, кўпинча уни яқин ва олис хориждаги воқеаларга катта таъсир қилаётган давлат дейишади...

— Кечирасиз, «яқин ва олис хориж» деган тушунчани мен қабул қилмайман. Уни собиқ Иттифоқни қўмсақ қийналаётганлар ўйлаб чиқарган бўлса керак. «Яқин» дегани нима-ю, «олис» дегани нима? (3- бет).

В. Пронин «Яқин ва олис хориж» иборасини шунчаки билмасдан ишлатаётгани йўқ. У собиқ Иттифоқдан ажralиб чиққан давлатларни иложи борича гиж-гижлашга ҳаракат қиляпти. И. А. Каримов эса ҳозиржавоблик билан вазмин ва кескин жавоб қайтарди. Бу жавобга Ўзбекистон мустақил бўлди ва мустақил бўлиб қолади, энди орқага қайтиш йўқ, деган маънолар синг-ганки, унда энди гина мустақилликка эришган халқлар ва ўзбек халқининг келажагига, порлок истиқболига ишонч билдирилди. Бу фикрлар халқнинг бироз иккиланиб турган гуруҳларига далда берди.

В. Пронин аввалги саволини тортиниб-нетиб ўтирмасдан янада ривожлантирди: «—... сиз учун Украина яқин хориж, Афғонистон эса олис хориж эмасми?».

И. А. Каримовнинг «Йўқ. Буларнинг ҳаммаси — Ўзбекистон чегарасидан ташқарида, бироқ улар дўст мамлакатлардир» деган жавоби аниқ ва лўнда. Дипломатик жиҳатдан ўта пухта ва пишиқ. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон чегарасидан ташқарида бўлгандан кейин уларнинг барчаси чет мамлакат ҳисобланади.

В. Пронин атайлаб, Президент жиғига тегиш, агар у асабийлашса, бундан фойдаланишини мақсад қилиб, иғвогарона саволлар бера бошлади. Бироқ Президентимиз шарқона одоб ва тавозеъ билан жавоб қайтар-

ди, яъни у такаббур мухолифга мулойимлик ва камтарлик йўлини, намунасини кўрсатди. Буюк шоир Алишер Навоийнинг қўйидаги сўзлари Президентимизга қаратади айтилгандек жаранглайди: «Тавозеъ — такаббур мухолифга мулойимлик ва камтарлик йўлини кўрсатади; гердайган душман кўнглида инсонийлик завқини қўзғотади. Қайта-қайта кўрсатилган тавозеъ — ҳаёсиз тақаббурни уят чегарасига томон йўллайди ва ҳаддан ташқари инсофисиз душманни ёмонлик қилишдан қайтаради»¹. Бизнинг Президентимиз журналист В. Пронин саволидаги ифвогарлик оҳангини тўғри англади ва вазминлик, донолик билан тегишли «зарба»ни беролди. Чунончи: «МДҲ бизнинг иродамиз билан пайдо бўлгани йўқ, уни бошқалар тузишган (таъкид бизники — С. О.). Ўрта Осиёдаги давлатларнинг унга қўшилишдан бошқа иложи қолмади». «Уни бошқалар тузишган» жумласининг маъноси кенг қамровли. Бир пайлар ташқари кучлар ўзбек халқини порахўр, ўғри, экстремистга чиқармоқчи бўлишган, ёмонотлиқ қилишга уринишган. «Уни бошқалар тузишган» жумласига сингдирилган услубий маъно орқали ўша ифво кескин рад қилинган.

Швециянинг «Дагенс Нюхетер» рўзномасидан Диса Хастад саволи янада кучлироқ ифвогарлик ва гиж-гижловчи хусусиятга эгадир. Чунончи: «... олис хорижда, МДҲ давлатларида Узбекистондаги сиёсий жараёнларга оид хабарлар доимо диққат марказида турибди. Яқинда босилган бир хабарда ватанга хиёнат қилишда айблланган киши қора курсига ўтқазилгани айтилган эди. Улар орасида Президент сайловидаги рақибингиз — Мұҳаммад Солиҳ ҳам бор эмиш. Нега сиз мухолифат билан шу қадар қаттиқ муомалада бўляпсиз?» (18- бет).

Юртбошимизга берилган ифвогарона саволга жамланган жумлалар маъно ва мазмун жиҳатдан ҳам, мантиқ жиҳатдан ҳам бир-бирига қарама-қарши. Эътибор бераб уни ўқиб кўрайлик. «Ватанга хиёнат қилишда айблланган киши» дейди-да, шу жумлагага «улар орасида Президент сайловидаги рақибингиз Мұҳаммад Солиҳ ҳам бор эмиш»ни улаб юборади. Шу икки жумладан

¹ Алишер Навоий. Маҳбуул-қуулуб. Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 48- бет.

М. Солиҳнинг хиёнаткор, диёнатсиз экани шундоқ сезилиб турибди. Буни чет эллик мухбирларнинг ўзлари ҳам билгани уларнинг жумлаларида ёрқин ифодасини топган. Буни Диса Хастаднинг ўзи таъкидлаяпти. Бас, шундай экан, журналист бу тўғрида сўз очиши ва савол бериши ноўрин. Чунки ватанга хиёнат қилган киши ҳеч қачон ва ҳеч қайси давлатда оқланган эмас. Тарихга назар ташласак, энг одил ва инсонпарвар шоҳлар ҳам давлат хиёнатчисининг баҳридан ўтганлар, жисмонан йўқ қилганлар. Демак, ажнабий журналистнинг саволи самимий эмас. Шунингдек, «Президент сайловидаги ракибингиз», «Нега сиз муҳолифат билан шу қадар қаттиқ муомалада бўляпсиз?», жумлалари иғвогарлик маъноси ни касб этади. Президентлик сайловида иштирок этган киши кўнглига келганини қилиб, ҳамма нарсани босиб янчиб ўтиши; хоҳлаган жиноятни содир этавериши керакми? Масалан, ўша «рақиб»нинг парламент мажлисидаги «шу залда ўтирганларнинг 80—85 фоизи саводсиз» дейишининг ўзи, биринчидан, унинг ўта маданиятсиз, одобсиз, маърифатсиз, тарбиясиз эканини тўла тасдиқлайди. Иккинчидан, кенг халқ оммаси сайлаб қўйган нойибларни «саводсиз» дейишга унга ким ҳуқуқ берган? У халқ нойибларига нисбатан ўша одобсиз сўзларни ишлатиб, ўзининг кимлигини бутун мамлакатга ва дунёга ошкор қилиб қўйди. Шу далилларнинг ўзи юқорида берилган саволнинг иғвогароналигини, носамимий эканини кўрсатади.

Президентимиз И. А. Каримов ўша ажнабий журналист олдида ўзининг зукколигини, камтарлигини, ҳозиржавоб, ўта билимдон ва дипломат юртбоши эканини тўла исбот қилди, юксак тавозеъ намуналарини кўрсата олди. Унинг бу фазилатлари жавобидан яққол сезилиб турибди. Эътибор беринг: «Бу савол менга тааллуқли эмас. Ўзбекистон Республикасининг қонуни бор, Конституцияси бор, Олий Кенгаш — давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи органи бор». Аслида журналист саволига, унинг оҳангига яраша жавоб шу билан тугаши мумкин эди. Лекин юртбошимиз камтарлик, одамгарчилик, ҳурмат йўлини танлаб давом этди: «Шундай бўлса-да, саволингизга жавоб қайтаришга ҳаракат қилиб кўраман». Бу ерда шоҳона заҳархандаликдан асар йўқ, балки шарқона меҳр-оқибат, ҳурмат-эътибор, камтарона муомала-муносабат равшан кўриниб турибди.

У шу камтарона сўзини ривожлантиради: «Тожикис-

тон, Озарбайжон ва бошқа республикалардаги конституциявий ҳокимиятнинг заифлигидан фойдаланиб, умумхалқ овоз бериши йўли билан сайланган ташкилотларга мувозий тузилмалар ҳам пайдо бўлиб, улар битта мақсад — ҳокимиятни қўлга олиш мақсадини кўзлай бошладилар. Аммо улар сизларнинг ривожланган мамлакатларингиздаги каби конституциявий, маърифатли усуллар билан эмас, балки қўрқнтиш, зўравонлик, қўпорувчилик йўли билан курашдилар» (18-бет).

Хорижий журналист ҳимоя қилаётган «мухолиф» ҳам нима бўлса ҳам — қонунни бузадими, Конституцияни оёқости қиладими, қўпорувчилик йўли билан бўладами — ҳокимиятни эгаллаш йўлини танлади. Бу қонунчиликка ҳам, мусулмончилик ақидаларига ҳам, миллий ахлоқ-одоб қоидаларига ҳам зиддир. Шу нуқтаи назардан И. А. Каримов жавоби, фикр ва мулоҳазалари тарбиявий аҳамиятга эгадир.

«Халқ», «халқпарварман», «миллат», «миллатпарварман» сўзларига бекиниб, ўралиб олган шуҳратпараст, амалпараст унсурлардан халқни ва давлатни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг, қолаверса, мамлакатни бошқараётган юртбошининг муқаддас ва қонуний бурчидир. Юртбошимиз ўз сўзида давом этади: «... Тожикистонни олиб кўринг. Республика пойтахти — Душанбедаги Шоҳидон майдонида ҳам «демократлар» тўпланишган эди. Кейинроқ, ниҳоят, ниқоб пардаси тушганида, бу одамларнинг қўлида автоматлар пайдо бўлганини ҳам кўрдик. Қимки, митингга борган бўлса, анча-мунча пул тўпланди. Ҳўш, натижа нима бўлди? Бу фуқаролар урушига олиб келди: ўн минглаб бегуноҳ кишилар — аёллар, болалар, қариялар нобуд бўлди...» (20-бет). Бу инкор қилиб бўлмайдиган далиллар. Ўша халқ йиғини икки амалпараст ўртасидаги мухолифлик натижаси бўлиб, унда чиндан ҳам қанча-қанча бегуноҳ аёллар, қариялар, болалар, ўсмиirlар, ёшлар қони тўклидиди.

Президентимиз ва Ўзбекистон ҳукуматининг бошқа аъзолари ватан, халқ ниқобига бекиниб олган амалпарастларни фош этиб, тўғри ва равон йўлни танладилар. Бу фаолият ҳам маънавий, ҳам тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Умумтаълим мактабларининг ўрта ва юқори синф ўқувчиларига «Одобрение» дарсларида тегишли мавзуларни ўтиш жараёнида юқорида қайд қилинган ва таҳлил этилган масалалар мақсаддага йўналтирилган ҳол-

да ўртага ташланса, бу болалар онгини ўстириш, зукколик, ҳозиржавоблик, босиқлик, ватанпарварлик, халқ-парварлик, ифтихор туйғуларини тарбиялашда катта самара беради. Ватанни ғайри мағкурадан ҳимоя қилишда сергаклик, синчковлик ниҳоятда зарурдир. Ёшларда бундай туйғуларни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш ёш мустақил давлатимизнинг долзарб вазифасидир. Худди шу омилини таркиб топтиришни ўрганиш, тадқиқ этиш жуда муҳим масаладир.

«Янги уй құрмай туриб, эскисини бузманг» рисоласининг муаллифи қаерда ва қай вазиятда бўлмасин, Ўзбекистон халқи ва давлати манфаатини кўзлаб гапиради ва иш кўради. Шу ўринда, айниқса, В. Пронин берган бир саволга И. А. Қаримовнинг берган жавобини мисол қилиб келтириш мумкин.

— Лекин Минскдаги сўнгги учрашувда Сиз МДҲ инзомини баъзи писандалар билан имзоладингиз, уларнинг моҳияти нимада?

— Ҳеч қандай писанда бўлмаган. Мен шунчаки, айрим мамлакатлар (уларни буюк давлатлар деб атайдиз) эндиғина шаклланиб келаётган давлатларга маърифий йўл билан бўлса ҳам тазийқ ўтказиш воситаларидан возкечишни сира хоҳламаётганликларини яна бир бор таъкидламоқчи бўлдим (4-бет).

В. Пронин саволининг маъносидан бир нарса аён сезилиб турибдики, бизнинг юртбошимиз Минскдаги МДҲ аъзолари учрашувда ўзбек халқининг бугуни ва келажагини назарда тутиб фаолият кўрсатган ва тортинимай-нетмай ўз фикрини айтиб ўтган. Бизнинг фикримизча, юртбошимиз МДҲ умрининг узоқ эмаслигини оддиндан пайқаган. Чунки бу «ҳамдўстлик» эндиғина шаклланиб келаётган кичик давлатларни эмас, балки фақат ўз халқи ва мамлакати манфаатини ўйлаган. Ҳолбуки, умумхалқ, инсониятни ўйлаб бирор ташкилотга ёки уюшмага бирлашган давлатлар тенг ҳуқуқли бўлмоқлари лозим. И. А. Қаримовнинг жавоб сўзига қараганда, МДҲ га кирган йирик давлатлар бошқа кичик мамлакатларга нисбатан «тазийқ ўтказиш воситаларидан воз кечмаган»лар.

Юртбошимизнинг Минскдаги ўша чиқиши, хатти-ҳаракати ҳар бир ўзбек фуқароси, ҳар бир ёш учун ўрнак ва намуна бўлиши лозим. Худди шунинг ўзи ватанпарварлик, халқпарварлик, мустақилликдан ифтихор қилиш туйғусидир ва шунга яраша фаолият кўрсатиш

доно раҳбарликнинг ёрқин намунаси ва нишонаси дир.

И. А. Каримов МДҲ дан бироз норозилигини ҳам озгина бўлса-да сездириб, дейди: «Ҳамдўстликнинг бирорта ҳужжатида ҳам ички турмушимиизга таъсир ўтказишнинг шакли сифатида тазийқдан фойдаланишга имконият, тирқиш қолдирмаслик керак» (4—5- бетлар). Бу сўзлар бугунги барча ҳукумат раҳбарлари, вилоят ва туман ҳокимлари, қолаверса, ўзини ватанпарвар деган ҳар бир кишининг доим ёдидатурмоғи лозим. Чунки бу ҳикматли сўз барча мансабдорларнинг иш услубини, йўл-йўригини кўрсатиб ва белгилаб берувчи назарий ва амалий йўлланмадир.

Шу сўзлар ёшларга нотиқлик одобини ўргатишда кўйл келади. Нотиқлик одоби фақат давлат арбоби ва раҳбар учун зарур бўлиб қолмай, балки ҳаёт ва турмушда ўз ўрнини топишга интилган, обрў-эътибор қозонишни хоҳлаган ҳар бир киши учун керакли педагогик омил ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари турли-туман йиғилишу мажлисларда ҳам, дипломатик муносабатларда ҳам, фуқаролар билан учрашувларда ҳам, журналистлар саволларига берган жавобларида ҳам, хуллас, бутун фАО-лиятида ҳалқ моддий фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодини кўтариш ва унинг ҳазинасини бойитиш ҳақида гапиради. Зотан, иқтисодий бақувват мамлакат ҳар ишга қодир.

Тадбиркор ҳукмдор, оқил юртбоши мамлакат ва ҳалқ бойлигини тобора ошириб бориш, давлат ҳазинасини муттасил тўлдириш ҳақида ўйлайди ва қайфуради. Бу хусусда Амир Темур ёзади: «Давлату салтанат уч нарса билан: мулк (бу ўринда подшолик ери, давлат ҳудуди, мамлакат назарда тутилаяпти — С. О.), ҳазина ва лашкар билан (ҳарбий кучлар.— С. О.) тикдир. Доно вазир буларнинг ҳар учаласини тадбиркорлик билан яхши аҳволда саранжом тутади».¹ Республикамизда олиб борилаётган сиёсатни ва ишларни синчилаб ўргансак ва кузатсан, ҳудди ўша Амир Темур ўйтларига тўла амал қилинаётгани сезилиб туради.

Яхшиси, юртбошимизнинг В. Пронин саволларидан бирига берган жавобини таҳлил қилиб қўрайлик.

«— Аввало: иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлиги ва бунда иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши лозим.

¹ Амир Темур ўйтлари. Тошкент, «Наврӯз», 1992, 29- бет.

Иккинчиси: ҳатто энг доно ва истеъоддли академиклар ва амалиётчилардан иборат бирор гуруҳ эмас, балки давлат бош ислоҳотчи бўлади, деб ҳисоблайман. Бир жамият кетиб, унинг ўринида айни давлатнинг ўзи бошқарув воситаларини асло қўлдан чиқармаслиги лозим.

Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма, дейишади бизда. Ҳар қандай ҳолда ҳам биз ўзимизни боқиб, тўйдириб келган нарсаларни вайрон қилишга берилиб кетишга ҳаққимиз йўқ. Биз бирданига эски қонунларни тан олмай қўйдик, янгилари эса ҳали йўқ... Мана энди мен ўз дастуримнинг учинчи бандига яқинлашдим. Бу банд — қонун, аниқроғи қонунга итоаткорликдир. Қонун ҳамма нарсадан устун туриши керак...

Тўртинчиси: кучли ижтимоий сиёсат. Ўзбекистонда бир киши ўзининг иш ҳақи билан олти-етти кишилик оиласини боқади. Россияда бундай эмас. Айтмоқчи, ўтган йили Россия аҳолиси 70 минг кишига камайди. Бизда эса 550 минг кишига кўпайди. Шундай экан, айтингчи, Болтиқбўйида, Украинада ва Урта Осиёда бир хил ижтимоий сиёсат ўтказса бўладими?

Башарти... кўп болали оиласаларга, қарияларга, бечораҳолларга мадад бермасак, ҳамма нарса портлаб кетади, ҳеч қандай бозор ёки ишибилармонлик бўлмайди. Айрим газеталарнинг саҳифаларида ोдамлар ахлатхоналарни титаётгани, болалар садақа сўраб жажжи қўлларини чўзаётгани тасвириланган суратларни кўрган пайтимда бундай инқилобнинг кимга кераги бор?— деб сўрагим келади. Шу сабабли мен, Президент сифатида камбағалларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлини қатъий ва жуда қаттиққўллик билан ўтказмоқдаман.

Ниҳоят, бешинчи қоида. Бозорга босқичма-босқич ўтиш лозимлигига ишончим комил... Мен тараққиётнинг эволюцион йўли тарафдориман...

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига бошқа давлатлардан яккаланган ҳолда ўта олмайди, албатта» (5—7- бетлар).

Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли сифатида зикр қилинган бешта қоидани кўрсатади. Айниқса, иқтисодиётни турли-туман гуруҳлар ёки уюшмалар эмас, балки давлат бошқариши лозим. Билъакс, ҳар гуруҳ ўз дастурини маъқуллаб, яхши ва тўғри деб билиб, бошқасини тан олмайди. Охир оқибат иқтисодиётни ривожлантириш эмас, балки ҳар хил дастурларни «ҳимоя қилиш жангি» биринчи да-

ражага кўтарилади. Натижада, халқ ўртасида ишончсизлик вужудга келади. Ишончсизлик бор жойда меҳнатга, келажакка умид йўқола боради. Зотан, меҳнатсиз, умидсизлик — руҳий тушкунлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Демак, юртбошимизнинг «иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлиги», «иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши лозим»лиги, «давлат бош ислоҳотчи» бўлиши ҳақидаги фикрлари фақат моддий ва иқтисодий аҳамиятга эмас, балки халқ ўртасида тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир.

Юртбошимиз «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деган ҳикматни давлат қурилиши, бошқаруви ва халқ турмушига мослаб, уни тўғри ва ўринли ишлатадики, у ниҳоятда тарбиявий, таъсирчан куч-қудратга эгадир. Бунда муайян қонун бўлмай, ўша қонунга итоат қилмай ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Қаерда мустаҳкам қонун йўқ экан, қаерда унга амал қилинmas экан, ўша ҳудудда тартиб-интизом оқсайди. Зўравонлик, бирбировга тажовузкорлик, ваҳшийлик, хиёнат, порахўрлик, ўғирлик, турли-туман низолар, хуллас, фуқаролар уруши авж олиши мумкин. Бундай жойда фаровошлик эмас, вайронгарчилик, тўқлик эмас, очарчилик бўлади. Демак, юртбошининг қонун ва унга итоат этиш ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари жуда ўринлидир.

Мазкур рисолада «кучли ижтимоий сиёсат» ҳақида олоҳида ҳис-ҳаяжон билан сўзланган. Унда мұқаддас Қуръони Каримдаги тегишли ояtlар, Мұхаммад алай-ҳиссалом ҳадисларидағи доно ўғитлар, донишманд ўзбек халқининг буюк алломалари қолдирган ҳикматлар руҳи шундоқ сезилиб туриди. Зотан, болаларга, кўп болали оиласаларга, етим-есирларга, қарияларга ёрдам бериш мусулмончилик ақидасидир.

Муаллиф «кучли ижтимоий сиёсат» ҳақида гапирганди, худди шу мусулмончилик ақидаларини қўллаб-қувватлаш ва уларга амал қилишга ургу беряпти. Шу сиёсатнинг халқ ўртасида кенг обрў-эътибор қозонишига асосий сабаб, унинг амалда татбиқ этилаётганлигиdir. Шунинг учун бизнинг Ўзбекистонимиз ҳудудида ахлатхонларни титиб юрган одамларни, садақа сўраб жажжи қўлларини чўзиб турган болаларни кўриш мумкин эмас. Бу — Ўзбекистон ва унинг халқининг иқтисодий ҳамда маънавий қиёфасидир.

Ва, ниҳоят, Президентимиз «Бозорга босқичма-босқич ўтиш лозимлиги» ҳақида фикр юритар экан, бу тад-

бир кеңг қирралы ва кенг қамровли иш бўлиб, бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқа, истеъмол молларини мўл-кўл қилиш, хусусий ва давлат корхоналари фаолиятини яхшилаш ҳақида қайфуради. У, айниқса, «Собиқ СССР республикалари — ҳозирги мустақил давлатлар бир-бирига боғлиқлиги жуда қийинчиликлар туғдираётганига алоҳида диққатни қаратади. Бу ҳолат ва вазият ҳам кишилар руҳига оғир таъсир қиласиди. Бозор давлатнинг бойлиги ёки камбағаллигини, халқининг тўқлиги ёки қашшоқлигини кўрсатувчи кўзгудир. Бу — биринчидан. Иккинчидан, бозор халқ маънавиятини, маданиятини белгилаб берувчи омилдир. Умуман олганда, бозорига қараб ўша давлат ва халқ ҳақида муайян хуносалар чиқариш мумкин.

В. Пронин кутилмагандага пул масаласи бўйича «Ўзбекистон ўз пулинин жорий этмоқчи эмасми?» деган саволни бериб қолади. Бир томонда, Болтиқбўйи давлатлари, Украина ва бошқа давлатлар ўз миллий пулларини чиқаришган, иккинчи томонда, жумҳурият ичкарисидаги мухолифлар ҳам миллий валютаси бўлмаган давлат — давлат эмас, миллий пулни жорий этиш керак, деб турган давр эди. Шундай шарт-шароитда ўша саволга тўлақонли жавоб қилиш оғир эди. Бироқ, И. А. Каримов ҳеч иккиланмай дадил равища «Россия ўз миллий пулинин жорий этмас экан, Ўзбекистон ҳам бундай қилмайди. Биз битта рубл зонасида эканмиз, ўз валютамизни жорий этмаймиз...» деб жавоб қиласиди. Бу ўша вақт учун жуда тўғри жавоб ва оқилона иш эди. Чунки, муаллиф сўзлари билан айтганда, «Россия рублини алмаштиришни хоҳлаб қолса-чи... Унда биз қандай аҳволга тушиб қолардик?

Вақт-соати келди, Россия ўз рублини алмаштириди. Ўзбекистон ҳам сўм-купонга ўтиб, кейинчалик муайян шарт-шароит яратилгандан сўнг сўм жорий этилди.

И. А. Каримовнинг фикри-зикри, ўй-хотираси, ақлихтиёри бозор иқтисодиёти ва пул муаммолари билан банд бўлиб турган бир пайтда В. Пронин сұхбат мавзусини бутунлай бошқа оғриқли, кутилмаган томонга буриб юборди. Мана ўша савол:— Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб Президентликни жорий этди. Сиз Урта Осиёда муқобиллик асосида сайланган бирдан-бир Президентсиз. Шунга қарамай, мухолифларингиз сизни тоталитариизмда айблаб, танқид қилишяпти. Мухолифлар: амалда яширин ша-

роитда ишләяпмиз, деб ҳисобламоқдалар (8-9- бетлар).

Савол берувчи, бир томондан, «Ўрта Осиёда муқобиллик асосида сайланган бирдан-бир президентсиз» деса, иккинчи томондан, «мухолифларингиз сизни тоталитаризмда айблаб, танқид қилишяпти» деб, иғвогарлик, фитначилик қилиб, гиж-гижлаяпти. Бироқ И. А. Каримов ниҳоятда вазминлик билан дипломатик муносабатда бўлади ва у фикрини «Энди биз суҳбатимизнинг энг аввалида беришингиз лозим бўлган саволга яқинлашдик, шекилли» дейди-да, жамоатчиликнинг руҳий кескинлигини юмшатади. Бу унинг, биринчидан, ўткир ва доно дипломат, иккинчидан, улуғ давлат арбоби, учинчидан, илми чуқур олим эканини билдиради. Шу каби олижаноб хислат ва фазилатларни мактабларда ўқувчиларга «Одобрение» дарсларида намуна қилиб кўрсатиш, қиёсий йўналишда тушунтириш жуда катта тарбиявий самара бериши мумкин.

Республикамиз раҳбари сал кейинроқ мухолифатга доир фикрини давом эттиради: «Биз, жамиятимиз том маънодаги мухолифатга қай даражада тайёр? Мен демократик ва барқарор давлатдаги ижобий мухолифатни тушунаман ва тан оламан. Олга томон қилинадиган ҳаракат нуқтаси назаридан ўз дастурига эга, жамиятнинг келажагини янгилайдиган мухолифларни эътироф қиламан» (9- бет).

Хусусан, бизнинг кўз ўнгимида «бирликчи»лар, айрим ҳолларда «эркчи»лар ҳам янги тузилган ҳукуматга, парламентга арзимаган камчиликларни рўйкач қилиб тош отдилар. Рўзномалари орқали ва ҳатто митингларда ҳукумат раҳбарларини ҳақорат қилишгача бориб етдилар. Бу одобсизлик ва маданиятсизликнинг худди ўзгинасидир. Демак, «бирликчи» ва «эркчи»ларни халқнинг ҳақ-ҳуқуқи, фаровон ҳаёти учун курашувчи мухолиф деб бўлмайди. Улар қандай йўл ва усул билан бўлмасин, давлат тўнтариши қилиб, ҳокимиятни эгаллаш учун ҳаракат қилаётган гуруҳлар эди. Ўша гуруҳ фаоллари хатти-ҳаракатида халқчиллик, демократиядан номнишон йўқ. Қолаверса, уларда халқни олға етакловчи маълум бир дастур ҳам бўлмаган. Шунинг учун кейинги вақтларда халқ уларга ишонмай қўйди.

Президентимиз саволларга жавоб берар экан, «бирликчи»ларнинг мусулмончилик ақидаларига мутлақо ёт ишларидан бир далилни келтиради. Чунончи: «Бирлик» «йўқолсин руслар!» деган варақалар тар-

қатганига нима дейсиз. Мен ҳаракат фаоллари билан давра суҳбати ўтказмоқчи бўлганимда, улар: «Аввал руслар жўнаб кетишин, дейиши» (11-бет). Мусулмон дунёсининг муқаддас китоби — Қуръони Каримда ҳам, Мұхаммад алайҳиссалом ҳадисларида ҳам миллат ажратиш, яъни бир миллатни иккинчи миллатдан устун қўйиб, бошқасини менсимаслик қаттиқ гуноҳ саналади. «Бирлиқчи»ларнинг бу миллатпаратлиги халқлар ўртасида низо чиқишига, беҳуда қон тўкилишинга олиб бориши турган гап эди. Уларнинг бу қараши ўта ахлоқсизлик, одобсизлик намунаси эди.

Демак, агар юртбошимиз «бирлиқчи»ларга нисбатан қаттиққўллик қилган бўлса, бу унинг инсонийлик жиҳатидан ҳам, педагогик жиҳатдан ҳам тўғри ва мусулмончиликка мос келадиган фаолиятидир. Ҳозирги шарт-шароитда, иқтисодий жиҳатдан қийинчилик рўй берәётган бир даврда бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки Марказий Осиё халқлари ичida олов чиқса, уни ўчириш амримаҳол,

И. А. Қаримовни нафақат давлат арбоби, истеъоддли сиёсатчи, улуғ дипломат дейишига, балки тўла маънода мўътабар мураббий ва моҳир тарбияшунос дейишига ҳақлимиз. Чунки у мухолифлари жиноятга қўл уриб, жиноят таркибини содир қилган бўлса-да, уни тарбиялашга ҳаракат қиласи. Масалан, А. Пўлатовни суд уч йилга ҳукм қилган. Лекин Президентнинг авф этиш ҳақидаги фармонига биноан уни озод қилишди. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, юртбошимиз ҳамиша барча масалаларни давра суҳбатлари, баҳслар қилиш орқали ҳал этишга ҳаракат қиласи. Унинг бу фазилатини Ҳамдўстлик мамлакатларидағи хорижий мухбирлар уюшмасининг раҳбари Марко Полити ҳам пайқаб, шундай деди: «Биз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги барча давлат бошлиқлари билан учрашишни режалаштириб қўйғанмиз. Илтимосимизга биринчи бўлиб Сиз ижобий жавоб берганингиз бизни ғоят қувонтириди (14-бет). Демак, юртбошимиз давлат ҳалқ манфаати йўлида барча имкониятларни ишга солишга тайёр, Узбекистон шон-шуҳратини оширишга, ўзбекларнинг одоб-ахлоқи нақадар юксак эканини кўрсатишга сидқидилдан ҳаракат қиласи. Қолаверса, у барча фаолиятида ўзбек ҳалқ педагогикаси анъаналарига

мос иш тутмоқдаки, бу ҳозирги ёшларга намуна бўлиб хизмат қиласди.

И. А. Каримовнинг авваламбор шахс сифатида, қолаверса, давлат арбоби ва иқтисодчи олим сифатида қандайлиги тўғрисида журналист Ахор Аҳмедов билан В. Прониннинг қисқача сұхбатидан билиб олиш мумкин. Сизларда билмадиму,—дейди В. Пронин,— бизда Президентингизга қизиқиш ўта кучли. Уни ўзига хос, мустақил ва жасур, ўз позициясидан чекинмайдиган қаттиққўл раҳбар деб таърифлашади. Кимнинг обрў-эътибори, қилаётган ишлари диққатга лойиқ бўлса, унга нисбатан қизиқиш ортади. Айниқса, давлатни бошқарувчи шахс ўзига хос, жасур ва мустақил бўлши лозим. Шунингдек, қаттиққўллик юртбоши учун бутунлай ижобий фазилатдир. Раҳбар қаттиққўл бўлмас экан, ўша жойда тартиб-интизом бўшашади. Тартиб-интизом бўлмаган ерда иш бўлмайди. Иш бўлмаса, тўлаткўнилик, фаровонлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Афсуски, илгари «Комсомольская правда» рўзномасида Ўзбекистон ҳақида нохолис фикрлар билдирилган эди. Бундан бутун ўзбек халқи норози бўлганди. Буни В. Прониннинг ўзи тан олиб дейди: «... баъзан нохолис фикрлар ҳам айтиб юборилди. Бу хусусда жамоамизда ҳам жиддий гаплашиб олдик» (54- бет).

У Президент ҳақидаги фикрини қўйидагича давом этиради: «Президентга келсак, у менда кучли таассурот қолдирди. Мен дунёдаги энг йирик газеталардан бирининг бош муҳаррири сифатида кўплаб Президентлар билан учрашганман. Уларнинг кўпчилиги менда бироз романтироқ фикрловчи сифатида таассурот қолдиришган. Каримов эса том маънодаги реалист экан. Ҳаётнинг барча мураккабликлари, аччиқ-чучугини ҳис қилиб турган киши экан у. Қийинчиликларни яшириб ўтирумайди. Айни пайтда у катта оптимист ҳам экан. Ўзининг ва давлатнинг имкониятларига тўғри баҳо бера олади, мамлакатнинг келажагини хаёлпарастларча эмас, балки иқтисодчи раҳбар сифатида аниқ-таниқ чизиб бергани менда кучли таассурот қолдирди» (55- бет).

В. Прониннинг сұхбат жараёнида юртбошимизга анча иғвогарона, асабий вазият ташкил қилувчи саволларини эслаб кўрайлик. Ҳозиргина тилга олинган фикрлар у юртбошимиз билан сұхбатдан сўнг ҳосил бўлгани маълум. Ҳа, бирор ҳақида бирон-бир фикрга бир ёки бир неча сұхбатдан кейин келиш мумкин. Бошқача

айтганда, бирор ҳақида фикр билдиришда асло шошилмаслик зарур.

Умуман олганда, юртбошимиз мутлақо ўзига хос, ваъдасига вафо қилувчи раҳбардир. Шунингдек, у ўз фикрига эга, ҳар бир ишни «етти ўлчаб, бир кесади».

Юртбошимиз феъл-атворидаги бу фазилатлар синфдан ташқари тарбиявий машғулотларда «Инсон одоби» мавзусини ўтганда қўл келади. Бу жараёнда болаларда ўз мамлакати раҳнамосидан фахр-ифтихор қилиш туйғулари, унинг каби инсон бўлиб етишиш орзу-умидлари туғилади.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг муҳбирлар билан учрашуви ойнаи жаҳон орқали кўрсатилди. Уша ердаги савол-жавоблар халқ ўртасида шов-шув бўлиб кетди. Юртбошимизнинг зукколиги, қатъиятлилиги, фикрларининг қисқа ва лўндалиги, сўзларига жойланган маъно ва мазмуннинг теранилиги, амалга ошириши лозим бўлган вазифаларнинг халқчиллиги ва умуминсоний мақсадларга мослиги, қолаверса, фалсафий-мантиқий, маърифий-педагогик мушоҳада барчанинг диққат-эътиборини тортди.

Унинг ҳар бир фикри ва мушоҳадаси халқ ўртасида ҳеч қандай кўрсатма ёки топшириқсиз беихтиёр муҳокама бўлди. Чунки улар одамлар қалбидаги орзу-умидлар, ечими топилмаётган муаммолар эди.

Уша халқ юрагидаги гаплар, кенг муҳокамаларда пишиб етилган фикрлар оммавий ахборот воситаларида: рўзнома, ҳафтанома, ойномаларда чоп этилди, радио тўлқинлари ва ойнаи жаҳон орқали эшиттирилди. Уларнинг баъзилари «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» китобига киритилган.

Зангюта туманидаги «Хонобод» маҳалла қўмитаси котиби М. Йўлдошевнинг матбуот конференцияси бораётган залдаги вазият ҳақидаги қарашлари диққатга лойиқ. У «Назаримда, хорижнинг йирик матбуот органлари вакиллари И. Каримовнинг президентлик салоҳиятини синаб кўрмоқчи бўлишди» (78- бет) деса, ҳақ. Журналистларнинг илмоқли, иғвогарона саволларига юртбошимизнинг «оғир, босиқ, аниқ мисоллар асосидаги жавоблари»— халқ кўнглини тополди.

М. Йўлдошев «мустақил Ўзбекистон бошидан кечираётган бугунги иқтисодий аҳвол, жумҳуриятимиз раҳбарлари ўтказаётган ички сиёsat хусусидаги ҳар хил ёлғон-яшиқ, ҳатто ғайирлик билан ёзилаётган, айтилаёт-

ган гаплар ман-ман деган журналистларни ҳам чалғи-таётгани түғрисида афсусланади.

Меҳнат фахрийси, нафақаҳўр А. Сулаймонов жумхуриятимизда қилинаётган ишлардан, Президентимиздан кўнгли тўқ эканини тўлқинланиб ёзган. Президентимизнинг хорижий журналистлар билан мулоқотини кўриб, унинг сўзи билан иши бир, мамлакат ва ҳалқ тақдирни учун жон куйдираётган раҳбар эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласди у. А. Сулаймонов «Ким нима деса деяверсин, аммо бизнинг тўғри йўлга чиқиб олганимиз рост» деб жумхуриятимиздаги давлат бошқарувига қаноат ҳосил қилгани ҳақида ҳаяжонланиб, қониқиши билан сўзлайди. Бу Президентимизга ҳалқ ишончининг акс-садоси сифатида эшитилиб туради.

«Ўзбектекстильмаш» касаба уюшмаси кутубхонаси муидраси М. Усмондиёрова сұхбат жараённида кўтарилиган демократия масаласи хусусида тўхталди. Чунки хорижий журналистлар саволларининг оҳангидан Ўзбекистонда демократия бўғиляпти деган маънони сезиш мумкин эди. М. Усмондиёрова «Қонунлар доирасидан четга чиқмасликнинг ўзи демократия эмасми?» деган саволни кўндаланг қўядики, жавоби ҳам ўша саволга сингдирилган. У шу савол оҳангидаги лўнда ва ёрқин фикрни давом эттириб дейди: «Мана бир мисол: илгари (СССР даврига ишора.— С. О.) корхонамизда буюртмадан бошқа ҳеч нарса ишлаб чиқарилмасди. Бунга рухсат ҳам йўқ эди. Ҳозир-чи? Давлат буюртмасидан ташқари ҳалқ истеъмоли учун нима зарур бўлса, харидоргир бўлса, бас, тайёрланяпти. Менимча, буларнинг ҳаммасига республика Президентининг саъй-ҳаракатлари, одилона сиёсати туфайли эришилди» (80-бет). М. Усмондиёрова нафақат бошқа соҳаларда, ҳатто ишлаб чиқаришда ҳам демократияга кенг йўл очилган деган фикрни илгари сурган. Бу далил билан у Ўзбекистонда демократия йўли тўсиляпти деган уйдирмаларга кескин зарба берган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Анвар Аъзамхўжаев жумхуриятимизда кўпартиявийлик ва мухолифатга доир масала хусусида сўз юритган. Чунки чет эллик мухбирлардан бири Ўзбекистонда кўпартиялилик ва мухолифатга, уларнинг эркин фаолиятига шубҳа билан қарагани сезилиб қолди. Президентимиз ҳалқни рўшноликка, фаровонликка, олға томон етаклашга хизмат қилувчи ва ҳалқпарварлиги, инсон-

парварлик ғояси билан суғорилган муайян дастури бор партияларга йўл очиқлигини алоҳида таъкидланган эди. Шундан келиб чиқиб, А. Аъзамхўжаев «Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун бирлашиш, жипслалиш ташаббуси билан чиқаётган кучлар ҳамиша республика раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда-ку» деганда, у тўла ҳақдир.

Бильакс, А. Аъзамхўжаев сўзлари билан айтганда, «Конституцияга хиёнат — бу Ватанга, ҳалқа хиёнат демакдир» (93- бет). Ер куррасидаги барча ривожланган давлатларда партиялар, уюшмалар, ҳалқ ҳаракатлари, гуруҳлари ўз конституцияларига амал қилган ҳолда фаолият кўрсатадилар. Бу жаҳонда қабул қилинган ягона қонундир. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Худди шунингдек, Ўзбекистонда ҳам ҳалқ ҳоҳиш иродаси билан қабул қилинган ягона қонун — Конституция мавжуд. Унга барча, ким бўлишидан қатъи назар, теппа-тенг риоя қилиши ва бўйсуниши шарт. Юртбошимиз кўп partiyalilik борасида ҳам айнан шу қоидага амал қилишни талаб қиляпти. Фақат шундагина тартиб-интизом, тинчлик, барқарорлик кайфияти ҳукмрон бўлади. Ҳалқ тинч-осойишта яшайди, меҳнат қиласди.

Мустақилликнинг дастлабки даврида ўзини ҳалқпарвар, миллатпарвар, демократ қилиб кўрсатган айrim «сиёsatчилар» амал курсисига интилдилар. Бу йўлда улар ҳеч қандай номаъқулчиликдан қайтмадилар, сафсатабозлик, бирорлар тагига сув қўйиш, ковлаштириш йўлини танладилар. Шундай шуҳратпарамт ва амалпрастлар тўғрисида юртбошимиз И. А. Каримовнинг фикр ва мулоҳазаларини Тошлоқ тумани марказий шифохонасининг бош врачи Рўзимат Шерматов тўла қувватлаб ёзади: «... сувни лойқалатган сиёsatчилар эмас, асосан ҳалқ азият чекади. Сўнгги икки ярим йил мобайнида районимизга ўзини демократ қилиб кўрсатишни хуш кўрадиган Қ. Сотиболдиев раҳбарлик қилди. Унинг энг яқин сафдошлари, маслаҳатчилари «бирликчилар», «эркчилар», аллақандай шубҳали «демократлар» эди. Мана ана шу «демократ» раҳбар етакчилик қилган муддатда вилоятдаги иқтисодий жиҳатдан энг бақувват район қарз ботқогига ботиб қолди» (97- бет).

Шу далилдан кўриниб турибдики, ўзини «демократ» қилиб кўрсатишга муваффақ бўлган Қ. Сотиболдиев мансаб курсисига ҳам ўтириб олибди. Агар у чиндан ҳам демократ бўлса, ҳалқ ва давлат манфаатини ўйла-

са, мустақилликни ҳимоя қилишга бел боғлаган бўлса, нега район ишлари олдинга эмас, орқага кетди? Нега туман ҳар томонлама гуллаб-яшнамади, иқтисодий жиҳатдан бой-бадавлат туманга айланмади? Демак, ўша «демократ»нинг халқчил, халқни бойитиш мақсадига йўналтирилган мукаммал дастури бўлмаган. У факат текин шон-шуҳрат ва амал изидан қувган. Бу билан иш битмайди.

Бу раҳбар, биринчидан, одамлар билан ишлаш, муомала-муносабат одобини, иккинчидан, раҳбарлик одобини билмайди. Шунинг учун у раҳбарлик қилган туман таназзулга юз тутган. Шунинг учун Президентимиз ишбилармон, тадбиркор, турли томонлама одобли, турмушнинг аччиқ-чучугини тотган, ишига пишиқ, зукко, тили билан дили бир кишиларни раҳбарлик лавозимига кўтариш тарафдоридир.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз И. А. Каримовнинг «Комсомольская правда» бош муҳаррири В. Пронин ва бошқа чет эл журналистларининг саволларига зукколик, босиқлик, зийраклик ва ҳозиржавоблик билан жавоб бердики, шу жавоблар иқтисодий, сиёсий ва педагогик ҳикматлар силсиласини ташкил қиласди. Бу ҳикматлар ёшларга тарбия омили бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Педагогика фани тарихи, хусусан, Ўзбекистон тарбияшунослиги узоқ даврларни ўз ичига қамраб олади. Зардўштийликдан кейин вужудга келган ислом дини мусулмон мамлакатларида таълим-тарбия соҳасида янгича маъно ва мазмун касб этди. Бу, албатта, энг аввало, Муҳаммад алайҳиссалом номи билан бевосита боғлиқdir.

Айниқса, Қуръони карим, Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари исломона таълим-тарбиянинг негизини ташкил қилади. Унинг обрў-эътибори, салмоғи, тарбия борасидаги роли тобора ортиб келди, унга нисбатан эътиқод қўювчи ҳалқлар сафи кенгайиб борди.

Ўтган 13—14 аср мобайнинда Марказий Осиё минтақасида ҳукмронлик қилган шоҳлар, амирлар, хонлар, ҳокимларнинг деярли барчаси давлат ишларини ва таълим-тарбияни ислом дини асосида олиб боришиди. Миллий қадриятлар ва анъаналар равнақига кенг йўл очдилар. Ҳатто мўғул истилочилари даврида ҳам ислом динига тўсқинлик қилинмади, тарбия тизими бир маромда давом этди, десак янглишмаймиз.

1917 йилдан кейин Марказий Осиёда коммунистик фирмә ва шўро ҳукумати ҳукмронлик қила бошлаганидан сўнг таълим-тарбия соҳасида кескин ўзгаришлар рўй бера бошлагани ҳаммага маълум. Аниқроғи, миллий таълим-тарбия илдизига болта урилди.

Биринчи навбатда ҳалқ асрлар давомида қўлланиб келган араб алифбоси асосига қурилган ёзувидан маҳрум этилди. Натижада, ўзбеклар ўз тарихини, қадриятини, ўзлигини билиш имконияти узил-кесил йўқ қилинди.

Масжидлар ва мадрасалар фаолияти тўхтатилди. Ҳатто «эскичадан» саводи бор муллалар, мударрислар, хуллас, зиёлилар қатағон қилинди. Эски ёзувда битилган энг нодир китоблар, қўллётмалар териб олинди ва улар ёқиб ташланди.

Кейин лотин ёзуви ва русча алифбо истеъмолга киритилди. Янги турдаги мактаблар, олий ўқув юртлари фаолият кўрсата бошладилар. Ўқув дастурлари ва режалари ҳамда кўпчилик дарслик ва ўқув қўлланма-

лари Марказнинг — Маскўпнинг топшириғи ва кўрсағ-маси билан тузиладиган бўлди. Хуллас, бутун Ўзбекистонни барча соҳада комфирқа ва шўро ҳукумати мафкураси эгаллаб олди. Миллий таълим-тарбия анъ-аналари бутунлай барбод бўлди. Миллий қадриятлар оёқ-ости қилинди. Уларнинг ўрнига оврўпача, коммунистча тарбия асослари киритилди. Шулардан энг асосийси, аниқроғи миллий халқларга мосланган — тобелик, мутеълик, боқимандалик, қўрқоқлик ва шу каби тарбия турлари эди. Бу ҳол қарийб етмиш тўрт йил давом этди.

Бироқ бу найрангларни тушунадиган ўзбек халқининг ватанпарвар зиёлилари қачонлардир мустақиллик деган мўъжиза содир бўлишига ишонарди. Шу мўъжиза 1991 йил 31 август куни содир бўлди. Парламент йўли билан мустақиллик ғаълаба қилди. Бу хушхабарни мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов эълон қилди.

Баъзи миллий республикалар раҳбарлари иккиланиб, сукут сақлаб турган дастлабки кунларда Ўзбекистон давлатининг Президенти мустақилликни ҳимоя қилиш, уни сақлаб қолиш ва оёққа қўйиш, ривожлантириш ва ислоҳотлар ўтказишга дадил киришди. Унинг бу дадил ҳаракатига ички қарама-қаршиликлар, амал учун талашувлар, турли тўғаноқлар раҳна сололмади.

И. А. Каримов мустақил республиканинг ҳаракат дастурини ишлаб чиқди ва шу дастур ўз ифодасини топган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992) номли китобини чоп этди. Бу ҳақиқий ватанпарварлик, халқпарварлик намунаси ва жасорати эди. Унинг бу жасорати эркпарвар, истиқлолпарвар кишилар руҳини кўтарди, дадил ҳаракат қилишга илҳомлантириди. Бу, тарбияшунослик тили билан айтганда, мустақиллик руҳида тарбиялашнинг янги даврини бошлаб берди.

Ўзбекистон Президенти истиқлол тараққиётининг бешта тамойилини кўрсатиб берди. Улар Ўзбекистонда, биринчидан, мустақилликни ҳимоя қилиш, иккинчидан, уни мустаҳкамлаш, учинчидан, равнақ топтириш ва тараққий эттириш босқичларида муҳим амалий ва назарий аҳамият касб этади. Шунингдек, мустақилликни ва унинг ривожини таълим-тарбия ишларидан ташқарида тасаввур этиш мумкин эмас. Демак, шу

икки нарсани бир диалектик уйғунликда тушунмоқ, моҳиятини яхши англамоқ ва уларни буюк мақсад сари йўналтироқ лозим.

Тан олиш керакки, ҳалқ иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, ҳар қандай мафкурадан ҳоли бўлиши зарурлиги сабабларини аллақаҷон англади. Илгари мавжуд бўлган «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» нақлига амал қилинмоқда. Чунки оч-яланғоч, қашшоқ кишига ҳеч бир ташвиқот ва тарғибот таъсир қилмайди. Демак, ҳалқ ҳозирги кунда фақат иқтисодни яхшилаш, турмуш фаровонлигини ошириш ҳақида ўйлайди ва меҳнат қилади. Одамларнинг шу холосага келиши биринчи тамойилнинг бевосита тарбиявий таъсири ўлароқ, бу тарбияшуносликдаги буюк бурилишдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг давлат биринчи навбатда иқтисодиёт ислоҳотига алоҳида эътибор берди. Бошқача айтганда, Марказдан берилган буйруқлар, тавсия этилган яроқсиз режалар ёхуд айрим гуруҳлар, фирмә ва уюшмалар сўзлари билан ислоҳот ўtkазиш қийин. Чунки ҳар бир гуруҳ, фирмә ва уюшмалар ўз манфаатини устун қўйиб ҳаракат қиласди. Бундай хатти-ҳаракат ҳалқнинг айрим қатлами учун наф келтириши мумкин. Бироқ умумхалқ ва давлат манфаати бир чеккада қолиб кетади. Худди шу ва бошқа асосларга кўра давлат бош ислоҳотчилик ролини ўйнаши шарт. Тарихдаги давлатчилик ақидалари, аждодлар тажрибалари давлат юритишдаги шу шакл ва мазмунни тақозо этади.

Шу ўринда бир нарсани айтиш лозимки, ҳозиргacha бизнинг давлатчилик ва ҳалқ бундай кўнишка ва матақага эга эмас эди. Бу 74 йил давомидаги мутеълик, қуллик ва боқимандалик оқибатидир. Шу зикр қилинган иллатларни бартараф этишда таълим-тарбиянинг ўрни ва вазифаси бекиёсdir.

Давлат бош ислоҳотчилик ролини бажарап экан. бунда қонунчиликнинг устуворлиги жуда зарур омилдир. Агар ишбилармонлар, тадбиркорлар, жамоа хўжаликлари, корхоналар, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари муайян конституциявий қонун асосида иш юритмасалар, юритилаётган иқтисодий ислоҳотларни кўзланган буюк мақсадлар йўлидан тойдириши мумкин. Шунинг учун оддий фуқародан тортиб Президентгача барча инсонларнинг ҳуқуқлари қонун билан кафолатланиши зарур. Ҳамма, у ким бўлишидан ва қандай мансабда

ўтиришидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлмоқла-
ри керак.

Қайси соҳада бўлмасин, қонун устувор эмас экан,
диёнат ўрнини қабоҳат, яхшилик ўрнини ёмонлик, та-
раққиёт ўрнини тушкунлик, адолат ўрнини хиёнат эгал-
лаши муқаррар. Билъакс, миллий қадриятлар, меҳр-оқи-
бат, шарқона анъаналар ўз ўрнига тушади, ҳаёт ва тур-
муш яхшиланади. Қонун устуворлиги фуқаролар онгига
сингиб қолган салбий, ноинсоний тушунчаларни сиқиб
чиқаради. Бу тамойилнинг тарбиявий аҳамияти ҳам шун-
дадир.

И. А. Қаримов асарлари устида олиб борган тадқи-
қотларимиз ва уларни ҳаёт-турмуш тажрибалари билан
қиёсий ўрганиш устувор қонунчилик туфайли миллий
тарбиячилигимиз равнақ топади, деган илмий хulosага
келдик.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳот-
ларни жадал суръатлар билан амалга оширишнинг
асосий таянчи, бу — меҳнаткаш халқдир. Меҳнаткашлар-
нинг ота-оналари, болалари, қариндош-уруглари ижти-
мой жиҳатдан ҳимояланса, улар истиқлол истиқболи-
га ишонади. Бу ишонч меҳнат унумдорлигини ошириш-
да муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун Президентимиз
асосий диққат-эътиборни халқ ишончини қозонишга
қаратмоқда.

Қариялар, ногиронлар, болалар, кам таъминланган
оилалар, кўп болали оилалар, мактаб ўқувчилари, мах-
сус ўрта ва олий ўқув юртлари талабалари мoddий жи-
ҳатдан қийин аҳволга тушиб қолмаслиги лозим, улар-
нинг мағфаатлари ҳимоя қилиниши керак. Бу кучли
ижтимоий сиёсат олиб боришни тақозо этади. Кучли
ижтимоий сиёсат билан мустақиллик моҳияти ва тарбия-
си эгизакдир.

Кучли ижтимоий сиёсат давлатнинг иқтисодий куч-
кудрати билан бевосита боғлиқдир. Давлат ҳазинасида
етарли маблағ бўлса, халқ ижтимоий жиҳатдан кафо-
латланади ва таъминланади. Бу бойлик, яъни давлат-
нинг қудрати иқтисод билан алоқадордир. Давлат ва
халқ иқтисодини яхшилаш бозор иқтисодиётiga ўтишини
тақозо этади. Бозор иқтисодиётiga шунчаки сакраш би-
лан эмас, босқичма-босқич ўтилади. Жаҳондаги ривож-
ланган давлатлар тажрибаси, аждодларимизнинг давлат
юритиш усуллари шу хulosага олиб келди.

Аввал айтганимиздек, мустақилликни мустаҳкамлаш,

иқтисодий тараққиёт йўлидаги ишлар ҳали давом эта-ди. Бу йўлда амалга оширилгуси вазифаларнинг асосий қисми олдинда. Демак, ёшларни мустақиллик руҳидаги тарбиялаш иши авж олдирилиши ва юксак поғонага кў-тарилиши керак. Қолаверса, мустақил давлатнинг ке-лажаги 1991 йил 31 августдан — Ўзбекистон муста-қил давлат деб эълон қилинган кундан бошланди. Шу давлатнинг келажаги ҳозирги ёшларга боғлиқ. Бугунги ёшлар ҳар томонлама етук ходим бўлиб етишишлари зарур. Чунки улар демократик ҳуқуқий давлатнинг бўл-гуси эгасидирлар. Бундан умумтаълим мактабларида ҳуқуқий таълим-тарбия беришни кучайтириш керак де-ган хулоса келиб чиқади. Ўз ҳақ-ҳуқуқи ва бурчларини билмаган инсон демократик ҳуқуқий давлат манфаати учун хизмат қилиши мушкул.

И. А. Каримов қаерда бўлмасин — ўша ерларда, қайси анжуманда нутқ сўзламасин — ҳар бир гапида, ким би-лан мунозарага кирмасин — ўша савол-жавобда, нима иш қилмасин — ҳар бир фаолиятида, хуллас, у доимо Ўзбекистон мустақиллигининг маърифий негизи — маъ-навий-ахлоқий тарбия ҳақида қайғуради.

Мактаб — юрт мустақиллиги, келажагининг қуёши-дир. Садоқат — умр ва мустақиллик боғининг калитни-дир. Ватан туйғуси, эл қайғуси — муқаддас ва қутлуғ неъматдир. Мустақиллик ҳимояси — келгуси баҳтли тур-муш пойдеворидир. Шу улуғвор фазилатли инсонлар иши ҳалоллик ва фидойилик рамзиdir.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Прези-денти, иқтисодчи олим, академик И. А. Каримовнинг барча асарлари Ўзбекистон тарихига, унинг фан ва маданият, сиёsat ва иқтисодиёт соҳаларига, шунингдек, ҳалқ ҳўжалиги тараққиётiga, мустақиллик солномасига муҳим қўлланма ва йўлланма сифатида қўшилди. Шу-нингдек, унинг бу қўлланма ва йўлланмалари Ўзбекистон педагогикаси фани тарихида янги саҳифалар очди-ки, улар ёш авлодни янги мустақил давлатнинг тарақ-қиёти йўлида ҳалол ва фидойи инсонлар қилиб тайёр-лашга бевосита ёрдам беради.

Шунинг учун ўша асарлар асосида мустақиллик тар-бияси концепциясини, ўқув дастурни ва методик қўллан-маларни ишлаб чиқиш зарур. Бу дастур ва методик қўлланмалар умумтаълим, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари дарсхоналарида амалда татбиқ этилиши лозим.

Шундай қилиб, мустақиллик деган сўз, унинг моҳия-

ти ва тарбиявий асослари ҳар бир дақиқада ҳамма ерда дастуриламал бўлиб туриши керак.

Ўзбекистонда мустамлакачилик, зўравонлик асосига қурилган эски совет ҳокимияти барбод бўлгандан кейин вужудга келган Мустақиллик тузуми (қурилиши, шарт-шароити) моҳияти, мақсади ва вазифаларини жиддий ўрганиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ўша долзарб ва муҳим муаммоларга бағишиланган асарларини педагогик нұқтаи назардан тадқиқ этиш қуйидаги илмий-назарий, амалий-тарбиявий хуносаларга олиб келди.

1. Юртбошимиз И. А. Каримовнинг асарларини яна-да пухта ўрганиш, уларни умумтаълим мактабларида, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида таълим-тарбиявий асосда ўргатишни кенг жорий этиш зарур. Чунки уларда, биринчидан, мустақиллик моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари, иккинчидан, янги тузумнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий ва педагогик принциплари, учинчидан, янги ташкил топган тузум foяси ва ақидалари билан мустаҳкам қуролланган инсонларни тарбиядаш усуслари, тўртинчидан, аҳоли турмуш даражасини тинмай ошира бориш, бошқача айтгаңда, халқ фаровошлигининг тобора юксалишига асосий диққат-эътиборни қаратиш ва уни амалга оширишнинг аниқ режа ва йўл-пўрнеклари, бешинчидан, одамлар онгидан эски тобелик, боқимандалик кайфиятини бутунлай сиқиб чиқариб, янгича мустақиллик foяси ва мафкурасини тўла сингдириш каби инсонпарварлик, истиқлолпарварлик масалалари ишонарли ва асосли равишда кенг ёритилган.

2. Ислоҳотларнинг асосий беш тамойилида, «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» каби асарларда кўтарилилган масала ва муаммолар, белгилаб берилган аниқ ва равshan вазифалар мустақил давлатнинг пой-деворини чуқур ва ҳар томонлама пишиқ ҳамда мустаҳкам қилиб қуриш манбаи, қуроли ва усулидир. Чунки уларда инсон онгини янги руҳда тарбиялаш биринчи даражали вазифа экани алоҳида қайд қилинган. Зотан, юксак онг, иймон ва эътиқод асосида ўша ишлар мақсадга йўналтирилган даражада амалга оширилади.

а) Иқтисоднинг сиёсатдан устиворлигини таъминлаш инсоннинг янги тузумга қарашларини шакллантиришда ва, хусусан, тарбияшуносликда буюк бурилишлар омили бўлиб хизмат қиласиди;

б) ислоҳот ишларининг тизгини давлат қўлида бўлса, барча куч ва имкониятлар бошқа кераксиз ортиқча томонга эмас, балки мақсадли, яъни фақат давлат ва халқ манфаатларига йўналтирилади;

в) ҳукумат чиқарган қонунлар устиворлиги ва улар олдида барчанинг тенг жавобгарлиги, биринчидан, аҳолининг мустақилликка меҳр-муҳаббатини, иккинчидан, ишончини, учинчидан, меҳнатга бўлган янгича онгли муносабатини, тўртинчидан, ҳар соҳадаги эскича қарашларни бартараф этиш руҳиятини тарбиялайди;

г) олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёsat, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш йўлида амалга оширилаётган амалий ишлар аҳолининг маънавий-руҳий оламини истиқлолпарварлик маслаги асосида бойитиш баробарида мустақил фаровон ҳаётга ўргатиб бормоқда;

д) Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли унинг шарт-шароити ва заминини ҳозирлаш, демократия ва ижтимоий адолатни таъминлаш, ҳар соҳада миллий манфаатларни устун қўйиш, ички ва ташқи сиёsatни тубдан ислоҳ қилиб, уларни Ўзбекистон халқининг турмуш фаровонлиги, тинчлик ва осойиштагига қаратиш ва сафарбар қилиш, қолаверса, мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий асосини яратишдан иборатdir;

е) миллий қадриятларни, урф-одатларни, тарихий-маданий-маърифий меросимизни қайта тиклаш, мамлакат аҳолисига ўзлигини танитиш ва англатиш, миллий ер ости ва ер усти бойликларини қадрлаш ва асраш, халқ иззатини жойига қўйиш, танлаб олинган истиқлол ва тараққиёт йўлини ҳурмат қилиш ва унга қатъий амал қилиш, айниқса қишлоқ хўжалиги ишларини сёёқга қўйиш ва қишлоқ меҳнаткашларига эътиборни кучайтириш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини конституциявий йўл билан тўла ҳимоя қилиш ва шу кабилар Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканини таъминловчи ва унга ишонч руҳини тарбияловчи омиллардан ҳисобланади.

3. Давлатни бошқариш ва ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш жараёнида аждодларимизнинг бу борадаги ўғитлари, тузуклари ва тажрибаларини илмий-танқидий, илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш; шу асосда туғилган асосли фикр ва мулоҳазаларни

аҳоли, шунингдек, ёшлар онгига сингдириш зарур. Бунда Ҙалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳ, Амир Тимур, Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони соний-Феруз сингари давлат арбобларининг фаолиятлари назарда, тутилади.

4. Қарам ва мутеъ бўлиб кун кўраётган, яъни мустамлака мамлакатларида халқ ўз миллий, тарбиявий-тарихий анъаналарини, қадимий ахлоқ-одоб нормаларини ва урф-одатларини, шунингдек, маданий-маънавий-маърифий ёдгорликларни амалда кенг ва эркин қўллай билиш имкониятидан маҳрумлиги барчага аён ҳақиқатдир. Бундай жараёнларни ўзбек халқи ўз бошидан кечирган. Натижада, ўша тарбия усуллари ва йўл-йўриқларининг аксарият кўпчилиги унтилган. Демак, Ўзбекистонда тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш учун мусулмон дунёсининг муқаддас китоби ва ҳадисларидан, тасаввуф илмининг йирик намояндалари асарларидан, халқ оғзаки ижодидан илмий-танқидий равишда кенг фойдаланиш лозим. Бу мустақиллик тарбиясининг асосий қоидаларидан бири ҳисобланади ва мустақил давлатнинг пойдеворини мустаҳкам қилиб қуришга ёрдам беради.

5. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштиришда, аввало, келажакка ишончни, шунингдек, ҳалоллик ва фидойиликни тарбиялаш ва шу каби эзгу мақсадларга эришиш малакаларини таркиб топтириш жуда катта педагогик самара беради.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилаб берган барча вазифаларни тўла амалга ошириш учун умумтаълим, олий ва маҳсус ўрта ўқув юртларида «Мустақиллик тарбияси» фанини ўқитишни жорий қилиш зарур.

7. «Мустақиллик тарбияси» фани бўйича ўқув дастурлари тузиш, методик қўлланма ва дарсликларни тайёрлаш ва нашр этиш лозим.

8. Республика радиоси ва телекўрсатувлари орқали мустақиллик тарбияси бўйича маҳсус ўқув дастурларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ўларнинг оммабоп жанрга мослаштирилиши кўпроқ педагогик-дидактик самара беради.

9. Кўрсатиб ўтилган ва бошқа усуллар ёрдамида мустақиллик гояси ва мағкураси асосига қурилган инсон тафаккури ҳамда маънавиятини қайта тарбиялаш ҳозирги даврнинг муҳим вазифасидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Каримсөй И. А. Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Узбекистон», 1992.

Каримов И. А. Халқимизнинг оташқалб фарзанди. Тошкент, «Узбекистон», 1992.

Каримов И. А. Узбекистон — келажаги буюк давлат. Тошкент, «Узбекистон», 1992.

Каримов И. А. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, «Узбекистон», 1993.

Каримов И. А. Узбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, «Узбекистон», 1993.

Каримов И. А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Тошкент, «Узбекистон», 1993.

Каримов И. А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Тошкент, «Узбекистон», 1993.

Каримов И. А. Узбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Тошкент, «Узбекистон», 1993.

Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1993.

Каримов И. А. Деҳқончилик тараққиёти — фаровонлик манбай. Тошкент, «Узбекистон», 1994.

Каримов И. А. Йўлимиз — мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Узбекистон», 1994.

Каримов И. А. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Тошкент, «Узбекистон», 1994.

Каримов И. А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик. Тошкент, «Узбекистон», 1994.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, «Узбекистон», 1994.

Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият (тузувчи ва нашр учун масъуллар: филология фанлари доктори, профессор Н. Комилов, К. Бўронов). Тошкент, «Узбекистон», 1994.

Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Узбекистон», 1992.

Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг 1992 йил 2 июль қарорига асосан «Таълим тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонуни.

Қуръони карим.

(Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). Тошкент, «Чўлпон», 1992.

Ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналари.

Мұхаммад Зикариё.

Фазоилул аъмол (Мутаржим Йўлдош Сайд Аъло). Тошкент, «Чўлпон», нашриёти, 1993.

Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 1 китоб, Тошкент, Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.

Абу Иса ат-Термизий.

Аш-шамойил ан-набавийя. (Таржима ва кириш сўзи муаллифи Убайдулла Уватов), Тошкент, «Чўлпон», 1992.

Абу Иса ат-Термизий. Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. (Араб тилидан Абдуғани Абдулло таржимаси). Тошкент, Faфур Fuлom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.

Абулл Қосим Maҳмud аз-Замахшарий.

Нозик иборалар. (Шарҳлар муаллифи ва таржимон Убайдулла Уватов). Тошкент, «Қамалак», 1992.

Носируддин Бурҳонуддин Rabғuziy.

Қиссаси Rabғuziy, 1 житоб, Тошкент, «Ёзувчи», 1990.

Сўғи Оллоёр. Саботул ожизин. Тошкент, «Чўлпон», 1991.

Шайх Зоҳиҷхон Отакон ёғли.

Пайғамбарлар қиссаси. Тошкент, Қомуслар Бош таҳририяти, 1993.

Мұхаммад Ҳузарий. Нур-ул яқин. Тошкент, «Чўлпон-Қамалак», 1992.

Узбек халқ мақоллари.

(Тўпловчилар: Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов ва бошқалар). Тошкент, Faфур Fuлom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.

Шарқ тафаккури хазинасидан.

Тошкент, Faфур Fuлom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур.

Тошкент, Faфур Fuлom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.

Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида.

(Таржимон Ш. Зуннун). Тошкент, «Ўқитувчи», 1986.

Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.

(Тузувчи-муаллиф Е. Сайтов). Тошкент, «Ўқитувчи», 1992.

Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993.

Авлоний Абдулла. Тошкент тонги. Тошкент, Fafur Fulom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

Абулғози Баҳодирхон.

Шажараи турк. Тошкент, «Чўлпон», 1992.

Абу Райхон Беруний. Ҳикматлар. (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Абдусодиқ Ирисов), Тошкент, «Ёш гвардия», 1973.

Абу Райхон Беруний.

Тарвиҳалар. «Жавоҳирот китоби»дан. Тошкент, «Мерос», 1991.

Абу Райхон Беруний.

Феруза. (Нашрга тайёрловчи ва таржимон А. Ирисов). Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али.

Баҳоуддин Балогардон. Тошкент. «Ёзувчи», 1993.

Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар, Тошкент, «Ўқитувчи» 1994.

Еқубов Одил. Ҳаво йўлларида мuloқot. «Ҳаёт ва иқтисод» ойномаси, 1992 йил 11-сон.

Еқубов Рўзимат.

Жалолиддин Мангуберди. Урганч, Хоразм вилоят Матбуот бошқармасининг «Хоразм» таҳририят-нашр бўлими, 1993.

Жўраев А. Ж. Тарбиявий дарсларни ўтиш. Тошкент, «Ўқитувчи», 1994.

Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент, «Чўлпон», 1994.

Муҳаммад аз-Захирий ас-Самарқандий. Синднома. (Форсчадан Юнусхон Ҳакимжон таржимаси), Тошкент, Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1993.

Навоий Алишер.

Маҳбуул-қулуб. Тошкент, Fafur Fulom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

Очил Сафо.

Бир гап айтай қулоғингга. Хоразм вилоят Матбуот Бошқармасининг «Хоразм» таҳририят-нашр бўлими, Урганч, 1993.

Очил Сафо.

Қалб гулшани. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992.

Очил Сафо.

Орзулар кўкидаги шафақлар. Тошкент, «Ўқитувчи», 1993.

Раҳим Давлатёр ва бошқалар

Феруз. Тошкент, Fafur Fulom номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991.

Раҳматуллоҳ Туркистоний.

Илм ва иймон. (Сўнгги сўз ҳожи Эмин Усмонники).

Сийф уз-Зифар Навбаҳорий.

Дурр ул-мажолис. Тошкент, «Мерос», 1992.

Сайдов Ақмал.

Мустақиллик қомуси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993.
Темур тузуклари.
(Форсчадан Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимаси).
Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси,
1991.

Амир Темур ўғитлари.

Тўплаб нашрга тайёрловчилар: Ўзбекистон Республикаси ФА
муҳбир аъзоси Бўрибой Аҳмедов ва ёзувчи Акром Аминов. Тош-
кент, «Наврӯз». 1992.

Тўраева О.
Бола азиз, одоби ундан азиз. Тошкент, «Ўқитувчи», 1986.

Тўрақулов Э., Раҳимов С.
Абу Райхон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида, Тош-
кент, «Ўқитувчи», 1992.

Уватов Убайдулла.
Донолардан сабоқлар, Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги
халқ мероси нашриёти, 1991.

Усмонов Р.
Одабнома. Тошкент, «Ўқитувчи» 1985.

Қори Низомиддин бин Мулла Ҳасан.
Илми ахлоқ, Тошкент, «Ёзувчи», 1994.

Қурбонов Турсунали.
Одабнома, Тошкент, «Ўқитувчи», 1991.

Ҳошимов К.
Куни узайтирилган мактаб ва мактаб-интернатларда гаълим-
тарбия масалалари. Тошкент, «Ўқитувчи», 1985.

Чернишевский Н. Г.
Танланган педагогик асарлар. Тошкент, «Ўқитувчи», 1989.
Юсуф Ҳос Ҳожиб.

Қутадғу билиг. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1971.

Яссавий ким эди. (Мақолалар ва «Ҳикматлар»дан парчалар.)
Тошкент, «Мерос», 1992.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БОБ. УЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БЕШ ТАМОЙИЛИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ	12
1- §. Мустақилликнинг моҳияти ва тарбия сабогининг йўналиши .	13
2- §. Иқтисодийнинг сиёсатдан устуворлиги ва тарбияшунослиқдаги бурилиш	21
3- §. Давлатнинг бош ислоҳотчилик роли ва бу жараёнда тарбиянинг ўрни	27
4- §. Қонун устуворлиги — фуқаролар онгидаги эски тушунчаларни бартараф этишининг педагогик негизи	34
5- §. Кучли ижтимоий сиёсат — маънавий барқамоллик манбаи .	42
6- §. Бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш сиёсати ва аҳолини фаровон ҳаётга ўргатиш принципи	49
II БОБ. УЗБЕКИСТОНДА ИСТИҚЛОЛ ТАНТАНАСИ ВА ЕШ ПАВЛОДНИ МУСТАҚИЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ .	57
1- §. Истиқлол йўлининг шарт-шароити ҳамда заминини яратиш ва маънавий тарбиянинг истиқболи	62
2- §. Демократия ва ижтимоий адолат — ишонч руҳини тарбиялаш омили .	69
3- §. Миллий манфаат, ташқи сиёсат ва ҳамкорлик одоби	85
4- §. Мустақил иқтисодий сиёсат ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялашнинг асоси сифатида	92
III БОБ. МУСТАҚИЛЛИК БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЕШЛАР ТАФАҚКУРИНИН ШАҚЛАНТИРИШИ — БҮЮК МАҚСАД	104
1- §. Болаларда Узбекистон келажагига ишонч руҳини тарбиялаш .	106
2- §. Үқувчиларда янгича моддий ва иқтисодий фаровони- лик ҳақидаги туйғуларни тарбиялаш .	113
3- §. Ҳуқуқий таълим-тарбия демократик ҳуқуқий дав- латнинг пойдеворидир.	127
4- §. Келажак бугундан бошланади	133
5- §. Ёшларда эзгу мақсадга эришиш малакаларини вужуд- га келтириш ва такомиллаштириш	137
IV БОБ. УЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ	147
1- §. Мустақил Узбекистонни ривожлантиришнинг маъ- навий-ахлоқий хусусияти ва маънавий-ахлоқий тарбия	147
2- §. Ҳалоллик ва фидойилик одобини мустақиллик руҳида шакллантириш .	169
3- §. Мунозарада туғилган ҳикматлар — тарбия сарчашма- си	178
Хулоса .	195
Фойдаланилган адабиётлар	203
	207

Сафо Очил

Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. К. Ҳошимовнинг умумий таҳририда. Т.: Ўқитувчи, 1995.—208 б.

САФО ОЧИЛ

МУСТАҚИЛЛИК МАЪНАВИЯТИ ВА ТАРБИЯ АСОСЛАРИ

Тошкент «Ўқитувчи» 1995

Муҳаррир *M. Аҳмедов*
Бадиий муҳаррир *Э. Нурмонов*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*
Мусаҳҳих *Ш. Тұлаганов*

ИБ № 6736

Теришга берилди 9. 12. 94. Босишга рухсат этилди 3. 04. 95. Бичими
84×108/32. Тип қозози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси.
Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 11,34. Шартли кр-отт.
11.076. Нашр. л. 11.07. 10000 нусхада босилди. Буюртма № 1.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома
12—184—94.

Узбекистон Республикаси. Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл
ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш. Самарқанд кўчаси, 44. 1995